

**ТИБИЁТ ИНСТИТУЛARI ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
ҮҚУВ АДАБИЁТИ**

**КОММУНАЛ ГИГИЕНА ФАНИДАН АМАЛИЙ
МАШГУЛОТЛАР УЧУН ҚҰЛЛАНМА**

Академик Т.И. ИСКАНДАРОВ тахрири остида.

Кириш

МУНДАРИЖА

- I-Бўлим. Ахоли яшаш жойларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш гигиенаси
- II-Бўлим. Сув хавзаларини ифлослантиришдан санитария мухофаза килиш гигиенаси
- III-Бўлим. Ахоли турар жойларини санитария тозалаш гигиенаси
- IV-Бўлим. Атмосфера хавосини санитария мухофаза килиш гигиенаси
- V-Бўлим. Тураг-жой ва жамоат биноларини гигиенаси
- VI-Бўлим. Ахоли турар жойларини лойихалаштириш

Муаллифлар:

Профессор, т.ф.д.: Г.Т. Искандарова
Доцентлар, т.ф.н.: Н.Т.Орипхонов, Л.Н.Хегай Г.Ф. Шеркўзиева,
Б.Э. Тўхтаров
катта ўқитувчилар: Х.С.Алимходжаев, Д.А.Акрамов
Ассистент: А.М.Юсупходжаева.

Тошкент 2006

МУНДАРИЖА

I-Бўлим. Ахоли яшаш жойларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш гигиенаси

Ичимлик суви сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар ва уни сифатини назорат қилиш усуллари

Ичимлик суви сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар

Марказлаштирилган ичимлик-хўжалик сув таъминоти сифатини назорат қилиш

Марказлаштирилган ичимлик-хўжалик сув таъминоти маънбаларини санитария ҳолатини бақолаш

Сув маънбаларига қўйиладиган гигиеник ва санитария-техник талаблар

Ичимлик суви Давлат стандартини санитария назоратида кулланиш услуби

Ичимлик сувини коагуляция усулида яхшилашни санитария баҳолаш

Ичимлик сувини заарсизлантириш усулларини санитария баҳолаш

Сув тармоги бош иншоотларини санитария қўригидан ўтказиш услуби

Сув таъминотини тармоқлари лойихаларини санитария-гигиеник экспертизаси.

Ер ости сув маънбаларидан олинадиган сув таъминоти тармоқларининг иншоотлари учун иккинчи СХМ аниқлаш усуллари

Марказлаштирилган ичимлик-хўжалик сув таъминоти бош иншоотлари санитария назоратидан ўтказиш

II-Бўлим. Сув хавзаларини ифлослантиришдан санитария мухофаза қилиши гигиенаси

Сув хавзаларини ифлослантирувчи маънбаларни аниқлаш

Чикинди сувларни ва унинг чўқмаларини тозалаш, қайта тозалаш ва заарсизлантириш иншоотларини текшириш усуллари

Чикинди сувлардан синамалар олиш, тахлил қилиш тартиби ва натижаларни қайд этиш тартиби

Тозалаш иншоотларида тозаланган чикинди сувларни сифатини гигиеник баҳолаш усуллари

Чикинди сувларни сув хавзаларига тушуриш шароитларини Аниқлаш усуллари

III-Бўлим. Ахоли турар жойларини санитария тозалаши гигиенаси

Ахоли турар жойларини санитария тозалаш тизимларини гигиеник баҳолаш

Ахоли турар жойларини тозалаш тизимини санитария назорати

Тупроқдан синамалар олиш, тахлил ўтказиш тартиби ва унинг натижаларини қайд қилиш

IV-Бўлим. Атмосфера хавосини санитария мухофаза қилиши гигиенаси

Ахоли турар жойларини атмосфера хавосини санитария мухофазалаш соҳасида расмий хужжатларни ишлатиш усулублари

Автомагистралларда СО газини аниқлаш бўйича талабаларнинг илмий ишларини режаси

Атмосфера хавосини ифлосланишини назорат қилиш усуллари

Атмосфера хавосини ифлосланишига гигиенник баҳо беришда лаборатория усулларини кўллаш

Атмосфера хавосини ифлослантирувчи маънбаларни-ишлаб чикариш
объектларини санитария назоратидан ўтказиш
Ахоли саломатлик холатини ўрганиш усулубий тамоиллари

V-Бўлим. Тураг-жой ва жамоат биноларини гигиенаси

Хонадон намунасидағи тураг жой бинолари лойихасини санитария баҳолаш усуллари

Хаммол ва кирхоналарини лойихаларини санитария экспертизаси

Даволаш профилактик муассасалари лойихаларини гигиеник баҳолаш

Сартарошхоналарни санитария текшириш дастури

Тураг жой ва жамоат биноларини марказлаштирилган иситиш тизимларини хисоб-китоб усули

Ёритилганликни санитария баҳолаш усуллари

Тураг жой ва жамоат бинолари булимида ОСН

VI-Бўлим. Ахоли тураг жойларини лойихалаштириши ва қурулиш гигиенаси

Шахар ва қишлоқ ахолиси тураг жойларини режалаштириш ва қурулиш лойихаларини баҳолаш.

Кичик туман ва мавзеларнинг лойихаларини санитария баҳолаш

Транспортдан хосил бўладиган шовкинларнинг санитария тавсилоти

Кириш

“Вақт, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишни, аҳоли саломатлигини яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш соҳасида Республикамиз ва Хорижий давлатларда эришилган мувофаққият, тажрибаларга таянган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохатларга мос равища уни такомиллаштиришни талаб этади.” (Ислом Каримов).

Касалликларни олдини олиш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни мусаффо барқарорлигини таминлаш Соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тиббий ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларни танлаш ва жой – жойига қўйиш масалалари катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Тиббий ходимларни тайёрлаш сифат даражасини Давлат таълим андозаларига мос равища кўтариш лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида таъкидлаганидек, аҳолига янгича тиббий хизмат кўрсатиш, соғлиғини сақлаш ва муҳофаза қилиш, тизимда рақобатни шакллантириш, миллий тибобатимизни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг юқори поғонасида рақобат қилишга қодир, замонавий талабларга жавоб берувчи, амалий фаолиятга тайёр янги ходимлар тайёрлашни таъминловчисидир.

Тиббий ходимларни тайёрлаш жараёни аксарият холларда амалий машғулотлар олиб бориш ва мустақил ишларни бажариш билан мустаҳкамланади. Юқоридаги барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда “Коммунал гигиена фанидан амалий машғулотлар учун” қўлланмаси давлат тилида яратилди.

Коммунал гигиенадан амалий машғулотлар қўлланмаси мутахассислик бўйича Давлат стандарти, ихтисослик тавсияномаси, фан бўйича намунавий дастурга асосланган ҳолда ёзилган бўлиб у VII – бўлимдан иборат.:

I – Бўлим: Сув ва сув таъминоти гигиенаси;

II – Бўлим: Очиқ сув ҳавзаларини санитария муҳофаза қилиш гигиенаси;

III – Тупроқ гигиенаси ва аҳоли турар жойларини санитария тозалаш;

IV – Атомосфера ҳавоси гигиенаси;

V – Турар жой (жамоат) бинолари ва даволаш профилактика муассасалари гигиенаси;

VI – Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турар жойларини режалаштириш гигиенаси;

VII – Ташқи мухитни ифлосланиш муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш гигиенаси;

Мазкур қўлланма Тошкент Давлат тиббиёт институтида фан бўйича кўп йиллик амалий машғулотлар олиб бориш натижасида амалиётда фаолият олиб бораётган ходимларнинг фикрларидан юзага келган тажрибаларга асосланган ва талабаларни лаборатория тажрибаларини мустаҳкамлашда, амалий билимларини бойитишда, огохлантирувчи ва жорий санитария назоратини олиб боришда тадбиқ қилиниши назарда тутилган булиб коммунал гигиена фанининг барча бўлимини ўз ичига олган.

Қўлланмада талабаларнинг амалиёт шароитида муаммоларни хал қилишда мустақил фикр юритиши учун олиб борадиган ва билиши, уddaрай билиши керак бўлган амалий кўникмалар келтирилган.

Талабаларнинг амалий машғулотлар ва маъruzalarда Давлат стандартлари, Қурулиш меъёрлари ва қоидалари, санитария қонун қоидалари, Услубий қўлланмаларга асосланиб олган назарий билимларини амалиётда синаб қўриш, қўйилган мақсад ва вазифаларни хаққоний, маънавий, ўткир мутахассис сифатида хал қилишига асосланган.

Амалий машғулотларда олган билимларини умумлаштириб ташки мухит омилларини инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш ва уларни олдини олиш борасида тадбирий чоралар ишлаб чиқиш, амалиётга тадбиқ қилишга сабаб бўлади.

Амалий машғулот дарслигини яратишда коммунал гигиена кафедраси профессор–ўқитувчилари ва амалиётда фаолият кўрсатаётган тиббий ходимларнинг истак ва талаблари инобатга олинган.

Айрим камчиликлар ва хатолар учун узр сўраймиз ва ўқувчилар, амалиёт ходимлари, сохага таалуқли мутасадди хамкаслар тўлдирадилар деган умиддамиз.

I – БЎЛИМ. Аҳоли яшаш жойларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш гигиенаси.

Машғулотнинг мақсади–Марказлаштирилган сув таъминоти жара-ёнида 950 : 2000 сонли “Ичимлик суви” Давлат

стандартини тадбиқ қилиб санитария назоратини олиб боришга талабаларни ўргатиш.

Машғулотни ўтиш жойи-Ўқув хонаси.

Назорат учун саволлар.

1. Юқумли касалликларни тарқалишида сув омилининг аҳамияти;
2. Ноюқумли касалликларни юзага келишида сувнинг кимёвий кўрсаткичларининг аҳамияти;
3. Ичимлик сувининг эпидемиологик ҳавфсизлигини таъминлаш меъёрлари;
4. Сувнинг захарсизлик ҳолатини изохловчи кимёвий кўрсаткичларни меъёрлари;
5. Сувнинг органолептик кўрсаткичларини таъминловчи гигиеник меёрлари;
6. Марказлаштирилган ичимлик суви таъминотини сифат кўрсаткичларини кимлар тасдиқлайдилар?
7. Очиқ ва ер ости сув маънбаларидан марказлаштирилган сув таъминоти тизими учун фойдаланилганда сувнинг қандай кўрсаткичлари аниқланади ва кузатув сони лаборатория кузатув ишлари амалга оширилади;
8. Сув таъминоти тармоғида лаборатория кузатувни олиб бориш учун қандай синамалар олинади?
9. Сувнинг сифатини тўлиқ кузатиш учун қайси жойлардан синамалар олинади?
10. Сув таъминоти тармоғларида сувнинг қайси сифат кўрсаткичлари бўйича гигиеник баҳо берилади?

Машғулотнинг жихозланиши.

“Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш” Давлат стандарти. 950 - 2000

Ўқув хонаси: Слайдлар, далолатномалар, вазиятли масалалар.

Дарснинг мазмуни:

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан етарли миқдорда таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда ва юқумли касалликларни олдини олишда катта аҳамият касб этади. Бу борасида кўпгина мутахассислар муаммоларни ҳал қилишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Санитария кузатув ишларининг самарадорлиги: марказлаштирилган ва маҳаллий ичимлик суви билан аҳолини таъминлашда тиббиёт профилактика ходимларининг иш услуби; ичимлик сув сифатини меъёрлаштириш; сув маънбаларинининг табиий ҳолатини ўрганиш; санитар - техник иншоотларнинг ҳолати, уларни сувнинг сифатини яхшилаш мақсадида

фойдаланиши, ҳамда сувнинг сифатини лаборатория текшируви натижаларига асосланган.

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида гигиеник талабларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, лаборатория текшируви учун олинадиган синамаларни асосий кўрсаткичларига боғлиқдир. Буларни сув тармоғи иншоотларини санитария нуқтаи назари бўйича текшириш, шу жумладан маҳаллий сувларни санитария холатини кузатиш билан амалга оширилади.

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминланиш холатини талабаларга ўргатишда амалий машғулотни тутган ўрни асосан талабаларга Давлат стандартини тадбиқ қилиш йўли билан огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратида қўллаб, сувнинг сифатини гигиеник талабаларга мос келиш ва келмаслигини таққослаб ўз фикр мулохозаларини билдиришдан иборатдир.

Амалий машғулотнинг асосини марказлашган сув таъминоти тизими лойиҳаларни кўриб чиқиш, лойиҳага таалуқли хужжатларни тахлили, лойиҳанинг тушунтириш хати ва чизма қисмларини кўриб чиқиш босқичлари, сувнинг сифатини яхшилаш бўйича кескин масалаларни ҳал қилишдан, ҳамда лойиҳалар бўйича санитар хулосани тўғри беришдан иборат.

Ичимлик суви сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар ва уни сифатини назорат қилиш усуллари.

Сув омили бир қатор юқумли касалликлар (қорин тифи, паратиф, ичбурууғ, вабо, гепатит, сил, сибир яраси, амебиоз, гелминтоз ва бошқалар) ни, ноюқумли бўлган касалликлар (урор касаллиги, эндемик буқоқ, эндемик флюороз ва кариес, сув-нитратли метгемоглобинемия ва бошқалар) ни тарқалишида ва келиб чиқишида катта аҳамиятга эга.

Сув таъминоти-аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга йўналтирилган тадбирий чоралар ва техник мосламалар мажмуидир. Икки хил сув таъминоти тизими фарқланади: маҳаллий ва марказлаштирилган. Марказлаштирилган сув таъминоти тизимида сув маънбадан механик йўл билан олинади, қайта ишланади ва сув таъминоти тармоқлари орқали истемолчиларга юборилади, маҳаллий сув таъминотида эса, истемолчилар сув маънбасининг ўзидан бевосита фойдаланадилар.

Ичимлик сув сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар.

Сув таъминоти тармоқлари орқали истемолчиларга юборилаётган ичимлик суви сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар 950:2000 сонли “Ичимлик суви” Давлат стандартида акс эттирилган. Мазкур стандарт факат марказлаштирилган сув таъминоти тармоқлари орқали истемолчиларга юборилаётган ичимлик – хўжалик сувлари учун тадбиқ қилинади. Стандарт маҳаллий сув таъминоти сувлари учун тадбиқ қилинмайди.

Истемолчиларга юборилаётган сувни тасодифан ёки мунтазам ифлосланишдан муҳофаза қилиш учун санитария ҳимоя минтақа-ларини ташкил қилиш ва сув тармоғи тизимини герметик маҳкамлаш мосламаларини ўрнатиш йўллари билан ҳимоя қилиниши зарур.

Истемолчиларга юборилаётган ичимлик сувининг сифати қўйида кўрсатилган жойларда, унинг таркиби ва хусусиятлари бўйича баҳоланади: сувни олиш жойларида, сув таъминоти маънбаларидан сувни тармоқларига беришдан аввал ва тақсимловчи тармоқда. Тармоқка юборилаётган сувнинг сифати сув маънбасининг қандай хили бўлишидан, сифатини яхшилаш усуулларидан фойдаланиш, сув тармоғи қувурларининг конструкциялари ўзига хослигидан қатъий назар сувнинг сифат таркиби ва хусусиятлари қўйидаги гигиеник талабларга жавоб бериши зарур: 1) унинг эпидемик томонидан ҳавфсиз бўлиши; 2) кимёвий таркиби бўйича заарсиз бўлиши; 3) ёқимли органолептик хусусиятларга эга бўлиши; 4) радиация ва 5) паразитологик томонидан ҳавфсиз бўлиши керак.

Ичимлик сувини эпидемиологик томонидан ҳавфсизлиги қўйидаги билвосита кўрсаткичлар бўйича аниқланилади: бактериялар билан умумий ифлосланиш даражаси ва ичак таёқчаси бактериялар гурухи сони. Умумий микроблар сони - 1 мл суюлтирилмаган сувдаги сапрофит микроорганизмларнинг сони 100 тадан ортмаслиги керак, коли индекси - 1 литр сувдаги ичак таёқчасининг сони 3 тадан ортмаслиги керак, коли титр - 1 та ичак таёқчасини туттан сувнинг энг кам миқдори 300 мл.дан кам бўлмаслиги керак.

Жадвал 1.

Ичимлик суви сифатини эпидемиологик ва паразитологик кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Меёри
I. Эпидемиологик кўрсаткичлар.		
1. Умумий микроблар сони	1 мл суюлтирилма-ган сувдаги	100 дан кўп бўлмаган

	микроблар сони	
2. Коли индекс	1000 мл сувдаги ичак таёқчалари гурухи бактериялари	З дан кўп бўлмаган
3. Эшерихиялар (янги нажасли ифлосланиш кўрсаткичи)	300 мл сувда эшерихиялар сони	Йўқ (агар аниқланса коли индекс ва эшерихияларга такрор синама олинади)
4. Колифаглар	200 мл сувда япроқча ҳосил қилиш бирлиги (БОЕ) сони	Йўқ (фақат очик сув маънбаларида аниқланади)
II. Паразитологик кўрсаткичлар		
1. Патоген ичак содда ҳайвонлари: Лямбдия, цисталар, ичбуруғ амёбалари, балантидилар	25 мл сувда цисталар	Йўқ (фақат очик сув маънбаларида аниқланади)
2. Гижжа тухумлари	25 мл сувда тухум-лар ва личинкалар сони	Йўқ (фақат очик сув маънбаларида аниқланади)

Ичимлик сувининг кимёвий таркиби бўйича ҳавфисизлигини таъминловчи кўрсаткичлар қуидаги моддаларнинг меёрларини ўз ичига олади: сувнинг табиий таркибидаги моддаларни, сувни сифатини яхшилаш жараёнида реагент сифатида қўшиладиган моддаларни, саноат ва қишлоқ хўжалик чиқинди сувлари билан сув маънбаларини ифлосланиши натижасидаги моддаларни. Сув таркибидаги моддаларнинг рухсат этиладиган концентрациялари қуидаги жадвалда кўрсатилган меёрлардан ортаслиги керак:

Жадвал 2.

Кимёвий моддаларнинг номланиши	Меёри (мг.л)
I. Сувнинг табиий таркибидаги моддалар.	
1. Бериллий	0, 0002 кўп эмас
2. Молибден	0,25 кўп эмас
3. Нитратлар	45,0 кўп эмас
4. Қўрғошин	0,03 кўп эмас
5. Фтор	0,7
6. Стронций	7,0 кўп эмас
7. Нитритлар	3,0 кўп эмас

II. Сувни сифатини яхшилаш жараёнида реагент сифатида қўшиладиган моддалар.	
1. Полиакриламид қолдиғи	2,0 кўп эмас
2. Кумуш	0,05
3. Алъюминий қолдиғи	0,5
III. Сув маънбаларини саноат ва қишлоқ хўжалик чиқинди сувлари билан ифлосланиши натижасида	
1. Бензол	10 мкг. л. дан кўп эмас
2. Бенз (а) пирен	0,01
3. Пестицидлар	"Пестицидларни атроф муҳит объектлари ва озиқ - овқатларда гигиеник меъёрлари" Сан К ва М дан олинади.
IV. радиоактив ифлосланиш кўрсаткичлари	
1. Суммар альфа - радиоактивлик	0,1 Бк.Л
2. Суммар бетта - радиоактивлик	1,0 Бк.Л
Радиоактивлик ифлосланиш кўрсаткичлари ўрнатилган қийматлардан юқори бўлганда ҳолларда "Радиация ҳавфсизлик санитария қоида ва меъёрлари" бўйича ифлосланиши радионуклид таркибини қуидаги кўрсаткичлар бўйича қўшимча назорат қилинади: Уран - 238, Радий - 226, Радон - 222, Стронций - 90.	

Ичимлик сувининг органолептик хусусиятлари қуидагида тавсифланади:

- 1) ичимлик сувининг органолептик хусусиятининг рухсат этиладиган ўзгариш интенсивлиги (хиди, ранги, таъми, лойқалиги);
- 2) энг кам концентрацияда ичимлик сувининг органолептик хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли бўлган кимёвий моддалар таркиби.

Сувнинг органолептик кўрсаткичлари қуидаги талабларга мос келиши зарур:

Жадвал 3.

Кўрсаткичлар номи	Меёри
Хид, 20 ва 60 градусларда	2 баллдан ортиқ эмас
қўшимча таъм, 20 градусда	2 баллдан ортиқ эмас
Ранги, пластино – коболтли шкалада	20 градусдан ортиқ эмас
Лойқалиги, стандарт шкала	1,5 мг.л (2,0) дан отиқ эмас
бўйича	

Сув, қуролланмаган кўз орқали фарқланадиган сув организмлари ва юза плёнкаларни тутмаслиги керак. Сувни

хлорлашдан сўнг ҳосил бўладиган махсус ҳид ва таъм 1 баллдан ортмаслиги керак. Водород кўрсаткичи (рН) 6,0 – 9,0 чегарасида бўлиши керак.

Ичимлик сувининг органолептик хусусиятларига салбий таъсири кўрсатиши эҳтимоли бўлган кимёвий моддаларни меёри қуийдаги жадвалда кўрсатилгандан ортмаслиги керак.

Жадвал 4.

Кимёвий моддаларнинг номи	Меёри (мг.л)
I. Сувнинг табиий таркибида учрайдиган моддалар	
1. Қуруқ қолдиқ	1000 (1500) кўп эмас
2. Хлоридлар	250 (350) кўп эмас
3. Сулфатлар	400 (500) кўп эмас
4. Темир	0,3 (1,0) кўп эмас
5. Мис	1,0 кўп эмас
6. Рух	3,0 кўп эмас
7. Умумий қаттиқлиги	7,0- м.экв.л. кўп эмас
8. Водород кўрсаткичи (рН)	6 – 9
9. Полифосфатлар (РО2)	3,5
10. Нефт маҳсулотлари	0,1
II. реагент сифатида қўшиладиган моддалар	
1. Гексаметофосфат	3,5 кўп эмас
2. Триполифосфат	3,5 кўп эмас
III. Сув маънбаларига чиқинди сувлар орқали тушадиган моддалар	
1. фенол (карбон кислота)	0,001 (1,0) кўп эмас
2. Пестицидлар	“Пестицидларни атроф муҳит обьектлари ва озиқ – овқатларда гигиеник меъёрлари” Сан Қ ва М дан олинади.

Сувда заарли токсикологик кўрсаткичи бўйича меёrlаштирилган ва ҳавфлилиги бўйича 1 ва 2 синфга кирувчи бир нечта кимёвий моддалар аниқланган чоғда, шундай моддалар гуруҳи қуийдаги tenglama бўйича:

$$\frac{C_1 \text{ аник}}{R\mathcal{E}M_1} \leq 1 \quad \frac{C_2 \text{ аник}}{R\mathcal{E}K_2} \quad \frac{C_n \text{ аник}}{R\mathcal{E}K_n}$$

сув сифатини баҳоловчи мажмуий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Марказлаштирилган ичимлик-хўжалик сув таъминотида сувни сифатини назорат қилиш.

Марказлаштирилган сув таъминоти орқали истемолчиларга юборилаётган ичимлик сувни сифатини ҳавфсиз, заарсиз ва органолептик хусусиятини хушрўй бўлишини “Сувсоз” бошқармаси томонидан ўрнатилган аккредитациядан ўтган ишлаб чиқариш лабораторияси ва марказий лабораторияларда олиб борилади.

Давлат санитария назорати марказларининг лабораториялари сув сифатининг назорати белгиланган тартибда ўтказилади.

Ичимлик сувни сифатини яхшилаш жараёнини турли босқичларида сувнинг сифатини техник назорати технологик регламентларга мос равишда Республика Давлат Санитария эпидемиология назорат маркази билан келишилган жадвал асосида ўтказилади.

Сув сифатининг назорати ва уни ўрнатилган гигиеник талабларга мос келишини сувни сув маънбаларидан олиш жойларида, тозалаш босқичларида, тақсимловчи тармоққа беришдан аввал ва тақсимловчи тармоқда олиб борилади.

Сув олиш иншоотларида, тоза сув саклаш резервуарларида, босим ҳосил қилувчи тармоқларда ва тақсимловчи тармоқларида сувдан синама олиш ва синамалар сони Республика Давлат Санитария эпидемиология назорат марказлари билан келишилган ҳолда белгиланади. Тақсимловчи тармоқда сув синама олиш жойлари асосий магистрал тармоқларнинг кўча, сув олиш тармоқлари, боши берк тармоқлар ва тармоқни юқори кўтарилиган жойларида, юқори қаватларга сувни ҳайдаб бериш жойларида белгиланади.

Сувнинг сифатини назоратида бажариладиган назорат қўйидаги турларга ажратилади:

- Қисқартирилган назорат (умумий микроблар сони, коли индекс, органолептик кўрсаткичлар);
- Умумий физик-кимёвий назорат: (келиб чиқиши жихатидан табиий ва сувни сифатини тайёрлаш жараёнида кўшиладиган компонентлар);
- Махсус вирусологик ва паразитологик;
- Махсус токсикологик назорат (алоҳида заҳарли моддалар, концероген таъсир самарасига эга бўлган моддалар);
- Махсус радиацион назорат

Ичимлик сувини заарсизлантиришда хлор бирикмалари ва озондан фойдаланилганда, уларнинг қолдик миқдорлари ҳар – бир соатда аниқланиб турилиши шарт.

Жадвал 5.

Реагентлар	Назорат қилиш жойи	қолдик миқдори мг.л.	Сув билан реагентни мулоқот вакти
Хлор қолдиғи	Тоза сув сақлаш резервуарлапридан сўнг	0,2 – 0,5	Камида 30 дақиқа сўнг
Озон қолдиғи	Аралашиб камерасидан сўнг	0,1 – 0,3	Камида 12 дақиқадан сўнг

***Айрим ҳолларда маҳаллий давлат санитария эпидемиология марказининг рухсати билан уларни миқдори юқори бўлиши мумкин.

Тақсимловчи тармоқда ичимлик сувини сифати қисқартирилган назорат кўрсаткичлари бўйича текширилади.

Умумий физика-кимёвий кўрсаткичлари бўйича назорат маҳаллий ДСЭНМ ходимлари ёки сув таъминоти бошқармаси ташаббуси билан сув сифатининг ёмонлашуви ва бошка шикоятлар бўлганда олиб борилади.

Таҳлил учун олинадиган синамалар сони истемолчилар сонига боғлиқ ҳолда қуидаги белгиланган меёрга мос келиши керак.

Жадвал 6.

Аҳоли сони (минг хисобида)	Хар ойда тармоқдан олинадиган синамалар сонининг энг кам миқдори
10 гача	2
10 – 20	10
20 – 50	30
50 – 100	100
100 дан кўп	200

Тақсимловчи тармоқдан олинган сувнинг синамаси таҳлил қилинганда микроорганизмлар билан ифлосланиш юқори бўлган ҳолларда, сувдан қайта синамалар олиб текшириш тавсия қилинади. Агарда қайтадан икки марта олинган синаманинг таҳлил натижасида коли индекс 20 дан юқори бўлса ДСЭНМ ходимлари қарори билан патоген энтеробактерияларни аниқлаш учун, икки марта кетма – кет олинган синамада коли фаглар топилганда эса-энтеровируслар борлигини аниқлаш учун сувдан қайта

синама олиб текширилади. Бундай ҳолларда ичимлик сувида гепатит А вируси антигени борлигига, шунингдек тақсимловчи тармоқ сувида маъданли азот сақловчи моддаларни ва хлоридларни аниқлаш тавсия этилиши мумкин.

Республика ДСЭНМ хизматчилари ўтказадиган, сувдан олинган синамаларининг таҳлил турлари ва таҳлил вақти Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг махсус кўрсатмалари билан ўрнатилган тартибда, тасдиқланган ичимлик сув сифатини назорат қилиш махсус режалари ва жадваллари асосида олиб борилади.

Марказлашган ичимлик-хўжалик сув таъминоти маънбаларини санитария ҳолатини баҳолаш.

Машғулотнинг мақсади: Марказлашган ичимлик-хўжалик сув таъминоти учун сув маънбаларини тўғри танлаб олиш ва сув маънбалари атрофида санитария ҳимоя минтақалари ташкил қилинганинг баҳо беришни ўргатиш.

Ўқитиши жойи- Ўқув хонаси.

Назорат учун саволлар:

1. Марказлаштирилган сув таъминоти маънбаларининг қиёсий гигиеник тавсифнома.
2. Сув маънбаларини танлаб олиш қоидалари.
3. Ичимлик-хўжалик сув таъминоти учун танлаб олинадиган сув маънбаларига қўйиладиган гигиеник талаблар.
4. Очик ва ер ости сув маънбаларини сифати боҳалаш учун лаборатория назорати таҳлил натижалари.
5. Сув тармоғи бош иноотларида сувнинг қайси ҳолатини оддий усуслар кўллаш йўли билан бартараф этиб бўлмайди.
6. Ичимлик суви таъминотини санитария назоратида қандай кўрсаткичлар қўшимча кўриб чиқиши зарур.
7. Сув маънбаларини муҳофаза қилиш борасида Санитария ҳимоя минтақасини ташкил қилинганинг аҳамияти.
8. Қатъий тартибдаги минтақа чегараси қандай ўрнатилади, минтақа худудига қўйиладиган талаблар.
9. Чегараланган минтақа нимага асосланиб ўрнатилади ва майдонда қандай тартиб бўлишилиги тавсия қилинади.
10. Чегараланган минтақанинг аҳамияти.

- Машғулотнинг жихозланиши: 1) Давлат стандарти 951 : 2000 " Марказлашган ичимлик - хўжалик сув билан таъминлаш маънбалари" 2) 0056-96 сонли Сан Қ ва М, "Очиқ сув хавзаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш қоидалари" 3) "Марказлашган сув таъминоти маънбалари атрофида СХМ чегараларини лойихалаштириш қоидалари тўғрисида" 2640 - 82 сонли Низом. 4) Слайдлар ва экспонатлар.

*Машғулотнинг
мазмуни.*

Амалий машғулот давомида талабалар мустақил равища Давлат стандарти 951:2000 сонли "Марказлашган сув таъминоти учун сув маънбаларни танлаш қоидаларини " ўрганиб чиқадилар.

Сув маънбаларини танлаш ва яроқлилигини аниқлаш санитария жиҳатидан ишончли ва яроқли тоза ичимлик сувини олиш имконияти бўлишини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Улар ўз навбатида ДавСТ "Ичимлик суви.

Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш талабларига" жавоб бериши керак.

Марказлашган ичимлик-хўжалик сув таъминотини маънбаларининг яроқлилиги қуийдагилар асосида белгиланади:

- шаклланиш шароитлари ва ер ости сувларининг жойлашишига санитария жиҳатдан баҳо бериш;
- очик сув маънбаларининг сув олиш жойларидан юқори ва пастки қисмларини санитария жиҳатидан баҳоланиши;
- сув олиш иншоотларини жойлашган ўрнини санитария жиҳатдан баҳоланиши;
- сув маънбасининг санитария ҳолатини башорат қилиш.

Сув маънбаларини танлаш олиш учун маълумотлар ийғиши, ҳамда санитария гидрологик, гидрогеологик ва топографик шароитларни ўрганиш, шунингдек лойихалаштириш муассасалари томонидан сув ҳавзаларининг санитария ҳолатлари бўйича башоратлар ишлаб чиқарилиши ташкил этилади. (бунда гигиеник соҳага эга бўлган илмий тадқиқот институтлари, ҳамда Давлат санитария эпидемиология маркази ходимлари жалб қилинади).

Сув маънбаларидан синамалар олиш жойлари маҳаллий ДСЭНМ томонидан белгиланади ва амалга оширилади ва

олинган синамалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ҳуқук берилган лабораторияларда бажарилади.

Сув маънбаларининг Давлат стандартларига мос келиши тўғрисидаги хулосалар Ўзбекистон Республикаси ДСЭНМ, ҳамда Республика қонунчилиги томонидан ҳуқук берилган бошқармалар томонидан берилади.

**Сув маънбаларига қўйиладиган гигиеник васанитария –
техник талаблар.**

Марказлаштирилган сув таъминоти учун танлаб олинган сув маънбалари сувларининг сифати яроқлилиги бўйича З синфга бўлинади. Ушбу синфлар бўйича сув сифат кўрсаткичлари қўйидаги жадвалларда кўрсатилган.

Қўйидаги жадвалларда кўрсатилган талаблардан ташқари ер ости ва очик сув маънбалари сувларининг таркиби қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- қуруқ қолдик 1000 мг.л дан ошмаслиги керак (маҳаллий ДСЭНМ рухсати билан 1500 мг.л гача рухсат этилиши мумкин);
- хлоридлар нинг сақланиши 250 мг.л дан ошмаслиги керак (350 мг.л гача рухсат этилади);
- сульфатлар сақланиши 400 мг.л дан ошмаслиги керак (500 мг.л. гача рухсат этилади);
- умумий қаттиқлиги 7 мг-ЭКВ.л. дан ошмаслиги керак (10 мг.ЭКВ.л гача рухсат этилади)
- сув маънбалари сувлари таркибидаги кимёвий моддаларнинг концентрацияси РЭК дан ошмаслиги керак ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жорий бўлган радиацион ҳавфсизлик меёридан ошмаслиги керак.

Танлаб олинган сув маънбасининг дебити (истемол миқдори билан сувнинг хажмини мос келиши) аҳолини сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш керак. Маънбадан бутун йил давомида олинадиган сув миқдори аҳолининг истемол миқдоридан ортиб кетмаслиги керак.

Жадвал 7.

Ер ости сув маънбаларининг синфлар бўйича
сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи мг.л	Синфлар бўйича сифат кўрсаткичлари		
	1	2	3
Лойқалиги	1,5	1,5	10,0
Ранги, градусларда	20	20	30

РН	6-9	6-9	6-9
Темир	0,3	5,0	10,0
Маргенец	0,1	1,0	2,0
Водород сульфит	-	-	3,0
Фтор	0,7	0,7	5,0
Перманганатли оксидланиш	2,0	5,0	10,0
Коли индекс	3	100	1000

Жадвал 8.

Очиқ сув маънбаларининг синфлар бўйича
сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи мг.л	Синфлар бўйича сифат кўрсаткичлари		
	1	2	3
Лойқалиги	20	1 500	10 000
Ранги, градусларда	30	50	100
Ҳид, балларда	2	3	4
РН	6,5-8,5	6,5-8,5	6,5-8,5
Темир	0,3	1,0	3,0
Маргенец	0,1	1,0	2,0
Фтор	0,7	0,7	0,7
Перманганатли оксидланиш	7,0	15,0	20,0
КБЭ тўлиқ	3,0	5,0	7,0
Коли индекс	1000	10 000	50 000

Сув таъминоти маънбалари Ўзбекистон Республикаси худудида ижрова бўлган санитария қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ санитария ҳимоя минтақаларини ташкил этиш билан ифлосланишдан муҳофаза қилиниши керак.

Сув маънбаларини танлаш қоидалари ваяроқлилигини баҳолаш.

Марказлаштирилган сув таъминоти маънбалари санитария жиҳатидан ишончлилигини инобатга олиб қўйидаги тартибда танлаб олинади:

- ер ости қатламлараро босимли сув маънбалари;
- ер ости қатламлараро босимсиз сув маънбалари;
- грунт сувлар ва сунъий равишда тўладиган ўзан сувлари;

- очик сув маънбалар (дарё, кўл, сув омборлари, каналлар);

Сифати бўйича ва миқдори бўйича тенг имкониятларга эга бўлган бир неча сув таъминоти маънбалари мавжуд бўлса улаврни танлаб олишда сувни қайта ишлаш тизимларини, санитария жиҳатидан ишончлилиги ва техник – иқтисодий ҳолатлари ҳисобга олинади.

Сувнинг сифати сув олиш жойларидан олинган синамаларнинг тўлиқ лаборатория натижаларига асосланади. Синамалар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун сув маънбаларидан олинадиган синамалар сўнги икки йилнинг чоракларида олинган синамалар тахлил қилиниши керак.

Марказлаштирилган сув таъминоти маънбаларининг синфи сув таъминоти лойиҳаларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан белгиланади.

Сув таъминати маънбасининг яроқлилиги тўғрисидаги хулоса қуйидаги маълумотларга эга бўлиши керак:

- маънбадаги сувнинг сифати;
- аҳолини сувга бўлган эҳтиёжини қондириши бўйича башоратлар;
- санитария ҳимоя қилиш минтақаларини ташкил этиш билан бирга ичимлик суви талабларига келтириш мақсадида ишлов бериш усуллари.

Сув таъминоти сувларининг сифати бўйича синплари ва сувга ишлов бериш усуллари

Ер ости сув маънбалари:

1-синф: ДавСТ “Ичимлик суви” талабларини тўлиқ қондиради. Истемолчиларга тўғридан тўғри юбориш мумкин.

2-синф: аэрация, фильтрация ва заарсизлантириш усулларидан фойдаланилади.

3-синф: 2-синфдаги сувни сифатини яхшилаш усулларига қўшимча равища фильтрлаш аввал тиндириш, турли реагент ва бошқа воситалардан фойдаланиш талаб этилади.

Очиқ сув маънбалари:

1-синф: коагуляция билан ёки у сиз тиндириш, фильтрлаш ва заарсизлантириш усулларидан фойдаланиб сувнинг сифати ДавСТ “Ичимлик суви” талабларига мос келдирилади.

2-синф: Коагуляция, тиндириш, фильтрлаш ва заарсизлантириш талаб этилади, агар фитопланктонлар мавжуд бўлганда микрофильтранади.

3-синф: 2-синфда құрсатиб үтилған тозалаш иншоотларига құшимча равища тиндириш, оксидловчи ва сорбцияловчи усулларини құллаш, самаралироқ заарсизлантириш ва бошқа махсус усулларни құллаш тавсия әтилади.

МАСАЛА 1.

Сирдарё сув маңнабасига яқын Чиноз шахри жойлашган. Шаҳар ахолисининг сони 50 000 кишига түғри келади. Шаҳарнинг 48% аҳоли тураг жойлари канализация тармоғи билан таъминланган.

Гидрогеологик қидирудлар шуни құрсатдиди сув қатламлараро босимли артезиан сувидан олинган бўлиб, шаҳардан 500 м узоқликда жойлашган, сувнинг ҳажми кунига 250 м^3 .

Сув олинган атроф майдони алохидатаморқалар билан чегараланган. Қудукнинг ўраган ҳажми 200 м. Сув маңнабасидан кун давомида 2 та синама олинган бўлиб синамалар орасидаги вақт 24 соат.

Текширувлар натижаси 9-жадвалда акс эттирилган.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминловчи сув маңнабаси Сирдарё ирмоқлари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Очик сув, чўл жойларда, паст-баланд жойлардан ўтади. Қирғоқ атрофи тупроқлари қора тупроқдан иборат. Ирмоқларнинг ўртача йиллик ҳажми секундига 8 м^3 , тезлиги сек $0,2 \text{ м}$. Очик сувнинг сув олишга мўлжалланган жойидан 40 км юқорида чуқурроқ қатламда кузатиш ишлари олиб борилгандан, шу нарса аникландики, яъни ирмоқка тушадиган яна бир кичик очик сув тармоғи "Б" аникланди. "Б" суви сув тармоғи учун олинадган жойдан 25 км юқорида жойлашган бўлиб, ҳажми секундига $0,3 \text{ м}^3$, тезлиги секундига $0,2 \text{ м.}$, 20 км^2 тарқалиши мумкин экан.

Сирдарё ирмоғининг ўнг қирғоғида "К" ва "И" қишлоқлари жойлашган. Ч шахри Сирдарё ирмоғида ўнг тарафда "П" ва "Л" қишлоқ жойлашган. "Б" сув қирғоқларида бир нечта қишлоқлар жойлашган бўлиб умумий аҳолининг сони 4 000 кишини ташкил қиласи. Сувнинг қўйи оқимида кўмир оловчи кон бўлиб ахолиси 3000 кишини ташкил қиласи.

Сув олиш жойида юқорида "М" шахри бўлиб хўжалик ва корхона чиқинди суви Сирдарё ирмоғига тушади. Чиқинди сувнинг таркибида фенол моддаси борлиги аникланди. Сирдарё ирмоғи қўйилувчи "Б" сув чўмилиш, молларни суғориш ва кир ювиш учун ишлатилади.

Сирдарё ирмоғи қишда, баҳорда ва ёзда: ҳар айда 3 маротаба лаборатория кузатуви олиб борилди (10-жадвал).

Сувнинг тахминий коагуляция дозаси 45 мг.л ташкил қиласи. Сувни хлорлангандан сўнг қолдиқ хлор 0,3 мг.л ташкил қилиб дозаси 1,5 мг.л бактериологик кўрсаткичи яхши бўлди, аммо хлорфенол хиди 3 бални ташкил қилди.

Сирдарё ирмоғи сув манбасининг лаборатория натижаларига асосланиб хулосангизни беринг.

- А) Чиноз шахри учун қандай сув маънбасини танлаб оласиз.

Б) Санитария химоя минтақасини ташкил қилиниши.

В) Тозалаш иншоотларини қайси бирларини тавсия қиласиз.

Жадвал 9.

Артезиан сувининг лаборатория текширув натижалари.

Күрсаткичлар	1 – синама	2 – синама
Харорати	8,0	8,1
Хиди (балл)	-	--
Тиниклиги	30	30
Ранги (гр)	10	10
Рн	7,36	7,4
Карбонат қаттиклиги. мг-ЭКВ	4,8	4,6
Умумий қаттиклиги мг – ЭКВ	6,4	6,4
Қуруқ қолдик мг.л	446,0	466,0
Сульфатлар мг.л	82,3	82,6
Хлоридлар мг.л	34,6	36,3
Аммиак мг.л	0,05	0,06
Нитритлар мг.л	аниқлан	маган
Нитратлар мг.л	0,3	0,3
Оксидланиши мг О ₂ F л	1,6	1,8
Умумий микроблар сони	16	25
Коли – титр	300	300

Жадвал 10.

Сирдарё ирмоғи сув маънбасининг лаборатория текширув натижалари

юрувчилар	5,0			20	20	20	20	20
Ранги	7,0	5,0	5,0	20	301,0	209,0	174,0	93,6
Муаллақ	7,0	12,0	8,5	222,	7,1	7,0	7,1	7,6
мод.	--	7,1	7,8	4	--	--	--	--
Рн	1,8	--	--	7,7	1,7	1,4	1,1	1,4
Ишқорлиги	1,5	1,7	2,1	--	1,5	1,3	1,0	1,2
Умум.	136,0	1,7	1,8	1,5	125,0	130,0	125,0	95,0
қаттиқ	9,2	142,	154,	1,3	7,5	5,0	4,7	8,0
Карбонат	0,5	2	8	137,	0,55	0,7	0,4	0,6
қат	22,4	8,0	10,3	2	20,5	26,4	28,6	32,5
Қуруқ	0,003	0,6	0,8	5,0	0,002	0,008	0,005	0,00
қолдик	4	28,6	31,2	0,34	0,68	0,8	0,34	6
Хлоридлар	0,29	0,00	0,00	24,8	5,8	6,48	5,32	0,56
Аммиак	2,0	4	3	0,00	10,03	8,06	7,65	3,9
Сульфатлар	8,86	0,53	0,51	2	2,0	1,67	2,61	8,9
Нитритлар	1,09	2,87	4,16	0,8				2,05
Нитратлар			9,2	8,4	6,84			2,1
Оксидланиш			1,46	3,8	10,7	330	1100	300
и	80				1,94	9000	8700	9800
Эриган O ₂	8 000					0,4	0,4	0,4
Кислородга	0,5	163	380			0,001	0,001	0,001
биокимё	0,001	9	9	200	5	5	5	0,00
эхтийёж	136	000	500	1000	131	130	131	2
КБЭ ₅	52,0	0,5	0,4	0	53,0	52,0	52,0	132
Микроб		0,00	0,00	0,35				52,0
сони		2	2	0,00				
Коли		136	136	2				
индекс			52,0	52,0	131			
Темир					53,0			
Феноллар								
Кальций								
Магний								

2 -

МАСАЛА

Тиббиёт профилактика ходимлари олдида марказлашган ичимлик сув билан ахолини таминлашда сув маънбаларини тўғри танлаб олиш ётади.

Қуйида келтирилган Далолатнома Санитаия – эпидемиологик назорати ходимлари учун Ахолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлашда огохлантирувчи санитария назорати масаласини хал қилишда синама б°лиши мумкин.

Далолатнома

Наманганд вилояти Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош шифокорининг йиғилишида кўрилган масала.

Қатнашдилар: Вилоят бош шифокори, Коммунал гигиена бўлимининг бошлиғи, “Сувсозмехлоийхалаш” институти ходими ва бошқалар.

Кун тартиби: Қишлоқ аҳолиси тураг жойлари ва станок қурилиш заводини марказлашган ичимлик-хўжалик суви билан таъминлаш учун сув маънбасини танлаб олиш.

“Сувсоз” лойихалаш институтининг кўрсатиши бўйича Станок қурилиш заводи ва заводда ишловчи аҳоли учун яшаш жойи кўзда тутилган. Шу юзасидан топографик, геофизик, гидрогеологик ишлар амалга оширилган. Аҳолининг умумий сони 6 000 киши. Тураг уйлари учун кўп қаватли бинолар мўлжалланган. Қишлоқ аҳолиси уйларини газ билан таъминлаш режалаштирилган. Аҳолини марказлашган ичимлик хўжалик суви билан таъминлаш учун 3 хил кўринишдаги сув маънбалари тавсия қилинган.

1 - кўриниш. Сув маънбаси очик сув хавзаси бўлиб - “К” суви, сув олинадиган жойнинг - чап қирғоғида 12 км, қўйи оқимида “Н” шахри, йирик саноат корхонаси жойлашган. “Q” сувнинг - $3760 \text{ м}^3\cdot\text{сек}$, оқиш тезлиги - 05 м.сек.

“Н” шахридаги сув олиш жойигача сув оқимига ҳеч қандай оқава сув тушмайди. “Н” шахри канализация тармоғидан тушадиган сув тўлиқ тозаланиб, хлорлангач очик сув хавзасига ташланалди.

“К” очик сув хавзасининг кўп сонли лаборатория кўрсаткичлари шуни крсатдики сувнинг сифатини яхшилаш учун оддий тозалаш усулларидан (коагуляция, тиндириш, фильтрлаш, хлорлашдан) фой-даланиб Давлат стандарти 950 : 2000 га келтириш мумкин. Техник - иқтисодий афзаллиги шундан иборат: а) сув миқдори жихатдан хам ичимлик, хам корхоналар эҳтиёжини қондиради. б) сув олиш жойи аҳолига анча яқин бўлиб 300 м ошмайди.

2-кўриниш. Сув маънбаси-“Б” очик сув маънбаси бўлиб қўйиладиган жойи “К”, қишлоқ қурилиш учун ажратилган. Сувнинг йиллик миқдори $120 \text{ м}^3\cdot\text{сек}$, кам миқдорда бўлиш вақти февраль ойига тўғри келиб - $40 \text{ м}^3\cdot\text{сек}$. Сувнипнг тезлиги - 0,5 м.сек. Сув олинадиган жой ботқоқликдан иборат бўлиб 70 км масофага чўзилган. “Б” сув хавзаси қирғоқларига кичик ирмоқчалар қўйилади, улар 2000 км^2 ташкил қиласиди. “Б” - қирғоқлари атрофида ўнлаб кичик қишлоқлар жойлашган. Сувнинг санитар - бактеиологик кўрсаткичлари шуни кўрсатадики сув хўжалик - ичимлик ва корхона эҳтиёжи учун тўғри келади. Асосий камчилиги шундан иборатки сув олиш жойи аҳоли тураг жойидан анча узоқда.

3 - кўриниш . Аҳолини жойлаштириш учун лойихалаштирилган жойнинг жанубий қисмида ер ости суви 70 м чуқурликда ковланиб кўрилган. 50 дан 60 метргача

чукурликда қатламлараро аниқланган. Сувнинг дебити 4,0 л.сек. Ер сатхидан статистикчегараси 25 м, динамик чегараси – 35 м тенг.

Сувнинг хўжалик истемол қиймати қишлоқ ва корхона учун кунига 800м³ ташкил қиласди. Корхонанинг ишлаши учун 2000 м³ | кунига.

Олинган натижалар шуни кўрсатдиги аҳолни кунига 800 м³ хажмдаги сувни қудуқларнинг 4 таси таъминлай олади, булардан 1 таси эҳтиёж қисмида фойдаланиши мумкин. Қудуқлар 4 таси ер майдонига жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

Корхона тармоғи учун “К” очик сув маънбаларидан олиб тозаланиб таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Сувнинг лаборатория натижалари қуида келтирилган.

Жадвал 11.

Сувнинг лаборатория кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	“К” очик сув	“Б” очик сув	Артезион суви	
			15.10-02	16.10-02
Хиди (балларда)	2-3	2	0	0
Тиниқлиги (см)	20	20	30дан ортик	30 дан ортик
Ранги (градус)	30 – 60	20 – 50	0	0
Лойқалаги мг.л	Оз микдорда	Оз микдорда	Йўқ	Йўқ
РН	7.0-7.3	7.0-7.3	7.2	7.2
Таъми (балларда)	1-2	1-2	0	0
Ранг хосил қилиши 20 см да	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Сузуб юрувчи моддалар	Йўқ	Йўқ	Йўқ	Йўқ
Қуруқ қолдик мг.л	160-290	140-300	360	360
Умумий қаттиқлиги мг.ЭКВ.л.	0.6-4.0	0.4-4.1	5.2	5.2
Корбонат қаттиқ-лиги мг.ЭКВ.л	0.3-2.1	0.2-2.0	3.9	3.9
Ишқорийлиги мг.ЭКВ.л.	0.3-2.1	0.2-2.1	-	-
Темир мг.л.	0.3-5.1	0.2-0.4	0.8	0.8
Хлоридлар мг.л	14-42	24-36	36	36

Сульфатлар мг.л	16-94	14-30	121	121
Азот аммиак мг.л	0.1-021	-	-	-
Азот нитритлар мг.л	-	-	-	-
Азот нитратлар мг.л	0.2-2.2	0.2-2.0	2.1	2.1
Оксидланиши мг.О.л	3.4-10.6	2.8-6.4	1.0	1.0
Умумий микроблар сони	11900	14542	6	4
Коли – индекс	920-9600	90-9600	2	2

Юқоридаги далолатномага асосланиб санитария – эпидемиология марказининг йиғилиш қарорини чиқариш керак.

Мавзуули масалани өчиш талабаларнинг муаммоларни хал қилишда түғри ёндошишга олиб келади.

“Ичимлик суви” Давлат стандартини сув таъминоти устидан давлат санитария назоратида қўлланиш услуби.

Машғулотнинг мақсади-Марказлаштирилган сув таъминоти жараёнида 950: 2000 сонли “Ичимлик суви” Давлат стандартини тадбиқ қилиб санитария назоратини олиб боришга талабаларни ўргатиш.

Дарс ўтиш жойи-Ўқув хонаси

Назорат учун саволлар.

1. Юқумли касалликларни тарқалишида сув омилиниң аҳамияти;
2. Ноюқумли касалликларни юзага келишида сувнинг кимёвий кўрсаткичларининг аҳамияти;
3. Ичимлик сувининг эпидемиологик ҳавфсизлигини таъминлаш меъёрлари;
4. Сувнинг захарсизлик ҳолатини изохловчи кимёвий кўрсаткичларни меъёрлари;
5. Сувнинг органолептик кўрсаткичларини таъминловчи гигиеник меёrlарнинг асослари;
6. Марказлаштирилган ичимлик суви таъминотини сифат кўрсаткичларини кимлар тасдиқлайдилар?
7. Очиқ ва ер ости сув маънбаларидан сув тармоғи иншоотларида фойдаланилганда қандай кўрсаткичлар ва кузатув сони лаборатория кузатув ишлари жараёнида қандай амалга оширилади;

8. Сув таъминоти тармоғидпа лаборатория кузатувни олиб бориши учун қандай синама олинади?
9. Сувнинг сифатини тўлик кузатиш учун қайси жойлардан синамалар олинади?
10. Сув таъминоти тармоғларида сувнинг қайси сифатлари бўйича баҳо берилади?

Машғулотнинг жихозланиши. Талабаларнинг иш жойи: “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш” Давлат стандарти. Слайдлар, далолатномалар, вазиятли масалалар.

Машғулотнинг мазмуни.

Талаба 950 – 2000 сонли “Ичимлик суви” Давлат стандартини эътибор билан ўрганиб чиқиб, ичимлик сувини эпидемик жихатдан хавфсиз бўлиши кераклиги, радиация жихатдан хавфсиз бўлиши, ёқимли органолептик хусусиятларга эга бўлиши кераклигига баҳо берадилар.

Сувнинг сифати Давлат стандартида кўрсатилган нормативлар ва уларни назорат қилиш усуллари асосида сув тармоғи иншоотларида, сув тармоғи бош тармоқларида тўғри келиши сувнинг барча тозалаш босқичларида кузатилади ва сувнинг сифат якуний кўрсаткичи бош тармоғида доимий равища кузатиш билан амалга оширилади.

Кузатиш тартиби, сони ва унинг тўлиқлиги Давлат санитария эпидемиология назорат маркази томонидан режа асосида бошқариб турилади.

Режада доимий кузатиш натижалари далолатнома асосида баҳоланиб сувнинг сифатига баҳо берилади.

Давлат стандарти 950 – 2000 “Ичимлик суви” гигиеник талаблари ва сифатини назорат қилиш марказлаштирилган ичимлик сув иншоотларини лойижалаштиришда, ишга тушуришда огохлантирувчи ва жорий санитария назоратида масалаларни тўғри хал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Масала 1

Фарғона шаҳар Давлат
санитария эпидемиология
назорати маркази бош
врачига.

Сув тармоғи станцияси Сизга режа асосида олиб текширилган сувнинг сифат кўрсаткичлари бўлмиш лаборатория натижаларини кўриб хулоса беришингиз учун юборилди.

Сув тармоғи иншоотлари учун сув Норин дарёсидан олинади. Иншоот 25 000 киши учун хизмат қилади. Сув тармоғида сув Альюминий сулфат билан Полиакриламид қўшилиб коагуляция қилинади, хлорланади ва фторланади.

Синама олиш учун қўйидаги жойлар танлаб олинган:

1. Бирламчи кўтариб берувчи насос иншоотлари (Синама ДавСт 951 – 2000 асосида)
2. Сувни аҳолига узатишдан олдин: а) Қолдик эркин хлор ҳар соатда бир маротаба; б) Полиакриламид, рН, каттиклиги, фтор, таъми, ҳиди, ранги, лойқалиги ҳафтада бир маротаба; в) кимёвий таркиби йилда икки маротаба);
3. Тақсимот тармоғида (Сув тармоғига яқин ва узокроқ жойлардан, боши берк тармоқлардан, баланд уйларда.) коли – индекс, умумий микроблар сони, лойқалаги, ранги, ҳиди ва таъмини текшириш назарда тутилмоқда, синамалар сони ойига – 20 та.

Сув сифати ва олинган синамаларни сонига, тўлиқлигига ёзма равища хулоса беришингизни сўрайман.

Масала 2

Давлат санитария назорати
маркази бош врачига

Сув таъминоти бош бошқармаси Сизга сув тармоғи иншоотларида сувнинг лаборатория – текширув натижаларини тавсия қилинди. Сув тармоғи иншооти артезион сув маънбасидан таъминланиб, зарарсизлантирилмасдан истемолчиларга юборилади. Сув тармоғи бош иншооти 12000 кишига хизмат қилади. Сувдан синама олиш тақсимловчи тармоқдан, кўча тармоқларидан, айрим жойлардан олиб борилган. Бактериологик кузатиш тармоқда ойига 1 маротаба, тўлиқ кимёвий кузатиш йилига 2 маротаба режалаштирилган. Айрим ифлосланиш хавфи бўлган жойларда ойига 4 марта синама олиш, бунда коли – индекс, микроблар умумий сони, лойқалиги, ранги, ҳиди ва таъмини аниқлаш назарда тутилмоқда.

Сиздан сувдан синама олиш сони, тўлиқлиги тўғрисида ёзма равища хулоса беришингизни сўраймиз.

Масала 3.

Сувдан синамалар З та жойдан режали текшириш олиб борилган. Олинган синамаларнинглаборатория натижалари қуидада келтирилган.

1. Коли – титр – 300
2. Коли – индекс – 3
3. Умумий микроблар сони – 10
4. Таъми ва хиди – 2 балл
5. Ранги – 15 градус
6. Лойқалиги – 0,8 мг.л
7. Бериллий – 0
8. Молибден – 0
9. Маргумуш – 0,05
10. Нитратлар – 0,9
11. ПАА – 1,0
12. Қўрғошин – 0
13. Стронций – 0
14. Фтор – 0,7
15. Уран табиий ва Уран238-0
16. Радий – 0
17. Хлоридлар – 24 мг.л
18. Сулфатлар – 31 мг.л
19. Куруқ қолдик – 0,5 мг.л.
20. Темир – 0,2
21. Мис – 0,8
22. Рух – 5,0
23. Умумий қаттиқлиги-5,0 мг.экв
24. Эркин қолдик хлор – 0,04 мг.л

Сув тармоғи бош иншоотларига яқин жойлашган кўча тармоғидан олинган синамаларнинг натижалар қуидагида:

1. Коли – титр – 300
2. Коли индекс – 3
3. Умумий микроблар сони – 10
4. Таъми ва хиди – 2 балл
5. Лойқалиги – 0,8 мг.л
6. Ранги – 16 градус
7. Қолдик эркин хлор – 0,1 мг.л

Бош тармоқдан узокроқда жойлашган аҳоли яшаш хоналарининг уй жумракларидан олинган синамаларнинг лаборатория натижалари:

1. Коли – титр – 300
2. Коли индекс – 3
3. Умумий микроблар сони – 40
4. Таъми ва хиди – 2 балл
5. Лойқалиги – 0,8 мг.л
6. Ранги – 16 градус
7. Қолдик эркин хлор – 0 мг.л

Сувнинг сифатига баҳо беринг.

Масаланинг ёчими машғулотни ўзлаштиришга сабаб бўлади.

Ичимлик суви сифатини коагуляция усулида яхшилашни санитар баҳолаш.

Машғулотнинг мақсадни. – Талабаларга ичимлик сувини коагуляция усули билан яхшилаш самарадорлигини текширишни, унинг аҳамияти, ҳамда коагулянтнинг оптимал миқдорини ўргатиш.

Дарс ўтиши жойи: ўқув ва лаборатория хонаси.

Назорат учун саволлар:

1. Очик сув маънбаларидан олинган сув тармоғи иншоотларини энг кўп тадбик қилинадиган схемаси нималардан иборат.
2. Ичимлик суви сифатини яхшилашда коагуляциянинг аҳамияти.
3. Сувни коагуляция қилиш жараёни нимага боғлиқ ?
4. Коагуляциянинг самрадорлигига қандай омиллар ижобий таъсир кўрсатади
5. Кандай коагулянтлар қўлланилади ?
6. Сувнинг коагуляция жараёнига флокулянтларнинг таъсири нимадан иборат ?
7. Маргимуш, мис ва фторларнинг миқдори коагуляция жараёнида нима учун доимий равишда кузатилади ?
8. Сувнинг ишқорийлиги ва унинг коагуляция жараёнидаги аҳамияти.
9. Коагулянтнинг оптимал дозаси қандай аниқланади ?
10. Сув тармоғи иншоотларида коагуляция усулининг самарадорлиги қандай текширилади?

Машғулотни ўтказиши учун керакли анжомлар.

Талабаларнинг иш жойи: З та бюretка, Бунзин штативи, рангни аниқлаш учун цилиндр, ўлчамли цилиндр, 10 та 1 литрли. З та 250 мл.ли колба, 1; 2; 5; 10 ва 25 мл. ли пипеткалар, ишқорий мухитни аниқлаш учун реактивлар, қолдиқ алюминий ва коагулянтларни аниқлаш учун реактивлар.

Ўқув лабораторияси: ФЭК – М, КФК, лойқалигини аниқлаш учун асбоб, сув ҳаммоли, Снеллен цилинтри. Рангни аниқлаш учун Платина–Коболт шкаласи, дистирланган ва текширилаётган сув учун идишлар.

Машғулотнинг мазмуни.

Сувнинг сифатига санитария – гигиеник баҳо беришда коагуляциянинг аҳамияти. Сувнинг ранги, тиниқлиги (ёки лойқалиги) ва ишқорийлиги аниқланади, коагулянтнинг назарий дозаси хисобланади, коагулянтнинг миқдорини чамалаб кўриш, қайтада рангини, тиниқлигини (loyқалигини) ва ишқорийлигини аниқлаш, яқунида коагулянтнинг қолдиқ миқдорини аниқлашдан иборат бўлиши керак.

Сувнинг ранги ва тиниқлигини аниқлаши.

Сувнинг рангини миқдор кўрсаткичи аввалдан тайёрланган шкала билан қиёслаб рангни мос келиши билан боғлиқлиги аниқланади.

Ости яssi цилиндрга 100 мл текширилаётган сув солиниб оқ фонда юқоридан пастга қараб сувнинг ранги текширилади. Ранги градусда аниқланиб аввалдан тайёрланган стандарт қатор Платина – Коболт эталони билан қиёсланади. Натижа қуйида кўрсатилган жадвал (жадвал 12) ёрдамида аниқланади.

Жадвал 12

Цилиндр шкаласининг тартиб қатори	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Ранги, градусларда	0	5	10	15	20	25	30	35	40	50	60	70	80

Сувнинг лойқалигини аниқлашдан олдин сувни центрифугадан ўтказилиши лозим. Агар сувнинг ранги 80^0 дан юқори бўлса, у ҳолда дистилланган сув билан суюлтириб олиш зарур. Бу ҳолда олинган натижалар суюлтирилган даража сонига кўпайтирилади. Сувнинг лойқалиги “Крест” ёки Снеллен шрифтини қўллаш усули билан аниқланади. “Крест” усули сувни тозалаш иншоотларини доимий текширишда ва сув тармоғи сувларини сифатини кузатишда қўлланилади. Бошқа ҳамма вақт Снеллен шрифти усулидан фойдаланилади.

Снеллен цилиндрининг ости яssi қилиб ишланган шиша идишдан иборат, остидан бўйи баробар сантиметрларга бўлинган. Баландлиги нисбатан 30 см, аниқлаш даражаси 0,5 см ташкил қиласи.

Сувнинг тиниқлигини Снеллен цилинтрида синаб қўришдан олдин, текширилаётган сув яхшилаб чайқатилади ва цилиндрга қуйилади. Цилиндр қимирлаб кетмаслиги учун штативга яхшилаб ўрнатилади, цилиндрнинг туби шрифтдан 4 см юқорида туриши керак. Цилиндр тубига стандарт шрифт қўйилади. Сўнг цилиндрнинг юқорисидан тубидаги шрифтга қаралади. Шрифт аниқ ва равshan қўрингунча цилиндрдаги текширилаётган сув жумрак орқали тўкиб

борилади ёки қўшилади. Сувнинг тиниклиги цилиндр баландлиги хисобига мосланиб сантиметр билан ўлчанади.

Лойқалигини аниқлаш.

Сувнинг лойқалигини Бейлис лойқани ўлчовчи тизимида аниқланади. Тизим маҳсус ёпиқ яшикдан иборат бўлиб ичида цилиндрлар жойлашган. Цилиндр ичига текширилаётган сувва лойқалик ҳолатини белгиловчи стандарт эртмалар солинган. Цилидрнинг пастдан юқорига қараб ҳаворанг, бир вақтни ўзида ёнбош томондан оқ ранг ўтказилади. Ёруғлик нурлари ҳаво ранг шишалардан ўтади ва текширувчининг кўзига тушади. Сувнинг лойқалиги қўйидагича аниқланади: текширилаётган сув цилиндрни бор ҳолича қўйилади тики барча пуфакчалар чиқиб кетсин, бунинг учун 5 – 10 дақиқа керак бўлади. Сўнгра худди шу хажмда цилиндрларга солинган стандарт эритмалар билан қиёсланади, тики текширилаётган эсувни стандарт этитма билан тўғри келгани танлаб олгунгача. Сувнинг лойқалиги миллиграмм литрда белгиланади. (меъёри 1,5 мг.л. дан омаслиги керак).

ИЗОХ: Агар сувнинг ранги 30⁰ дан юқори бўлса у ҳолда лойқалигини аниқлаш учун компенсацион светофильтр ишлатилади. Бу светофильтр эталон цилиндр устига қўйилади..

Сувнинг ишқорлигини аниқлаш.

Текширилаётган сувдан 100 мл олиниб ичига 2 томчи метилоранж солинади ва 0,1 N HCl си эритмаси билан оч пушти ранг ҳолига келгунча титрланади.

Реакция қўйидагича кетади;



Ишқорлиги градусда берилади, 1⁰ – 10 мг CaO ни бир литр сувдаги миқдорига тўғри келади.

Хисоблаш йўли билан CaO грамм – эквиваленти қўйидагича аниқланади: 1 мл 0,1 N HCl эритмаси 1 мл 0,1 NCaO эртмасига тўғри келади, яъни:

56

$$\frac{-----}{2 \times 10} : 1000 \text{ к } 0,0028 \text{ гр ёки } 2,8 \text{ мг Ca O;}$$

Титрлашга сарфланган 1CH миқдорини хисоби олиниб 2,8 кўпайтириллади. Бу олинган натижа 100 мл тегширилаётган сувда қанча CaO мг.да борлигини кўрсатади. Мос равишдэв


бир литр сувда 10 баробор кўп бўлади. Бир литр сувдаги СаO нинг олинган қиматини градусга айлантириш учун 10 га бўлинади.

Масалан: Сувни титрлаш учун 4 мл НС1 сарфланган, сувнинг ишқорийлиги қўйидагича ҳисобланади: $4 \times 2,8 \text{ к} 11,2^0$

*Коагулантнинг оптимал дозасини аниқлаш учун
назарий коагуляция жараёнини ўтказиш.*

Коагулантнинг назарий дозасини хисоблаш.

Al₂(SO₄)₃ ва карбонат тузлари реакцияга киришиши қўйидагича кечади:



Тоза Петри идиши қопқоғига қудуқларни тартиб рақамини қўйиб чиқамиз. Аланга билан куйдирилган флаконга, ҳар-қайси синамадан стерил пипетка билан 1 мл сув олиб Петри шиша идишига қўйамиз. Ойна билан идиш ёпилади. Текширилаётган сув солингач 10-12 мл. агар қўшиб чиқилади (агар олдиндан сув ҳаммомда Қ45° да келтирилгач бўлади). Сув агар билан яхшилаб аралаштирилади. Совутгандан сўнг Петри идиши қипқоғини ағдариб термостатга 37 градусда 24 соатга қўйилади. 24 соат ўтгандан кейин колонялар сони ҳисобланади. Агар колонялар сони кўп бўлса у ҳолда Петри идиши 4, 8, ва 16 секторларга бўлинади, олинган сонни 2, 4 ва 8 мусбатга кўпайтирилади. Олинган натижа 1 мл текширилаётган сувдаги умумий микроорганизлар сонини беради.

Коли-титрни аниқлаш учун текширилаётган сувдан 100,0; 10,0; 1,0 ва 0,1 мл олиниб ачитки усули билан текширилади. Текширув ўтказишида экиш босқичларига риоя қилиш талаб этилади.

1-босқичда текширилаётган сув (№1 ва №2 қудуқларидан олинган) глюкоза муҳити бўлган ва пўкакли флаконга экилади. 100 мл олиниб бўлаклари кўрсатилган 10 мл концентрацияли глюкоза-пептон флаконига; 10 мл-1 мл концентрацияли муҳитга экилади ва 1 мл 10 мл глюкоза-пептонли суюлтирилган муҳитга экилади. 0,1 мл сувни стерил пипетка билан 1,0 мл олиб 9,0 мл дистирланган сувга 1 : 10 суюлтирилади ва шундан 1,0 мл олиниб олдингига ўҳшатиб экилади. Бродил синама (флакон ва 3 пробиркалар) термостатга 37 градус ҳароратга 24 соатга қўйилади. Синамани тахминий коли-индексини лойка ва газ ҳосил бўлишига эътиборан 17-жадвалда кўрсатилганидек аниқланади.

Жадвал 17.

Коли-индекс ва коли-титрни аниқлаш

Ҳажми (мл)					
100,0	10,0	1,0	0,1	К-индекс	К- титр
-	-	-	-	9дан кичик	111 қўп
-	-	-	қ	9	111
-	-	қ	-	9	111

-	к	-	-	9,5	105
-	-	к	к	18	56
-	к	-	к	19	53
-	к	к	-	22	46
к	-	-	-	23	43
-	к	к	к	28	36
к	-	-	к	92	11
к	-	к	-	94	10
к	-	к	к	160	6
к	к	-	-	230	4
к	к	-	к	960	1
к	к	к	-	2380	0,4
к	к	к	к	2380күп	0,4кам

Лойқа ва газнинг бўлмаслиги сувда ичак таёқчасини йўқлигидан дарак беради.

Флакон ва пробиркада лойқалиги ва газ ҳосил бўлиши ичак таёқчаси борлигидан далолат беради. Ана шулардан олиб Эндо муҳитига (фуксин-сульфат агари) экилади. Петри идиши тўртта секторга тенг бўлинади ва шҳар қайси секторга ҳар бири алоҳида синама экилади. Экиш штрих шаклда маҳсус петля орқали олиб борилади. Петри идиши ағдарилиб термостатга 16-18 соат 37 градус ҳароратга қўйилади. Эндо муҳитида ўсмаганлиги ичак таёқчасини йўқлигидан кафолат беради. Агар лойқа ва газ ҳосил бўлса яъни эндода тўқ - қизил металсимон ялттироқ ранг колония ҳосил бўлса у ҳолда ичак таёқчаси гуруҳларини тўлик тасдиқлаш учун микроскопда кўрилади ва оксидаза тест қўйилади.

Бунинг учун колонялардан мазок тайёрланади: спирт билан ёғдан тозаланган предмет ойнага бир томчи дистилланган сув томизилади ва петля орқали микроб олиниб устига қўйилади. Мазок алангадан 3 марта ўткизилиб фиксация қилинади. Препарат устига фильтр қоғозни қия қилиб қўйиб 0,5-1 дақиқада Генсан бинафша корбол эритмаси куйилади, сўнгра қоғоз олиниди ва 0,5-1,0 мл Люгол эритмасини қуйилади, 0,5-1,0 мл этил спирти билан чайилади. Сўнгра яҳшилаб сувда ювилади, 1-2 дақиқа Циля фуксини билан бўялади, яна ювилади, қурутилади ва микроскопда кўрилади. Мазокда грамманфий таёқча (қизил) бўлиши ичак таёқча гурухи борлигини билдириди.

Оксидаза тести Ешерихия оиласини грамманфий бошқа сапрофит микроорганизмлардан фарқлаш учун қилинади.

Оксидаза қўйиш учун 2-3 колоня петля орқали олиниб (Эндо мухитига секторида ўсган) штрих шаклида фильтрланган қоғозга солинади қоғоз оксидазага фаол бўлган бактерияга мос шимдирилган реактивга экилади. Агар қоғознинг ранги ўзгармаса у ҳолда оксидаза иести салбийдир; агар оксидаза фаол бўлса у ҳолда бир дақиқа давомида қоғоз кўкаради.

Агар Эндо мухит секторида ўсиш юзага келса у ҳолда 2-3 колоня (Грамм усулида бўялгани) олиниб яrim суюқ глюкоза мухитига экилади, 4-5 соат давомида 37 градус ҳароратда инкубация қилинади.

Агар кислота ва газ ҳосил бўлса мусбат натижа, агар кислота ва газ ҳосил бўлмаса манфий натижа деб баҳоланади.

Натижани ҳисоблаш 17 - жадвал орқали олиб борилади. Коли-титр натижаси 18-жадвал орқали топилади.

Жадвал 18.

Коли – титрни аниқлаш.

Құдуқ-лар	Босқичлар	Экилган сувнинг миқдори				Коли – титр
		100,0	10,0	1,0	0,1	
№1 құдуқ	Глюкоза пептон мухитига экилган 1 – синама	-	-	-	-	111
	Фуксин – сулфат агарга экилган 2 – синама	-	-	-	-	111
№2 құдуқ	Глюкоза пептон мухитига экилган 1 – синама	Лойқа газ	Лойқа газ	Лойқа газ	-	0,4
	Фуксин – сулфат агарга экилган 2 – синама	к	к	к	-	0,4

18-жадвалдан маълум бўлдики 1-құдуқ сувини глюкоза-пептон мухитига экилганда лийкаланиш ва газ ҳосил бўлмади, шунинг учун 18- жадвалга асосан коли-титри 111 дан кўпроқ. 2-құдуқ сувини 100,0 10,0 ва 1,0 мл.да газ ва лойқа ҳосил бўлди 0,1 мл.да ҳосил бўлмади. 18-жадвалга асосан коли титр 0,4 га teng. Юкорида газ ва

лойқа ҳосил бўлган 100,0; 10,0 ва 1,0 мл синмалардан олиниб Эндо муҳитига экилади ва суртма тайёрланиб микроскопда кўрилди. Шундай қилиб 2-қудук сувининг коли титри 0,4 га тенг эканлиги асосланди.

Сувнинг физик – кимёвий ҳоссаларини аниклаш.

Ҳидини аниклаш. Аввалом бор кишини қайси тавсилотга эга эканлиги 19-жадвал орқали аникланиб олинади. Ҳидини кўп – камлиги беш баллик тизимда сезув органлари ёрдамида баҳоланади.

Аниклаш учун текширилаётган сувни 150 – 200 мл.ли оғзи кенг бўлган колбага 3 дан 2 қисмигача солинади. Оғзи беркитилади ва айланма ҳаракат билан чайқалтирилади, сўнгра колба оғзидан ҳидлаб ҳидининг ҳолати ва кучли, кучсиз эканлиги баҳоланади.

Таъмини аниклаш: Таъмлар аччик, шўр, шириш, нордон бўлиши мумкин. қолган таъмлар қўшимча ўзига хос таъмлар деб аникланади.

Таъмини аниклаш учун текширилаётган сувдан 15 мл. олиниб оғизда ютиб юбормай бир-неча секинд ушлаб турилади. Таъмнинг сифатини аниклаш, ҳолатига қараб қўйидагиларга бўлинади: Хлор, балиқ ва метал ва бошқа таъмлар. Таъми ҳам ҳидга ўхшаб беш балли тизимда баҳоланади.

19 жадвал

Ҳидини баҳолаш тавфислоти

Белгиси	Ҳидининг ҳолати	Ҳидининг тахминий ўхшашлиги
А	Ароматик	Бодиринг, гул ҳиди
Б	Балчик	Чиринди, қўкарған
Л	Лой	Аҳлат, чиқинди
Д	Дараҳт	Янги араланган ёқоч, дараҳт илдизи
Е	Ер	Янги ҳайдалган ер,
М	Мўғор	Лой
Б	Балиқ	Балиқ ёғи, балиқ
О	Олтингугурт	Палағда тухум
Ў	Ўт	Ўрилган ўт, пичан
Н	Ноаниқ	Ноаниқ

Ифлосланган сув маънбалари сувларининг ҳидини аниклаш. Агар қайнатилгандан сўнг совутилган сувни таъмини аникланилса таъми “қайнатилган сувнинг таъми” деб ёзиб қўйилади.

Рангини аниклаш: Текшириладиган сувнинг рангини аниклаш учун дистилланган сув билан оқ қоғоз ёрдамида тепадан ва ён томондан солиштириб баҳоланади:

рангсиз, оч сарик, кўк, кул ранг ва хоказо бўлиши мумкин.

Сифат кўрсатгични аниқлаш учун 100 мл текширилувчи сувни олиниб Несслер цилиндрига солинади ва олдиндан тайёрланиб кўйилган стандарт қатори билан оқ фонда таққослаб кўрилади. Кўрсаткич графигида изохланади.

Жадвал 20.

Хиднинг сифат сўрсаткичини баҳолаш

Балл	Холати	Аниқланган хиднинг ёзилиши
0	Хеч қандай	Хид йўқ
1	Жуда кучсиз	Хиди истеъмол қилувчилар томонидан аниқлаб бўлмайди, лабаратория усул билан аниқлаб бўлади.
2	Кучсиз	Хидга истеъмолчилар эътибор бермайди. Лекин эътибор берилса аниқлаб бўлади
3	Сезиларли	Хид тез аниқласа бўлади
4	Ўта сезиларли	Хид, хиди эътибор беришга мажбур қиласи, ичишга яроқсиз
5	Ўта-ўта сезиларли	Хиди шу қадар кучлики ичишга имкон бермайди

Жадвал 21.

Рангини аниқлаш шкаласи.

Цилиндр- нинг №	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Ранги градусда	0	5	10	15	20	25	30	35	40	50	60	70	80

Агар текширилаётган сувнинг ранги 80 градусдан юқори бўлса, у ҳолда сувни 2 ва ундан ортиқ маротаба суюлтрилади. Олинган натижа неча марта суютирилган бўлса, шунча маротаба кўпайтирилади. Сув ўта лойқа бўлса у ҳолда сув фильтрланади.

Сувнинг тиниқлигини Снеллен мосламаси ёрдамида аниқлаш. Текширилаётган сув яхшилаб чайқалтирилади, цилиндрга солинади, тагига 4 см. масофада шрифт қўйиб, юкоридан пастга қараб кўрилади. Агар шрифт кўринимаса махсус жумрак орқали шрифт кўрингунга қадар сувдан тўкиб ташаланади. Шрифт кўрингандан сўнг цилиндрдаги сувни сантиметрда баҳоланади.

Сувнинг лойқалигини аниқлаш. Лойқалигини ҳам кўз ёрдамида ёки лойқалигини ўлчовчи Бейлак усули билан аниқланади. Лойқалиги кучсиз, кучли, сезиларлди бўлиши мумкин.

Сувнинг турғунлигини аниқлаш. Агар сувнинг тинқлиги 20 см ва ундан кам бўлса Снеллен усулида бир соатдан сўнг сув чўкмаси билан баҳоланади.

қудук суви яхшилаб аралаштирилади, махсус ўлчов цилиндрига 30 см ҳажмда солинади ва 24 соат тинч қолдирилади, чўкманинг ҳолати ва тушган чўкма миқдори белгиланади. Тинқлик сифати қуидагича баҳоланади: сезиларсиз, кучсиз, кучли ва тиник. Чўкма миқдорда тавсифланади: йўқ, сезиларсиз, катта. Чўкмани миқдори кўп бўлганда унинг қатлами миллиметрда кўрсатилади. Чўкма ипир-ипир, қумсимон, ботқоққа ўхшаш ҳолида бўлиб ранги кулранг, қўнғир ва ҳ.о., кўринишда бўлади.

Сувнинг водород кўрсаткичини лакмус қофози билан аниқлаш.

Текширилаётган сувни иккита пробиркага солинади. Биттасига қизил лакмус қофози, иккинчисига ҳаворанг лакмус қофози солиб беш дақиқа ўтгандан кейин қағозларни дистилланган сувга солинган қофоз билан солишириб баҳоланади.

Сувнинг pH универсал Михаэлс индикатори орқали ёки потенциометр билан солишириб аниқланади.

Кубел усули билан сувнинг оксидланишини аниқлаш.

Сувнинг оксидланиши, бу-сувдаги органик ва ноорганик моддаларни оксидлаш учун сарфланган кислородни мг.л миқдори билан ўлчанади. Бу кўрсаткич сувнинг органик моддалар билан ифлосланганлик ҳолатини кўрсатади. Кубел усусли билан аниқланиши перманганат калий ($KMnO_4$) иштироқига асосланган.

Перманганат оксидланиши, аввалом бор аниқлаб оламиз. Бунинг учун 250 мл колбага 100 мл дистилланган сув соламиз, устига бюretка ёрдаида 10 мл 0,01 $NKMnO_4$ эритмаси ва 5 мл (1:3 эритилган) H_2SO_4 қўшамиз, сўнгра 10 дақиқа давомида (биринчи пуфакча ҳосил бўлгунча) қайнатамиз. 10 дақиқа ўтгандан сўнг колбага соламиз. 100 мл текширилаётган сув олиб окисловчи колбага солинади, устига 10 мл 0,01 N эритма $KMnO_4$ (тенгламада A1 билан белгиланади) ва 5 мл (1 : 3) H_2S0_4 солинади. Колба 10 дақиқа давомида қайнатилади, 10 дақиқа ўтгандан сўнг иссик эритмага бюretка ёрдамида 10 мл 0,01 N эритма $H_2C_2O_4$ (шавел кислота) қўшилади. Колбадаги сув рансизланади. Рангизланган сув 0,01 $NKMnO_4$ эритмаси билан оч пушти рангга киргунга қадар титрланади. Титрлашга кетган Калий перманганат эритмасини белгилаб олгандан сўнг (тенгламада A2 билан белгиланган), шу колбада калий перманганат эритмасининг

тўғриловчи коэффицентини топамиз (тenglamada K билан белгиланган). Иссик эритмага бюretка ёрдамида 10 мл 0,01 Н шавел кислотасидан соламиз ва калий перманганат билан яна оч пушти ранга киргунга қадар титрланади.

Калий перманганат эритмасининг тўғриловчи коэффиценти қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади.

10

K к -----

V

Яъни: K - тўғриловчи коэффицент;

V - титрлаш учун кетган калий перманганат эритмасининг (мл) миқдори;

Текширилаётган сувнинг оксидланиш хусусиятини аниқлаш қуйидаги тенглама (мг.л.02) орқали ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади.

X к 10 x { (A1 к A2) xK - 10 } x 0,08

Яъни: X-текширилаётган сувдаги органик моддаларнинг миқдори;

A1-Биринчи титрлашга сарфланган калий перманганат эритмасининг миқдори;

A2-Иккинчи титрлашга сарфланган калий перманганат миқдори;

K-Калий перманганат эритмасининг титр коэффиценти 0,08 к 1 мл калий перманганат эритмаси шунча миқдор кислородга тўғри келади.

10 к 1 литр текширилаётган сув ҳисобида (текшириш учун 100 мл сув олинган)

қудук суви органик моддаларга бой бўлса, у ҳолда сув суюлтирилади. 1:4 суюлтириш учун Мора пипеткаси пипеткаси билан 25 мл текширилаётган сувдан олиниб белгигача дистилланган сув қўшилади. Юқоридаги тадбик қилинган усул билан оксидланиш аниқланади.

Қудукнинг суюлтирилган сувини оксидланиш ҳолати қуйидагича тенглама билан аниқланади:

X1 к (X - X2) x P

X1-суюлтирилган қудук сувини оксидланиш ҳолати;

X-Юқорида аниқланган оксидланиш ҳолатини тенгламада топилгани, яъни X к 10 x { (A1 к A2) xK - 10 } x 0,08

X2-дистилланган сувнинг оксидланишини тенглама орқали аниқланган миқдори;

P-сувнинг суюлтирилган миқдори (4 дан 100)

Хлоридларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

Пробиркага 5 мл текширилаётган сувдан соламиз, унга 3 томчи 10 % азот кислотаси эритмасидан соламиз.

Хлоридлар лойқалиги ёки чўкма ҳолати нисбатан қуийдаги жадвал бўйича аниқланади.

Жадвал 22.

Хлоридларни чўкма ёки лойқалигига нисбатан миқдорини аниқлаш.

Чўкма ва лойқалик ҳолати	Хлоридларнинг (мг.л.)	миқдори
Кучсиз лойқа ёки хиралашган чўкма		1 - 10
Кучли лойқа		10 - 50
Чўкмаларни секин чўкиши		50 - 100
Оқ кўп миқдорда чўкма ҳосил бўлиши		100 кўп

Хлоридларнинг миқдорини аниқлаш.

Хлоридларни аниқлашдан олдин азот кислотаси эритмасининг титр ҳолати аниқланади. Бунинг учун пипеткага 10 мл натрий хлорид эритмасидан олиниб 90 мл дистрланган сув ва 1 мл хромкислотасининг калийли эритмасидан солинади. Аралашма азот-кислотаси эритмаси билан оч-лимон рангидан тўқ-қўнғир рангига киргунча титрланади. Бу ранг 10-20 секунд давомида йўқолиб кетмасин. Титрланган текширилувчи эритмага токи қизғиши ранг йўқолгунча ва сариқ ранг ҳосил бўлгунча 1-2 томчи натрий хлорид соламиз. Бундай аниқлаш қайта текширишга сабаб бўлади.

қайта текшириш учун 10 мл натрий хлорид эритмасидан олиб 90 мл дистилланган сув оламиз ва азот кислотаси тузи билан токи оч қўнғир ранг ҳосил бўлгунча титрлаймиз.

Тўғриловчи коэффиценти (K) қуийдаги тенглама билан аниқланади:

$$K = \frac{10}{V}$$

Яъни: K-азот кислотаси эритмасининг тўғриловчи коэффиценти;

V-азот кислотаси эритмасини титрлаш учун кетган миқдори;

Текширилаётган сувдан хлоридларни аниқлаш учун 100 мл сув олинади, агар сувда хлоридлар кўп бўлса у ҳолда дистилланган сув билан титрланади.

Хлоридни аниқлаш учун иккита 250 мл колбалар олинади. Хар бирига 100 мл дан текширилаётган сувдан

солинади ва иккала колбага 1 мл дан хром кислотасининг калийли эритмасидан солинади.

Текширилаётган сувлардан бири азот кислотаси эритмаси билан қўнғир ранг бўлгунга қадар титрланади, иккинчи колба қиёслаш учун ишлатилади. Агар AgCl да кўп чўкма ҳосил бўлган тақдирда биринчи колбадаги сувга 2-3 томчи NaCl эритмасидан токи қўнғир ранг йўқолгунга қадар солинади, сўнgra азот кислотаси эритмаси билан яна токи ранг ҳосил бўлгунга қадар титрланади.

Текширилаётган сувдаги хлоридларнинг миқдори қўйидаги тенглама бўйича аниқланади.

$$\text{NxKhdx} = 100$$

$$X \text{ K} = \frac{V}{-----}$$

Яъни: X-хлоридларнинг миқдори (мг.л);
n-азот килота эритмасининг титрлашга кетган миқдори (мл);
K-азот кислотаси эритмасининг титр коэффиценти;
g-хлор ионининг 1 мл азот кислотаси эритмасига тўғри келиши ($0,5 \text{ мг.л}$)
V-текшириш учун олинган сув хажм (мл);

Азот аммиак, азот нитрит ва азот нитратларни аниқлаш.

Азот аммиакни сифат кўрсаткичини аниқлаш учун пробиркага 5 мл текширилаётган сувдан соламиз, устига 4 томчи 50 % сегнет тузи эритмасидан ва 3-4 томчи Несслер реактивини солиб аралаштирамиз. Агар азот аммиак кам миқдорда бўлса эритма сариқ ранга, агар кўп миқдорда бўлса қизил қўнғир рангга киради.

Азот нитритнинг сифат кўрсаткичини аниқлаш учун пробиркага 5 мл текширилаётган сув олиниб унга $0,5 \text{ мл}$ Грисса реактивидан соламиз. 10-20 дақиқа ўтгандан сўнг ёки 5 дақиқа сув ҳаммомида иситилган сўнг кузатилади. Агар азот нитрит бўлса аралашманинг ранги пушти рангга киради.

Азот аммиак, нитрит ва нитратларнинг миқдор кўрсаткичларини аниқлаш учун текширилаётган сув коагуляция қилинади. Бунинг учун 500 мл ли колбага 300 - 400 мл текширилаётган сув солинади, 1 мл 1 % Na_2SO_4 ва 1 мл 5 % $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$ (коагулянт) солинади, термостатта қўйилади ёки плиткага қўйилиб чўкма ҳосил бўлиши билан сув фильтрланади.

Биринчи: кудук сувидан иккита колбага 100 мл.дан олинади.

Иккинчи: құдук сувидан олиниб 2 маротаба сүолтирилади. (Азот аммиакни аниклаш учун аммиаксиз сув билан, нитритни аниклаш учун дистилланган сув билан сүолтирилади).

Азот аммиакниг миқдор кўрсаткичини аниқлаш учун текширилаётган сувдан колбага соламиз, 2 мл 50 % сегнет тузи эритмасидан ($KnC_4H_4O_6$) ва Несслер эритмасидан соламиз. Рангга кирган эритмани кюветага солиб ФЭК нинг ҳаворанг ёруғлик фильтрида оптик зичлиги аниқланади ва маҳсус колибрли жадвал орқали азот аммиак миқдори топилади.

Азот нитратын и аниқлаш учун текширилаётган сув олиниб 5 мл Грисса реактиви солинади. 20 дақықадан сўнг яшил ёруғлик фильтрида ФЭКда оптик зичлиги аниқланади ва колибрли жадвал орқали азот нитрит микдори топилади.

Азот нитратларни аниклаш учун фарфор идишга 25 мл фильтрдан ўтказилган текширилаётган сув солинади ва сув ҳаммомида қуригунича қайнатилади. Советилгандан сўнг 1 мл дисульфофенол реактиви солиниб шиша таёқча билан аралаштирилади. 5 дақика ўтгандан сўнг 15 мл дистрланган сув ва 15 мл 10 % аммиакни сувли эритмаси солинади. Сарик ранг ҳосил бўлиши нитрат борлигидан дарак беради. Форфор идишдаги эритма цилиндрга солиниб 100 мл белгигача дистилланган сув қўшилади. Сўнгра ФЭК нинг ҳаворанг ёруғлик фильтрида оптик зичлиги аникланилади. Нитратнинг микдори махсус колибрли жадвал орқали аникланилади.

Барча текширувлар тугагач текширилаётган сувнинг сифати бўйича хулоса ёзилади, сувнинг сифатига қараб санитария-техник тадбирий чоралар тавсия қилинади.

Х У Л О С А

Кимёвий ва бактериологик тажриба натижалари шундан далолат берадики, яъни

ХУЛОСА

Тұлқинбоев Р.

Ичимлик сувининг сифатини яхшилаш усуллари.

Машғулотниң мақсади: талабаларни ион-алмаштириш алмаштириш ёрдамида сувни юмшатиш усули билан таништириш.

Дарс үтиш жойи: ўқув хона, тажрибахона.

Назорат учун саволлар:

1. Сувнинг қаттиқлигига таъсир қилувчи тузлар
(Умумий, доимий, вактинчали қаттиқлиги)
 2. Сувнинг қаттиқлини камайтириш усуллари.
 3. Сувнинг қаттиқлигига сабаб бўлувчи омиллар.
 4. Сувни қайнатиш билан қаттиқлигини камайтириш нимага асосланган?
 5. Кимёвий йўл билан сувнинг қаттиқлигини камайтириш нимага асосланган?
 6. Сода-ишқор ёрдами билан чўктириб сувни юмшатиш нимани ҳисобига юз беради?
 7. Ион алмаштириш услуби, сувнинг юмшатишда қандай ўрин тутади?
 8. Ионларга қўйиладиган талаблар.
 9. Ионнинг регенерация усули.

Машғулотниң жихозланиши:

Талабанинг иш жойи: ион алмашинув ўрнатилган лаборатория столи, реактивлар учун бюretкали штатив, индикатор, ўлчовли колбалар, колбалар.

Үйкүв лабораторияси: Текширилаётган сув, дистрланган сув, реактивлар, потенциометр, электроплитка.

Машғулотнинг мазмуни.

Табиий сувларда күпинча кальций ва магний тузлари билан бириккан холда корбонатлар, бикорбонатлар, сульфатълар, хлоридлар учрайди. Шунинг хисобига $\text{Ca}^{2\kappa}$ ва $\text{Mg}^{2\kappa}$ ионлари сувнинг қаттиклигини юзага келтиради, юмшоқлиги эса ионларни кам миқдори натижасида юзага келади.

Сувнинг қаттиқлиги: Умумий, доимий, вактинчали
бўлиши мумкин.

Умумий қаттиқлиги кальций ва магний тузларини барча бирималари натижасида юзага келади. Умумий қаттиқлик доимий ва вактингчали қаттиқлигидан ташкил топади.

Вактингчали қаттиқлик кальций ва магний бикорбонатга боғлиқ. қайнатиш билан йўқотиш мумкин.

Доимий қаттиқлик сувда сульфатлар, кальций, хлоридлар ва магний ҳисобига юзага келиб қайнатиш билан йўқотиб бўлмайди.

Сувнинг қаттиқлигини йўқотишини қўйидаги турли хил усуллар билан амалга оширилади: термик (қайнатиш), кимёвий (реагентлар ёрдамида), ионалмаштириш, комбинация (масалан, термоқимёвий, реагент ва катионитлар).

Сувни юмшатища кўлланиладиган ҳамма усуллари кальций ва магний катионларни концентрациясини камайтиришга асосланган.

Энг осон ва қулай усуллари қайнатиш киради. қайнатиш гатижасида кальций, магний бикорбонатлар парчаланиб эримайдиган тузларга айланади ва корбонат кальций ва магний ҳолида – CaCO_3 , MgCO_3 чўкмага тушади,



Бубилан бикорконат ҳисобигава вактингчали қаттиқлигияхшила нади.

Доимий қаттиқлигига сабаб бўлувчи тузлар ($\text{CaCl}_2, \text{MgSO}_4$) чўкмагатушмайди, шунингучун қайнатиш доимий қаттиқлигини барта рафқилмайди.



Кимёвий усул билан юмшатиш дамах суреагентлар (корбонатлар, фосфатлар) қўшилиши билан кальций ва магний катионлари эримайдиган тузҳос илқилиб чўкмагатушади.

Реагентлар қўйидаги турлар габбўлини нади: 1) охакли, 2) охак-содали, 3) натрийишқорли, 4) фосфатли, 5) борли;

Охакли усул
(Охак сутлиэртматай ёрланиб қўшилишига асосланган)
алоҳидакамтад биққилини нади.

Охак-
содали усул комбинация ҳолидатад биққилини бохириги маҳсулоти онал машинишига асосланган.

Сода ва охак билан сувни юмшатиш да камэрийдиган гидроокисм агний ($\text{Mn}(\text{OH})_2$) вакарбонат кальций (Ca_2CO_3) юзага келади. қўйидаги жараён юзага келади:



CaCl_2 қ Na_2CO_3 --- CaCO_3 қ 2 NaCl ;

CaSO_4 қ Na_2CO_3 --- CaCO_3 қ Na_2SO_4

Сувни тозалаш заминида кальций ва магний катионларини кам эрийдиган анионлари Ca^{2+} қа ОН- (Кальций корбонат (CaCO_3) ва Гидрат окис магний $\text{Mg}(\text{OH})_2$) юзагакелишиётади. Сувнитүлиқ юмшатищучун, уолд индан 70-




80 градусга иситилади, бундачўкмате зтушади, шундансўнг FeSO_4 ва FeCl_3 коагулянт қўшилади.

Ион алмашинув усули билан юмшатиши кальций ва магний ионлари фаоллигини сусайтиришга асосланган.


Ионатлар сифатида алъюминий силикат, ҳамда юқори молекуляр синтетик моддалар қўлланилади.




Буларга: SO_4^{2-} ; COO^- ; NH_2^- ; NH_3 киради. Кўпинча натрий-катионитлари, водород катионитлари, аммоний-катионитлари ишлатилади.

Юмшатиши жараёнини юзага келишида сувни катионитларда фильтранади. Бунда қуйидаги жараён юзага келади.



К – катион комплекси бўлиб сувда эримайди.





Реакциядан күрини бурибикитузлар ёки маъданликислотал арюзага келиб, миқдорисульфат вахлоридлар гаэквиаленти бўлади.

Катионларни қувати юмшатишната жасидакамайи бборади, д оимот ўлдиришучуннатрийишқори, оштузи, хлоридлар ёки сульфат кислотабилант ўлдириб турилади.

Ҳозиргивақтдак ўлдиришучуннатрийишқори, оштузи, хлоридлар ёки сульфат кислотабилант ўлдириб турилади.

Катионитлар: КУ-1; КУ-2; КУ-1г; КУ-2,8; КБ-4; КАБ-47; СБс;

Анионитлар: АБ-16г; АВ-17-6; АВ-17-7; АВ-17-8; ЭДЭ; АН-31; АН 231; АВ -16; АВ -18;

Сувни юмшатишдан олдин умумий қаттиқлигини, pH; оксидланиши аникланилади.

Умумий қаттиқлиги комплексометрик усул билан аникланилади. Агар сувда кальций ва магний ионлари бўлса индикатор Трилон Б (Двунри тузининг этилендиаминотрауксус кислотаси) солинади, бунда эквивалент миқдорида ранги ўзгаради. Трилон Б нинг кетган миқдорига қараб сувнинг умумий қаттиқлиги аникланилади.



Сувнинг қаттиқлик даражасини ҳисобга олиб текширилаётган сувдан керакли миқдорда сув олинади.

Жадвал 23.

Сувнинг қаттиқлиги градусда	Сувнинг миқдори мл.да
4 – 14	100
14 – 30	50
30 – 56	25

Олинган текширилаётган сувнинг миқдори дистилланган сув билан 100 мл.га етказилиб 250 мл.ли колбага солинади. Унинг устига 5 мл аммиак-буфер эритмасидан, 5-7 томчи қора хромген индикатори солинади. Трилон Б нинг 0,05N эритмаси билан секинлик билан титрланади., токи ҳаво ранг ёки қўқ ранг ҳосил бўлгунча.

Умумий қаттиқлиги қуийдаги тенглама билан аниқланади:

$$AxKxNx \cdot 1000$$

$$X \text{ к} \text{ --- } V$$

Яъни: X - сувнинг қаттиқлиги мл.экв.л.;

A - Трилон Б нинг титрлашга кетган миқдори;

K - Трилон Б нинг тўғриловчи кроэффиценти;

N - Трилон Б нинг нормал эритмаси;

V - Текшириш учун олинган сувнинг жажми (мл) қаттиқлигини градусга айлантириш учун олинган натижаларни 2,8 коэффицентга кўпайтилади.

Трилон Б нинг тўғриловчи коэффицентини топиш учун 250 мл колбага 10 мл 0,05 N ружнинг хлорли эритмасидан ёки 10 мл 0,05 N магний сульват эритмасидан солинади, 90 мл дистилланган сув, 5 мл аммиак-буфер эритмасидан, 5-7 томчи қора хромоген солинади. Сўнгра Трилон Б нинг 0,05 N эритмаси билан қизил рангдан ҳаво-қўқ ранг ҳосил бўлгунча титрланади. Тўғриловчи кооэффицент қуийдаги тенглама билан топилади:

$$10$$

$$K \text{ к} \text{ --- } n$$

Яъни: K - Трилон Б нинг тўғриловчи коэффиценти;

n - 10 мл 0,05 N Натрий сульфат ёки ружнинг хлорли эритмаси билан титрлаш учун кетган Трилон Б нинг миқдори.

Сувнинг pH ни потенциометр билан аниқлаш

Ион алмашинув усули билан сувни юмшатишни аниқлаш учун текширилаётган сувдан 1 литр олиб катионит солинган фильтр орқали секин ўтказилади. Сувнинг биринчи қисми тўкилади.

Сўнгра 100 мл сувда қаттиқлиги, ҳиди, pH ва оксидланиши аниқланилади.

Жадвал 24.

Олинган лаборатория натижалари қуидаги тартибда изохланади

Аниқланган күрсаткычлар	Сувни юмшатишдан аввалги ҳолати	Сув юмшатилгандан сұнғи ҳолати
Умумий қаттықлиги Хиди РН Оксидланиши		

Машғулоттинг охирида талабалар сувнинг юмшатилған ҳолатини самарадорлиги юзасидан далолатнома түлатилади.

Шахтали қудук сувларини дезинфекция қилиш ва заарасизлантириш усуллари

Машғулоттинг мақсади: Талабаларни қудук сувларини дезинфекция қилиш ва хлорли охактошда, керакли патронлар орқали заарасизлантириш усуллари билан таништириш, ўргатиш.

Дарс ўтиш жойи: ўқув хонаси ва тажриба хона

Назорат учун саволлар:

1. Шахтали қудук сувларининг сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар.
2. қудук сувининг ҳажми қандай аниқланади?
3. қудук сувининг дебити қандай топилади?
4. қудук сувини дезинфекция қилиш учун сабаб бўлувчи омиллар;
5. қудукни дезинфекция қилиш босқичлари;
6. Эпидемиологик кўрсаткычлар бўйича қудукни дезинфекция қилиш босқичи;
7. қудук сувларини дезинфекция қилиш усули;
8. қудук сувини дезинфекция қилиш борасида санитария маориф ишларининг аҳамияти;

Машғулоттинг жихозланиши:

Ўқув лабораторияси-жадваллар: а) Шахтали қудукнинг тузулиши; б) Патронлар; в) Керакли меъёрлаштирилган патронлар;

Машғулоттинг мазмуни.

Профилактик тадбирий-чоралар олиб бориш учун аввало қудуқларни ишлатилишидан олдин, қайта тўлик таъмирланғандан сұнғ, эпидемиологик ҳавфи даврида (агар қудук суви касаллик тарқатувчи маънба сифатида ҳавф туғдирса, чиқинди сувлари билан ифлосланган бўлса, ҳайвон ўликлари ва ҳакозолар билан ифлосланиши кузатилса) заарасизлантирилади.

қудуқни хлорлаш учун аввалом бор қудук тозаланади, сувнинг ҳолати ва миқдори аниқланади. Сувнинг ҳажми қудуқнинг кўндаланг кесими (м.кв.) билан сувнинг қудук баландлиги бўйича (м) тўлиши аниқланади. Агар қудук цилиндр шаклида бўлса кўндаланг кесиши S-3, 14 R2, яъни R- қудуқнинг радиуси олинади.

Сувнинг дебитини аниқлаш учун, сувнинг қудуқдаги баландлиги аниқланиб сув маълум вақтда олиб ташданади. Сўнгра қанча вақтда яъна ўз ҳолатига келиши аниқланиб қўйидаги тенглама билан топилади:

Vx 60

D к -----

t

Яъни: D - қудук сувининг дебити (м.куб соат)

V - олиб ташланган сувнинг ҳажми (м.куб)

t - сувнинг олдинги ҳолатига келгунча кетган вақти (дақиқа)

60 - доимий ҳисобдаги коэффицент

қудуқни профилактикаси икки босқичда амалга оширилади. қудуқни тозалаш, қудуқни дезинфекция қилиш.

қудуқни эпидемиологик ҳавфи даврида дезинфекция қилиш уч босқичда: олдиндан дезинфекция қилиш, тозалангандан сўнг, ва якунловчи дезинфекциялар киради.

қудуқни дезинфекция қилиш аввалом бор устки қисми 5 % хлорли охактош эритмаси билан (Хлорли охактош фаоллиги 25 % бўлиши керак) ёки 3 % гипохлорид кальций эритмаси билан, шундай ҳисоб биланки ҳар 1 м. кв ерга 0,5 л.эрита тўғри келиши керак.

қудуқнинг сувли қисми хлорли охактошда гипохлорид кальций билан 1 л сувга 100-150 мг фаол хлор миқдори билан олиб борилади.

Дензинфекция қилувчи модданинг миқдори қўйидаги тенглама билан топилади:

VxCx 100

R к -----

H

Яъни: R-хлорли охактош ёки гипохлорид кальцийнинг миқдори (гр)

V-қудук сувининг ҳажми

C-фаол хлорнинг қудук сувидаги ҳолати (мг.л)

H-хлорли охактош таркибидаги фаол хлор миқдори (%)

100-доимий кўрсаткич коэффиценти.

Хлорли охактош ёки гипохлорид кальцийнинг миқдорини аниқлаш учун маълум миқдорда сув олиб эритма тайёрланиб

қудук сувига қуямиз, 15 дақиқадан сўнг, сувни яна яхшилаб аралашибаримиз, эритма қудук суви билан 1,5-2 соат мулоқотда бўлгандан сўнг аниқлаймиз. Тўлиқ хулоса қилиш учун 6 соат мулоқотда бўлиши керак, муддат ўтгандан сўнг қолдиқ хлор аниқланади. Агар қолдиқ хлорнинг хиди келмаса сувнинг ҳажмига нисбатан бирга уч ва бирга тўрт нисбатдаги миқдорда хлорли оҳактош эритмасидан солиб 3-4 соатдан сўнг аниқланади.

қудук сувида хлор хиди жуда кучли анқиб турса, ток хлор хиди камайгуンча қудук сувидан бир неча қисми олинади.

қудук сувини доимий дезинфекция қилиниб турулиши учун керамик патрон ишлатилади. Доимий сифатини таъминлаб туришда сувнинг сифати, санитария-кимёвий ва бактериологик қўрсаткичлари аниқлаб турулади. қудук сувини доимий заарсизлантириш қўйидаги ҳолларда кўп ишлатилади:

- а) қудук сувидаги юқумли касаллик маънбаси тўлиқ йўқолгунича;
- б) дезинфекция хлорли оҳактош эритмаси билан яхши натижа бермаса (коли – титр 100 дан кичик бўлса);
- в) ифлослантирувчи маънбани топгунга қадар;

Патронга тўлдириладиган дезинфекция моддасининг миқдорини аниқлаш учун, қудук сувини ҳажми, дебити (кун давомида) аниқланади, ҳамда сувнинг хлор ютумлилиги аниқланилади.

Модданинг керакли миқдори қўйидаги тенглама бўйича топилади.

$$X_1 \times 0,07 \times X_2 \times 0,08 \times X_3 \times 0,02 \times X_4 \times 0,14 \times X_5$$

Яъни:

X_1 -модданинг патронга солиш учун керакли бўлган миқдори (кг)

X_2 - қудук сувининг ҳажми (м.куб)

X_3 - қудукнинг дебити (м.куб.соат)

X_4 - Ишлатиладиган сувнинг миқдори (кунига м.куб)

X_5 - Сувнинг хлор ютумлилиги

Гипохлорид кальций 52 %, хлорли оҳактош эса 25 % фаол хлор ушлаган бўлиши керак. қудук сувини қиши фаслларида заарсизлантириш учун олдинги натижани 2 маротабага ошириш зарур.

Агар фаол хлорнинг миқдори кам бўлса қайта ҳисобланади,

$$X_1 \times H_1$$

$$P \times \text{-----}$$

$$H_2$$

Яъни: Р-хлорли оҳактош ёки гипохлорид кальцийнинг миқдори (кг)

X1 - хлорли оҳактош ёки гипохлорид кальцийнинг юқорида топилган миқдори

H2 - гипохлорид кальцийнинг фаоллиги (52 %)

H1 - хлорли оҳактош ёки гипохлорид кальцийнинг таркибидаги фаол хлорнинг хақиқий миқдори (%)

Патронни тўлғазиш учун олдидан патрон сувда 3-5 соат ушлаб турилади, сўнгра хлорли оҳактош ва гипохлорид кальций моддалари билан тўлатилади, 100-300 мл сув солинади.

Яхшилаб аралаштиргач патрон ахкам беркитилади. құдук тубидан 20-30 см юқорида сувнинг юзасидан 0,5 м чуқурликда жойлаштирилади. Патрон юзасини қопламаслик учун 1: 250 нисбатда чумоли кислотаси солинади.

Амалий машғулотда хақиқий құдук сувини заарсизлантириш кўникмаларини талабалар ўзлари мустақил бажариб аниқлайдилар.

Масала №1

Шахтали құдук сувининг дебитини аниқланг. 10 дақиқа давомида 18 челяк сув олинди (челякнинг жамми 10 литр), сув 20 дақиқадан сўнг ўз ҳолатига қайтди.

Масала №2

Шахтали құдук сувининг заарсизлантириш учун керак бўлган хлорли оҳактош эритмасининг миқдорини аниқланг. Хлорли оҳактошнинг фаоллиги 20 %, сувнинг жамми 3 м.куб, хлор дозаси-150 мг.л.

Масала №3

Хлорли оҳактошнинг 5% эритмаси құдуқнинг юза қисмини заарсизлантириш учун кетадиган миқдорини аниқланг. құдук тўғри тўртбурчак шаклида 1,0 x 1,0 м, ердан кўтарилган қисми 1 метр, құдуқнинг сув юзасигача чуқурлиги 8 метр.

Масала №4

қиши фаслида шахтали құдукни доимий заарсизлантириш керак бўлади. Шунинг учун керамик патрон ишлатилиши тавсия қилинмоқда.

Сувнинг жамми 3,1 м.куб, дебити 0,5 м.куб.соат, хлор ютумлилиги 0,8 мл. аҳоли кунига 3,5 м.куб сувни истемол учун олади. Сувни заарсизлантириш учун хлорли оҳактош ёки гипохлорид кальций моддаси патронга тўлдирилган бўлиши кераклигини аниқланг.

II- бўлим. Сув ҳавзаларини ифлосланишдан санитария муҳофаза қилиш гигиенаси.

Сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш муаммоларини келиб чиқиши шароитлари. Марказлаштирилган сув таъминотининг ривожланиши, чиқинди сувларни пайдо бўлиши ва уларнинг миқдорини ортиб бориши. Канализация тармоқларининг қурилиши. Чиқинди сувларни сув ҳавзалари сувларига таъсир интенсивлигини ўсиши. Республика мизда саноат корхоналарининг ривожланиши, уларда домий технологик жараённинг алмашиши, сувга бўлган эҳтиёжни ортиши – органик кимё, маъданли ўғитларни ишлаб чиқарилиши. Ишлаб чиқаришда ҳосил бўлаётган чиқиндиларни сув ҳавзаларига қўп миқдорда тушуриш. Ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чиқиндилар-сув ҳавзаларига асосий ҳавф туғдирувчи хисобланади.

Сув ҳавзаларини ифлослантирувчи маънбаларни аниқлаш ва уларни сув ҳавзалари сувларига, аҳолининг сувдан фойдаланиш ҳолатига ва саломатлигига таъсирини аниқлаш усуллари

Машғулотнинг мақсади: Сув ҳавзаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш санитария назоратининг асосий босқичларидан бири ифлослантирувчи маънбаларни аниқлаш, уларга гигиеник тавсилотномалар бериш ва сув ҳавзалари сувларига, аҳолини сувдан фойдаланиш шароитига ва саломатлигига таъсирини ўрганиш ва тозалаш иншоотларининг турли хил усулларини ишлаб чиқиш. Шунинг учун сув ҳавзаларини санитария муҳофазаси бўйича санитария назоратини олиб боришда амалий кўнималарни ўзлаштириш ва мустаҳкам билимга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Дарс ўтиши жойи: ўқув хонаси.

Назорат саволлари:

- Сув ҳавзаларини чиқинди сувлар билан ифлосланишидан санитария муҳофаза қилишнинг аҳамияти.
- Сув ҳавзаларини ифлослантирувчи маънбаларни аниқлаш усуллари.
- Очиқ сув ҳавзаларини санитария харитасини тузиш.
- Маиший – хўжалик чиқинди сувларини саноат корхоналари чиқинди сувларидан фарқи.
- “Сув ҳавзаларини санитария муҳофазаси қоидалари” асосида қандай принциплар ўрин олган?

Машғулотнинг жихозланиши:

- 2) Сан қ ва М 0056 – 96
- 3) Тарқатмалар
- 4) Жадваллар ва слайдлар

Машғулотнинг мазмуни.

Сув ҳавзаларини асосий ифлослантирувчиларига: 1) саноат чиқинди сувлари, 2) майший–хўжалик чиқинди сувлари, 3) ёмғир ва қор эриш натижасида ҳосил бўладиган оқовалар, 4) сув ҳавзаси бўйларидан қумлар ковлаб олиш ва бошқа ишларни олиб бориш ҳисобланади.

Ифлослантирувчи маънбаларни аниқлаш сув ҳавзаларини жойларда санитария текшириш йўллари билан олиб борилади.

Очиқ сув ҳавзаларини санитария текшируви дастури.

Сув ҳавзасининг номи _____

- 5) Кенглиги ____ м, узунлиги ____ м, ўртача чуқурлиги ____ м.
- 6) Сувнинг ҳаракат тезлиги _____ м.сек;
- 7) Дарё сувининг сув сарфи ____ м.куб. сек;
- 8) Сув ҳавзаларига қўшиладиган ирмоқларнинг мавжудлиги;
- 9) Сув ҳавзасидаги сув ҳажмининг ўзгарувчанлиги;
- 10) Ёз фаслларида сув ҳавзасининг қуриши;
- 11) Сув ҳавзасининг қирғоқларини ҳолати;
- 12) Сув ҳавзасининг аҳоли тураг жойларига нисбатан жойлашиши;
- 13) Мавжуд корхоналар, сув ҳавзасининг қайси қирғоғида ва қанча масофада жойлашган;
- 14) Саноат корхонасига нисбатан сув таъминоти учун сув олиш жойи қаерда жойлашган ва қанча масофада;
- 15) Сув ҳавзасининг ўзида қандай ифлослантирувчи маънбалар мавжуд (чўмилиш, ҳайвонларни суғориш жойлари);
- 16) Сув ҳавзасига туширилаётган саноат чиқиндиларини миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича тавсифлаш.
- 17) Сув ҳавзасини тозаланиши охирги марта қачон ўтказилган.
- 18) Сув ҳавзаси қандай мақсадлар учун қўлланилади (ичимлик сув таъминоти, чўмилиш, спорт билан шуғулланиш, дам олиш)
- 19) Сувнинг жойидаги таҳлили бўйича сифати.
- 20) Атрофдаги аҳоли ичида ўткир ичак касалликлари, флюороз, буқоқ ва бошқалар билан касалланиш ҳолати.
- 21) Уй ҳайвонлари ва сув ҳайвонлари ўртасида юқумли касалликлар ҳолати.
- 22) Сув ҳавзаларини санитария ҳолати тўғрисида умумий хulosasi.
- 23) Сув ҳавзаларини санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирий – чоралар.

Санитария текшириш натижасида чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташланиши, сув ҳавзаси ирмоқларини ифлосланиши, унга яқин жойларда ифлослантирувчи маънбаларни жойлашиши (Захарли кимёвий моддалар омборхонаси, ахлатхоналар, чорвачилик мажмуйи, юқумли касалликлар шифохонаси, ва бошқалар), очик сув ҳавзаси билан гидравлик алоқа борлиги, сув ҳавзасидан қазилмалар қазиб олиш жойлари, ва бошқалар аниқланади. Сув ҳавзасини ифлосланиши тўғрисида маълумотларни маҳаллий

гидрометеорология хизмати ва сув ҳўжалиги вазирлигидан олдиндан олиш мумкин.

Аниқланган барча ифлослантирувчи маънбалар махсус топографик харитага, сув ҳавзасининг режасига ёки вазиятли режага тушурилади ва улар устидан мунтазам текширув ишлари олиб борилади. Булардан ташқари сув ҳавзларига тушурилаётган чиқинди сувларнинг миқдори, таркиби ўрганилади, уларнинг санитар ва эпидемиологик ҳавфлилиги тўғрисида гигиеник хulosи берилади, кўрсаткичлар бўйича ифлослантирувчиларни тарқалиш чегаралари ўрнатилади. Турли масофаларда сув ҳавзаси сувларининг ифлосланиш даражаси ва аҳоли сalomатлиги ва турмуш шароитлари учун ҳавфлилиги тўғрисида хulosи тузулади.

Аниқланган натижалар бўйича сув ҳавзалари санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилади. Санитария текшириш давомида сув ҳавзасининг оқимидан юқори ва пастки қисмларида сувдан лабороаторияда текшириш учун синамалар олиш нуқталари белгиланади.

Чиқинди сувларни ва унинг чўқмаларини тозалаш, қайта тозалаш ва зарарсизлантириш иншоотларини санитария текшириш усуслари.

Машғулотнинг мақсади: Санитария врачининг амалиёт фаолиятидаги канализация тозалаш иншоотларини санитария текшириш дастури қуйидаги масалаларни ёчимини топишга қаратилган:

1. Объектларни паспортини тузиш, 2. Тозалаш иншоотларининг иш самарадорлигини санитария назорати, 3. Тозалаш сифати пасайиши ва фавқулотда ҳолатларда чиқинди сувларни ташлаш шароитларини мос келмаслик сабабларини аниқлаш.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун улардан сув ҳавзаларини санитария – топографик, санитария – техник ва санитария – эпидемиологик текшириш ишларини олиб бориш талаб қилинади.

Дарс ўтиш жойи: чиқинди сувларни тозалаш аэроция станцияси.

Назорат саволлари :

Чиқинди сувларни тозалаш станциясини санитария – топографик текшириш вазифалари;

Чмиқинди сувларни тозалаш станцияларини санитария – техник текшириш вазифалари;

Чиқинди сувларни тозалаш станцияларини санитария – эпидемиологик текшириш вазифалари;

Тозалаш иншоотларини техник самарадорлигини баҳолаш;

Тозаланган чиқиндиларни сув ҳавзалариға ташлаш шароитларини гигиеник баҳолаш;

Машғулотнинг жихозланиши:

0056 – 96 Сан қ ва М “Сув ҳавзаларини санитария муҳофаза қилиш қоидалари”;

Тозалаш ва заарсизлантиш иншоотларининг расмлари;

Жадваллар, слайдлар,

Машғулотнинг мазмуни.

Чиқинди сувларни тозалаш станцияларини санитария топографик текширишдан асосий мақсад ҳудудларни, алоҳида иншоотлари, тозалаш иншоотларини, санитария ҳимоя минтақаларини таркиби ва тозалаш иншоотларини ишлатилишига кўйилган гигиеник талабларни бузулишини аниқлаш ҳисобланилади.

Тозалаш станциясининг ҳудуди ўралган, ободонлаштирилган ва ёритилган бўлиши керак. Санитария ҳимоя минтақалари иншоотлардан то тураг жой ва жамоат бинолари ва озиқ-овқат корхоналаригача қМҚ “Канализация. Ташқи тармоқ ва иншоотлари. Лойихалаштириш меъёрлари” талабларига мос келиши зарур.

Тозалаш станцияларининг салбий таъсирлари нохуш ҳидларни тарқалиши, шовқин, тупроқ, ер ости ва очик сув ҳавзаларини бактериялар ва кимёвий моддалар билан ифлосланиши, ҳамда яқин атрофда етиштирилган полиз экинлари ва мевалар орқали юқумли касалликларни тарқалиши, чиқинди сув билан бевосита мулокотда бўлган инсонлар орқали намоён бўлиши мумкин.

Тозалаш иншоотларининг юқоридаги салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларини ҳудудини етарли даражада ободонлаштириш, таркибини гигиеник талабларга мос равища сақлаш, тозалаш иншоотларини органик ва гидравлик иш юкламаларини ортиб кетмаслигини таъминлаш, уларни иш самарадорлигини ошириш, алоҳида иншоотлардан тўғри фойданиш, барча иншотларни ва алоҳида иншоотларни вактида таъмирланишини таъминлаш, уларни ишлаши устидан мунтазам санитария текшириш ишларини олиб бориш, санитария ҳимоя минтақалари ўлчамларини етарлилигини таъминлаш ва сувни тозалаш даражасини ташлаш шароитларига мос равища олиб бориш орқали бартараф этиш мумкин.

Тозалаш станцияларини санитария-техник текшириш: чиқинди сувларни ва уларнинг чўкмаларини тозалаш, қайта тозалаш, заарсизлантириш иншоотларини қурилиши, таркиби ва ишлатилиши тўғрилигини текширишни тавсия қиласи.

Юқоридаги ишларни олиб бориш учун тозалаш станциясига ва тозалаш иншоотларига қўйиладиган асосий санитария-техник ва гигиеник талабларни билиш зарур. Мазкур талаблар қМқ “Канализация. Ташки тармоқ ва иншоотлар. Лойихалаштириш меъёрлари” да акс эттирилган.

Тозалаш станцияларини санитария-эпидемиологик текшириш: тозалаш станциясидаги чиқинди сувларни ишчи-ходимлар ва яқин атрофдаги аҳоли ўртасида юқумли ичак касалликлари (сув омили орқали) ва геогелминтлар билан касалланиш ҳолатига таъсирини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Станция ишчи ходимларининг касалланиш ҳолати мөҳнатга лаёқатсизлик ва рақалари орқали, аҳоли эса тавсия этилган услубий қўлланмалар асосида ўрганилади.

Кундалик санитария назоратида врач олдига қўйган вазифаларига боғлиқ ҳолда чуқурлаштирилган ва жорий санитария текширувларини олиб боради. Чуқурлаштирилган санитария текширишни маҳсус тузулган карта бўйича ўтказиш тавсия қилинади.

Чиқинди сувларни тозалаш станцияларини санитария текширув дастури.

Объектнинг номи, манзили, вазирликка қарашлилиги.

Лойхасининг хили, серияси, ишлаб чиқилган йили ва ишга тушурилган йили, ишлаб чиқкан ташкилот ва муаллиф.

Станциянинг аҳоли турар жойлари режасида жойлашиши, Санитария ҳимсоя минтақасининг ўлчами, Станция худудининг ўлчами, режалаштирилиши ва ободонлаштирилиши (қўкаламзорлаштирилиши, йўл тармоқлари, сунъий ёритилиши ва бошқалар).

Чиқинди сувнинг тавсилоти, (маиший, шаҳар, саноат). Чиқинди сувнинг умумий ҳажми. (лойиха бўйича ва аниқ).

Чиқинди сувнинг ўртача кунлик концентрациялар бўйича сифат таркиби ва уни лойиха маълумотларига мос келиши.

Чиқинди сувларни тозалаш станциясига ҳайдаб берувчи насосларнинг мавжудлиги (бор, йўқ). Уларни қурилиши.

Чиқинди сувларни тозалашни қабул қилинган тизимлари (лойиха бўйича ва аниқ).

Механик тозалаш иншоотлари: Сим панжара, қўмтутгичли тиндиргич, тиндиргичлар.

Биологик тозалаш иншоотлари: аэротенклар, биофильтрлар, махаллий тозалаш иншоотлари (фильтрлаш, суғориш далалари), биологик ховузлар ва бошқалар.

Чўқмаларни зарарсизлантириш иншоотлари: метантенклар, чўқма майдонлари, вакуум-фильтрлар, термик-қурутгичлар ва бошқалар.

Зарарсизлантириш иншоотлари: қўлланилаётган реагент, меъёрлаштириш усули, захирадаги реагент миқдори, уларни сақлаш шароити, чиқинди сувнинг хлор ютумлилиги ва қўлланилаётган доза, мулоқот вақти, қолдик хлор миқдори.

Тозалаш станциясини ва алоҳида тозалаш иншоотларининг ишлатилишини технологик назоратни олиб бориш бўйича ишлаб чиқариш лабораториясини ДСЭНМ лаборатория текшириш натижалари билан солишириб баҳолаш.

Маиший хизмат хоналарининг мавжудлиги. (ювунгиш хонаси, хожатхона, маҳсус кийимларини сақлаш хонаси, ишчиларни дам олиш хоналари). Хизмат кўрсатиш ходимларини санитария дафтарлари борлиги ва уларни тиббий кўрикдан ўтиш даврийлигига мос келиши.

Юқоридаги картанинг бандларини тўлдиришда қМқ “Канализация. Ташқи тармоқ ва иншоотлар. Лойихалаштириш меъёрлари”, услубий тавсияномалар, ЎзР ССВ томонидан тасдиқланган қўлланмалар ва сув ҳавзаларини санитария муҳофаза қилиш, чиқинди сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш бўйича амалдаги қонуний ва меъёрий хужжатларидан фойдаланилади.

Тозалаш станцияси ёки унинг алоҳида иншоотларини технологик ўлчамларига гигиеник баҳо беришда мазкур иншоотга тўғри келадиган асосий ўлчамларга диққат эътиборни қаратиш зарур. Масалан: қумтутгичли тиндиргичда сув оқимининг тезлиги 1,15-1,3 м.сек тенг бўлиши керак, чиқинди сувларнинг септик тиндиргичда бўлиш давомийлиги 1-3 суткага тенг бўлиши керак, септикли чўқмалардан тозалаш даврийлиги йил давомида 1-2 марта.

Аэротенкларда тўлиқ оксидлашда ишлаётганда аэроцая вақти 24 соатдан кам бўлмаслиги зарур, органик юклама эса бир суткалик 1 г чўкмага 0,1 г КБЭ5 дан, фаол чўкманинг дозаси 2,5-4 г.л., ошмаслиги керак.

Юклама, оксидланиш тезлиги, оксидланиш қуввати, чўқмаларнинг нисбий ўсиши, чўқма индексларининг

ўлчамларини ҳисоблаш усуллари “Канализация лойихаларини санитария экспертизасидан ўтказиш усуллари” бўлимида берилган. Шундан келиб чиқиб оддий аэротенклар учун вазни бўйича юкламаси сутка давомидаги 1 г чўкмада КБЭ 1 г дан ошмаслиги керак, чўкма индекси-100 мг.г.

Тозалаш станцияларини тўлиқ ёки жорий санитария текшириш мукаммал санитария текширишга қаратганда нисбатан енгиллиги билан фарқ қиласди., чунки санитария врачи обьектни паспортини ва аввалги санитария текшириш далолатномалари ўрганиш билан чегараланиши мумкин. Агар бу маълумотлар бўлмаса, унда санитария врачи жорий (режали) санитария текшириш дастурини тузиб чиқади, унга қўйидаги саволлар киритилади:

- 2) тозалаш иншоотларини лойихадан четлашишини мавжудлиги;
- 3) мавжуд чиқинди суви ҳажмига тозалаш иншоотларининг принципиал тизимини мос келиши;
- 4) тозалаш иншоотларини қурилишини, таркибини ва ишлатишини тўғрилиги, худудини, СХМ мавжудлигини, уларни гигиеник талабларга мос келишини;
- 5) тозалаш станциясига тушаётган чиқинди сувлар миқдори, уларни сифати ва тозаланиш самарадорлиги;
- 6) чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташлаш шароитларига риоя қилинаётганлиги;
- 7) тозалаш иншоотларини профилактик таъмирдан ўтказиш жадвалини бажарилишини текшириш;
- 8) ишлаб чиқариш (идора) лабораториясининг ишини баҳолаш.

Жорий санитария текшируvida тозалаш станциясини санитария текшириш тўғрисидаги далолатноманинг тўлдирилиши билан яқунланади.

Фавқулотда ҳолатларда текшириш дастури тозалаш станциясига тушаётган чиқинди сувларини бирдан ортиб кетиши, канализация тармоғига саноат корхоналарининг чиқинди сувларини ташланиши, асосий ва зохирадаги тозалаш иншоотларининг ишдан чиқиши натижасида сувни қайта ишлаш технологиясининг бузулишлари аниқланади. Кўрсатилган шароитларда тозалаш станциясини текшириб бўлгандан сўнг санитария врачи фавқулотда ҳолат асоратларини бартараф этишга қаратилган тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаташда қатнашади. Текшириш натижалари санитария текшириш далолатномасига тушуриласди.

Тозалаш станциясими санитария текшириш вактида санитария врачи уларни мөърида ишлишини бузишга олиб келадиган қуидаги асосий сабабларни ҳисобга олиши зарур:

иншоотларини иш юкламасини ортиб кетиши;

маиший хўжалик канализация тармоғига қабул қилиш учун ўрнатилган талабларга жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш чиқинди сувларини қўшилиши;

чиқинди сувларни бирданига кўп микдорда ташланиши;

электр таъминотида узулишлар бўлиши;

тозалаш иншоотлари ва электр – механика таъминот мосламаларини муқаммал ва режали профилактик таъмирлаш жадвали муддатларига риоя қилинмаслиги;

хизматчилар томонидан тозалаш иншоотларини ишлатилиш техник қоидаларини ва техника ҳавфсизлиги қоидаларини бузулиши;

Тозалаш иншоотларини санитария текширувидан ўтказилаётганда, уларни қанча ҳажмдаги чиқинди сувларни тозалаш учун лойжалаштирилганлиги, қабул қилинган тозалаш тизими ва кутилаётган тозалаш самарадорлиги, ҳамда тозалаш иншоотларини қурилиши тўлиқ ёки қисман тугатилганлиги ва қурилиш давомида лойихадан четлашишга йўл қўйилганми ёки йўқми аниқланилади. Текшириш асосан тозалаш иншоотлари майдонидан бошланади. Кейин тозалаш станциясига сутка давомида қўйилаётган чиқинди сувининг аниқ ҳажми аниқланади. Бунинг учун маҳсус ўлчов асбобларининг кўрсаткичларидан фойдаланилади. Алоҳида тозалаш иншоотларини текшириш чиқинди сувларини тозалаш технологик жараёнини бориши бўйича олиб борилади.

Сим панжараларни текширишда санитария врачи, унда ушлаб қолинаётган йирик чиқиндилар микдорини, уларни четлаштирилиши ва зарарсизлантирилишини аниқлайди. Ишлаб чиқариш қуввати кунига 200 м.куб дан ортиқ бўлган тозалаш станцияларида чиқиндилар майдаланилади, куввати кичик бўлган станцияларда эса ахлатхоналарга олиб бориб ташланади ёки жойида компостланади. Сим панжара жойлашган биноларни санитария техник ҳолатини ва майший хоналарнинг мавжудлигини текшириш мақсадга мувофиқдир (вентиляция орқали ҳаво алмашиб камида 3 маротаба бўлиши керак).

қумтутгичли тиндиригичларнинг қоникарсиз ишлишига кўпинча уларни иш юкламаларини ортиб кетиши сабаб бўлади. Бундай пайтларда қумтутгичли тиндиригичдан ўтган

чиқинди сувларидан қум топилади. Иш юкламаси камайиб кетса күп миқдорда органик моддалар топилади.

Бундай камчиликларни бартараф этиш учун чиқинди сувларни ҳар-бир секцияга тушшини тартибга солиб туриш тавсия қилинади.

Бирламчи тиндиргичлардан чиқаётган чўқмаларни ортиб кетиши асосан тиндиргичнинг иш юкламасини ортишида, марказий қувурларни бузулиши оқибатида келиб чиқади. Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун ва тиндиргичнинг иш самарадорлигини ортириш учун қўйидаги усуллар қўлланилади: чиқинди сувларни тушшини тартибга солиш, марказий қувурларни таъмирлаш. Ёғ ва сузиб юрувчи моддаларни тиндиргичлардан ўтиб кетиши маҳсус мосламаларни лойиха бўйича қурулмаганлиги ёки маҳсус тахталарни бузулиши оқибатида бўлиши мумкин. Тиндиргичлардан кўп миқдорда газ чиқиши ва чўқмаларни сузиб юришининг кузатилиши тиндиргичлардан ўз вақтида чўқмаларни тозаланмаётганлигидан далолат беради.

Агар чиқинди сувларни тиндиргичларда бўлишини аниқ вақтини аниқлаш керак бўлса “Шахар канализацияси тозалаш иншоотларининг ишланиши технологик назорат қилиш услуби” дан фойдаланилади.

Чиқинди сувларни фаол чўқмалардан фойдаланиб биологик тозалаш иншоотларини санитария текширища санитария врачи чиқинди сувларни биокимёвий тозалаш жараёнини ифодаловчи ва иншоотларни иш самарадорлигини аниқловчи қўйидаги асосий технологик жараён ўлчамлари: иш юкламаси, оксидланиш тезлиги, оксидлаш қуввати, фаол чўқмани нисбий ўсиши, чўқма индексини аниқлайди. Юқорида келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш усуллари кейинги бетларда кўрсатилган.

Агар а э р о т е н к и текширилганда фаол чўқмаларни нобуд бўлиши аниқланса, унга сабаб иншоотни юқори иш юкламаси билан ишләётганлиги, чўқма аралашмаларини аэрациясини камлиги ва захарли моддалар тушган бўлиши мумкин. Бундай пайтларда санитария врачи аэротенкдаги муҳитни тўлиқ ўзгартириш, соғ фаол чўқма қўшиш ва аэроцияни кучайтиришни тавсия қилиши мумкин. Агар аэротенк юзасида йирик ҳаво пуфакчалари пайдо бўлса, фильтрловчи пластинкаларни бузулганини кўрсатиш мумкин.

Биофильтрларни иш самарадорлигини аниқлашнинг асосий технологик ўлчамлари сифатида оксидлаш қувватини кўрсатиш мумкин. Биофильтрларнинг оксидлаш қуввати деганда КБЭ 5 бўйича чиқинди сувлардан 1 м.куб юклама

материал орқали ажратиб олинган органик моддалар миқдорига айтилади. Биофильтрларнинг оксидлаш қувватини ҳисоблаб баҳолаш китобнинг кейинги бетларида кўрсатилган.

Томчили биофильтрларнинг гидравлик юкламаси суткасига 3 м.куб га м.куб, юкламаси юқори бўлган иншоотларда 12 м.куб га м.куб дан ошмаслиги керак.

Биофильтрларнинг қониқарсиз ишлашига, уларни нобуд бўлган биопленкалар билан фильтрловчи материални ёпилиб қолиши натижасида кузатиш мумкин. Биофильтрларни қониқарсиз ишлашини бартараф этиш учун санитария врачи 1 м.куб юклама материалларни 35-50 г фаол хлор ҳисобидан тайёрланган хлорли сув билан ювишни тавсия этиш мумкин.

Иккиламчи тиндиргичларда фаол чўкмани бирдан кўпайиб кетишига сабаб нотекис юклама, фаол чўкмани концентрациясини ортиб кетиши, чўкмаларни ўз вақтида олиб кетмаслик сабаб бўлиши мумкин.

Метантенклардан чиқаётган чўкмаларни кулранг бўлиши, олтингугурт водородини хидини пайдо бўлиши ва pH нинг камидаги 6,5 бўлиши чўкмаларни кислотали чириш жараёнини бошланганлигини кўрсатади.

Чўкмаларни чириш жараёнини метанли чириш босқичида боришини таъминлаш учун вақтинча янги чўкмаларни солинишини тўхтатиб туруш зарур.

Чиқинди сувларни тупроқ мужитида тозалаш (суғориш ва фильтрлаш майдонлари) иншоотларини текширишда аввал чиқинди сув юкламасини маҳаллий тупроқ, иқлим ва гидрогеологик шароитларга мос келишини аниқлаш зарур.

Коммунал суғориш ва фильтрлаш майдонларининг иш юкламаси “Канализация. Ташқи тармоқ ва иншоотлар. Лойихалаштириш меъёрлари”да кўрсатилган талаблардан ортиб кетмаслиги керак. қишлоқ хўжалиги суғориш далалари иш юкламаси экиладиган экинларнинг хилига, суғориш даврларига ва намлиқ билан таъминланишига боғлиқ. Асосан суғориш усусларини қай йўсинда олиб боришини текшириш керак.

Суғориш усуслари эгатлар, чизиқлар, ёмғирга ўхшаш, ер ости суғориш бўйича олиб борилиши, ўстирилаётган ўсимлик хилига ва чиқинди сувларни тозалаш даражасига мос келиши керак.

Суғориш ва фильтрация далаларини санитария текшириш жараёнида ёмғир ёғганда ва хосилни йиғиши даврида чиқинди сувлардан қандай фойдаланилади: йиғиши усули,

четлаштирилиши ва дренаж сувларини қўлланиши
ўрганилади.

Тупроқ муҳитида тозалаш иншоотларини қўлланилишида тупроқ ости сувларини ифлосланиши мумкинлигини текшириш зарур. Агар тупроқ ости сувлари ифлосланиши аниқланса, ифлослантирувчиларини қанча масофага тарқалишини аниқлаш керак бўлади. Бунинг учун 4 қатор сув қудуқлари ковланади, чунки қаторлар бўйича ифлослантирувчиларни тупроқ ости сувининг оқими бўйлаб, оқимга қарши ва диоганал томонлари аниқланади. Сув қудуқлар ўрганилаётган маънбадан турли масофаларда ковланади.

Агар ифлосланирувчилар томонидан сув олиш жойини ифлосланиши мумкинлиги аниқланса санитария врачи, ифлосланирувчи маънбаси билан сув олиш иншооти ўртасида гидравлик алоқа мавжудлигини аниқлаши зарур. Бунинг учун ифлослантирувчи маънбага флюресцеин ишқорли эритмаси юборилади. Улар орасидаги масофага асосланиб эритмадан турли хил ҳажмларда солиш мумкин Масалан: 10 м-0,01 г., 100-0,02 г.,

1 км.дан юқори бўлса 0,2-0,3 г. Флюресцеин моддасини сув маънбаси сувларида аниқлаш учун ҳар-куни синама олинада ва ранг ҳосил бўлиши текширилади.

Ифлослантирувчиларни тупроқ орқали қанчалик чукур масофага тарқалишини аниқлаш учун Некрасов бурғуси орқали 5-6 м. чукурликдан синама олиб текширилади.

Охирида санитария врачи ходимларнинг иш шароити, майший хоналарни мавжудлиги, шахсий гигиенага риоя қилиниши, ва тиббий санитария хизмати (эмлаш, гижжаларни тарқалиши, дегелментизация, санитария тарғибот ишларини бориши), текширилади.

Насос станцияларини санитария текширишда қўйидагилар аниқланади:

- 1) сим панжараларда ушлаб қолинаётган чиқиндиларни четлаштириш ва заарсизлантириши олиб борилиши;
- 2) чиқиндиларни ҳудудда йиғилиб қолиши;
- 3) обьектнинг атроф муҳитга таъсири (хид, шовқин, пашшалар, тупроқни ифлоланиши):
- 4) ишчилар учун майший хоналарнинг мавжудлиги ва уларни санитария ҳолати:
- 5) фавқулодда ҳолатларда чиқинди сувлар чиқариладими, улар муҳрланганми, тозаланмаган чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташланадими:
- 6) фавқулотда ҳолатларда тозаланмаган чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташланишини, келиб чиқиш сабаблари

(насосларда электр таъминоти узулиши, керакли зохирадаги насосларни ётишмаслиги ва бошқалар):

7) ишчи-ходимларни эмланиши, гижжа касалликларини ҳолати:

Тозалаш станцияси ва унинг алоҳида иншоотларининг иш самарадорлиги тўғрисида хулоса тузушда тозалаш самарадорлигини (Р) ни ҳисоблаш зарур:

$$(С \text{ туш} - С \text{ чиқ}) \times 100$$

Р к ----- (%)

С туш

қаерда: С туш – тозалашга тушаётган майший чиқинди сувларни ифлосланиш концентрацияси мг.л.

С чиқ – тозаланган чиқинди сув таркибидаги ифлослантирувларни концентрацияси мг.л.

Тозалаш самараси биринчи навбатда мавжуд тозалаш иншооти учун махсус кўрсаткичлар бўйича ҳисобланади.

Алоҳида тозалаш иншоотлари учун иш самарадорлигини характерловчи махсус кўрсаткичлар қуийдаги жадвалда берилган:

Жадвал 25.

Алоҳида тозалаш иншоотлари учун иш самарадорлигини ифодаловчи махсус кўрсаткичлар қуийдаги жадвалда берилган:

Иншоотлар номи	Текшириш обьекти	Махсус кўрсаткичлар
Қумтутгичли тиндиргич	Қум	Намлик, гигроскопик намлик, Хажми
Бирламчи ва икки қоринли, септик тиндиргичлар	Иншооттга тушгунга қадар ва ундан кейинги чиқинди сув	Тинқлиги, муаллақ моддалар хажми ва микдори, гижжа тухумлари сони
Суғориш ва фильтрация далалари	Чиқинди сув ва филтрат	КБЭ, ККЭ, азот аммиак, нитрит, нитрат, перманганатли оксидланиш
Биологик ховуз	Ховуз сувининг харакати бўйича	КБЭ, ККЭ, азот аммиак, нитрит, нитрат, перманганатли оксидланиш, эриган кислород

Сунъий биологик тозалаш иншоотлари	Бирламчи тиндиригичдан сўнги ва биологик тозаланган чиқинди сув	КБЭ, ККЭ, азот аммиак, нитрит, нитрат, перманганатли оксидланиш, эриган кислород
Биологик тозалаш иншоотларидан Кейинги чиқинди сувларни қайта тозалаш иншоотлари	Биологик тозаланган сув ва қайта тозаланган сув	КБЭ, ККЭ, азот аммиак, нитрит, нитрат, перманганатли оксидланиш,
Заарсизлантириш иншоотлари	Заарсизлантиришдан аввалги ва кейинги чиқинди сув	Микроблар сони, коли - индекс, қолдик хлор

Чиқинди сувлардан синамалар олиш, тахлил килиш ва натижаларни қайд этиш тартиби.

Машғулотнинг мақсади-талабаларни чиқинди сувларни тозалаш босқичлари, иншоотларни қурилиши ва уларни иш самарадорлигини текшириш усуллари билан таништириш.

Дарс ўтиш жойи: чиқинди сувларни тозалаш станцияси, кафедра ўкув тажрибахонаси.

Назорат саволлари:

Маиший чиқинди сувларни санитария тавсилоти;

Маиший чиқинди сувларни механик тозалашдан мақсад;

Маиший чиқинди сувларни тозалаш учун қўлланиладиган тиндиригичлар;

Тиндиригичларнинг иш принципи;

Чўқтирувчи тиндиригичлар ва уларнинг чиритувчи тиндиригичлардан афзалликлари;

Биологик тозалаш иншоотларини қўлланиши ва иш принциплари;

Маиший чиқинди сувларни заарсизлантириш шароитлари;

Тозалаш иншоотларини иш самарадорлигини лабораторияда баҳолаш учун синамалар олиш нұкталари;

Тиндиригичлар ва аэротенкларнинг иш самарадорлигини баҳоловчси кўрсаткичлар;

Чиқинди сувларни заарсизлантириш самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар;

Машғулотнинг жихозланиши:

Тозалаш станциясининг умумий чизмаси, тозалаш иншоотларининг алохида чизмаси.

Машғулотнинг мазмуни:

Машғулот икки қисмдан иборат бўлади; 1. Тозалаш иншоотларини сувлдан синамалар олиш билан санитария текшириш; 2. Кафедра лабораториясида чиқинди сувларни санитария-кимёвий тахлилини ўтказиш, тозалаш иншоотларининг самарадорлигини ҳисоблаш ва хулоса тузиш.

Чиқинди сувлардан синамалар олиш усуллари асосан санитария врачининг олдига қўйган мақсадларга боғлик бўлади. Чиқинди сувдан синама олишда, уни тасодифий ифлосланишидан сақлашҳ зарур. Шунинг учун синама олишдан аввал текширилаётган объектда чиқинди сувни ҳосил бўлиш шароитлари ўрганилади. Агар объектдаги чиқинди сувнинг ҳосил бўлиш вақти бир текисда бўлса, унда ўртacha сменали ёки ўртacha суткалик синама олинади. Ўртacha синама ҳосил қилиш учун ҳар соатда бир хил хажмда (250-300 мл) синама олинади. Уларни яхшилаб аралаштириб ўртачаси олинади. Агар чиқинди сувнинг ҳосил бўлиши вақт бўйича нотекис бўлса, унда бир марталик синамалар олиниб ўрганилади, олинган натижаларнинг ўртacha арифметик қиймати ҳисобланади. Агар чиқинди сувнинг ҳосил бўлиши мунтазам бўлмаса, у ҳолда ўртacha пропорционал синама олинади. Бунинг учун ҳосил бўлаётган чиқинди сувнинг ҳажмига пропорционал синама олинади. Масалан: агар биринчи соат ичидаги 500 м.куб чиқинди ҳосил бўлса, у ҳолда 0,5 л, иккинчи соат ичидаги 1000 м.куб ҳосил бўлса 1,0 литр синама олинади.

Ўртacha ёки ўртacha пропорционал синама катта хажмдаги тоза ювилган идишга қуйилади. Бунда сақланаётган сувнинг таркибини ўзгаришини олдини олиш зарур. З градусли ҳароратда сақлаш мақсадга мувофик бўлади. Сутка ўтгандан кейин идишдаги сув яхшилаб аралаштирилади ва тахлил учун (1-3л) сув олиб текширилади.

Агар санитария текшириш давомида чиқинди сувга мунтазам равишда захарли моддаларнинг тушушига асос солинса, унда иккита синама олинади: биттаси ўртacha пропорционал синама ҳосил қилиш учун, иккинчи эса катта хавф туғдириши мумкин бўлган моддаларни текшириш учун лабораторияга юборилади.

Тозалаш иншоотларини самарадорлигини текширишда олинаётган синама (тозалаш иншоотларига тушаётган ва тозаланган) битта оқимдан бўлишлигига аҳамият бериш зарур. Бунинг учун чиқинди сувларни тозалаш иншоотларидан ўтиш вақтини ҳисобга олиш зарур. Шунинг

учун тозаланган сув билан тушаётган сувдан бир вақтнинг ўзида синама олинмайди, тозалаш иншоотлари орқали ўтган сувдан маълум вақтлар оралиғида олинади.

Тозаланган чиқинди сувдаги эриган кислородни станциядан чиқаётган сувдан 2 марта (эрталаб ва кечаси) олинади ва ўша вақтнинг ўзида кислород аниқланади.

Аэротенклардаги эриган кислород миқдорини назорат қилиш учун 500 мл хажмдаги шиша идишга фаол чўкма билан бирга олинади, идишга олдиндан 2-3 мл 5 % дихлорид симоб ёки 5 мл 10 % мис купороси ($CuSO_4$) солинган бўлиши керак.

Бирламчи тиндиргичдаги чўкмалардан синамалар ҳар 5 минутда 100-150 мл миқдорида чиқариш жараёнида олинади ва умумий идишга солинади.

Фаол чўкмага тавсиф бериш учун аэротенкдан ёки иккиламчи тиндиргичдан аввал 250-300 мл миқдорида чўкма аралашма синамаси олинади.

Чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташлашдан аввал ва чиқинди сув ташлангандан сўнг сув ҳавзаси сувидан синама олиб текширилади. Бундай холатларда учта жойдан: чиқинди сув ташлаш жойидан юқорида, тўлиқ аралашгандан сўнг ва яқин орадаги сувдан фойдаланиш жойидан 1 км юқоридан синама олиниб назорат қилинади. Синамалар дарёнинг ўртасидан ва 3-5 м қирғоқдан 30-50 см чуқурлиқдан олинади. Аниқ натижаларга эришиш учун ўртacha синамаларни лаборатория текширишдан ўтказиш зарур. Бунинг учун кўрсатиб ўтилган жойлардан сув ҳавзасининг барча кенгилигидан ҳар 10 - 50 метр масофадан 1 литрдан хажмда синамалар олиш зарур. Текширишнинг даврийлиги махаллий шароитларга боғлик, аммо мавсум давомида камида 2 марта текшириш керак. Сувдан олиш даврида: сувнинг ҳарорати, тиниқлиги, сув юзасида парда ҳосил бўлиши, хиди ва таъми, сув ўсимликлари, қирғоқларининг ифлосланиш ҳолати, туби, нефт махсулотлари пардасининг мавжудлиги, ва бошқалар ўрганилади. Кейин олинган синамалар тўлиқ ёки қисқа дастур бўйича лаборатория тахлилидан ўтказилади.

Сув ҳавзаси сувидан ва чиқинди сувлардан олинган синамаларга кузатув варақаси тўлдирилади, унда қўйидагилар акс эттирилади: 1) синама олинган жой; 2) синама характеристи (бир мартали, ўртacha сменали, ўртacha пропорционал); 3) синама олиш даврида аниқланган кўрсаткичлар (ҳарорати, хиди, ранги, тиниқлиги, ташки кўриниши); 4) тахлил дастури; 5) синама олинган вақт;

6) консервациялаш усули; 7) синама олган шахснинг мансаби ва имзоси.

Синамаларни консервациялаш ичимлик сувидагидай ўтказилади (ичимлик сувидан синама олиш қоидаларига қаранг).

КБЭ ни аниқлаш учун олинган синамалар хеч қачон консерваланмайди. Уларни совук ҳароратда (к 3 градус) сақлаш тавсия қилинади.

Тозаланмаган чиқинди сувдан олинган синамадан қўйидагилар аниқланади: ҳарорати, хиди, тиниклиги, муаллақ моддалар, беш кунлик КБЭ, ККЭ; 2 соат тиндирилган сувда - азот нитрит ва нитрат, хлоридлар, перманганатли оксидланиш, беш кунлик КБЭ, фосфатлар, чириши; фильтрланган сувда-қуруқ қолдик, темир, сульфатлар.

Текширишдан олинган натижаларни ичимлик сувини текшириш натижаларини қайд қилингандек қайд қилинади.

Чиқинди сувларни лаборатория текшириш натижалари ва тозалаш иншоотларини иш самарадорлиги кўрсаткичлари

Чиқинди сувларни лабораторияда текшириш ҳажми бир қатор шароитларга боғлиқ бўлади: тозалаш тури, текшириш обьекти ва санитария врачининг олдига қўйган мақсадларга боғлиқ.

Объектни текширишда турли хил тозалаш иншоотларини иш самарадорлигини баҳолаш маҳсус кўрсаткичлари қўйидаги жадвал бўйича аниқланади.

Мазкур жадвалдаги кўрсаткичларни у ёки бу тозалаш иншоотларининг иш самарадорлигини ўрганишда ҳисобга олиш зарур. Булардан ташқари тозалаш станциясида фавқулотда холатларда бошқа қўшимча кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади. Эпидемик кўрсаткичлар бўйича тозалаш босқичларининг ҳаммасида патоген микроорганизмлар ва гижжа тухумлари борлиги текширилади.

Жадвал 26.

Тозалаш иншоотлари	Тозалаш самараадорлиги Камайиши, % да					Тозалашда н ўтган чиқинди сув тавсилоти	
	Муал-лақ	КБ Э5	Оксидла ниш	Бактерия сони	Гиж-жа	Эрига н	қо л-

	МОДДА				ТУХ УМ СОН И	КИСЛО РОД	ДИ К, ХЛ ОР
Сим панжара, құмтутгич	5-10	5-10	-	5-15	-	-	-
Септик (икки кундан сүнг)	70-98	30	35	6-15	80-100	Йүк	-
Икки қоринли тиндиргич	50-70	25 - 30	-	-	70-90	Йүк	-
Тиндиргичлар (құндаланг, тик, радиал)	50-70	25 - 30	-	25-50	70-90	-	-
Биологик фільтрлар	70-92 тиникл иги 10-20 см	70 - 90	70-65	80-95	-	>4	-
Аэротенк	70-92	80 - 90	70-75	90-95	-	>4	-
Иккиламчи тиндиргичлар	80-95	85 - 95	-	90-98	-	>4	-
Суғориш ва фільтрлаш майдони	90-98	95 - 99	80-90	95-98	100	>4	-
Тиндирилғандан сүнг хлорлаш	-	15	-	90-95	-	-	3-5
Биологик тозаланган дан сүнг хлорлаш	-	-	-	98-99,5	-	-	1-2
Сунъий биологик тозаланган сув сифати	30 г.л. (тиник > 20 см)	5-20 мг.л га ча	-	-	-	>4	-

Кимёвий моддалар аниқ бир ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқинди сувларини сув ҳавзаларига тушурилганда ўрганилади.

Чиқинди сувларни тўлиқ тахлилида қўйидагилар аниқланилади: харорат, хид интенсивлиги, ранг ҳосил қилиши, рН, тиниклиги, чўкма тушаётган моддалар вазни ва хажми бўйича, муаллақ моддалар, умумий азот, азот аммиак, нитрит, нитрат, перманганатли оксидланиш, бихромат оксидланиш (ККЭ), кислородга биокимёвий эҳтиёж (КБЭ5: КБЭ 20), нисбий турғунлиги, эриган кислород, хлоридлар, фосфатлар, фторидлар, эркин хлор, махсус ингридиентлар (саноат чиқинди сувлари таркибига боғлиқ), микроблар сони, коли-индекс, радиологик, гелминтологик ва гидробиологик текширишлар, эпидемиологик ҳолати бўйича патоген микроорганизмлар аниқланади.

Чиқинди сувларни тўлиқ схема бўйича лаборатория текширувлари, уларни тозалаш станциясига тушушида, ҳамда тозалаш босқичларидан кейин ва сув ҳавзалари сувларига тушуришда қўшимча ишқориийлиги ва қаттиқлиги кўрсаткичлари билан ўтказилади. Тозалаш станциясига тушаётган ва тозаланган чиқинди сувларни тўлиқ санитария тахлили ишлаб чиқариш лабораторияси томонидан ҳар 10 кунда бир маротаба, ДСЭНМ эса махсус тасдиқланган режаси асосида, ёки ҳар чоракда бир маротаба ўтказилади.

Чиқинди сувларни қисқа тахлил да қўйидаги кўрсаткичлар:

рН, тиниклиги, муаллақ моддалар, ККЭ, КБЭ5, эриган кислород, микроблар сони, коли-индекс, гелминтологик, эпидемиологик кўрсатмалари бўйича патоген микроорганизмлар мавжудлиги, саноат корхоналари чиқинди сувлари ташланса кимёвий моддалар бўйича текшириш ўтказилади.

Қисқа тахлил бўйича ишлаб чиқариш лабораторияси тозалаш иншоотларини ишлашини ҳар куни ДСЭНМ режадан ташқари (кўрсатмалар бўйича) текширадилар. Булардан ташқари ДСЭНМ лабораторияси қисқа тахлил схемаси бўйича лабораторияси ва олий маълумотли мутахассислари бўлмаган ишлаб чиқариш куввати кунига 1000 м.куб дан кам бўлган тозалаш станциялари ишини йилда 2 марта назорат қиласидилар.

Ишлаб чиқариш лабораторияси томонидан, сим панжараларининг ишлашини назоратидан, унда ушлаб

қолинган йирик моддаларнинг ҳар ойлик ўртача синамасини (намлилиги, гигроскопик намлилиги, чиқиндиларни таркиби бўйича саралаш) ни ўз ичига олади. Ойда бир маротаба қумтутичли тиндиригичларидаги чўқмаларни (намлилиги, гигроскопик намлилиги, хажми, чўқма таркибиги қум, чўқмани таркиби бўйича саранишини) тахлил қилинади. Бирламчи тиндиригичларнинг ишини назорат қилинганда тўлиқ ва қисқа тахлилларга қўшимча тиндиригичлардан аввал ва сўнг олинган синамаларда чўқмаларни ушлаб қолиниш даражасини характерлайдиган кўрсаткичлар аниқланади; чўқмалар намлилиги, гигроскопик намлилиги, механик таркиби, таркибидаги қум текширилади.

Метантенкга тушаётган ва ундан чиқаётган чўқмалар ва бижғитилгандан сўнг тахлили тўлиқ ва қисқа схема бўйича олиб борилади. Тўлиқ тахлил бўйича текшириш: намлилиги, гигроскопик намлилиги, кимёвий моддалар, углеводлар (неми ва алфа целлюлоза), умумий азот, оксили азот, фосфор, СПАВ, темир, мис, хром, радиоактив моддалар, гижжа тухумлари кўрсаткичлари бўйича ўтказилади. қисқа тахлил эса намлилиги, гигроскопик намлилигига текширилади.

Ҳосил бўлаётган газнинг сифат тахлили метан, углерод ва олtingугурт гази, водород, кислород, азодларни аниқлаш мақсадида ойда бир маротаба ўтказилади.

Аэротенкларнинг ишини лаборатория назоратида, иншоотга тушаётган ва ундан чиқаётган сувни текшириш билан бирга, фаол чўкманинг дозасини (хажми бўйича фоизларда ва г.л ларда) ҳар куни ва тозаланган сувдаги эриган кислород миқдори (суткада 1-2 маротаба) текширилади. Фаол чўкманинг сифати, чўқма индекси, чўкиш тезлиги, микроорганизмларнинг сони, фаол чўкманинг кислородга бўлган эхтиёжи 10 кунда 2 марта текширилади. Булардан ташқари ойда бир маротаба гигроскопик намлик, умумий азот, фосфат, радиоактивлик даражаси, гижжа тухумлари сони аниқланади.

Агар чиқинди сувлар заарсизлантирилаётган бўлса, ишлаб чиқариш лабораторияси ойда камида бир маротаба сувнинг хлорютумлилигини ва суткасида 4-5 маротаба қолдик хлор миқдорини аниқлашлари шарт.

Текшириш давомида санитария врачи на фақат лаборатория текширувлар хажмини балки, уларни ишончлилигини ҳам текширишлари керак. Шу мақсадда тозалашнинг турли босқичларидан синамалар олиб ДСЭНМ

лабораториясида текширилади. Сўнг олинган натижаларни киёслаб кўрилади ва иш самарадорлиги баҳоланади.

Чиқинди сувларни лаборатория текширув усуллари.

Харорати. Чиқинди сувлар ҳарорати синама олинган жойнинг ўзида термометрлар ёрдамида ичимлик сувини текширилгани сингари ўлчанади.

Ташқи кўриниши. Сув синамалари юзида пардалар, муаллақ ва сузиб юрувчи моддалар борлиги ва характери аниқланади.

Ранг ҳосил қилиши. Тиндирилган ёки филтрланган чиқинди сувини туби текис бўлган рангсиз цилиндрга 20 см (ёки 10 см) қўйилади ва кундузги ёруғликда оқ фонда кўрилади. Ёнига худди шундай цилиндрга дистилланган сув қўйилади. Ранг ҳосил қилиш интенсивлиги (рангсиз, яшилроқ, оч сарик, қўнғир) ёзиб борилади.

Сув ҳавзаларига тушуриладиган чиқинди сувларни 20 см ва 10 см ларда сувда йўқолиб кетадиган даражаси дистилланган сув билан аралаштириб ўрнатилади.

Ҳиди. Хона ҳароратида ва 60 градусгача иситилиб ўрганилади. Бундан ташқари сув ҳавзалари сувларида ҳидни йўқолиш даражаси ўрнатилади. Бунинг учун чиқинди сув дистилланган сув билан $2, 4, 8, 10, 20$ ва ундан юқори маротаба ҳиди йўқолгунча суюлтирилади. Текшириш хона ҳароратида, бошқа хидлардан изоляция килиниб ўтказилади.

Тиниқлиги. Тозалаш станциясига тушаётган чиқинди сувларда ва тозалаш босқичларида, ичимлик сувидаги сингари Снеллен шрфти ёрдамида ўрганилади.

Чўкмага тушаётган моддалар. Ҳа ж м и бўйича. Уни аниқлаш учун Лисенко цилинтридан фойдаланилади. Цилиндрни махсус штативга махкамланади ва унга яхшилаб аралаштирилган чиқинди сувни қўйилади. 45 минут ва 1 соат 45 минутдан сўнг ҳар бир цилиндрдаги чўкмалар торайган жойга ўтиши учун уни бир неча маротаба ўзининг ўқи атрофида айлантирилади. Ҳар 30 минутда тушган чўкмаларни миллиметрларда ўлчанади. Натижалар 1 литр сувдаги чўкмалар миллиметрда аниқланади.

В а з н и бўйича. Лисенко цилинтрида тиндирилган синамани 2 соат ўтгандан сўнг секин аста суви олинади. Цилиндрда қолдирилган 100 мл сув чўкмаси билан беззол фильтри "оқ лента" га олинади, унинг диаметри 9-11 см ва вакуум остида филтрланади. Филтр қурутилади ва торозида муаллақ моддалар сингари тортиб олинади.

Муаллақ моддаларни аниқлаш. Беззол филтрлар ёрдамида аниқлаш. Бу усулдан сувдаги муаллақ моддалар 10 мг.л.дан ортса фойдаланилади. 9-11 см.ли "ок лента" ли беззол филтри мажкам ёпиладиган бүксга жойлаштирилади ва доимий оғирликгача 105 градусда 5 соат давомида қурутиллади. қурутилгандан сўнг филтр совутиллади ва аналитик торозида тортиллади. Шу усулда тайёрланган беззол филтри орқали 500-1000 мл чиқинди сув ўтказилади. Шундан сўнг филтр тенг иккига буқланади ва бүксга солиниб, қурутиллади. қуритилгандан сўнг яна тортиб олинади.

Муаллақ моддалар миқдори қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$(m_2 - m_1) \times 1000$$

$$X \text{ к} \text{-----} \text{ МГ.Л}$$


V

m_2 - филтрни чиқинди сувни филтрлангандан сўнг вазни мг;

m_1 - филтрни филтрлашгача бўлган вазни мг.л мг;


V - филтрланган сувнинг хажми, мл.

Эриган кислород. Тўлдириб сув қуийилган кислородли идишга 1 мл $MnCl_2$ ва 1 мл калий йодиднинг ишқорли эритмасидан солинади. Идишнинг оғзи мажкам ёпилади ва 15 маротаба чайқалтирилади. Сўнг ҳосил бўлган чўкма идиш тубига чўкмага тушгунгача тинч қўйиб қўйилади. Жараён қуйидагича ўтади:




Марганецгидратоксидининг миқдорисувдаги кислород миқдорига эквивалент бўлади.

Маргенеңгидратоксиди чўкмасини эритишуучуни идишга 3 мл концентранган HCl ёки H_2SO_4 солинади, идиш мажкам ёпилади, уни рангизхолат гаваажралиб чиққани йодхисоби гасарғи шрангга кургунича яхши лабаралаштирилади.



Бунда ажралиб чиққан хлор хлор маргенең миқдорига эквивалент бўлади, ўз навбатида сувдаги кислородга хам тўғри эквивалент бўлади. Хлор калий йодит таркибидаги йодни ишқор билан бирга қўшиб ажратиб олади, ажралиб чиққан йод хлор миқдорига эквивалент бўлади, уни йодометрик усулда Серноватик кислота билан титрлаш йўли билан аниқланади.



Идишдан 100 мл миқдордасуволиниб, колбагасолина диша 0,01

Н тиосулфатнатрий эритмаси билан титрланади. Эритмаоч-сарик рангакирганда, 1 мл 0,5 % крахмал эритмаси болинади вахосил бўлган кўрангий ўқолгунга қадар янатитрланади. Титрлашгакетган тиосулфат миқдори бўйича 1 литр сув гакетган кислород миқдори милиграммлар даҳисо бланади.

$$X \leftarrow \frac{N}{K} \times 10$$

Бу ерда: x – кислород миқдори (мг.л)

N – титрлашга кетган $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ миқдори;

K – тиосулфат натрий эритмасининг тўғриловчи коэффиценти;

$0,08\text{-Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ 0,01 N эритмасининг 1 мл га тўғри келадиган кислород миқдори.

Шу билан КБЭ₅ аниқлашнинг биринчи қисми якунланади. Эриган кислородни қайта аниқлашда, шу сувни 5 кундан кейин термостатга қўйилгандан сўнг аниқланади. Сувдаги эриган кислородни аниқлашнинг биринчи қисмидаги билан беш кундан сўнг аниқланган эриган кислороднинг орасидаги фарқ беш кун давомида 1 литр сувдаги органик моддаларнинг биокимёвий оксидланиши учун кетган кислород миқдорини беради.

КБЭ₅ ҳисоблаш. Якуний ҳисоб қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$\text{КБЭ}_5 \leftarrow (X_1 - X_5) \times D$$

Бу ерда: КБЭ₅ – 5 кунлик кислородга биокимёвий эҳтиёж;

X_1 – Текшириши биринчи қисмидаги аниқланган кислород миқдори (мг.л.);

X_5 – 5 кундан сўнг аниқланган кислород миқдори (мг.л.);

D – суюлтириш даражаси.

КБЭ₅ ни ҳисоблашда аниқ натижалар олиш учун суюлтириш учун қўшилган сув ҳисобга олиниши керак. Бундай пайтларда қуйидаги тенгламадан фойдаланилади:

$$\text{КБЭ}_5 \leftarrow \frac{[(X_1 - X_5) - (x_1 - x_5) \times 100] \times 1000}{V}$$

Бу ерда: X_1 – биринчи синамадаги кислород миқдори (мг.л)
 X_5 – беш кундан кейинги синамадаги кислород миқдори (мг.л)

x_1 – тажриба кунида суюлтириш учун күшилган сувдаги кислород миқдори (мг.л.)

x_5 – тажрибада сувни суюлтириш учун ишлатилган сувдаги кислороднинг беш кундан кейинги миқдори (мг.л.)

V – тажриба учун олинган синама хажми бизни тажрибада у 20 мл

C – суюлтириш учун олинган сув миқдори (бизда у 980 мл)

Оксидланишини Кубел бўйича аниқлаш. Оксидланишини аниқлашдан аввал тахлил қилиш учун колбаларни тайёрлаб олиш зарур. Бунинг учун колбага 100 мл дистилланган сув, 5 мл сульфат кислотаси (1 : 3) ва 10 мл 0,01 nKMnO₄ қўйилади. 10 дақиқа қайнатилгандан сўнг колбадаги аралашма тўкиб юборилади ва оксидланишини аниқлаш учун фойдаланилади.

100 мл ўлчамли иккита колба олинади. Биофильтргача бўлган чиқинди сувдан 1 мл олинган сувга дистилланган сувдан белгигача қўшилади. Биофилтрдан сўнг олинган 5 мл синамага хам белгигигача дистилланган сув қўйилади. Шундай йўл билан тайёрланган сувни аввал тайёрланган колбага солинади ва унга 5 мл сулфат кислотаси (1 : 3) ва 10 мл 0,01 nKMnO₄ қўшилади. Биринчи пуфакчалар ҳосил бўлгунга қадар электр плитада иситалади, сўнг 10 минут давомида қайнатилади. қайнатиб бўлгандан сўнг бюretка ёрдамида аниқ 10 мл 0,01 NH₂C₂O₄ эритмаси қўшилади. Рангсизланган иссиқ суюқликни 0,01 nKMnO₄ эритмаси билан оч қизғиши ранга киргунча титрланади. Натижаларни ҳисоблаш учун (мг O₂ літр да) қўйидаги тенгламадан фойдаланилади.

$$X \leftarrow 10 \cdot [(A_1 - A_2) / K - 10] \times 0,08$$

Бу ерда: A_1 – суюқлик қайнаши бошлангунгача қўшилган KMnO₄ эритмаси миллилитрларда.

A_2 – Титрлашга кетган KMnO₄ эритмасининг миқдори мл.

K – 0,01 nKMnO₄ эритмаси титрининг тўғриловчи коэффиценти

Колбадаги KMnO₄ эритмасининг титрини аниқлаш учун оч қизғиҷирангача титрланган иссиқ сувга 10 мл 0,01 NH₂C₂O₄ эритмасидан қўшилади ва шу зохатиёқ 0,01 nKMnO₄ эритмаси билан юқоридаги ранга киргунча яна титрланади. К-тўғриловчи коэффицент қўйидаги тенглама билан ҳисобланади:

К к -----

н

Бу ерда: н - 10 мл Шавел кислотасини титрлашга
сарфланган KMnO₄ миқдори. мл,

Дистилланган сувни ҳам алоҳида оксидланишини аниқлаш
мумкин.

Чиқинди сувнинг оксидланиши қуйидаги тенглама бўйича
ҳисобланади:

$$X_{\text{ч.с.}} = (X - X_2) \times D$$

Бу ерда: X-суюлтирилган чиқинди сувдаги оксидланиш
(мг.О₂.л)

X₂ - дистилланган сувдаги оксидланиш (мг.О₂.л)

D - суюлтириш даражаси.

*Азот аммиак, нитрит ва нитрат тузларини аниқлаш
усуллари*

Биологик тозалаш иншоотларининг ишлаш тавсилоти
билиш учун нитрификация жараёнини боришини кузатиш
зарур ҳисобланади. Шу мақсадда биофилтр ёки аэротенкдан
аввал ва улардан сўнг олинган синамаларда азот аммиак,
нитрит ва нитрат тузлари аниқланилади. Уларни
фотоколориметр ёрдамида колориметрик усулида,
коагуляциялаш йўли билан тайёрланган умумий синамаларда
аниқланилади.

Бунинг учун 0,5 литри 2 та колба олинади: биринчи
колбага 300 мл биофилтрандан аввалги ва иккинчисига ундан
кейинги чиқинди суви солинади. Кейин ҳар бир колбага 3
мл дан 5 % Al₂(SO₄)₃ ва 3 мл дан 2,5 % Na₂CO₃ эритмасидан
солинади, яхшилаб аралаштирилади. Синамалардаги
коагуляциянинг самарадорлигини ошириш учун термостатда
(электр плитасида) қиздирилади. Синама қайнатиласлиги
керак. 30 дақиқа ўтгандан сўнг синама оддий қоғоз
фильтрларда фильтранади.

Фильтранган сувни 100 мл колбаларга қўйилади.
Колбаларга аввалдан қаламлар ёрдамида белги қўйилган
бўлиши зарур. (биофилтрандан аввалги ва кейинги).

А з о т а м м и а к ни аниқлаш. Коагуляцияланган
ва фильтранган чиқинди сувдан 2 та колбага 100 мл дан
солинади. "Биофилтргача" деб ёзилган синама аммиаксиз
сув билан 2 ёки 4 марта суюлтириб олиниши керак.
"Биофилтран кейин" деб ёзилган синама суюлтирилмайди.

Ҳар бир колбага 1 мл дан 50 % ли сегнет тузи
эритмасидан ва 1 мл Несслер реактивидан қўшилади.
Яхшилаб аралаштирилгач 5 дақиқадан сўнг 5 см.ли
ванначада ва кўк ёруғлик филтрида ФЭК да оптик зичлиги
аниқланади.

Аммиак миқдори (мг.л) ФЭК кўрсатмасига боғлиқ холда калибрли жадвал бўйича аниқланади (жадвал ҳар бир асбоблар учун тайёрланади ва янгиланиб турилади)

Ҳисоблашда синамаларни неча маротаба суюлтирилганлиги ҳам ҳисобга олинади.

А з о т н и т р и т н и аниқлаш. Иккита колба олинади уларга ҳам коагуляцияланган ва филтрланган чиқинди сувдан 100 мл дан солинади.

Бунда биофилтрдан кейинги олинган синамани 2-4 маротаба дистилланган сув билан суюлтириш тавсия этилади.

Ҳар бир колбага 5 мл дан Грисса реактивидан солинади ва 20 дақиқадан кейин қизғиши ранг ҳосил бўлган синамани 3 см ли ванначаларга солиниб, яшил рангли ёруғлик филтрида ФЭК да оптик зичлиги аниқланилади.

АЗОТ НИТРИТНИНГ миқдори (мг.л) ФЭК кўрсаткичига боғлиқ холда калибрли жадвал бўйича аниқланилади. Ҳисоблашда суюлтириш даражаси ҳам ҳисобга олинади.

А з о т н и т р а т н и аниқлаш. 2 та чинни идишга 10-50 мл дан биофилтрдан ўтгандан кейин олинган синамадан олинади ва идиш қуругунча қайнатилади. Сўнг ҳар бир идишга 1 мл дан сулфофенол эритмасидан солиниб шиша таёқчалар билан яхшилаб идиш деворларида чўқмалар аралаштирилади. Сўнг 15 мл дан дистилланган сув ва 10 мл 10% ли аммиак эритмасидан солинади. Агар сарик ранг ҳосил бўлса нитрат борлигидан дарақ беради.

Рангга кирган эритмани 100 мл ли колбага олинади ва 100 мл белгисигача дистилланган сув қўшилади. Кейин 3 см ли ваннана солиниб кўк ёруғлик филтрида ФЭК га қўйилади.

Нитрат миқдори (мг.л.) ҳам калибрли жадвал ёрдамида аниқланиади.

Суюлтириш даражаси ҳисобга олинади.

Яхши ишлайдиган биологик тозалаш иншоотларида азот аммиак миқдори камайиб, азот нитрит ва нитрат миқдори юқори бўлади. қониқарсиз ишлайдиган иншоотларда нитрификация жараёнини секинлашиб қолиши кузатилади.

Хлорлаш жараёниниг самарадорлигини назорат қилиш

Чиқинди сувларни хлорлаш жараёниниг самарадорлиги, чиқинди сув хлорлангандан сўнг қолдик хлор миқдори ва хлорлашдан аввал ва сўнги ичак таёқчалар титрини аниқлаш йўллари билан текширилади.

Чиқинди сувдаги қолдик хлор миқдори сувни мулоқот резервуаридан ўтгандан сўнг аниқланилади. Бунда қолдик хлорни аниқлашнинг қайси усули станцияда қўлланилаётган бўлса, ўша усул билан аниқланилади. Бир вақтнинг ўзида хлорлашнинг боришини қайд қилинадиган журнал, қолдик хлорни аниқлашнинг охирги 10-12 кундаги мунтазам олиб борилиши ва қолдик хлор миқдорини пасайиши аниқланилади.

К о л и т и т р и аниқлаш. Чиқинди сувнинг коли титри ичимлик сувининг коли титрини аниқлаш сингари аниқланилади, аммо улар орасида қуйидаги фарқ мавжуд:

А) чиқинди сувлар таркибида бактерияларнинг сони юқори бўлиши сабабли муҳитга анча камроқ сув экилади;

Б) чиқинди сув таркибидаги бактериялар сонининг кўп қисмини ичак таёқчаларини ташкил қиласи, шунинг учун тахлил биринчи босқичда-фақат глюказали – пептон муҳитига экиш билан чегараланиши мумкин. Бу тахлил натижалари қуйидаги 27-жадвал бўйича аниқланади.

Жадвал 27

Чиқинди сувларнинг коли – индекс ва коли – титри

Сувнинг ҳажми (мл)				Коли индекс	Коли титр
0,01	0,001	0,0001	0,00001		
–	–	–	–	Камида 90000	0,0111 юқори
–	–	–	к	90000	0,0111
–	–	к	–	90000	0,0111
–	к	–	–	95000	0,0105
к	–	к	к	180000	0,0056
–	к	–	к	190000	0,0053
–	к	к	–	220000	0,0046
–	–	–	–	230000	0,0043
–	к	к	к	280000	0,0036
к	–	–	к	920000	0,0011
к	–	к	–	940000	0,0010
к	–	к	к	1800000	0,0006
к	к	–	–	2300000	0,0004
к	к	–	к	9600000	0,0001
к	к	к	–	23000000	0,00004
к	к	к	к	23000000	0,00004 кам юқори

Миллилитрнинг 100 дан ва 1000 бир қисмини экиш учун, сувни 10 ва 100000 марта суюлтирилади ва ундан 1 мл олиб экилади.

Талабаларни баҳолаш учун биологик тозалаш станцияси тўғрисида қисқача баён этилган баённома, чиқинди сувлардан синама олинган жойлар, олинган тахлил натижалари тақдим этилади ва иншоотларнинг иш самарадорлиги баҳоланади.

Турли тозалаш иншоотларида тозаланган чиқинди сувларини сифатини гигиеник баҳолаш усуллар. (чиқинди сув тахлилларини "ўқиш")

Чиқинди сувларнинг сифати тўғрисида хulosса ёзиш (тахлилни "ўқиш") учун санитария врачи қуийдаги маълумотларга эга бўлиши керак: санитария текшириш тўғрисида маълумотлар (ахоли яшаш жойлари, тозалаш иншоотлари, сув ҳавзаси) ва чиқинди сувларни лаборатория тахлил натижалари.

Санитария текшириш ўз ичига санитария топографик, санитария техник ва санитария эпидемиологик текширишларни олади. Бу маълумотлар врачларнинг олдига қўйган вазифани, лаборатория тахлил натижаларини тушунтириш ва текшириш хажмини аниқлаш учун керак.

Врач санитария текшириш натижаларини ўрганиб бўлгач тахминан тозалаш иншоотларининг иш самарадорлиги, сув ҳавзасининг санитария ҳолати тўғрисида хulosса қилиши мумкин. Масалан, агар сув ҳавзаларини санитария текширишда сузуб юрувчи моддаларнинг кўплиги, лойқалигининг юқорилиги ва тинклигининг пастлиги, қўланса хид борлигини аниқлаган бўлса врач ўз-ўзидан сув ҳавзасининг ифлосланганлиги тўғрисида хulosса қиласди. Мажкур ифлосланишнинг миқдорий тавсилотини ўрнатиш учун лаборатория тахлил натижалари зарур.

Чиқинди сувларнинг лаборатория тахлилини "ўқиш" қуийдаги бир қатор босқичлардан иборат.

Б и р и н ч и б о с қ и ч-чиқинди сувининг хилини ўрнатиш.

Чиқинди сувларни қуийдаги хилларга фарқлаш мумкин: майший-хўжалик, шахар (майший-хўжалик ва саноат чиқиндиларининг аралашмаси), ишлаб чиқариш ва атмосфера чиқиндилари. Чиқинди сувларнинг алоҳида хилларини кўриб чиқища, улар тушуриладиган сув ҳавзаси ҳам кўрилади.

Чиқинди сувларининг хилларини аниқлашдан мақсад, уларнинг сифат таркибининг ўзига хос томонлари мавжуд. Уларнинг таркибини ҳисобга олиб ҳавфлилик даражаси ва характеристи тўғрисида хulosса қилиш мумкин.

И к к и н ч и б о с қ и ч-чиқинди сувларни хиллиарига боғлиқ холда керакли текшириш хажмини ва эпидемиологик ва санитария хавфлилиқ даражасини ўрнатиш.

Амалиётда кўпинча қўйидагилар тўғрисида хулоса тузулади:

- а) чиқинди сувларни санитария ва эпидемиологик томонидан хавфлилиқ даражаси тўғрисида;
- б) тозалаш станция ва унинг алоҳида тозалаш иншоотларининг иш самарадорлиги тўғрисида;
- в) чиқинди сувларни ҳисоб усули бўйича аниқланган натижалар бўйича сув ҳавзаларига тушуриш шароитларига мос келиши;
- г) сув ҳавзаларига тушурилган чиқинди сувларни сувнинг сифатига таъсири тўғрисида;
- д) чиқинди сувларни қишлоқ хўжалигида суғориш учун фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида;

Юқорида қўйилган вазифаларга боғлиқ холда санитария текшириш ва лаборатория тахлиллар хажмини аниқлаш талаб қилинади. Чиқинди сувларнинг эпидемиологик томонидан хавфлилиқ даражасини аниқлашда, лаборатория тахлил натижаларини "Ўқиши" учун санитария текшириш (санитария-топографик ва санитария эпидемиологик) натижалари, патоген микрофлоралар борлиги тўғрисида тахлил натижалари, 1 литр сувдаги гижжа тухумлари ва уларни концентрацияси, ҳамда санитария-кўрсаткичли микроорганизмлар тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлади.

Чиқинди сувларни эпидемиологик томонидан хавфлиги тўғрисида хулосани қайд қилишда, заарсизлантирилмаган майший чиқинди сувларни ташлаш ҳар доим хавфлилигини ҳисобга олиш зарур.

Ҳавфлилиқ даражаси патоген микроорганизлар ва гижжа тухумларининг концентрацияси қанча кўп бўлса, шунча хавфли бўлади. Тозаланмаган майший чиқинди сувларнинг 1 литрида бир нечча мингта патоген микроорганизлар ва бир нечча юз минг гижжа тухумлари бўлиши мумкин.

Чиқинди сувларнинг эпидемиологик томонидан ҳавфсизлигини таъминловчи билвосита кўрсаткич ҳисобида коли титрдан фойдаланилади.

Агар заарсизлантирилгандан сўнг коли титр 0,000001 дан 1 гача қўтарилса чиқинди сув эпидемиологик томонидан ҳавфсиз ҳисобланади.

Сув ҳавзаларига ташланаётган майший чиқинди сувларнинг биологик тозалаш даражаси қанчалик кам ва органик моддалар қанчалик юқори бўлса, улар санитария томонидан ҳавфли ҳисобланади.

Бундай сувларда КБЭ 15–20 мг.л.О₂ дан ошмаслиги, турғунынгы эса 80 % дан кам бўлмаслиги керак.

Ташлананаётган ишлаб чиқариш чиқинди сувларининг санитария ҳавфлилиги-бу муаллақ ва органик моддаларнинг кўп миқдорда тушуши натижасида сув ҳавзасининг ўзини-ўзи тозалаш режимининг бузулиши ва кўпгина захарли моддаларни тушурилиши хисобланади, улар инсонларнинг ўткир ёки сурункали захарланишига, уй ҳайвонлари ва сув организмларига ҳавф туғдиради. Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш чиқинди сувлари эпидемиологик томонидан катта ҳавф туғдиради (гўшт, жун тўқимачилик, тери ошлаш корхоналари).

Ишлаб чиқариш чиқинди сувлари таркибида муаллақ моддалар, органик моддалар, захарли моддаларнинг миқдорини аниқ сув ҳавзалари учун сувдан фойдаланилаётган жойдан бир километр юқорисида сув ҳавзасига қўйиладиган гигиеник талаблардан ошмаслиги талаб қилинади.

Учинчабосқич-тақдим этилган материалларнинг тўлиқлигини текшириш. Хулоса бериш учун тақдим этилаётган материаллар қуйидагилардан иборат бўлиши керак: 1) чиқинди сувларни ташлаш жойидан юқори ва пастки қисмларини ёки тозалаш иншоотларини санитария текшириш натижалари; 2) синама олинган жойнинг аниқ кўрсатилиши ва синама олиш усули (ўртacha кунлик, ўртacha сменалик, ўртacha пропорционал, бир маротабалик); 3) кузатув варагаси; 4) лаборатория тахлил натижалари.

Тўртинчи босқич-санитария текшириш натижаларини баҳолаш. Текшириш усуллари (санитария топографик, санитария-техник, санитария эпидемиологик) бўйича ўтказилади.

Бешинчи босқич-Асосий тўрт гуруж кўрсаткичлар бўйича ўтказилади: органолептик, кимёвий, бактериологик ва гидробиологик меъёрлар. Ҳар бир гуруж кўрсаткичларга қисқача хулоса ёзилади, хулоса ва тавсияномалар берилади.

Олтинчи босқич-умумий хулоса тузиш. Санитария врачи ўз олдига қўйган вазифаларга асосан умумий санитария хулосани тузишда санитария текшириш ва лаборатория текшириш натижаларини тақкослайди.

Чиқинди сувларни сув ҳавзаларига тушуриш шароитларини аниқлаш усуллари.

Машғулотнинг мақсади: сув ҳавзаларини санитария муҳофазаси бўйича тадбирлар тизимини аниқлаш ва чиқинди

сувларни сув ҳавзаларига тушуриш шароитларини аниқлаш усуулларини ўрганиш.

Дарсни ўтиш жойи: ўқув хонаси.

Назорат саволлари:

Аҳоли турар жойлари худудида сув ҳавзаларининг санитария аҳамияти.

Маиший хўжалик ва саноат корхоналари чиқинди сувларига санитария тавсилотномаси.

Сув ҳавзаларининг санитария режимини таъминлаш учун табиий ўз-ўзини тозалаш жараёнининг аҳамияти.

Органик моддаларнинг биокимёвий оксидланиши сувдаги органик моддалардан тозалашнинг асосий йўлларидан бири сифатида.

қайси ҳолларда чиқинди сувларни сув ҳавзаларига тушуриш тақиқланади?

қайси ҳолларда чиқинди сувларни сув ҳавзаларига тушуришга рухсат берилади?

Сан қ ва М сув ҳавзасининг қайси нуктасида тадбиқ қилинади?

Сув ҳавзаси сувларида аниқланган кимёвий моддаларнинг концентрацияси захарли ёки захарсиз эканлиги тўғрисидаги масала қандай ечилади?

Сув ҳавзалари сувларида меъёрлаштирилган захарли кимёвий моддаларнинг лимит кўрсаткичлари нима?

Машғулотнинг жихозланиши: а) сув ҳавзалари сувларини чиқинди сувлар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш қоидалари; б) логариф чизғич.

Ўқув лабораторияси: жадваллар: а) сувдан фойдаланиш жойида сув ҳавзалари сувлари таркиби ва хусусиятларига қўйиладиган гигиеник талаблар; б) сув ҳавзалари сувларидаги кимёвий моддаларнинг РЭМ рўйхати; в) маиший ва саноат чиқинди сувларининг қиёсий гигиеник тавсилотномаси; г) ҳисоблаш учун тенгламалар.

Машғулотнинг мазмуни.

Машғулот қуйидаги кетма-кетликда олиб борилади:

Сан қ ва М 0056-96 сонли “Сув ҳавзаларини чиқинди сувлар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш қоидалари” ни муҳокама қилиш;

Ҳисоблаш учун тенгламалар билан танишиш;

Вазиятли масалалар ечиш.

Чиқинди сувларни сув ҳавзалариға түшүриш шароитларини аниқлаш-бу сув ҳавзалари сувларининг ифлосланишини рухсат этиладиган даражасини ҳисобланади, унда чиқинди сувларни сув ҳавзалариға түшүрилиши мүмкін ва бунда сувнинг сифати яқин сувдан фойдаланиш жойидан 1 км юқорида “Сув ҳавзалари сувларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш қоидалари” да үрнатылган талаблар даражасида сақланади.

Шундай қилиб, чиқинди сувларни сув ҳавзалариға ташлаш шароитларини асослаш-бу алохидан күрсаткичлар бўйича (мавжуд сув ҳавзаси учун) чиқинди сувлар билан рухсат этиладиган ифлосланишини гигиеник меёrlарини ҳисоблаш йўли орқили аниқлаш демакдир.

Чиқиндисувларниташлашшароитлари, қуийдагиҳолатлардааниқланади, қачонки:
чиқиндисувхосилбўлишимумкинбўлганобъектларқурилишиучуне
рмайдонлариникелишиболишдавачиқиндисувларниташлашжо
йларинианиқлашда;
маишийёқисаноаткорхоналариканализациятармоқларинингқури
лиш, қайтатаъмирлашёкингайтиришлойихаларини,
кейинчаликчиқиндисувларнисувхавзаларигаташлашшароит
лариниэкспертизақилишда;
чиқиндисувларинисувхавзаларигатушураётганмавжудсаноатко
рхоналариёкимаиший-
хўжаликчиқиндисувларинисувхавзаларигаташлашшароитла
рисанитарияталабларгамоскелишинитекширишда
(чиқиндисувларинисувхавзаларигаташлашшароитлари 3
йилдавомидакучгаэгабўлади, сўнграянгиланишишарт);
сувданфойланишшароитлариўзгарганида;
(Саноаткорхоналаринингтехникажараёнлариниўзгариш
и, янгисувданфойдаланишжойларипайдобўлганда);
Чиқиндисувларисувхавзаларигаташлашшароитларинисанит
арияэкспертизасиқилишусуллари “қоида”
шартларидааксэттирилган,
Бундачиқиндисувларнисувхавзаларигаташлашчегараланади.
Шумақсадда “қоида”
ёпиқсувтаъминотитизимиасосидачиқиндисувларданқайтафойда
ланишни (қимматбаҳочикиндиларниажратиболишуучун),
ишлабчиқариштехнологияларинимумкаммаллаштиришвачиқиндиси
зишлабчиқаришниташкилқилишҳисобига,
ҳамдачиқиндисувларданқишлоқхўжаликмаҳсулотларинисуғориш
дафойдаланишйўллари билантўликёкиқисманбартарафэтишкўрса
тилган.

Чиқиндисувларнисувхавзаларигаташлаштақиқланади,
агартаркибида: а) ишлабчиқаришком –аъшёлари,

реагентлари,
полифабрикатларватайёрмажсулотларнингмиқдориўрнатилгант
ехнологикийўқотишмееўлариданортибкетса; б)
рухсатэтилганконцентрация (РЭМ)
ўрнатилмаганмоддаларбўлса; в)
технологиячиқиндиларибўлса; г) радиоактивмоддаларбўлса.

Агар бирор сабаблар гакўрачиқинди сувларни сувҳавзалариг атушур масликни имкониятибўлмаса,
уходасувҳавзаларини ифлослантиришдан муҳофазаси никафолат
лайдиган барча ҳолатлар дасувни тушиш шароитларини хисоблаш
йўллари биланани қлаш зарур.

Сувҳавзаларини ифлосланни шкriterиялари:
органолептик хусусиятлари ўзгаришибилан боғлиқ сувнинг сифат
иниёмонлашиши, захарлик имёвий моддалар миқдорини инсонлар,
қушлар, балиқлар учун РЭМ даношиши,
сувҳайвонларининг яшаш фаолияти учун шароитларни ўзгаришивас
увҳароратининг ошиши хисобланади.
Булар бирёзики бир неча сувдан фойдаланишто ифаларини тўлиқчегар
алаб қўяди.

Сувҳавзаларини чиқинди сувлар билани ифлосланниши –
бусувдан фойдаланиш жойидан 1
кмюкоридасувнинг сифати ўзгариши,
сувҳавзалар исувларининг сифати “қоида”
га асосан қўйиладиганталаблар гамоскел маслиги.
Сувдан фойдаланишда ражасини чегаралаш сувҳавзалар исувларин
инг сифати бўйича аникланади, “қоида”
бўйича ташаланаётган чиқинди сувлар таркиби да гикўр саткичлар
меёrlаштирилмайди,
оқарсувҳавзаларидасувдан фойдаланиш жойидан 1 кмюкорида,
оқмайдиган сувҳавзаларидасувдан фойдаланиш жойидан ҳариккит
омонга 1
кмдан масофадасувнинг сифати қоидада қўрсатилган қўрсаткичла
рмеёри гажавоб бериш керак.

“қоида”
бўйича сувҳавзалар исувларининг таркиби вахусусияти га қўйила
диган меёrlар сувҳавзаларидан халқўжалигида фойдаланиш тури
га боғлиқ холда қўйида гижадваласосида ўрнатилади.

“қоида”
бўйича сувҳавзалари ёки уларнинг гайрим қисмлар исувдан фойдала
нишмақсадлари бўйича иккита асосий тоифалар габўлиниади:

Биринчи тоифа –
Сувҳавзаси сувларидан марказлаштирилган ёки марказлаштирилм
аганичимлик – хўжалик сувтаъ миноти, ҳамдаозик –
овқаткорхоналар исувтаъ миноти учун қўлланила диган сувҳавзал
ари;

Иккинчи тоифа - сувхавзалариданчўмилиш,
спортваҳолини дамолиши учун,
ҳамда ахолитура жойлари ҳудудидан ўтадиган сувхавзалари;

Жадвал 28

Сувхавзалар исувлари даничимлик вамиаданий-
майший мақсадлар учун фойдаланиш жойлари да сувхавзаларидан гигиеник таркибивах
усусиятига қўйиладиганумумий гигиеник талаблар.

Сувхавзалари сувлари таркиб ва хусусият кўрсаткичлари	Марказлаштирилган ёки марказлаштирилмаган ичимлик - хўжалик сувтаъминоти, хамда овқатланиш корхоналари сувтаъминоти учун	Чўмилиш, аҳолининг дамолиш ва спорти, хамда ахоли тураг жойлари худудидаги сувхавзалари учун
Муаллақ моддалар	Муаллақ моддаларниң ортмаслиги керак: 0,25 0,75	қўшилиш миқдори
	Муаллақ моддаларниң чўкиш тезлиги оқар сувлари учун 0,4 мм. сек дан юқори, сувомборлари учун 0,2 мм. сек дан юқори бўлса ташлаш тақиқланади	
Сузиб юрувчи моддалар	Сувхавзаларининг юзасида пардалар, минерал ёғлар доғи ва бошқа аралашмалар бўлмаслиги керак.	
Ҳиди	Сув ўзига хос бўлмаган интенсивлиги 1 балдан юқори бўлган ҳидга эга бўлмаслиги керак: Бевосита ёки Кейинчалик хлорланганда	Бевосита
Ранг ҳосил қилиши	қўйидаги устун баландлигига аниқланмаслиги керак: 20 см 10 см	
Ҳарорати	Чиқинди сув ташлангандан сўнг охирги 10 йилдаги йилнинг иссиқ ойлари даги ўртача ойлик ҳароратга қиёсланганда сувнинг ёз фаслидаги ҳарорати 3 градусдан ортмаслиги керак.	
Водород кўрсаткич и pH	6,5 – 8,5 чегарасидан чиқмаслиги керак	
Маъданли	қуру-қолдик 1000 мг. дм. куб. дан, шу	

таркиби	жумладан: хлоридлар 350 мг.дм.куб.дан, сульфатлар 500 мг.дм.куб.дан ортмаслиги керак.
Эриган кислород	Йилнинг барча фаслларида соат 12 гача олинган синамаларда 4 мг.дм.куб.дан кам бўлмаслиги керак.
КБЭ тўлиқ	20 градус ҳароратда ошмаслиги керак: 3,0 мг 0 дм.куб 0 мг.дм.куб
КХЭ	Ортмаслиги керак: 15,0 мг 0 дм.куб 30 мг 0 дм.куб
Патоген микроораг а-низлар	Сув касаллик чакиравчи микроораганимларни тутмаслиги керак
Лактомусбат ичак таёқчалари (ЛМИТ)	10 000 дм.куб.дан 5000 мг.дм.куб ортмаслиги керак ортмаслиги к-к (махаллий сув таъминотига тадбиқ қилинмайди)
Колифаглар	100 дм.куб.дан 100 мг.дм.куб ортмаслиги керак ортмаслиги к-к (махаллий сув таъминотига тадбиқ қилинмайди)
Гижжатухумлари	1 дм.куб сувда аниқланмаслиги керак
Кимёвий моддалар	Коцентрациялари РЭМ ёки ТРЭД дан ортмаслиги керак

Агар чиқинди сувлар аҳоли тураг жойлари чегарасида ташланадиган бўлса сув ҳавзалари сувлари таркиби ва хусусиятларига қўйиладиган талаблар чиқинди сувга ҳам қўйилади. Сув ҳавзалари сувларидан фойдаланиш тоифалари давлат санитария эпидемиология назорат марказлари томонидан аниқланади. “қоида” бўйича ҳосил бўлаётган чиқинди сувларни қўйидаги ҳолларда ташлашга ружсат этилади, агар улар ташланганда сув ҳавзалари сувлари билан тўлиқ аралашгандан ва суюлгандан сўнг: 1) сувнинг органолептик ва физика хусусиятлари кўрсаткичлари сифатига салбий таъсир кўрсатмаса; 2) сувнинг маъданли таркибини ружсат этилган чегара миқдоридан ортириб юбормаса; 3) оқар сув ҳавзаларининг ўз-ўзини тозалаш

жараёнини бузмаса; 4) сув ҳавзалари сувларига патоген микроорганизм ёки инсон организми учун захарли концентрациядаги кимёвий моддаларни тушурмаса.

Юқорида күрсатилған гигиеник талаблар майший – хұжалик сув таъминоти ва дам олиш (1-ва 2-тоифа) учун фойдаланиладиган сув ҳавзалари сувлари сифатига қўйилади.

“Сув ҳавзаларини чиқинди сувлар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш қоидалари” бўйича талаблар қуийдаги ҳолларда тадбик қилинади:

а) аҳоли турар жойларидағи мавжуд бўлган барча майший-хўжалик ва ишлаб чиқаришда ҳосил бўлаётган чиқинди сувлар, алоҳида жойлашган турар жой ва жамоат бинолари, даволаш профилактика муассасалари ва бошқа қайси идораларга қарашли бўлишидан қатъий назар барча чиқинди сув ҳосил бўладиган объектлар учун;

б) лойихалаштирилаётган, қайта таъмирланаётган ва кенгайтирилаётган чиқинди сувларини ташлаш режалаштирилаётган объектлар, ҳамда технология жараёни ўзгартирилган корхоналар, барча чиқинди сувларини ташлаши режалаштирилган қайси идорага қарашидан қатъий назар корхоналар;

в) ёмғир ва қор эриши натижасида канализацияга тушурилаётган, саноат ва аҳоли турар жойлари ҳудудлари атмосфера сувларини четлаштираётганлар;

Сув ҳавзалари сувларидаги захарли моддаларни “қоида” га асосан меёрлаштириш, асосан қуийдаги учта захарлилик кўрсаткичлар бўйича ўтказилади: Органолептик, умумий санитария режими, санитар-токсикология. Лимит кўрсаткичи деб-энг кам бўсаға концентрациясидаги тавсифланадиган захарлилик кўрсаткичига айтилади.

Масалан: Фторнинг 5 мг.л ва ундан юқори концентрацияси сув ҳавзаларининг санитария режимига таъсир қиласа, 25 мг.л концентрацияси сувнинг органолептик хусусиятларига таъсир қилади ва 1,5 мг.л концентрацияси захарли таъсир кўрсатади. Шунга асосан фтор учун лимит кўрсаткичи санитар-токсикологик захарлилик кўрсаткичи ҳисобланади. Захарлилик лимит кўрсаткичлари бўйича моддаларнинг захарлилик таъсири намоён бўлмаса концентрацияси РЭК деб аталади.

Чиқинди сувларни сув ҳавзаларига ташлаш шароитларини аниқлашда қуийдагилар ҳисобга олинади: а) чиқинди сувларни ташлаш жойидан сув ҳавзаси сувларидан фойдаланиш жойидан 1 км юқорида жойлашган назорат

нүқтасигача аралашиш ва суюлиш мумкинлик даражаси; б) чиқинди сувларни ташлаш жойидан юқорида сув ҳавзалари сувларининг сифати;

Юқорида келтирилган чиқинди сувларни ташлаш шароитларини ҳисобга олиш билан бирга ҳисоблаш усуллари қўйидагиларни ўз ичига олади: а) ташланиши режалаштирилаётган чиқинди сувларни миқдори, таркиби ва хусусиятлари, ташлаш режими билан танишиш; б) ташлаш режалаштирилган сув ҳавзалари сувларининг сарфи, таркиби, хусусияти (мавсум бўйича), оқиш тезлиги, аралашиш шароити, чиқинди сув ташлангандан сўнг сувдан фойдаланиш мақсадлари; в) сувдан фойдаланиш жойларида чиқинди сувни аралашиш ва суюлиш даражасини текшириш; сув ҳавзасига ташанаётган чиқинди сувнинг сифатига қўйиладиган талаблар бўйича алоҳида кўрсаткичларни текшириш; д) кундалик санитария назорати шароитида чиқинди сувларни ташлаш шароитларини мос келишини текшириш, алоҳида ҳолатларда аҳоли саломатлигини ўрганиш;

5) Суюлиш даражаси чиқинди сувлар ташланган жойидан сувдан фойланиш жойидан 1 км юқоридаги назорат нүқтасигача бўлган масофада чиқинди сувни сув ҳавзаси суви билан неча маротаба суюлишини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичининг гигиеник аҳамияти: а) суюлиш даражасини билган ҳолатда тахминан сув ҳавзаси сувнинг ифлосланиш даражасини ўрнатишимиз мумкин; б) суюлиш даражасини билган ҳолатда чиқинди сувларини органолептик кўрсаткичлари бўйича ташлаш шароитлари аниқланади;

Суюлиш даражаси қўйидаги тенглама бўйича топилади:

ах Q қ қ

Н қ -----

қ

қаерда: Q – сув ҳавзалари сувларидан энг кам ўртacha соатлик сарфи, гидрометеорология хизмати томонидан аниқланади:

қ – чиқинди сувларни ўртacha сарфи, технолгия ҳисоблари ва маҳсус ўлчовлар томонидан аниқланади:

а – аралашиш коэффициенти, ташланаётган чиқинди сувни суюлистириш сув ҳавзаси сувнинг қанча қисми иштирок этади.

6) ташланаётган чиқинди сув таркибидаги муаллақ моддаларнинг ружсат этиладиган миқдорини ҳисоблаш бўйича тенглама:

ах Q

$$K \cdot c \cdot \frac{1}{Q} \times K_{\text{у}} \cdot K_d;$$

қаерда: К ёш – сувдан фойдаланиш жойида сув ҳавзалари сувларидаги муаллақ моддаларнинг ружсат этиладиган миқдордан ошиши ($0,25$ мг.л ёки $0,75$ мг.л);
Кд – чиқинди сувлар ташланмасдан аввалги сув ҳавзалари сувларидаги муаллақ моддалар миқдори;
а, Q, q – таърифи юқорида берилган.

7) Чиқинди сувларнинг КБЭ чегара миқдори қўйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

ах Q

$$K_B \cdot c = (K_B \cdot r \cdot K_B \cdot d) \cdot \frac{1}{q} \cdot K_B \cdot r \cdot d;$$

қаерда: КБЭрэм – “қоида” бўйича сувдан фойдаланиш жойида КБЭтўлик ружсат этилган миқдори (3 ёки 6 мг.л.)
КБЭд – чиқинди сув ташланмасдан аввал КБЭтўлик миқдори.

8) Чиқинди сувларни ружсат этилган ҳароратини аниқлаш тенгламаси:

ах Q

$$T \cdot c \cdot \frac{1}{q} \times T_r \cdot d;$$

Трэм-“қоида” бўйича сув ҳавзалари сувларининг ҳарорати ортмаслиги керак (3 градусдан ортиқ);
Тд-чиқинди сув ташлангунгача бўлган ёз фаслидаги сув ҳавзалари сувларининг максимал ҳарорати;

9) Чиқинди сувларнинг таркибидаги минерал таркиби, сульфатлар, хлоридлар концентрациясининг ружсат этилган чегара миқдорини ҳисоблаш бўйича тенглама:

ах Q

$$C \cdot c = (C_r \cdot m) \cdot d;$$

Срэм-мазкур моддаларнинг сув ҳавзалари сувларидаги ружсат этилган чегара миқдори;
Сд-чиқинди сув ташланмасдан аввал сув ҳавзалари сувларидаги моддаларнинг миқдори;

10) Чиқинди сув таркибидаги захарли кимёвий моддалар концентрациясининг рухсат этилган миқдорини ҳисоблаш:

ах Q

Сч.с. к ----- х (С рэм - Сд) к С рэм; мг.л.да;
q

чиқинди сув таркибидаги бир хил ёки турли хил захарлилик лимит кўрсаткичига эга бўлган захарли моддалар бўлиши мумкин. Шунинг учун чиқинди сув таркибидаги бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ- кимёвий модда мавжуд бўлса, у ҳолда ҳар бири учун захарлилик лимит кўрсаткичлари ўрнатилади. Чиқинди сувда захарлилиги бўйича бир лимит кўрсаткичига эга бўлган бир қанча кимёвий модда аниқланса у ҳолда қўйидаги тенгламадан фойдаланилади:

C1	C2	C n
----- к -----	к	----- £ 1
РЭМ1	РЭМ 2	РЭМ n

Агар захарли кимёвий моддаларнинг захарлилик лимит кўрсаткичлари ҳар хил бўлса, у ҳолда ҳар бири учун алоҳида сув ҳавзалари сувларидаги рухсат этиладиган концентрацияси ҳисобланади, бунда Счс аниқланадиган вақтда ҳисобланадиган тенгламадаги ҳар бир модданинг Срэм нечта бир хил модда бўлса шунча маротабага камайтириш зарур.

III-БЎЛИМ. Аҳоли турар жойларини санитария тозалаш гигиенаси.

Аҳоли турар жойларини ободонлаштириш борасида ечимини топиш зарур бўлган муҳим масалаларга тупроқни, сув ҳавзаларини ва атмосфера ҳавосини суюқ ва қаттиқ майший чиқиндилари билан ифлосланишдан санитария муҳофаза қилиш ҳисобланади. Мазкур масалаларни ечишда турли хил профилактик тадбирлар мажмуасини кўллаш билан, аҳоли турар жойларида ҳосил бўлаётган суюқ ва қаттиқ чиқиндиларни тўғри йиғилиш шарт-шароитларини яшхилаб, вақтинча сақланиши, ўз вақтида четлаштириш, заарсизлантириш ва мақсадга мувоғик фойдаланиш орқали хал қилинади.

Аҳоли турар жойларини санитария тозалаш режасини ишлаб чиқишида маҳаллий санитария эпидемиология маркази мутахассислари муҳум рол ўйнайдилар. Уларнинг санитария-гигиена нуқтаи назаридан берган кўрсатмалари аҳоли турар жойларини санитария тозалаш тизимини, суюқ ва қаттиқ чиқиндиларини заарсизлантириш усувларини танлашда, иккиламчи хом-аъшёни йиғишида ва чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш корхоналари маҳсулотларини ишлатишида хисобга олинади.

Аҳоли турар жойларини санитария тозалаш ҳолатини ривожланиши санитария врачининг мазкур соҳа юзасидан огохлантирувчи ва жорий санитария назоратини самарали олиб боришга асосланган қонуний–меёрий хужжатларни чуқур ўзлаштиргандагина ўз аксини топиши мумкин. Соҳани ўрганишда аҳоли турар жойларини санитария тозалаш гигиенаси бўйича бир гурух амалий қўнималар ёрдам беради. Талабалар муайян амалий қўнималарни бажариш даврида аҳоли яшаш шароитида зарур бўлган ижобий мухитни яратишда, хусусан санитария тозалашни етарли даражада ташкил қилишда ташкилий, хўжалик, санитария-техник, аграр, санитария ва маъмурий тадбирларнинг йиғиндисини ахамияти тўғрисида маълумотга эга бўладилар.

Аҳоли турар жойларини санитария тозалаши тизимларини гигиеник баҳолаши.

Машғулотнинг мақсади – аҳоли турар жойларини санитария тозалашни ташкиллаштириш юзасидан огохлантирувчи ва жорий санитария назоратини олиб бориш усуллари билан талабаларни таништириш, чиқиндиларни мукаммал йиғилишини, вақтинча сақланиши, ўз вақтида олиб кетилишини, заарсизлантирилишини ва мақсадга мувофиқ фойдаланишда гигиеник асосларига амалий томонидан ёндошишга ўргатиш.

Дарс ўтиш жойи – ўқув хонаси.

Назорат саволлари

11. Майший чиқиндиларнинг санитария ва эпидемологик ахамияти.
12. қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни классификацияси ва уларнинг йиғилиш меъёрлари.
13. Чиқиндилар билан ифлосланган тупроқ мухитининг ўз-ўзини тозалаш жараётинининг моҳияти.
14. қаттиқ чиқиндиларни алоҳида-алоҳида йиғишга қўйиладиган санитария талабаларни.
15. Аҳоли турар жойларида қаттиқ чиқиндиларни йиғиш учун куриладиган майдонларга қўйиладиган санитария талаблари.
16. Чиқиндиларни четлаштириш тизимлари.
17. Суюқ аҳлатларни четлаштириш тизимлари.
18. Чиқиндиларни заарсизлантириш учун қўлланиладиган усуллари.
19. Махсус автомобил саройларини аҳоли турар жойлари ҳудуди режасида жойлаштирилиши ва санитария ободонлаштирилиши.
20. Аҳоли турар жойларини санитария тозалашни ташкил қилишда маҳаллий Давлат санитария эпидемиология назорат марказининг тутган ўрни.

Дарснинг жихозланиши

Ўқув тажрибахонаси: кўргазма қуроллар:

- а) қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларнинг классификацияси;
- б) қаттиқ ва суюқ чиқиндиларнинг йигилиш меъёрлари
- в) органик моддаларнинг парчананиш чизмаси
- г) ассенизация далалари (майдонлари) чизмаси
- д) тупроқни санитария ҳолатига баҳо бериш усуллари
- е) қаттиқ майший чиқиндиларни компостлаш
- ж) тупроқни гелминтологик текширувлари
- з) тупроқни ўз-ўзини тозалаш жараёни босқичлари,

САН к ва М № 0068-96; ахлатни қайта ишлаш корхонаси макети, ассенизация даласи, компост майдони, кампост тўплаш, ахлат саралаш корхоналари макетлари.

Дарснинг мазмуни

Аҳоли турар жойларида ҳосил бўлаётган қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни четлаштириш ва мақсадга мувофиқ фойдаланишини тизимини тўғри ташкил қилишга йўналтирилган тадбирий чоралар мажмуини амалга оширишда ва аҳоли турар жойларини санитария – эпидемиологик ҳолатини сақлаш ва аҳоли ўртасида юқумли ичак касалликларини камайтиришда Давлат санитария эпидемиология маркази ходимларини роли каттадир.

Шунинг учун ўқитувчи талабалар билан сухбат тариқасида аҳоли турар жойларини санитария тозалаш тизими юзасидан асосий қоидаларни қўриб чиқади.

Чиқиндиларни йигилиши меёри.

Қаттиқ майший чиқиндилар таркибига асосан аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун нокерак бўлган турли хил буюлар, кийимлар, материаллар ва бошқа чиқиндилар киради. Булар қофозлар, озиқ - овқат қолдиқлари, дарахтлар, металлар, газмоллар, тери, чарм, ойна синиклари, кўмир ва куллар, хона ва ҳовли суприндилари ва бошқалар киради.

Қаттиқ майший чиқиндиларнинг таркиби ичак таёқчаси, перфрингенс, протей титрининг пастлиги, гижжа тухумларининг ва пашша ғумбакларининг кўплиги билан характерланади. Шунинг учун улар аҳоли учун эпидемиологик томонидан ҳавфлилиги билан ажralиб туради.

Қаттиқ майший чиқиндилар йил давомида йигилишининг нотекислиги билан характерланади. Максимал йигилиш меёри куз фаслларида (кунига 1,6 кг) ва минимал йигилиш меёри қишида (кунига 0,8 кг) қайд қилинган. Қаттиқ майший чиқиндиларнинг йигилишини нотекислигини ҳисобга олиб транспорт воситаларининг иш жадвалини рационал тузиб чиқиш зарур бўлади. Куз фаслларида эса санитария назоратини кучайтиришни талаб қилинади.

Қаттиқ майший чиқиндиларнинг 1 киши учун шаҳарлардаги йигилиш меёрини ўртача бир кунда 1,2 кг (0,0032 м. куб) ёки йилига 453 кг (1,1 м.куб) даражасида қабул қилиш мумкин.

Мазкур меёrlардан ташқари Ўзбекистон Республикасида алоҳида умумий овқатланиш, савдо ва майший- маданий муассасалари, шифохоналар ва поликлиника муассасалари учун дифференциалланган меёrlари мавжуд.

Суюқ аҳлатлар учун йиғилиш меёри, агар аҳлатларнинг йиғилиши ўтказувчан ўраларда ташкил қилинса, қоида мувофиқ мазкур туманнинг тупроғининг характерига ва грунт сувининг жойлашиш даражасига боғлиқ бўлади. Ўртача бир киши учун йиғилиш меёрини йилига 1,5–2,0 м.куб даражасида қабул қилиш мумкин.

Аҳоли тураг жойларини тозалаши тизимини санитария назорати.

Аҳоли тураг жойларини санитария назорати огоҳлантирувчи ва жорий санитария назорат шаклларида олиб борилади.

Огоҳлантирувчи санитария назоратини олиб боришда санитария врачларининг вазифалари:

1. қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни йиғиш, вақтинча сақлаш, четлаштириш, зарарсизлантириш ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш бўйича алоҳида иншоотларни қурилиши учун ер майдонларини танлашда қатнашиш;
2. аҳоли тураг жойларини санитария тозалаш мукаммал тизимини танлаш ва асослаб бериш;

Шаҳар ҳудудларида қаттиқ ва суюқ аҳлатларни четлаштиришнинг 3 та асосий шакллари қўлланилади:

- 5) агар шаҳар тўлиқ канализация тармоғи билан таъминланган бўлса, суюқ аҳлатлар канализация тармоғи орқали оқизилади, қаттиқ майший чиқиндилар учун эса ташиб кетиш тизими қўлланилади;
- 6) шаҳар ҳудуди қисман канализация тармоғи билан таъминланган бўлса канализация тармоғи ўтказилган ҳудуддаги суюқ аҳлатлар оқизилади, канализация тармоғи билан таъминланмаган ҳудуддаги суюқ аҳлатлар (ассенизация тизими) ва қаттиқ майший чиқиндилар ташиб (санитария тозалаш тизими) кетилади;
- 7) канализация тармоғи умуман ўтказилмаган ҳудудларда суюқ аҳлатлар ассенизация тизими билан, қаттиқ майший чиқиндилар санитария тозалаш тизими билан ташиб кетилади.
3. режали мунтазам тозалаш тизимини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўйича тадбирий чоралар ишлаб чиқиш ва режалаштириш;

Режали мунтазам тизимида барча аҳоли тураг жойларини қамраб олиши ва маҳсус аҳлат ташиб машиналарининг аниқ режаси ва йўналиши бўйича аҳлатларни олиб кетилиши учун шароит яратиб берилиши зарур.

Режали мунтазам тизимнинг икки хили қўлланилади:

А. Режали мунтазам ҳовлилардан олиб кетиш тизими;

Бунда аҳоли тураг жойларида ҳосил бўлаётган аҳлатлар йирик ҳажмдаги маҳсус аҳлат қутиласига йиғилади;

Б. Режали мунтазам хонадонлардан олиб кетиш тизими:

Бу тизимда аҳлат ташиб машиналари аниқ жадвал бўйича ва белгиланган вақтда аҳоли тураг жойларига етиб келади ва аҳоли ўзларининг аҳлат

идишлиарида йиғилган аҳлатларни бевосита аҳлат ташиш машиналарига олиб чиқиб бўшатадилар.

4. Аҳоли турар жойларини санитария тозалаш бош тизимини санитария экспертизадан ўтказиш;

Санитария тозалаш тизими лойихаларини экспертизадан ўтказиш бир неча бочқичлардан иборат бўлади:

а. экспертиза қўйилган материалларни тўлиқлигини текшиш:

ложиха таркибида тушунтириш хати, чизма қисмлари ва иловалар бўлиши шарт.

б. амалдаги қонуний ва меёрий хужжатлар билан танишиш;

в. лойханинг паспорт маълумотлари билан танишиш: номи, ишлаб чиқсан ташкилот, муаллиф, ишлаб чиқарилган йили;

г. аҳоли турар жойларининг тавсияномаси (аҳоли сони, ободонлаштирилганлиги, умумий майдони ва бошқалар) ва ичак инфекцияси, гелминтозлар билан касалланиш ҳолати билан танишиш:

д. режали мунтазам тозалаш тизимини амалга ошириш тартибини баҳолаш: режали мунтазам тозалаш тизимига кирадиган худудда ҳосил бўладиган қаттиқ чиқиндилар миқдорини ҳисоблаб текшириш.

Шаҳарларда қаттиқ майший чиқиндиларнинг йиллик йиғилиши қуйидаги тенглама орқали аниқланади:

Мй қ А қ В қ С қ Д

Бу ерда: А – аҳолидан йиғиладиган йиллик чиқиндилар;

В – жамоатчилик муассасаларидан йиғиладиган йиллик чиқиндилар;

С – кўча қопламаларининг супуришдан ҳосил бўладиган йиллик чиқиндилар;

Д – саноат корхоналаридан ҳосил бўладиган йиллик чиқиндилар.

Чиқиндиларнинг бир киши учун бир кунлик йиғилиш меёри (Мк) қуйидаги тенглама бўйича аниқланади:

қаттиқ майший чиқиндилар учун:

Мй x К

Мк қ -----

П

Бу ерда: Мй – аҳлатнинг бир киши учун йиллик йиғилиш меёри
п – қаттиқ майший чиқиндиларни четлаштириш ташкил
қилинадиган кунлар (300 - 365)

К – қаттиқ майший чиқиндиларни йиғилиш нотекислик
коэффициенти (1,25)

Четлаштирилиши режалаштирилган суюқ аҳлатларни умумий миқдори
қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

Q₁ қ Q₂ қ Q n

Мк қ -----

қаерда: M_k – суюқ аҳлатларнинг ўртача йиғилиш меёри м.куб.да
 Q_1, Q_2, Q_n – ҳар ойда четлаштирилиши режалаштирилган аҳлат ўраларининг ҳажми;

24 – бир ойдаги иш кунлари.

Суюқ аҳлатларни йиғиш учун аҳлат ўраларининг керакли ҳажми қўйидаги тенглама бўйича аниқланади:

$$A \times M_k \times 1,3$$

$$Q_k = \frac{1}{12}$$

12

қаерда: A - аҳлат ўралардан фойдаланадиган аҳоли сони;
 M – суюқ аҳлатларни бир киши учун йиғилиш меёри;
 $1,3$ – аҳлатларни четлаштириш жадвали бузулган ҳолатларда зоҳирадаги аҳлат ўраларининг ҳажми;

12 – йил давомидаги аҳлатларни четлаштириш сони.

Аҳлатнинг тупланиш меёри йил сайин ортиб бормоқда. Янги Сан қ ва M га асосан бир одам учун йилига $1,5 - 2,0 \text{ m}^3$.

е. қаттиқ майший чиқиндиларни сақлаш учун керакли аҳлат қутиларини ва четлаштириш учун маҳсус транспорт воситаларини ҳисоблаб текшириш;

қўйидаги тенглама асосида аҳлат қутиларининг керакли сони ҳисоблаб топилади:

$$M_k \times K_1 \times t \times K_2$$

$$N_k = \frac{V \times K_3}{K_1 \times K_2}$$

$V \times K_3$

бу ерда: N – аҳлат қутилари сони;

M_k – аҳлатларни ўртача кунлик йиғилиш микдори;

K_1 – аҳлатнинг йиғилиш нотекислиги коэффициенти (1, 25);

t – тўпланган аҳлатнинг вақтинча сақлаш муддати (1 - 3 кун)

V – аҳлат қутиларининг ҳажми;

K_3 – аҳлат қутиларининг тўлиш нотекислик коэффициенти (0,9)

K_2 – тамирланишда бўлган қутиларнинг коэффициенти (1,05)

қўйидаги тенглама асосида аҳлатларни олиб кетиш учун маҳсус транспорт воситаларининг керакли сони ҳисоблаб топилади.

M_k

$$F_k = \frac{Q \times K_1}{V \times K_2}$$

$Q \times K_1$

M_k - қаттиқ майший чиқиндиларни ўртача кунлик йиғилиши;

Q – Бир транспорт воситасининг бир кунлик иш қуввати; у транспорт воситасининг ҳажмига боғлиқ бўлади.

K_1 – транспорт воситаларидан фойдаланиш коэффициенти ($0,8 - 0,9$)

к. Суюқ аҳлатларни микдорини ва уларни ташиб кетиш учун транспорт воситаларининг сонини ҳисоблаб текшириш;

л. қаттиқ чиқиндиларни заарсизлантириш, йўқотиш ва мақсадга мувоғик фойдаланиш услубларини танлаш усувлари.

м. қаттиқ чиқиндиларни заарсизлантириш ва йўқотиш бўйича алоҳида иншоотларни қурилишини гигиеник баҳолаш;

5. Санитария тозалаш обьектларини қурилиши жараёнида санитария назорат;

Объектларнинг қурилиши жараёнида огоҳлантирувчи санитария назоратнинг самарадорлиги кўпгина ҳолатларда ўзининг режасига ва мунтазам олиб борилишига боғлик бўлади.

6. Санитария тозалаш обьектларини ишга тушурилишида қабул ҳайати таркибида қатнашиш;

Объектларни ишга тушурилишини қабул қилиш 2 босқичда олиб борилади: биринчи босқич – техник; иккинчи босқич – давлат қабул ҳайати.

Техник ҳайат таркибида буюртмачилар, қурилиш ташкилоти, коммунал хўжалик бўлими, ДСЭНМ вакиллари қатнашадилар.

Давлат қабул қилиш ҳайати таркибида меъморий - қурилиш назорати вакили, ДСЭНМ вакили, ўт ўчириш бошқармаси вакили, мазкур тармоқ бошқармаси вакиллари қатнашадилар.

қабул ҳайати томонидан обьектни ишга тушуриш учун қурилиш яроқлилиги ва сифати келтирилган хulosasi билан далолатнома қайд қилинади.

Санитария тозалаши тизимини жорий санитария назоратидан ўтказишида санитария шифокорларининг вазифалари:

а. транспорт восталарининг ҳаракат жадвалига риоя қилиши ва чиқиндиларни олиб кетилишини мунтазамлигини даврий назоратдан ўтказиш. Санитария назорат даврида санитария шифокори аҳлатларни йиғилиши, вақтинча сақланиши ва четлаштирилишини лойиха материалларига мослигини солишириб текшириш зарур.

б. барча чиқиндиларни заарсизлантириш ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш бўйича иншоотларни ишлатилишини тўғри ташкил қилинганлигини ва ўрнатилган муддатларга риоя қилинаётганлигини мунтазам назорат қилиш; уй бошқариш ҳудуди, ассенизация, ҳайдаладиган, компостлаш майдонлари, қуйиш станциялари, транспорт саройлари, аҳлат полигонлари ва бошқаларни санитария назоратдан ўтказишида санитария назорат дастуридан фойдаланиш зарур. Текшириш натижалари махсус далолатноманинг кириш қисми, қайд қисми, хulosha қисми, керакли соғломлаштириш тадбирларини бажариш муддатларини келтириш қисми.

в. заарсизлантириш усулларини самарадорлиги ва санитария текшириш натижалари, ҳамда лаборатория таҳлил натижалари бўйича аҳоли тураг жойларининг тупроғини санитария ҳолатини назорат қилиш.

Тупроқ муҳитидаги пестицидларни баҳолаш мазкур модданинг аниқ натижаларини модда учун ўрнатилган РЭК билан солиширилади.

Аҳоли тураг жойларини санитария ҳолатини назорат қилишдан асосий мақсад–тозалашнинг, у ёки бу босқичидаги камчиликларни аниқлаш ва сабабини аниқлаб олдини олиш чораларини белгилаш ҳисобланади.

г. чиқиндиларни йигиш, вактинча сақлаш, четлаштириш, заарсизлантириш ва мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг янги самарали усулларини илмий асослашда қатнашиш.

д. Аҳоли тураг жойларини санитария тозалигини яхшилаш ва тупроқ мұхитини соғломлаштириш профилактикалық тадбирий чоралари бүйича қисқа муддатли ва келажак истиқболли режаларини ишлаб чиқып мақсадида лаборатория таҳлил натижаларини үрганиш.

Тупроқнинг тозалигини санитария ҳолатини ва аҳоли тураг жойлари тупроғини ифлосланиш даражасини баҳолашда қуйидаги жадвалда көлтирилган күрсаткышлар бүйича баҳолаш мүмкін:

Жадвал 29

Тупроқнинг санитария ҳолати күрсаткышлари

Ифлосл аниш даражаси	1 кг тупроқдаг и гижжатух умлари сони.	Паш ша ғумба клари сони (25 м.кв)	К о л и т и тр	Ана эро б тит р	Хдлеб никова санита рия сони.	Зара рли ким ёвий мод дала р	Ради ация фон и	Канце роген модда лар (бенз (а)пи рен бүйич а мкг. кг)
Тоза	0	0	1,0	0,1	0,98	РЭК	Табии й фон	5 гача
Кам ифлослан ган	10 гача	1 - 10	1,0- 0,01	0,1- 0,001	0,75- 0,98	10 марта юқори	1,5 марта юқори	5-10
Ифлосла нган	11-100	10-100	0,01 - 0,00 01	0,001- 0,0001	0,7 – 0,85	10 – 100 мартаг ача	2 марта юқори	10 – 30
Кучли ифлослан ган	100	100	0,00 1	0,0001	0,7	100 мартадан юқори	3 марта юқори	30

Шаҳарларда санитария тозалаш бош тизимида режали–мунтазам тозалаш тизимидан фойдаланиш амалга оширган бўлса, биринчи навбатда улар шаҳарнинг курилиши кўп қаватли ва юқори зичлигига эга бўлган худудларида, ҳамда ичак инфекциялари ва гельминтозлар билан касалланиши юқори бўлган худудларида қўллаш тавсия қилинади.

Шундан сўнг чиқиндиларни заарсизлантиришнинг энг қулай усуллари ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш усуллари ўрганилади (биотермик механизациялаштирилган ферментация, ахлатни ёндириш, компостлаш, такомиллаштирилган ахлат тўкиш жойлари).

Чиқиндиларни махсус корхоналарда компостлаш ва биотермик заарсизлантириш масалалари кўриб чиқилаётганда, талабалар бу қурилмаларга иқлим шароитлари ва жойдаги тупроқнинг холати, бундан ташқари чиқиндиларни ферментациясини ўзига хос томонларини назарда тутган ҳолда иш юкламаси меёrlари қанча бўлишини ҳисобга оладилар;

Тупроқ муҳитининг ўз-ўзини тозалаш жараёнини баҳолаш усуллари билан танишадилар. Талабаларга ўқув макетлари ва чизмалари асосида компост майдонлари тузилиши, ахлатни қайта ишлаш ва ахлатни саралаш корхоналарида чиқиндиларни заарсизлантириш технологиясини тушунтирилади.

Шундан сўнг талабалар ахлат қутилариининг керакли сонини ҳисоблаш ва ахлатларни заарсизлантириш қурилмалари юзасидан масалалар ечадилар.

1 масала

Ахоли сони 5000 киши бўлган аҳоли турар жойида қаттиқ чиқиндиларни йиғилишида санитария қоидаларини бажарилаётган-лигини текширишда, махсус майдончаларда хажми $0,1 \text{ м}^3$ бўлган 200 та ахлат қутилари ўрнатилганлиги аниқланди. Агар ахлат ҳар куни олиб кетилса, ахлатларни вақтинча сақлаш учун кўйилган ахлат қутиларининг сони етарлилигини аниқланг.

2 масала

Ахолиси 85000 та бўлган аҳоли турар жойи учун компост майдонининг катталигини аниқланг. Ҳосил бўлаётган барча қаттиқ чиқиндиларни заарсизлантирилиши шу майдонда режалаштирилган.

3 масала

Ахолиси 10 минг киши бўлган аҳоли турар жойида қаттиқ чиқиндиларни хажми $0,5 \text{ м}^3$ бўлган ахлат қутиларига йиғилиши назарда тутилган. Аҳоли турар жойи учун етарли бўладиган ахлат қутиларининг сонини ҳисоблаб топинг.

Аҳоли турар жойларида канализация тармоқлари ўтказилмаган тақдирда суюқ ахлатларни тўғри йиғилиши ва заарсизлантирили-шига қаратилган масалаларга этиборни қаратиш лозим.

Талабалар ўқитувчилар ёрдамида суюқ ахлатларни тўпланиш меъёрлари билан танишадилар, уларни заарсизлантириш қурилмалари (ассенизация ва хайдаш далалари)ни ўрганадилар.

Мазкур далаларга маҳаллий иқлим шароит ва тупроқ холатини ҳисобга олган ҳолда иш юкламаларига алоҳида эътибор қаратидилар, атрофифа санитария химоя минтакасини ташкил қилишни Санқ ва М 0068-96 “Ўзб

Республикаси шаҳарларида қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, четлаштириш, заарсизлантириш ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш қоидалари”га асосан аниқлайдилар.

Шундан сўнг талабалар мустақил равишида суюқ ахлатларни заарсизлантириш юзасидан масалалар ечадилар.

4 масала

Ахолиси 4000 та бўлган аҳоли яшаш жойлари учун суюқ ахлатларни заарсизлантиришда ассенизация далаларини ташкил қилинишида қандай санитария шароитлари бўлиши лозимлиги тўғрисида маҳалла кенгashi ДСЭНМ га мурожаат қилди.

Мазкур масала юзасидан ташкил қилинадиган ассенизация даласи қаерда жойлашиши, унинг катталиги, санитария химоя минтақасининг ўлчами, тупроқнинг холати, бошқа ташкилий ва ишлатишдаги шароитлар хақидаги маълумот берилиши керак.

5 масала

Ахолиси 10000 киши бўлган шахарнинг канализация тармоғи ўтказилмаган қисмидан суюқ ахлатларни заарсизлантириш учун тупроқ муҳитида заарсизлантириш усулидан фойдаланиш назарда тутилган. Барча санитария – гигиена талабаларига жавоб берадиган майдоннинг катталиги 6 га тенг. Ҳисоблаш йўли билан бу қандай қурилма эканлигини аниқланг.

Дарснинг охирида талабалар ассенизация далаларининг тузилишини ўрганадилар, уларнинг иш тирибини тушунтирадилар, ассенизация ва хайдаладиган далаларини ташкил қилиш учун қандай тупроқлик ер майдонлари бўлиши мақсадга мувофиқлиги хақида маълумот берадилар.

Масалаларнинг ечим натижалари маълумотлари талабалар томонидан қайднома тарзида тузилади, бунинг асосида синов баҳоси қўйилади.

Чиқиндиларни заарсизлантириши қурилмаларини санитария назоратидан ўтказиши усуллари

Дарснинг мақсади–талабаларни компост далалари, ассенизация ва хайдаш далалари, ассенизация автосаройини санитария текшируви усуллари билан таништириш.

Дарс ўтиши жой-ўқув хонаси ва назорат остидаги обьект.

Текшириш обьектлари маҳаллий шароит ва тозалаш қурилмаларини мавжудлигига қараб танлаб олинади.

Назорат саволлари

Компост далаларига қўйилариган санитария талаблари

Компост далаларига қаттиқ чиқиндиларни ташлаш юкламасини ҳисоблаш

Чиқиндиларни биотермик усул билан заарсизлантириш-нинг моҳияти

Ассенизация далаларининг тузилиши ва иш тартибига бўлган санитария талаблари
қишлоқ хўжалик ўсимликларини ўстириш учун ассенизация далаларидан фойдаланиш санитария шароитлари
Хайдаладиган далаларнинг тузилишига қўйиладиган санитария талаблари
Ассенизация мошиналари автосаройларига қўйиладиган санитария талаблари
Ассенизация мошиналари автосаройлар тузилишига қўйиладиган санитария талаблари
Ассенизация автосаройи санитария холати юзасидан санитария назоратини режалаштириш
Чиқиндиларни заарсизлантириш қурилмалари ишчиларини диспансер назоратидан ўтказиш

Дарсни жихозланиши:

- a) Ҳар-бир қурилма учун қисқача заарсизлантириш технологиясининг изохи
- б) Объектни назоратдан ўтказиш тартиби режаси

Дарснинг мазмуни

Компост далалари санитария текширувидан ўтказилаётганида талабаларнинг эътибори қуйидагиларга қаратилади: уларнинг жойлашиши, якин атрофдаги тураг жойларга нисбатан масофаси, кириш йўлларнинг холати, заарсизлантириш учун мўлжаланган чиқиндиларнинг микдори, юклама меъёри, компост тўпламларининг ўлчамлари, уларнинг сони, ишлатиш тартибини сақлаш (майдончаларни навбатма-навбат ишлатилиши, дренажларнинг борлиги, сизот сувининг оқиб чиқиши) компост тўпламлари ости қаватининг туркуми.

Шундан сўнг компост тўпламларининг турли қаватларида ҳарорат ва намлиknинг меъёри, ахамияти ва уларни аниқлаш йўллари тушунтирилади, бу кўрсатгичларни хисобга олиш тартиби ва унинг чиқиндиларни заарсизланиш босқичларида назорат қилишнинг ахамияти тушунтирилади.

Талабалар компост тўпланмаларининг 30, 50 ва 100 см чукурлигига ҳароратини ўлчаб, қаватлари орасида ажратувчи қатлам борлигини, усти ва ён томонлари инерт моддалар билан (торф, компост, тупроқ ва б.) беркитилганигини аниқлайдилар. Биотермик жараённинг яхши кечиши учун компост тўпланмаларини аралаштириш ва намлигининг ахамияти катталигини талабалар тушуниб етишлари керак.

Шундан сўнг улар автотранспортни ювиш жойи борлигини, санитария ўтказгич ва ишчилар учун маҳсус иш кийимлари борлигини текширадилар.

Шу тариқа ассенизация ва хайдаш далалари хам текширилади, бу ерда талабаларга майдонларга экинларни экилиши тартиби, суюқ ахлатлар

тўкилган далаларни мавсумийлиги, сизот сувларини чиқариш учун мелиоратив эгатларни ташкил қилиниши; у ерга экиладиган майсалар ва сабзавотларнинг турлари, уларни алмашлаб экилиши ва ишлаш шароитлари ўргатилади. Талабаларнинг эътибори тупроқ муҳитларининг ўз-ўзини тозалаш жараёнини назорат қилишдаги лаборатория текширув маълумотларига қаратилади.

Мазкур далаларга тупроқ холати ва иқлим шароитларини хисобга олган холда иш юкламаси турли хил бўлиши, автотранспортларни санитария холатининг сақланиши (уларни ювиш қурилмалари борлиги), ишчи - хизматчиларнинг шахсий гигиенасини сақлаши учун (душ, маҳсус ишчи кийим) хоналарнинг мавжудлиги, уларнинг жихозланиш масалаларига эътибор қаратилади.

Ассенизация машиналарининг автосаройида, талабалар, унинг қаерда жойлашганлиги, транспортни ювиш жойи борлиги, хоналарнинг таркиби ва режалаштирилганлиги, душхона ва қуритиш хонаси борлиги билан танишадилар.

Асосий эътиборни иморатнинг тузилишидаги ўзига хос томонларига (поли, шамоллатилиши), оқава сувларни тозалаш ва чиқариб юборишга, умумий санитария тартибига ва ободонлаштирилганлигига (пашшаларга қарши кураш) қаратилади. Текширувларда ишчиларнинг шахсий гигиенасини сақлаш учун керакли қурилмалар борлиги (душ, маҳсус кийим), тиббиёт хизматини ташкиллаштирилганлиги ва даврийлиги (тиббиёт кўриклари, эмлашлар, дегельминтлаш) аниqlанади.

Дарс талабанинг объектни санитария текширувлари далолатномасини борлиги билан хисобга олинади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш корхонасини санитария текширувидан ўтказиш усули.

Дарснинг мақсади-талабаларни қаттиқ маиший чиқиндиларни механизациялашган қайта ишлаш корхонасини санитария текширувидан ўтказиш усули билан таништириш.

Дарс ўтиши жойи – укув хонаси ва назорат обьекти.

Назорат саволлари

Ахлатни қайта ишлаш корхонаси (АқИК) атрофида СХМни ташкил қилинши;

АқИК қабул бўлимининг тузилишига қўйиладиган санитария талблари.

АқИК шамоллатиш тизимининг ўзига хос томонлари

Ахлат ташиб машиналарини зарасизлантириш-тозалаш бўлимининг тузилишига қўйиладиган санитария талблари.

Шаҳарларда ҳосил бўладиган ахлатларнинг морфологик таркиби

Чиқиниларни биоферментацияга тайёрлаш жараёнининг технологиясини мохияти.

АқИКда чиқиндиларни биоферментацияси жараёнининг мохияти.

Биоферментациясининг оптимал шароитида компостнинг сифатини санитария-эпидемиологик кўрсаткичлари.

Биоферментациянинг қисқа даврида олинган компост қандай шароитда ишлатилиши мумкин.

АҚИК махсулотининг гигиеник ва халқ хўжалигидаги ахамияти.

Дарсни жихозлаш

Ахлатни қайта ишлаш корхонасининг технологияси чизмаси

Кўргазмали қуроллар:

- а) қаттиқ чиқиндиларни морфологик таркиби
- б) чиқиндиларни ва компостни санитария кўрсатгичлари
- в) ахлат бостирмаси (штабель) нинг қиши фаслидаги турли қаватларидаги харорат кўрсатгичлари ва ташқи ҳаво ҳарорати

Дарснинг мазмуни

Ахлатни қайта ишлаш корхонасини текширишда, аввал талабалар корхонанинг технологик жараёни чизмаси билан танишадилар, шу жумладан қаттиқ чиқиндиларни олиб келиш ва хосил бўладиган тайёр махсулотни кўздан кечириш таркиби билан танишганидан сўнг амалга оширилиши керак.

Текширишни ўқитувчи корхона лойиҳасининг “тушунтириш хати” дан талабаларга, унинг иш қобилияти, чиқиндиларни қайта ишлаш босқичлари технологияси, биотермик заарсизлантириш қурилмасига тушаётган ахлатни олдиндан тайёрланиш шароитлари, қайта ишлангунгача қаттиқ чиқиндиларни санитария-гигиеник ва физик хусусиятлари (оғирлиги, намлиги, органик моддаларнинг микдори, иккиламчи хом-аъшёнинг микдори, металл, шиша, бактериялар билан ифлосланганлиги) хақида маълумот беради. Улар эътиборни алоҳида ферментаторларда турли режимда қайта ишланганда (ҳарорати, аэрация, барабаннинг айланиш тезлиги, ферментация вақти) биотермик заарсизлантириш муддатига қаратилиши керак. Яна талабаларга корхонанинг махсулоти қисқа циклларда олинганида корхонанинг махсус майдонларида компост штабелларида охиригача этилиши тўғрисида маълумот бериш керак.

Технологик жараённи шундай тахлил қилинганидан кейин талабалар корхонанинг асосий технологик босқичларини кўздан кечирадилар. Биринчи навбатда корхона майдонининг катталигига эътибор қаратилади, унинг санитария ободонлаштирилганлиги, кўкаламзорлаштирилганлиги, СХМ мавжудлиги, алоҳида ишлаб чиқариш хонаналарининг (қабул қилиш, саралаш, оралиқ, асосий, назорат-саралаш бўлими) жойлашганлиги, уларнинг сув тармоғи ва канализация тармоқлари билан таъминланганлигини кўрадилар.

Технологик жараённи назорат қилиш қабул бўлими бункерларидан бошланади. Бунда талабаларнинг эътибори унинг тузилишига, чиқиндиларни у ерда сақланиш вақтига (бу 1 суткадан ошмаслиги керак) қаратилади.

қабул бўлимида ахлат тўкиш санитария жихатидан жуда ифлосланиш билан ўтганлиги сабабли шамоллатиш тармоғи маҳаллий сўрувчи вентиляция билан жихозланган бўлиши керак. Жумладан ахлат тўкиш вақтида қабул бўлими хавосида чангнинг миқдори меёридан бир-неча баробар ошиб кетиш кузатилади. Бункерлар вақти-вақти билан тозаланиб дезинфекция қилиниши керак.

Талабаларни эътиборини шу ерда ахлат ташийдиган автомашиналарни, иссиқ ва совуқ сув тармоқлари билан таъминланган ювиш жойлари борлигига қаратиш керак.

Кейин технологик жараён давомида қаттиқ чиқиндиларни грайфер кран ёрдамида транспортер ленталарига ташланади, йўл-йўлакай металлар магнит ёрдамида ажратиб олинади ва латта-қоғоз, суюк, ёғоч в бошқалар қўлда ажратиб олинади.

Ахлатлар майдаланганидан сўнг асосий заарсизланиш жойи хисобланган биоферментаторларга юборилади. Бу ерда органик моддаларнинг термофил парчаланиш жараёни кечади, патоген микрофлора, гижжа тухумлари ва пашша ғумбаклари нобуд бўлади. Бу ерда талабларни эътиборни биобарабанларга ҳаво бериш жойига, чиқиндиларни қайта ишланаётган жараёнда ҳароратини кузатиб туриш дарчаларига ва биобарабанда компост массасининг бўлиш муддатига қаратиш керак.

Талабалар ферментация бўлимида ва барабанлардан маҳсулотни ағдариш жойида вентиляция тармоғининг ишлаш самарадорлиги ва ҳаво муҳитининг холати билан танишадилар. қайта ишланган ва заарсизлантирилган чиқиндилар компост кўринишида барабандан тўкилади ва транспортер ленталари ёрдамида етилиш майдонларига жўнатилади. Етилиш майдончаси йўлида компостни майдалагич орқали ўтқазилади. Талабаларнинг эътиборини корхона ҳудудида компостнинг сақланиши ва унинг етилиши учун майдон ташкил қилинганлигига қаратиш керак.

Асосий биоферментация цикли ишлатилиши натижасида олинган тайёр маҳсулот сақланувчи корхона омборхонаси кўздан кечирилганда талабаларга бу маҳсулот “Компостга кўйиладиган вақтинчалик техник талаблар”га жавоб бериши тўғрисида маълумот берилади: Коли-титр 0,01-1; перфрингенс-титр – 0,01-1; протей-титри–0,1-1. Бундан ташқари компостда гижжа тухумлари ва пашша ғумбаклари сақланмайди. Бу кўрсатгичлар корхонанинг биоферментация технологик режимига ва маҳсулотига санитария-эпидемиологик баҳо бериш учун қўлланилади.

Текшириш охирида талабалар, ишчиларнинг шахсий гигиенасини таъминоловчи обьектлар билан танишадилар (ечиниб-кийиниши хонаси, ювениши хонаси, душ хонаси, маҳсус кийимлар билан таъминланганлиги), яна уларни тиббий хизмат билан таъминланганлиги (тиббий кўрик, эмлаш, дегельминизация) ўрганилади.

Охирида ахлатни қайта ишлаш корхонасини санитария текшируви далолатномаси тузилади.

*Тупроқдан синамалар олиш, таҳлил үтказиш тартиби
ва унинг натижаларини кайд килиш.*

Машғулотнинг мақсади: тупроқни лаборатория текширувидан үтказиш усуллари, санитария-гигиеник ҳолатини баҳолашни, тупроқдан олинган синамаларни санитария-физикавий, санитария-кимёвий ва санитария-бактериологик таҳлил усулларини талабаларга ўргатиш.

Дарс ўтиш жойи-ўқув ва тажриба хона.

Назорат саволлар:

Тупроқни санитария – физик текшириш;

Санитария – кимёвий текшириш;

Санитария – бактериологик текшириш;

Санитария – гелминтологик текшириш;

Санитария – энтомологик текшириш;

Тупроқни гигиеник баҳолаш бўйича хулоса бериш;

Дарснинг жихозланиши:

Сан қ ва М 0068-96 ЎзР шаҳарларида қаттиқ майший чиқиндиларни йиғилиш, сақлаш, четлаштириш, заарсизлантириш ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш санитария қоидалари.

Сан қ ва М 0157-04 Ўзбекистон шароитида қаттиқ майший чиқиндиларни махсус полигонларда сақлаш ва заарсизлантиришга бўлган санитария талаблар.

Жадваллар:

Тупроқ муҳитидаги пестицидларнинг РЭК

Тупроқни тозалаш кўрсаткичлари

Чиқиндиларни йиғилиши.

Слайдлар

Машғулотнинг мазмуни.

Тупроқни текшириш ҳажми қўйилган мақсад ва вазифалар асосида аникланади. Янги ахоли турар жойларини қурилиш учун ва сув йиғиши майдонларини қуриш ва бошқалар учун ажратилган табиий ер майдонларидан олинган тупроқни санитария баҳолашда тупроқни тўлик санитария таҳлил кўрсаткичлари бўйича текшириш тавсия қилинади.

Ахоли турар жойларида сунъий ташкил қилинган тупроқни гигиеник баҳолашда жойлардаги эпидемиологик ҳолатларни ҳисобга олиб қисқа таҳлил кўрсаткичлари бўйича текшириш тавсия қилинади.

*Тупроқдан физик-кимёвий текшириши учун
синамалар олиши қоидаси.*

Тупроқдан синама олиш учун ҳар бирининг майдони 25 м.кв бўлган иккита майдон танланади: бири ифлослантирувчи маънбага яқин, иккинчиси эса ундан узоқроқ. Агар ҳудудда ифлослантирувчи маънба мавжуд бўлмаса у ҳолда ҳар бири 25 м.кв бўлган иккита майдон ажратилади.

Синамалар бурғу ёки бел курак ёрдамида диагонал бўйича, ўртача 5–6 нуқтадан ҳар бири 1 кг гача бўлган синма олинади. Синама олиш жойининг чуқурлиги мақсадга боғлиқ бўлиб 0–0,24; 0,75–1,0; 1,75–2,0 м. бўлиши мумкин. Синамалар алоҳида шиша банкаларга ёки клёнка халталарга солинади. Улар рақамланади ва кузатув хати тўлдирилиб лабораторияга жўнатилади.

Лабораторияда синамалар яҳшилаб аралаштирилади, торозида тортиб олинади ва тешиклар ўлчами 3 мм бўлган элақдан ўтказилади, қурутиш учун яхши шамоллатиладиган хонага қўйилади. Консервация қилинган синамаларни бир кун давомида сақлашга рухсат этилади.

Бактериологик текшириши учун тупроқдан синама олиши қоидалари

Тупроқни бактериологик таҳлил қилиш учун синамаларни майдони камида 25 м.кв дан бўлган камида 2 та ҳудуддан олинади, албатта улардан биттаси ифлослантирувчи маънбага яқин бўлиши керак. Ҳар бир ҳудуддан диагонал ёки конверт усулида камида 5 нуқтадан синамалар олинади. Синамалар стерил асбоб ёрдамида 20 см гача бўлган чуқурликдан олинади. Ундан чуқур бўлган жойлардан (0,75–2,0 м) бурғу ёрдамида олинади. Синама олиш асбоблар, синама олишдан аввал стерилизация қилиниши шарт, бунинг учун спирт эритмаси билан артилади ва куйдирилади.

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш майдонларидан синамалар илдизлари жойлашган (20 см) чуқурликдан олинади. Ер ости ва очиқ сув ҳавзалари санитария ҳолатини баҳолашда тупроқни ифлосланиши орқали таъсирини ўрганишда синамалар 0,75 – 2,0 м чуқурликдан олинади. Олинган 200 – 300 г тупроқ стерил идишларга солинади ва маҳкам ёпилади. Кузатув хати тўлдирилиб тезда лабораторияга юборилади. Лаборатория олиб келинган синамалар тозаланади, майдаланади ва тешиклар ўлчами 3 мм бўлган элақдан ўтказилиб, яҳшилаб аралаштирилади ва ундан лаборатория таҳлили учун 30 г ажратиб олинади.

Синамаларни 1 градус ҳароратда 24 кунгacha сақлаш мумкин.

Гелминтологик текшириш тупроқдан

синамалар олиши қоидалари.

Гелминтологик текшириш учун синамалар нажаслар билан ифлосланиши мумкин бўлган ва инсонларнинг тез–тез келиб турадиган жойлардан олинади. Синамалар 2–3 см чуқурликдан олинади. Текширилаётган майдоннинг 9–10 та нуқтасидан 200 г синама олинади. Синама стерил

идишга солинади. Лаборатория таҳлили синама олинган куннинг биринчи давриларида ўтказилиши керак.

Органик моддаларни аниқлаш.

Тупроқдаги органик моддалар ҳайвонларнинг қатор маҳсулотлари, ўсимлик қолдиқлари ва микробларнинг ҳаёт фаолияти давомидаги синтез маҳсулотлари ҳисобланган турли органик бирикмаларнинг мураккаб аралашмаларини ташкил қиласи. Санитария томонидан кўпроқ таркибида азот тутувчи органик моддалар ҳавф туғдириши мумкин. Ҳайвон чиқиндилари билан ифлосланган тупроқ ифлосланган жойлар микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай шароит ҳисобланади, шунинг учун мазкур жойлар эпидемиологик томонидан ҳавфли ҳисобланади.

Тупроқни органик моддалар билан ифлосланганлигини бевосита аниқлаш усуллари мавжуд эмас, шунинг учун уларни органик азот миқдори ва бошқа билвосита кўрсаткичлар бўйича баҳоланади.

IV- Бўлим. Атмосфера ҳавосини санитария муҳофаза килиш гигиенаси.

Инсонларнинг ҳаёт фаолияти натижасида атроф муҳит обьектлари ифлосланишини мумкин, хусусан саноат марказларидаги аҳоли яшаш жойлариининг атмосфера ҳавосини физик хусусиятлари ва кимёвий таркибини сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади, бу ўзгаришлар инсон организмининг ташки муҳит омилларига мослашиш имкониятлар даражасига нисбатан қўп бўйича баҳоланади.

Ҳаво муҳитини санитария муҳофазалаш соҳасида радикал тадбирий чоралар ишлаб чиқилган бўлиб, саноат корхоналарининг заарли чиқиндиларининг атмосферага мумкин қадар чиқармаслигини ва транспорт воситаларини ҳаракат интенсивлигини камайтиришларни ўз ичига олади. Буни доимо амалга ошириш мумкин бўлмаганлиги учун, атмосферага чиқарилаётган ингридиентларни гигиеник асосланган рухсат этилган концентрацияларини ишлаб чиқиш билан чегараланади.

Атмосфера ҳавосини муҳофазалашга қаратилган чора–тадбирларни амалга оширишда Давлат санитария эпидемиология назорат марказларининг ўрни каттадир. Аммо уларнинг самарали фаолияти эгаллаган касбига тайёргарлик даражасига, ҳамда санитария врачанинг малакасининг юқорилигига боғлиқ бўлади.

Бу борадаги амалий кўнікмаларнинг маълум қисмини улар олий ўқув юртларида ўрганадилар. Атмосфера ҳавосининг санитария муҳофазалаш бўлими бўйича ўтказиладиган амалий дарслар талабаларга ҳаводан синама олиш усулларини, уларни чанг ва айрим кимёвий моддаларга текшириш, ҳавонинг ер усти қатлами таркибидаги заарли ингридиентларнинг

концентрациясини ҳисоблаш усулларини, санитария шифокорининг иш фаолиятида маълум шароитларда қонунчилик ва расмий хужжатлардан фойдалана олишни ўргатади.

Аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини санитария муҳофазалаш

соҳасида расмий хужжатларни ишлатиш услублари.

Машғулотнинг мақсади: талабаларни атмосфера ҳавосини муҳофазалашга йўналтирилган асосий расмий ва амалдаги қонунчилик хужжатларини, уларни санитария эпидемиология назорати марказларида қўллаш билан танишириш.

Дарс ўтиш жойи-укув хонаси

Назорат саволлари:

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий маънбалар ва уларнинг гигиеник тавсилотномаси.

Захарли туман ҳолатини ҳосил бўлиш сабаблари.

Фотокимёвий ифлосланишни ҳосил бўлиш сабаблари.

Инсон организмининг функционал ҳолатига атмосфера ҳавосининг ифлосланишини тасдири.

Аҳоли саломатлигига атмосфера ҳавоси ифлосланишининг тасдири.

Аҳоли тураг жойлари атмосфера ҳавосидаги зарарли моддаларни меъёрлаштиришнинг гигиеник асослари.

Аҳоли тураг жойлари атмосфера ҳавоини санитария муҳофазалашга йўналтирилган чора-тадбирлар.

Атмосфера ҳавосини муҳофазаси бўйича амалдаги қонуний хужжатлар.

ДСЭНМ фаолиятида атмосфера ҳавосидаги захарли моддаларнинг РЭК фойдаланиши.

Дарсни жихозланиши:

а) Амалдаги қонуний хужжатлар: 0006-93 сонли Сан қва М “Ўзбекистон Республикаси аҳоли тураг жойлари атомосфера ҳавосини муҳофazalash қоидлари”

ЎзР “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидлари тўғрисида” ги қонуни,

ЎзР. “Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария назорати тўғрисида” ги қонуни.

ЎзР. Президентининг “Санитария қонунларини бузганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” ги фармони,

0015-94 – сонли Санқ ва М “ЎзР худудаги аҳоли тураг жойлари атмосфера ҳавоси таркибидаги ифлослантирувчи моддаларни РЭК”.

б) Аҳоли тураг жойлари ҳаво мухитининг санитария муҳофазаси бўйича вазиятли масалалар.

в) чизгичлар

Машғулотнинг мазмуни.

Аҳоли тураг жойлари атмосфера ҳавосини санитария назорати соҳасида асосий қонуний хужжатлардан бири 0006-93 сонли Санқ ва М “Ўзбекистон Республикаси аҳоли тураг жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидалари” ҳисобланади. Улардан фойдаланиши ўрганиш машғулотнинг асосий мазмуни ҳисобланади.

Мазкур қонуний хужжатнинг маълум бўлимларини ўрганиш ДСЭНМ амалиётида аниқланган материаллар асосида тузилган маҳсус масалалар орқали амалга оширилади. Масалаларда кўрсатилган саволларга хulosса беришда қонуний хужжатлардан фойдаланилади.

Бажарилган масалалар бўйича талабаларнинг хulosалари машғулот охирида мухокама қилинади.

Тестлар:

1. СҲМга қўйиладиган гигиеник талабларни кўрсатинг?

+ободонлаштирилган

+кўкаламзорлаштирилган

-кўчалар тармоқларининг мавжудлиги

-канализациянинг мавжудлиги

2. СҲМни ташкил этиш давлат санитар назоратнинг ва атмосфера ҳавосини муҳофазасига қаратилган чора тадбирларнинг қайси гурӯхига киради?

+режалаштирувчи чора тадбирлар

+огоҳлантирувчи санитар назорат

-технологик чора тадбирлар

-қонуний чора тадбирлар

3. Корхона учун ташкил этилган СҲМ ҳудудини кенгайтириш шароитларини асослаш усулларини кўрсатинг?

+техник-иқтисодий асослаш

+шаҳар меъморининг қарори

-эстетик асослаш

-шаҳар хокимини қарори

4. Атмосфера ҳавосини ифлосланиш турларини кўрсатинг?

+умумий

+маҳсус

-максимал

-минимал

5. Атмосфера ҳавосини муҳофазалашга қаратилган чора тадбирлар самарадорлигини гигиеник баҳолашда қўлланиладиган объектив маълумот турларини кўрсатинг?

+лаборатор таҳлил

+инструментал таҳлил

-эпидемиологик таҳлил

-бактериологик таҳлил

6. СҲМ ўлчамини кенгайтиришга қандай омиллар асос бўлиши мумкин?

+корхона қуввати

+корхонанинг зааралилиги

-корхона ва аҳоли турар жой минтақаси орасидаги масофа

-очик сув ҳавзаларининг мавжудлиги

7. СанҚ ва М 0246-04 бўйича ишлаб чиқариш корхоналарини таснифлаш асосида нима ётади?

+ажратиладиган моддаларнинг заарлилиги

+корхона қуввати

-технологик чора тадбирлар

-худудни экранлаш

8. Гигиеник нуқтаи-назардан шахар худудини режалаштиришдан яшаш минтақасини ишлаб чиқариш минтақасига нисбатан жойлаштиришга қоъйиладиган талаб.

+Яшаш минтақаси шамол эсадиган томонда

+Рельеф боъйича ишлаб чиқариш минтақасидан юқорида

-Рельеф боъйича турар жойлар пастда саноат юқорида

-Қабристонлардан юқори

9.

Масала

П. қишлоғининг келажакда ривожлантириш режасида майдонини шимолдан - фарбга, шарққа ва жанубга кенгайтириш назарда тутилган.

Бунда паррандачилик фабрикасини қуриш, сут маҳсулотлари фермасини 500 гача ва чўчқачилик фермасини 2000 бошгача, паррандачиликни 10000 дона тухумга кўпайтириш режалаштирилмоқда. Хўжалик минтақасида 25 тоннагача бўлган заҳарли моддаларни ва маъданли ўғитларни сақловчи омборхоналарни, шунингдек автоуловлар ва қишлоқ хўжалик техникаларини жойлаштириш назарда тутилган.

П. қишлоғининг шарқий томонидан 4 км узокликтаги масофада олтингугурт-нефтда ишловчи нефтни қайта ишлаш ва асфальтбетон заводлари жойлашган.

Қишлоқ ҳавосининг тозалик даражаси стационар назорат постларида қуйидаги ингридиентлар бўйича мунтазам текшириб турилади ва уларни бир маротабалик концентрациясининг ўртacha қийматлари қуйидагиларни ташкил қилди: чанг-0,7, углерод окиси-2,0 олтингугрут гази-0,4 фенол-0,0005 аммиак-0,2 ва водород сульфид-0,008 мг.м. куб. бунда чанг, олтингугурд гази, фенол ва углерод оксиidi шамол шарқдан ва жанубий-шарқдан

эсгандада, сероводород эса шимолий-ғарбдан эсгандада аниқланди.

Масалада кўрсатилган корхоналарнинг худудда жойлашишига санитария ҳулоса бериш ва уларнинг санитария ҳимоя минтақаларини зарур катталигини кўрсатиш Сан қ ва М 0006-93 асосида шаҳарчанинг танланган йўналишлар бўйича кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини баҳолаш. қишлоқ ҳаво мұхитининг ифлосланганлик даражасини рухсат этилган меъёрлар билан солишириш ва мазкур аҳоли турар жойларининг ҳавосини санитария мұхофазалашига қаратилган чора тадбирларни тавсия этиш.

Ечиш.

Масштаб бўйича мавжуд ва режалаштирилаётган аҳоли турар жойлар санитария ҳимоя минтақаларининг ўлчамларини объектларга нисбатан қандай жойлашганлиги аниқланади ва Сан қ ва М талаблари билан солиширилади.

Масаланинг ечимидан кўриниб турибдики кўпгина корхоналарнинг санитария ҳимоя минтақалари Сан қ ва М 0006-93 талабларига жавоб беради, лекин автоуловларни таъмирлаш устахонаси бундан мустасно, чунки ўрнатилган СХМ икки маротаба кам, келажакда яшаш минтақаларини қуруш сабабли ассенизация ва қаттиқ майший чиқиндиларни ташлаш майдонларининг санитария ҳимоя минтақаларини яшаш минтақаларига нисбатан катталиги етарли бўлмайди.

Сан қ ва М 0006-93 талабларига биноан атмосфера ҳавосининг ифлослантирувчи маънбалар яшаш минтақаларига нисбатан шамол эсадиган йўналишда жойлаштирилмаслиги керак.

Режада жойлаштирилган корхоналарни шамол гулига нисбатан солиширилганда нефтни қайта ишлаш корхонаси, асфальт бетон корхонаси, паррандачилик фабрикаси, сут маҳсулотлари фермаси нотўғри жойлашганлиги аниқланди. Шунинг учун кўрсатилган объектлар учун Сан қ ва М 0006 – 93 бўйича санитария ҳимоя минтақалари етарли масофада эмас.

Ҳаво мұхитидан олинган синамалар лаборатория текширув натижалари шуни кўрсатдики, қишлоқ ҳаво мұхитининг асосий ифлослантирувчилари чанг, олtingугурд гази, фенол ва углерод окиси хисобланади.

Ҳаво мұхитининг аммиак билан ифлосланиши, чўчқачилик ва сут маҳсулотлари фермалари томонидан, сероводород билан ассенизация ва майший чиқиндилар

ташлаш майдонлари томонидан ифлосланади. Лекин қишлоқ ҳавосининг бу газлар билан ифлосланиши кам кузатилади, чунки бу объектлар унга нисбатан шамол йўналиши томонида жойлашган.

Шаҳарча ҳавоси таркибидаги углерод окиси рухсат этилган концентрациядан ошмайди, амиак эса унинг бўсағасида, чанг концентрацияси рухсат этилган меъёридан ортиқ. Ҳавода олтингугурт гази, фенол ва сероводород концентрациялари рухсат этилган меъёрлардан кам. Лекин бу моддалар биргалашиб таъсир кўрсатиш хусусиятига эга, шунинг учун уларнинг концентрацияси юкори деб ҳисобланиб, қуидагича аниқланади:

C олтингугурт	гази	C фенол
0,4	0,005	
-----к-----	-----к-----	-----к-----
-----к-----	1,3 > 1	
PЭК олтингугурт	гази	PЭК фенол
0,5	0,01	

C олтингугурт	гази	
С сероводород	0,4	0,008
-----к-----	-----к-----	-----
-----к-----	-----к-----	1,8 > 1
PЭК олтингугурт	гази	
PЭК сероводород	0,5	0,008

Шаҳарча ҳаво муҳитини санитария муҳофазалаш мақсадида нефтни қайта ишлиш ва асфальт бетон заводи чиқиндиларини чангдан, олтингугурт газидан ва фенолдан тозаланишини таъминлаш ёки атмосфера ҳавосида заҳарли моддаларнининг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда чиқинди чиқариш баландлигини ошириш зарур.

Нефтни қайта ишлиш ва асфальт бетон заводларига нисбатан қишлоқ шамол эсадиган томонга жойлашганлигини эътиборга олган ҳолда, яшаш минтақасини кенгайтиришни шарқ йўналишига нисбатан режалаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Қишлоқнинг шимолий - фарб йўналишига кенгайтирилганда ассенизация ва қаттиқ майший чиқиндиларни ташлаш жойларидан санитария ҳимоя минтақаларини 1000 м.дан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши керак.

Шаҳарчани кенгайтиришда паррандачилик фабрикаси ва паррандачилик фермасини ғарб томонга жойлаштриш ва паррандачилик фермаси учун эса 300 м санитария ҳимоя минтақасини ташкил қилиш тавсия қилинади. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш фермасини ғарб ёки жанубга жойлаштриш керак.

Машғулотда талабалар асосий чанг ва газдан тозалаш иншоотларини тузулиши яъни мавжуд модел, макет ва тизимлари (циклон, мультициклон, сув пардали циклон, скруббер, электрофильтрлар) билан таништириш орқали олиб борилади.

Аҳоли турар жойларининг ҳаво мухитини санитария ҳолатига баҳо

Беришда математик-ҳисоб усулларидан фойдаланиш.
Машғулотнинг мақсади-талабаларни корхона ва транспорт чиқиндиларидаги заҳарли моддаларни ҳаво мухитини ифлослантириш даражасини математик ҳисоблаш усуллари билан таништириш.

Дарс ўтиш жой- қўув хонаси, назорат объекти.

Назорат саволлари:

1. Корханаларнинг атмосферага ташкиллаштрилган ва ташкиллаштирилмаган чиқиндиларни ташлаш ҳақида тушунча.

2. Корхона ва автоулов чиқиндиларини атмосфера ҳавосидаги микдорларини санитария баҳолаш.

3. Аҳоли турар жойларининг ҳаво мухитини ифлосланиш даражасига таъсир қўрсатувчи заҳарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши ҳақида тушунча.

4. Шамол эсиш тартибини атмосферада ифлосланишни тарқалишдаги аҳамияти, ҳавонинг ҳавфли тезлиги ҳақида тушунча.

5. Атмосфера ҳавосида ифлосланишни тарқалишида чиқиндиларни чиқариш мўриконларини аҳамияти.

6. Чиқиндиларни рухсат этилган меъёрлари ва уларни ташкил этиш усуллари ҳақида тушунча.

7. Аҳоли туур жойлари атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасига метереологик шароитларнинг таъсири.

Дарснинг жихозланиш:

а) ЎзР ахоли турар жойларини атмосфера ҳавосини муҳофазалаш санитария қоиди ва меъёрлари СанП и Н 0006-93.

б) логорифмли чизгичлар.

в) Жадваллар: корхоналарни иссиқ ва совук чиқиндишар билан ҳавонинг ер усти қатламини максимал ифлосланиши, автоулов магистралларида углерод оксидининг концентрацияси, чиқинди чиқариши минимал рухсат этилган баландлигини ҳисоблаш. Рухсат этилган чиқинди чиқариш катталини ва масофани ҳисоблаш.

г) автоулов магистралидан турли узоқликдаги масофада углерод осидини концентрациясини ҳисоблаш коэффициентларини аниқлаш жадваллари.

в) слайдлар.

Машғулотнинг мазмуни.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини аниқлашнинг математик ҳисоб усули огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратида қўлланилиши, уларга технологик жараёнларни режалаштириш, чанг ва газдан тозалаш иншоотларини тўғри танланганлигини асослаш, корхоналардан ва автоуловлардан чиқаётган чиқиндишар билан ҳаво мұхитининг ифлосланиш эҳтимоли катталигини олдиндан айтиб беришга имкон беради.

Атмосферага чиқаётган чиқиндишарнинг тарқалишини математик ҳисоблаш маълум услубий кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда ва аниқ масалаларни ечишда талабалар ишлаб чиқариш корхоналари яқинидаги ер усти ҳаво қатламида заҳарли моддалар концентрациясини, сўнг бу концентрация кузатиладиган жойдан чиқинди ташлаш жойигача бўлган масофа чиқинди чиқариш маънбасидан турли масофаларда чиқарилаётган моддалар жадвалини тузадилар. Масала шартидан келиб чиқсан ҳолда атмосферага чиқариш рухсат этилган чиқинди миқдорининг ва чиқинди чиқаришдан аввал чанг ва газ аралашмаларини зарур тозалаш даражасини ҳисобланади, мўриконларнинг минимал рухсат этилган баландлиги, шунингдек санитария ҳимоя миңтақасининг шакли ва чегаралари аниқланади. Автоулов магистрали ва яшаш майдонларининг чегарасидаги ҳаводаги углерод оксидини концентрациясининг математик ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш амалий машғулотнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Машғулот ҳавонинг ифлосланишини санитария баҳолаш ва ҳаво мұхитинининг санитария мұхрфазаси бўйича киритилган таклифларни ишлаб чиқилган хулоса билан яқунланади.

Корхона чиқиндилидаги заарли моддаларни атмосферада тарқалишини математик ҳисоблаш услуби, уларнинг концентрацияларини ҳавонинг ер усти қатламида аниқлашга асосланган. Бунда заарли модданинг энг катта концентрация катталиги C_m (мг.м.куб) унинг атмосфера ҳавосида ружсат этилган максимал бир маротабалик концентрациясидан ошиши мумкин әмаслиги ҳисобга олиш зарур.

$$C_m \leq R_{EM}$$

Атмосферада бир хил таъсир кўрсатиш доирасига эга бўлган бир нечта захарли моддалар (n) бўлса, уларнинг умумий концентрацияси (q) қуийидаги тенглама бўйича ҳисобланади ва уларнинг йиғиндиси 1 дан ошмаслиги керак.

$$\frac{q}{C_1} = \frac{q}{C_2} = \dots = \frac{q}{C_n} \leq 1$$

R_{E1} R_{E2} R_{En}

Бу ерда: C_1 ; C_2 ; Сп-жойнинг бир нуқтасида олинган синамадаги заарли моддаларнинг концентрацияси (мг.м.куб);

R_{E1} ; R_{E2} R_{En} -бу моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги бир маротабали максимал ружсат этилган концентрацияси (мг.м.куб).

Зарарли моддаларнинг ер усти қатламидаги максимал концентрацияси C_m (мг.м.куб) нокулай метереологик шароитларда алоҳида маънбадан чиқаётган иссиқ ва совук чиқиндиси қуийидаги тенглама бўйича аниқланади.

$$A_x M_x F_x D_n$$

$$\frac{C_m}{C_1} = \frac{C_m}{C_2} = \dots = \frac{C_m}{C_n}$$

Иссиқ чиқиндилар учун

$$H^2 \sqrt[3]{V_1} A_x T$$

$$\frac{C_m}{C_1} = \frac{C_m}{C_2} = \dots = \frac{C_m}{C_n}$$

Совукчиқиндилар учун

$$8 V_1 H^3 \sqrt{H}$$

Бу ерда – А атмосфера ҳарорати стратификациясига боғлиқ ҳавода зарарли моддаларнинг тик ва кўндаланг тарқалиш шартларини белгиловчи коэффициент. У қуийидагича қабул қилинган.

а) Ўрта Осиёning субтропик минтақалари учун (Жанубий 400см) – 240

б) қозоғистон, қуи Поволжье, Кавказ, Молдовия, Сибир, Узок Шарқ ва Ўрта Осиёning қолганлари учун – 200

в) Мустақил Давлатлар Ҳамкорлигини шимолий-ғарбий Европа худудлари, Ўрта Повольже, Урал ва Украина учун-160

М-атмосферага чиқаётган заарали моддаларнинг миқдори (г.сек)

F-атмосфера ҳавосида заарали моддаларнинг чўкиш тезлигини ҳисобга оловчи коэффиценти. У қуидагича қабул қилинган.

а) Заарали газсимон ва юқоридисперсли аэроздоллар учун, чўкиш тезлиги амалий жиҳат нолга-1 га тенг;

б) чанг ва бошқа аэроздоллар ("а" бандида кўрсатилганлардан ташқари) агар ўртача тозалаш коэффиценти қуидагига тенг бўлса 90 %; кам бўлмаса-2, 75; 90 %-2,5; 75 % кам бўлса-3.

Н-ер сатхига нисбатан чиқинди чиқариш мўриконларини баландлиги (м).

V1-қуидаги tenglama бўйича аниқланадиган газ ҳаво ёки чанг ҳаво аралашмасининг ҳажми

PD²W

0

V 1 қ -----

H

Бу ерда: D-чиқиндиларни чиқариш мўриконларининг диаметри (м)

W₀-чиқиндиларни чиқариш маънбасининг аралашмаларини ўртача чиқш тезлиги (м.сек)

АТ-йилнинг иссиқ фаслини энг иссиқ ойи учун соат 13 00 (қозонхоналар, иситиш режими билан ишловчилар учун иситиш мавсумидаги, энг совук ойдаги ҳароратга тенг деб олинади) атрофидаги атмосфера ҳавосининг ҳарорати ва чиқарилаётган газ – ҳаво аралашмалай ҳарорати орасидаги фарқ.

М ва п-маънбада юқори ҳаво газ ва ҳаво чанг аралашмаларининг чиқиш шароитларини ҳисобга оловчи ўлчовсиз коэффицентлари.

т-коэффицентинин катталиги қуидаги tenglama бўйича аниқланувчи f ўлчамлар (м.сек.кв.) га боғлиқ график ёрдамида аниқланилади.

103W₀² D

$f \propto$ -----

$\sqrt{H^2 AT}$

m - коэффициентини аниклаш учун график.

n -коэффициентини катталигини V_m (м.сек) ўлчамларига боғлиқ график бўйича қўйидаги тенгламасига асосан ҳисобланади.

$V_1 AT$

$V_m \propto \sqrt{-----}$

иссиқ чиқиндилар учун

H

$W_0 D$

$V_m \propto 1,3 \sqrt{-----}$

совук чиқиндилар учун

H

$V > 2$ булганда $n \approx 1$

n -коэффициентини аниклаш графиги.

Атмосферага чиқариладиган заарли моддаларнинг ер усти максимал концентрацияси аникланиш масофаси қўйидаги тенгламаси билан аникланади.

$X_m \propto dH$

Бу ерда: X_m - ноқулай метеорологик шароитларда заарли моддаларнинг максимал ер усти ҳаво қатламидамиги

концентрацияси (м) аниқланадиган чиқинди маънбасидан алганга ўқи бўйича бўлган масофа.

d - ўлчамсиз катталик, қуийдагилар учун аниқланади: иссиқ чиқиндилар учун V_m ва f катталикларига боғлиқ ҳолда график бўйича (7 - расм) аниқланади.

d-коэффициентини аниқлаш учун жадвал.

Агар $a > 2$ бўлганда

б) $V_m < 2$

бўлганда

Совук чиқиндилар учун қуийдаги тенгламалар бўйича аниқланади:

$V_m \leq 2$ булганда $d \approx 1,14$

$V_m > 2$ булганда $d \approx 16,1 \sqrt{V_m}$

Атмосферага чиқарилаётган чиқиндиларнинг рухсат этилган миқдори (ПДВ) (г.сек) - алоҳида ифлосланиш маънбасида ҳавони ернинг усти қатлами ҳавосида унинг РЭК дан ошмаслиги тенгламалар бўйича ҳисобланади.

РЭМ x H² 3√V₁AT

РЭЧМ (ПДВ) \approx ----- иссиқ чиқиндилар учун

AF_{Mn}

8 РЭМ x V₁H 3√H

РЭЧМ \approx -----

совук чиқиндилар учун

AF_{nD}

Бунда маънбанинг юқори заарли концентрацияси тенглама бўйича топиладиган C_{Mt} (г.м.куб) катталигидан ортмаслиги керак.

РЭЧМ

C_{Mt} \approx -----

V1

Алоҳида чиқинди маънбасининг (мўрикон) минимал рухсат этилган баландлиги. Атмосферага чиқарадиган заарли моддаларнинг РЭМ ҳавонинг ер усти қатламидаги миқдоридан ошмаслигини қуийдаги тенглама бўйича аниқланади.

AMF_{Mn}

Н к √-----
учун

иссик чиқиндилаар

РЭМ √ V1AT

AMFD_n

3F4

Н к (-----)
чиқиндилаар учун

совук

8 V1 РЭМ

Атмосферадаги заарли моддаларнинг ер усти қатламидаги концентрациясининг катталиги С (мг.м.куб) маънбадан ҳар-хил масофада жойлашган чиқиндилаарнинг алнга ўки X (м) қуийдаги тенглама орқали аниқланади:

С к S₁ См

Бу ерда: S₁ - X | Xm га боғлиқ ҳолда жадвал бўйича аниқланадиган ўлчовсиз қиймат;

См - атмосферадаги заарли моддаларнинг максимал ер усти қатлами концентрацияси (мг.м.куб.)

Xm - Заарли модданинг максимал ер усти қатламидаги концентрацияси аниқланган чиқинди ташланган жойнинг масофаси. (м);

Масалан: Чиқинди ташланган жойдан X к 1000 масофадаги атмосферада заарли модданинг концентрациясини аниқлаш талаб қилинмоқда, агар унинг максимал ер усти қатламидаги концентрацияси См к 0,8 мг.м.куб, Xm к 500 м масофада кузатиладиган бўлса.

X | Xm га нисбатан 1000:500 к 2. Жадвал бўйича бу ердан S₁ к 0,75.

Бундан қидирилаётган концентрация С к 0,74 x 0,8 к 0,6 мг.м.куб эканлиги аниқланади.

Турлди йўналишларда (румбалар бўйича) санитария ҳимоя минтақасининг ўлчами L (м) шамол гулининг ошиши ва камайишига тўғрилаш киритилган ҳолда қуийдаги тенглама бўйича хисобланади:

P

L к I₀ x -----

Ро

Бу ерда: I₀ - Атмосферага заарли моддаларнинг чиқариш жойидан шамол гулига тўғрилаш киритилмаган ҳолда

санитария ҳимоя минтақаси чегарасигача бўлган масофа (м)

Р - шамол гулига тўғрилаш: Р - кўрилаётган йўналишда шамол-

нинг Ро ўртacha йиллик тاқорланиши (%)

Ро - Барча йўналишларда шамолнинг тақорланишини шамол гулининг саккиз румбадаги ўртacha қиймати (%)

100

Р к ----- к 12,5 %

8

S1 - қўшимча катталикини аниқлаш жадвали 1 - F к 1 бўлганда

2 - F к 2; 2,5; ёки 3 га тенг бўлганда.

Io ни S1 ўлчамсиз катталиги ёрдамида қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

РЭМ

S1 к -----;

См

Бу ерда: РЭМ - санитария ҳимоя мигтақаси ҳисобланадаётганда ҳисобга олинадиган заарали модданинг рухсат этилган меъёри (мг.м.куб).

См - ушбу модданинг максимал ер қатламидаги концентрацияси (мг.м.куб)

Жадвалдан S1 катталиги бўйича X|Хм нисбатининг сон кўрсаткичи аниқланилади, бу ерда X-Io га тенг қидириувчи катталик; Хм-ҳавода заарали модданинг максимал концентрацияси аниқланадиган масофа;

Кейин Io к X катталиги ҳисобланади.

Масалан: S1 к 0,75; X|Хм к 2 бўлганда

Io к X к 2 Хм бўлади.

Агар атмосферада заарали модданинг тарқалиши аниқланганда санитария ҳимоя минтақасининг ўлчами Сан к ва М № 0006-93 да кўрсатилгандан катта бўлса, у ҳолда саноат корхонасининг лойихасини қайта кўриб чиқиши ва атмосферага заарали моддаларнинг чиқишини камайтиришни таъминлаш ёки чиқинди чиқариш баландлигини ошириш керак.

Автомагистрал ва унга яқин жойлашган тураг жой бинолари атмосфера ҳавосидаги углерод оксидининг концентрациясини ҳисоблаш В.Ф. Сидоренко, Ю.Г. Фельдманлар таклиф қилган услуб билан ҳисобланади.

Магистралда углерод оксидининг концентрацияси қуйидаги эмпирик тенглама бўйича аниқланади:

K1 x K2 x K3 x Со

Ср к ----- ;

Н

3V Vo -----

30

Бу ерда: Ср - автомагистралнинг чет қисмида углерод оксидини ҳисобланган концентрацияси (мг.м.куб) ;

Vo - кўчадаги шамол тезлиги (м.сек) ;

Н - Кўчанинг кенглиги (м) ;

Со - Кўчанинг ҳаракат қисмида автоуловлардан ҳосил бўладиган углерод оксидининг ҳаводаги концентрацияси (мг.м.куб) ;

Автоуловларнинг умумий қисмининг 70 % ни автобус ва юк машиналари ташкил қиласа, 40 км.сек тезликда ҳаракатланса ва йўлнинг қиялик даражаси 0 градусда силжиш бўлса, у холда Сх қўйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

С к 7,38 к 0,026N к А1 к А2 к А3

Бу ерда: N-икки томон йўналишдаги автоуловларнинг ҳаракат интенсивлиги (1 соатда ўтган автоуловларнинг сони) ;

Ҳаракатланишнинг бу шароитларидан четга чикишлари бўлганда тенгламага қўйидаги ўзгартиришлар киритилади ва у қўйидаги кўринишда бўлади:

СО к 7.38 к 0,026N к А1 к А2 к А3

Бу ерда: А1-автобус ва юк машиналарининг сонига киритилган аниқлик умумий автомобиллар сонининг 70 % дан ҳар 10 % га ± 4,6 қабул қилинган.

А2-қабул қилинган автоуловларнинг ўртача ҳаракат тезлиги 40 км.соат дан ўзгаришига тўғриловчи коэффицент .

Қўйида кўрсатилган тенгламага мос катталикларни қўйиб транспорт магистралида углерод оксидининг концентрацияси (Ср) ҳисобланади.

Ушбу тенглама шамол тезлиги 1-10 м.сек, кўча кенглиги 30-100 метр, автоуловларнинг ҳаракат интенсивлиги соатига 100 ва ундан кўп бўлганда тўғри бўлади. Магистралда углерод оксидининг концентрацияси аниқланиб бўлгандан сўнг, бу газнинг миқдори курилиш чегаралари ҳавосида ҳисобланилади. Бу мақсадларда ҳархил ҳаракат интенсивлигига қараб тузулган жадваллардан фойдаланилади.

жадвал 30

Транспорт оқими ва ҳаракат тезлигини тўғрилаш.

Умумий оқимдаги юк маш-	Ҳароакат тезлиги (км.соат)						
	20	30	40	50	60	70	80

инаси ва автобуслар сони (%)							
80	к12	к6	0	-14	-3	к6	к16
70	к14	к8	0	-13	-5	к4	к12
60	к17	к9	0	-12	-6	-2	к8
50	к20	к10	0	-11	-7	-1	к4
40	к23	к11	0	-10	-9	-8	-1
30	к26	к13	0	-9	-12	-16	-6
20	к28	к14	0	-8	-15	-20	-10
10	к30	к15	0	-7	-18	-26	-17

А3 – йўлнинг ҳар 2 – 1,5 % қиялик даражасининг нолга нисбатан тўғриловчи кўрсаткич.

К1, К2, К3 коэффицентларнинг катталиги

Коэффицент лар	Чиқиндиларни заарлилигини камайтириш чора тадбирларини ичига кирган автоуловлар сони (%)											
	0	10	20	30	40	50	60	70	80	90	100	
К1,	1	0,9	0,8	0,7	0,7	0,6	0,5	0,4	0,4	0,3	0,2	
	2	5	8	1	3	6	8	1	3	5		
К2,	1	0,9	0,8	0,8	0,7	0,6	0,6	0,5	0,4	0,4	0,3	
	4	7	1	4	7	1	4	7	1	5		
К3	1	0,9	0,9	0,8	0,8	0,8	0,7	0,7	0,6	0,6	0,6	
	6	2	8	4	0	6	2	8	4	0		

К1-чиқинди газларни меъёрлаштириши ва автоуловларни техник хизматини ҳисобга оловчи коэффицент;

К2-нейтрализатор ва газ ёқилғисини ишлатилиши ҳисобга оловчи коэф.

К3-кам захарли иш жараёнларини ва двигателнинг конструктив яхшилашни тадбиқ этишни ҳисобга оловчи коэффицент.

Магистралдаги ҳаракат интенсивлиги билан жадвалдаги кўрсаткич мос келмаса у ҳолда бу белги бўйича яқин бўлган жадвалдан фойдаланилади. Углерод оксидининг концентрацияси қурилиш чизиғида қуидаги тенглама бўйича ҳисобланилади:

Ср x а

С к -----

А

Бу ерда: С – аниқланилаётган углерод оксидининг конц-си (мг.м.куб)

Ср – магистралдаги углерод оксидининг хисоб концентрацияси (мг.м.куб)

Углерод оксидининг бошланғич концентрацияси

Маънбадан узоқликдаги масофа (м)

Автомагистрал ҳавосидаги маълум бир масофада углерод оксидининг концентрациясини аниқлаш жадвали.

1-Бир соатдаги 500 автоуловнинг ҳаракат интенсивлиги;

2-Бир соатдаги 700 автоуловнинг ҳаракат интенсивлиги;

3-Бир соатдаги 900 автоуловнинг ҳаракат интенсивлиги;

4-Бир соатдаги 1100 автоуловнинг ҳаракат интенсивлиги;

5-Бир соатдаги 1500 автоуловнинг ҳаракат интенсивлиги;

А-жадвалга мос келувчи углерод оксидининг бошланғич концентрацияси (мг.м.куб)

а-қурулиш чизиги ва магистрал орасидаги масофага мос келувчи, маънбадан маълум бўлган масофада углерод оксидининг жадвал бўйича концентрацияси (мг.м.куб)

*Автомагистралларда СО газини аниқлаш бўйича
талабаларнинг илмий амалий иш режаси
Адабиёт қисми.*

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи маънбаларнинг гигиеник таснифи.

Автомобил транспорти атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи маънба сифатида.

Автомобил транспортларидан чиқаётган ёнилғи газларини назорат қилиш усуллари.

Автомобил транспорти газларини ахоли саломатлигига ва санитария турмуш шароитларига таъсирини ўрганиш усуллари.

Шахсий текширув ишлари.

Автомагистралнинг номи, кенглиги, реълефи.

Магистралнинг қопламаси.

Светофорларнинг мавжудлиги.

Ёритилиши

Кўкаламзорлаштирилганлиги

Магистралларнинг чизмаси.

Магистралнинг тозалаги ва ободонлаштирилганлиги

Магитралдаги ҳаракат оқими.

Автомагистралдан бир соат мобайнида ўтган мошиналарнинг сони.

- 8) енгил автоуловлар;
- 9) юк ташувчи автоуловлар.
- 10) автобуслар
- 11) махсус транспорт воситалари
- 12) бошқалар.

атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражасини назорат қилувчи постлар.

Магистрал ва магистрал олди худудлари атмосфера ҳавосини ҳолати тўғрисида маълумотлар.

Магистрални минтақалашибирлишда режалаштириш тадбирий чораларига риоя қилинганлиги.

Магистрал олди худудларини СҲМ кенглиги.

Автомобил чиқинди газлари таркибидаги ис гази миқдорини ҳисоб усули билан баҳолаш.

Аҳоли ўртасида анкета сўров усулларини олиб бориш натижалари.

Хулоса.

Тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Атмосфера ҳавосининг санитария ҳолатига баҳо беришда ҳисоб-китоб усулларини ўзлашибирлиш, масалаларни ечиш орқали мустаҳкамланади.

Тестлар:

1. Автотранспортлар учун ташкил этилган чора тадбирлардан икки турини кўрсатинг?

+кўча ҳаракатини ташкил этиш

+кўча ҳаракатини бошқариш

-чора тадбирлар ташкил этиш

-СҲМ ташкил этиш

2. Автомобил дудбўронидан чиқаётган заҳарли моддалар миқдорига автомобил двигателларининг кўрсатадиган икки таъсирини кўрсатинг?

+кам тезлик

+машина ҳаракатсиз аммо двигател ишлаётган ҳолат

-ҳавонинг юқори ҳарорати

-ёқилғи миқдори

3.Атмосфера ҳавосини автомобиль чиқиндилари билан ифлосланишига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг?

+автотранспортнинг ҳаракат интенсивлиги

+автомобил ҳаракатини бошқариш

-атмосфера ҳавоси стратификацияси

-жойнинг қиялиги

4.Газдан фойдаланиш натижасида атмосфера ҳавосида қандай моддалар миқдори камаяди?

+углерод оксиidi

+углеводородлар

-азот оксиidi

-углерод

5.Дизел ёқилғисидан фойдаланишининг имкониятларини кўрсатинг?

+углерод оксидини кам миқдорда бўлиши

+углеводородларни кам миқдорда бўлиши

-азотни кам миқдорда бўлиши

-хлоридларнинг кам миқдори

6. #Қаттиқ ёқилғи сифати қандай кўрсаткичларга боғлик?

+қўлланишга

+олтингугурт миқдорига

-намлика

-хароратга

Масала - 1

Навоий шаҳрида жойлашган мосина курилиш корхонасининг ҳудудидаги атмосфера ҳавосининг олтингугурт гази ва чанг билан ифлосланишини аниқлаш ва ушбу саноат корхонасига яқин атрофдаги аҳоли турар жойлари ҳаво муҳитини заводнинг чиқиндиларидан санитария муҳофазалаш бўйича кўрсатмалар бериш.

Бу ифлосланишнинг маънбаси бўлиб кўмир ёқилғисида ишловчи эритиш печи ҳисобланади. Чиқаётган умумий олтингугурт газининг миқдори 1960 г.сек, чанг миқдори-60 г.сек ташкил қиласди. Чиқинди чиқариш маънбасининг (мўриконнинг) баландлиги-120м, мўркон диаметри-6м, газ-ҳаво аралашмасининг чиқиш тезлиги 11 м. сек.

Чиқиндиларни чангдан тозалаш, тозалаш коэффиценти 60 % бўлган қуруқ циклонлар ёрдамида амалга оширилади.

Шамолнинг ўртача йиллик қайталаниши (Р) %

Румблар	Шим	ШимШарқ	Шарқ	Жан Шарқ	Жан	Жан Гарб	Гарб	Шим Гарб
P	8	7	5	11	18	12	29	10

Масала - 2

Автоуловлар магистрални ва аҳоли турар жойларининг курилиш чегарасидаги ҳавода углерод оксидининг концентрациясини қўйидаги шароитларда ҳисоблаш: агар магистралнинг кенглиги-30 метр, қатнов қисмдан йўлнинг иккала томонидаги қурилишгача бўлган масофа-10 метр. Иккала йўналиш бўйича ҳаракат интенсивлиги соатига 1000 та автоуловни ташкил этса, транспортлар таркибида 205 юк машиналари ва автобуслар ташкил қиласди. Ҳаракатланишнинг ўртача тезлиги 30 км.соат, шамолнинг ўртача тезлиги 4 м.сек, машиналар чиқиндиларини заҳарлилигини камайтириш чора-тадбирлари билан таъминланмаган.

Ҳавонинг ҳисоблаб аниқланган ифлосланиш даражасига санитария-гиеник баҳо бериш ва керакли соғломлаштириш чора-тадбирларини тавсия қилиш.

Атмосфера ҳавосини ифлосланишини назорат қилиш усууллари

Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосини ифлосланишини ДавСТ асосланиб стационар, йўналишли ва аланга ости кузатув постларида олиб борилади.

Машғулотнинг мақсади: Талабаларга аҳоли туроар жойлари атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражасини назорат қилишда амалдаги расмий қонунчилик ҳужжатларини ва уларни ДСЭНМ амалиётида фойдаланишни ўргатиш.

Дарс ўтиш жой-ўқув хонаси, стационар постлар.

Назорат саволлар:

1. Атмосфера ҳавосини назорат қилишда қўлланиладиган амалдаги қонуний – меёрий ҳужжатлар.
 2. Атмосфера ҳавосини ифлосланишини назорат қилишда қўлланилидиган кузатув постлари.
 3. Кузатув постларини жойлаштиришга қўйиладиган гигиеник талаблар.
 4. Кузатув постларини сонини белгилашда қандай омиллардан фойдаланилади.
 5. Атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражасини назорат дастурлари.
 6. Атмосфера ҳавосидан синама олишдан аввал аниқланиладиган метеорологик омилларнинг аҳамияти
- Дарснинг жиҳозланиши:*
- а) ДавСТ “Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосидан синамалар олиш қоидалари”
 - б) Аҳоли турар жойлари ҳаво муҳитининг санитария муҳофазаси бўйича вазиятли масалалар.
 - в) Гигиена, экология ва аҳоли саломатлиги ахборот хати.
 - г) чизгичлар
 - д) слайдлар.

Дарснинг мазмуни.

Назоратни ташкиллаштириш.

Атмосфера ҳавосини ифлосланишини назорат қилиш учун 3 та тоифали постлар ўрнатилиди: стационар, йўналиши, аланга ости.

Стационар постлар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларни тўхтовсиз равишда қайд этилишини таъминлаш ёки ҳаводан маълум вақтларда синама олиш, кейинчалик таҳлил қилиш учун мўлжалланган постлардир. Стационар постлар ичida таянчли стационар постлар ажратилиди, бу постлар асосий ва кенг тарқалган ифлослантирувчи моддаларни узоқ вақт давомида миқдорини ўзгаришни аниқлаш учун мўлжалланган.

Йўналиши постлар худудларнинг махсус нуқталаридан махсус асбоб ускуналар билан жиҳозланган ҳаракатдаги автолаборатория ёрдамида синама олиш учун мўлжалланган.

Аланга ости постлари мўрикон қувурларини остида синама олиб ушбу ифлослантирувчи манбанинг таъсир кўрсатиш минтақасини аниқлаш учун мўлжалланган.

Кузатув постларини жойлаштириш ва уларнинг сони.

Категориясидан қатъий назар кузатув постлари очик, майдон ҳар томонлама шамоллатиш мумкин бўлган, чанг кўтарилимайдиган, қаттиқ қоплама билан қопланган, олинган натижаларни аниқлигига таъсир этувчи маънбалар, бинолар ва бошқалар бўлмаган майдонга жойлаштирилиши лозим.

Стационар ва маршрутли постлар шаҳар ҳаво муҳитини саноат чиқиндилари, автотранспорт воситалари чиқиндилари, майший ва бошқа чиқиндилар билан ифлослантирувчи маънбаларга яқин, ҳамда уларни тарқалиш шароитини аввалдан текшириб кўрилган жойларга ўрнатилади. Бу постлар аҳоли пунктининг марказий қисмига, турли ҳилда қурилган турар жойларга, дам олиш минтақаларига, транспорт ҳаракат оқими кўп бўлган магистралларга яқин жойда жойлаштирилади.

Стационар постларни жойлаштириш гидрометеорология ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари ва маҳаллий ДСЭНМ ҳодимлари билан ўзаро келишилган ҳолда ўрнатилади. Таянчли постлар гидрометриология ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари билан аввалдан келишмасдан бошқа жойга кўчирилмаслиги керак.

Аланга ости кузатув постининг ҳаводан синама олиш жойини маълум ифлослантирувчи моддаларни тарқалиш қонунини хисобга олган ҳолда олиниши керак.

Постларнинг сони ва уларни жойлаштириш аҳоли сони, аҳоли турар жойларининг майдони ва жойларнинг рельефи, ҳамда саноатнинг ривожланганлиги, транспорт воситаларининг ҳаракати кўп бўлган магистрал тармоқларини шаҳар ҳудудида жойлашиши, дам олиш ва курорт минтақаларининг жойлашишини хисобга олган ҳолда аниқланади.

Аҳоли сонига боғлиқ равишда стационар постларнинг сони камида:

аҳолиси 50 минггача бўлган жойларда камида 1 та пост.

100 минггача бўлганда камида 2 та пост.

100–200 минггача бўлганда камида 2–3 та пост.

200–500 минггача бўлганда камида 3–5 та пост.

500 мингдан кўп бўлганда 5–10 та пост.

1 млн дан кўп 10–20 та пост.

Нотекис рельефга эга бўлган аҳоли турар жойларида ва ифлослантирувчи маънбалар кўплигини хисобга олган ҳолда ҳар 0,5 – 5 км га битта стационар пост ўрнатилади.

Атмосфера ҳавосини ифлосланиш ҳолатини чуқур ўрганишда соғлиқни сақлаш вазирлиги ва гидрометрология давлат қўмитаси билан ўзаро келишилган ҳолда стационар постларнинг сонини кўпайтиришга рухсат этилади.

Кузатув дастури ва вақти.

Стационар постларда 3 та кузатув дастурлари ўрнатилади. Тўлиқ, тўлиқ бўлмаган, қисқартирилган.

Тўлиқ дастур бир мартали ва ўртacha кунлик концентрация тўғрисида маълумот олиш учун мулжалланган. Тўлиқ дастур бўйича кузатув ҳар куни

автоматик қурилмалар ёрдамида тўхтовсиз қайд қилиш билан ёки маълум дикрет вақт оралиғида 4 мартадан кам бўлмаган соат 1, 7, 13, 19 ларда жойнинг махаллий вақти буйича синама олиб ўтказилади. Айрим ҳолларда график бўйича кузатув ўтказишга рухсат этилади: сешанба, пайшанба, шанба кунлари соат 7,10,13ларда душанба, чоршанба, жума кунлари соат 16, 19, 22 ларда

Тўлиқ бўлмаган дастур бўйича бир мартали концентрация ҳақида маълумот олиш учун кузатув ўтказишга рухсат этилади.

қисқартирилган дастур бўйича маҳаллий вақт бўйича соат 7, 13 оралиғида бир мартали концентрация ҳақида маълумот олиш учун мўлжалланган. Агар ҳаво ҳарорати – 45°C дан паст ўртача ойлик концентрация бир мартали РЭМ 1F20 мартаба кам бўлса аралашманинг аниқлаш усули пастки аниқлаш диапозонидан паст бўлса у ҳолда қисқартирилган дастур бўйича кузатув ўтказишга рухсат этилади.

Кундалик кузатув дастури ўртача суткалик концентрация тўғрисида маълумот олиш учун мулжалланган. Бу дастур бўйича кузатув ҳаводан тўхтовсиз равишда кундалик синама олиш йўли билан утказилади.

Ноқулай метрологик шароитлар даврида ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори юқори бўлганда кузатув ҳар 3 соатда ўтказилади. Бунда асосий ифлослантирувчи манбаларнинг аланга остидан ва аҳоли зич жойлашган ҳудуд ҳавосидан синама олинади.

Ҳаводан синама олиш вақтида қўйидаги метеорологик ўлчамлар аниқланади: шамол йўналиши ва тезлиги, ҳаво ҳарорати, об ҳаво ҳолати.

Айрим постларда ҳамма кузатув вақтларини бир вақтда ўтказишга йўл қўйилади. Дам олиш ва байрам кунларида кузатув ўтказмасликка рухсат берилади.

Таянчли стационар постларда чанг, ис гази, азот 2 оксиди, сульфат гази ва шу аҳоли яшаш ҳудудида жойлашган саноат корхоналарига хос бўлган махсус ифлослантирувчи моддалар бўйича кузатув олиб борилади.

Таянчсиз стационар постларида махсус ифлослантирувчи моддаларни кузатиш ишлари олиб борилади. Бу постларда асосий ифлослантирувчи моддаларини кузатиш қисқартирилган дастур бўйича ўтказишга рухсат этилади ёки моддаларнинг ўртача ойлик концентрацияси йил давомида ўртача кунлик РЭМ 0,5 ошиб кетмаса у ҳолда кузатув ўтказилмайди.

Шаҳардаги ҳар бир стационар постларда кузатилаётган моддалар рўйхати гидрометериологик, табиатни муҳофаза қилиш бўйича махаллий ташкилотлар ва ДСЭНМ томонидан ўрнатилади.

Йўналишли постларда асосий ифлослантирувчиларига ва шу аҳоли яшаш ҳудудида жойлашган саноат корхоналари чиқиндиларига характерли бўлган махсус ифлослантирувчи моддаларга кузатув олиб борилади.

Аланга ости постларида шу саноат корхонасига характерли бўлган махсус ифлослантирувчи моддаларга кузатув олиб борилади.

Синама олиш

Бир маротабалик концентрацияни аниқлашда ифлослантирувчи моддаларга синама олиш давомийлиги 20 – 30 мин ташкил этади.

Дискрет кузатувда ўртача суткали концентрацияни аниқлашда ифлослантирувчи моддаларга синама олиш давомийлиги 20–30 мин ташкил этади, тўхтовсиз синама олишда эса 24 соатни ташкил этади.

Атмосферадаги аралашмаларнинг ерга яқин концентрациясини аниқлашда синама олиш ериң юза қисмидан 1,5 м дан 3,5 м гача баландликда олинади.

Атмосфера ҳавосини автоуловлар ёнилғи газлари билан ифлосланишини назаорати мунтазам равишда стационар ва йўналишили постларида олиб борилади. Ёнилғи газларни тарқалишини чуқур ўрганиш учун маҳсус кузатув ташкил қилинади. Магитраллар ва магистрал олди худудлари ҳавосини ифлосланишини баҳолаш ёнилғи газларнинг асосий компонентлари (углерод оксида, азот оксида, углеводород, формалдегид, бенз (а)пирен, қурум, қўрғошин бирикмалари) ва уларнинг фотокимёвий парчаланиш маҳсулотларни аниқлаш натижалари бўйича олиб борилади.

Кузатиш учун асосий магистраллар ва автоуловлар ҳаракати интенсив бўлган магистраллар танлаб олинади. Кузатув постлари жойлаштирилади ва синама олинади: 1) автоулов ҳаракати интенсив бўлган магистралларда соатига 500, 500–1000, 1000–2000 ва ундан юқори автоулов, ҳаво мухитининг ифлосланиши юқори бўлган жойлар (чорроҳалар, тор қўчалар, кўп қаватли бино қурулган жойлар, туннеллар ва бошқалар) га. 2) Автомагистралларга яқин жойлашган аҳоли яшаш жойларида (автоулов ҳаракат қисми чеккасида, пиёдалар ҳаракатланиш йўлакчаси ўртасида, қурилиш чегараси бинонинг олд томонидан 0,5–1,0 м. масофада, мавзе ичи марказида ва мавзе ичидаги 3–4 та нуқталарда).

Магистралларда ҳаводан синама олиб ўлчаш ҳар соатда эрталаб 5–6 дан кеч соат 21–22 ларда (ҳафтанинг бир иш кунида кун давомида) ва яшаш минтақасида—чоат 7, 8, 9, 13, 17, 18, 19 ларда олиб борилади.

Атмосферани ифлосланишининг тавсифномаси

Атмосфера ҳавосини ифлосланиши маълумотлари асосида аралашмаларнинг қуйидаги концентрациялари аниқланади: бир марталик (20–30 мин) ўртача кунлик, ўртача ойлик, ўртача йиллик (албатта соат 1, 7, 13, 19 олинган синамаларда).

Ўртача суткалик концентрация маълум вакт оралиғида ва тўлиқ дастур бўйича олинган бир мартабали концентрацияларнинг ўртача арифметик қиймати бўйича аниқланади, ҳамда сутка давомида тўхтовсиз олинган синамалар маълумоти бўйича аниқланади

Ифлослантирувчи моддаларнинг ўртача ойлик концентрацияси ой давомида олинган ҳамда бир мартабали ёки ўртача суткалик концентрацияларнинг ўртача арифметик қиймати бўйича аниқланади.

Тест:

1. АХни ифлосланиши қандай назорат постларида кузатиш мүмкін:

+Стационар ва маршрут

+Олов ости

-Саноат майдонларида;

-Кузатув остида;

2. АХ сини ифлосланишида лаборатор текширув ким томонидан ойтказилади.:

+Саноат корхоналари лабораторияларида

+Давлат гидромет ва ДСЕНМ

-Кимё институтларида

-Туман инспексиялари томонида;

3. Нима сабабдан атмосфера ҳавосидан намуналар олишда синама олиш нүкталари манбадан турли масофаларда белгиланади?

+СХМ чегарасини аниклаш учун

+ифлосланиш характеристини белгилаш учун

-шамол йўналишини белгилаш учун

-ҳавони тозалаш самарадорлигини баҳолаш учун

4. Ифлослантирувчи моддалар концентрациясини аниклашда фойдаланиладиган тўлиқ программада қандай синамалар олинади?

+бир марталик

+ўртача суткалик

-ўртача сменали

-ўртача кварталлик

5.Ҳавонинг газ гулини аниклашда зарур бўлган маълумотлар турини кўрсатинг?

+шамол йўналиши ва тезлиги

+моддалар концентрацияси

-органик моддалар

-минерал моддалар

6. Назорат постларини жойлаштириш учун зарур бўлган маълумотларни кўрсатинг?

+ифлослантирувчи манбалар характеристикиаси

+аҳоли пунктининг характеристикиаси

-турбулентлик характеристикиаси

-конвективлик характеристикиаси

7. Қайси муассаса томонидан атмосфера ҳавосидан тўлиқ анализ олинади?

+гидромет хизмат

+стационар пост

-шаҳар меъмори

-аланга ости пости

8. Атмосфера ҳавоси ифлосланиши устидан санитар назорат олиб борища қандай намуналар олинади?

+максимал бир марталик

+ўртacha суткалик

-ўртacha уч йиллик

-ўртacha минимал

9. Назорат постларини жойлаштириш майдонларига қўйиладиган гигиеник талабларни кўрсатинг?

+очик, яхши шамоллайдиган худуд

+чангланмайдиган қоплама

-ҳар томонлама ёпиқ

-чангланувчи қоплама

10. Аланга ости постларидан синама олишда қандай талаблар қўйилади?

- +аниқ манбадан турли масофада бўлиши
- +ифлослантирувчи моддаларни тарқалиш қонуниятини ҳисобга олиш
- СҲМ ҳудудида
- стационар назорат постларида

11. Назорат постларини ҳар 0,5-5 км да жойлаштириш шартларини кўрсатинг?

- +мураккаб рельеф
- +ифлослантирувчи манбалар миқдорини кўплиги
- жойнинг оптимал қиялиги
- чиқиндиларни минимал миқдори

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига гигиеник баҳо
беришда лаборатория усулларини қўллаш.

Машғулотнинг мақсади-талабаларни атмосфера ҳавосидан синама олиш услубларини ўргатиш ва энг кўп тарқалган зарарли моддаларнинг лаборатория таҳлилидан ўтказишига ўргатиш.

Дарс ўтиш жойи-ўқув хонаси, тажриба хона.

Назорат саоллари:

Ҳаводан олинадиган бир маротабалик ва ўртача кунлик синамалар ҳакида тушунча ва уларнинг қўлланилиши.

Атмосфера ҳавосидан ўртача кунлик синама олиш усулилари.

Атмосфера ҳавосининг санитария ҳолатини назорат қилишда стационар ва йўналишдаги постлар, уларни қўлланилиши, жихозланиши ва иш тартиби.

Аҳоли турар жойлари атмосфера ҳавосидан синамалар олиш учун жой танлаш асослари.

Атмосфера ҳавосининг “Ифлосланиш гули” ҳакида тушунча, санитария амалиётида уни тузиш ва қўлланилиши.

Атмосфера ҳавосидан синамалар олиш усуллари ва унда қўлланиладиган зарурий лаборатория анжомлари.

Ҳаво мұхитиниң чанг билан ифлосланлигини аниклашда вазн усулиниң асосларының жағдайын сипаттауда орналасқан.

Атмосфера ҳавосининг газсімонаның моддалары билан ифлосланишининг умумий принциптерінің жағдайын сипаттауда орналасқан.

Машғулоттегі жиһозланиши:

Талабаниң иш жойы: а) штативлар; б) лаборатория идишлари; в) реактивлар; г) электроаспиратор; д) чанг ёки қрумдан синама олиш учун диаметрли патронлар; е) УГ газоанализатори (углерод оксида учун) ж) №1 ютувчи мослама; з) ҳаводан синама олишда патрон ва ютувчи мосламаларни ушлаб түриш учун штативлар; и) анемометрлар; к) компас, флюгер мосламаси, аспирацион психрометрлар; л) аналитик торозлари; м) фотоэлектрокалориметр; н) барометр; о) колба ва пробиркалар; п) реактивлар: олтингүргүрт газиниң аниклаш учун ютувчи эритма юқори кристалланган 4 % хлорат калий ($RcLO_3$), бошланғич стандарт олтингүргүрт газининг эритмаси-2, 720 г.ж.ч., сульфат калийнинг (K_2SO_4) 100 мл сувдаги эритмаси; яғни 10 мг газ мөкдори 1 мл эритмага түғри келади. 10 % барий хлорнинг ($BaCl_2 \cdot 2H_2O$) эритмаси, 0,1 N хлорид кислота (HCl) эртмаси. Азот оксида учун ютувчи эритма: 0,5 N калий йодит эритмаси KI (300 мл H_2O га 41,5 KI), бошланғич стандарт нитрит натрий эритмаси (N_3NO_2) 0,150 гр гр нитрит натрийнинг 100 мл янги қайнатылған сувдаги эритмаси, бу 1 мл эритмада 1 мкг NO_2 мөс келади. Грисса-Илосвяя-реактиви; 0,01 N сульфит натрийнинг ($Na_2So_3 \cdot 7H_2O$) янги тайёранған эритмаси; т) жадваллар: ақоли турар жойларидан ҳаводан синама олиш нұқталари; ҳавонинг “ифлосланиш” гули, ҳаводан аспиратор асбоби ёрдамида синама олиш учун күрсатма, чанга синама олиш учун диафрагма диаметрини танлаш жадвали, ҳаво җажмининг мөъёрий шароитларга келтириш учун тенгламалар, ф) слайдлар; ҳаво мұхитининг тозалигини назорат қилиш учун стационар постнинг умумий күриниши ва тузылиши.

Машғулоттегі мазмұни.

Машғулотта талабаларни ҳаводан синама олиши учун синама олиш лаборатория асбобларини тузилиши ва ишлеш асослары билан таништиришдан бошланади.

Атмосфера ҳавосидан синама олишда аввалдан белгилаб қўйилган нуқталар-автоуловлар магистрали яқинидан ва унга яқин жойлашган қурилиш чизиғидан синамалар олинади. Синамаларда ҳавони чанг, қурум, олтингугурт гази ва азот оксидларига текширишларни расмий усуллар билан ўтказиш зарур.

Автомагистраллардаги ҳаво мұхитида углерод оксидининг концентрацияси УГ асбоби ёрдамида экспресс усулда аникланади.

Ҳаводан синама олиш билан бир вактда ҳавонинг ҳарорати, нисбий намалиги, шамолнинг ҳаракат тезлиги ва йўналиши аникланади, ҳамда параллел равища автоуловларнинг ҳаракат тезлиги ва транспорт таркиби қайд қилинади. Барометрик босим эса кафедрада қайд қилинади.

Синама олишнинг барча шароитлари харитага беглиланади.

Улар ҳар-бир аникланётган моддалар учун алоҳида – алоҳида тузулади.

Талабалар кафедра лабораториясида олинган ҳаво синмаларини текшириб таҳлил қиласидар. Барча зарурий ҳисоб-китоблар кўрсатилган хаританинг орқа томонига ўтказилиб, таҳлил натижалари маҳсус тасвирга белгилади.

Ўтказилган текшириш натижаларига кўра мукаммал санитария текшириш хулосаси тузулади.

Хулоса қўйидагича бўлиши мумкин:

- а) транспорт магистрали ва унга яқин жойлашган турар жой чизиғининг қисқача санитария тавсилотномаси (кўчанинг қопламаси, унинг кенглиги, қиялик даражаси, турар жой билан магистрал чети оралиғидаги масофа, яшил ўсимликлар ва уларнинг турлари, турар жойнинг қурилиш тизими ва бошқалар);
- б) Транспорт оқимининг ҳаракат интенсивлиги, таркиби, ҳаракат тезлиги тўғрисида умумий маълумотлар;
- в) Олинган синамаларда аникланган заарарли моддалар билан ҳавонинг ифлосланиш даражасига баҳо бериш;
- г) магистрал ва турар жой минтақаси майдонидаги атмосфера ҳавосини соғломлаштириш бўйича тавсиялар;

Атмосфера ҳавосидан синама олиш ва таҳлил қилиш дастури

Текширилаётган инградиентнинг (модданинг) номи;
Таҳлил натижалари. мг.м.куб; РЭМ . . .
. мг.м.куб;
РЭКдан ошганлиги маротаба;

Синма олинган жой
 Синама олиш баландлиги
 Ҳавони ифлослантирувчи маънба
 Чиқиндиларни чиқиш шакли: тўлқинсимон,
 кўндаланг, тик, Г - симон (тагига чизилсин)
 Чиқиндининг чиқишига нисбатан синма олиш
 нуқтаси: аланга остидан, унинг орқасидан, ундан . . .
 . . . м масофада (тагига чизилсин).
 Ифлослантирувчи маънбадан м
 масофада
 Магистралдагитранспортвиситалари ниоқимининг
 интенсивлиги иккалайўналишбўйича,
 шундан юкмашиналари %, ўртacha ҳаракат тезлиги .
 км.соат.
 Об - ҳавонингхолати: очик, ўзгарувчан,
 туман, чанглитўзон, музсимонёмғир. қор (тагига
 чизилсин)
 Шамол ўналиши: Шимол, ШимШарқ, Шарқ, ЖШарқ,
 Ж, ЖF, F, Шим F, (тагига чизилсин)
 Шамол тезлиги м.сек.
 Психрометрўлчовасбобимаълумотлари:
 қуруктермометр °C. Намланган термометр . . .
 . °C, ҳавонинг нисбий намлиги . . . %.
 Атмосфера босими
 мм.сим.ус.
 Синаманинг тури: бир маротабалик, ўртacha
 кунлик (тагига чизилсин).
 Синама олинган вақт. бошланиши
 соат дақиқа.
 Якуни соат дақиқа.
 Ҳаводан синама тортиб олишнинг хажми
 тезлиги л, дақиқа.
 Тортиб олинган ҳавонинг хажми л.

Синама олган шахснинг Ф.И.Ш.

Ҳаво муҳитини чанг билан ифлосланганлик даражасини
 аниқлаш: Атмосфера ҳавосинии вазнили усул билан
 аниқлашнинг принципи. ФПП-15-1,5 методан тайёрланган
 фильтр беилган ҳавонинг тортиб олишдан аввал ва кейин
 вазнини ўлчашга асосланган. Чанг концентрацияси

(мг.м.куб) филтринг аввалги ва кейинги вазнининг фарқига қараб аниqlанилади.

Ҳаводан синмаларни олишга тайёрланиш:

АФА-В-19 фильтрини қоғоз билан ўралган ўрамдан олиш, қоғоз очилиб, унинг ичидан пинцет билан аста-секин фильтр олинади. Уни аналитик торозида 0,1,0,2 мг аниқликда ўлчаб олинади, сўнгра яна қоғозга солиб қўйилади, қоғозга эса тартиб рақами ва вазни белгиланади, кейин аввалги ўрамга қайтадан солиб қўйилади.

Ҳаво сўрувчи мосламанинг ишлаш (50 ,100 л.дақиқадан кам бўлмаган) иш қувватини текшириш, чарм шлангларини борлигини, маънбага улаш симларининг, фильтрлар патронларини, патронларни маҳкамлаш учун штативларни борлигини текшириб қўрилади.

Анемометр (косачали), флюгер мосламаси, психрометр борлигини ва ишлайдиганлигига ишонч ҳосил қилиш, психрометр учун дистилланган сув зохираси тайёрлаш, 20 м узунликдаги сим ўрам, секундомер ёки секундомерли соатларни, ёзиш учун қоғозларни, хариталарни тайёрлаш.

Барча ўлчов асбобларини ва материалларни транспорт билан олиб келиш учун маҳсус идишларга солиш.

Текширишга чиқинди чиқишдан аввал барометрик кўрсаткичларни ёзиб олиш.

Ҳаводан синама олиш қоидаси: 1. Флюгер асбобида синама олиш нуқталарини шундай танлаш керакки, шамол ҳавонинг ифлослантирувчи маънбадан, текширувчи шахс томонидан эсишини белгилаши. Шамол тезлигини аниқлаш.

2. Ҳаво сўрувчи мосламани электр маънбасига улаш, фильтрли патронларни ўрнатиш учун штативларни мустажкамлаш.

3. Шамол тезлигига ва 18 - жадвалда кўрсатилган танланган ҳаво сўрувчи мосламанинг ишига мос ҳолда диафрагмани танлаш.

4. Фильтри патронга жойлаштириш. Бунинг учун патрон буралади, фильтр ўрамдан олинади, сўнгра патронга жойлаштирилади. Диафрагманинг устига қопланади ва патрон қайтадан зич қилиб бураб қўйилади.

жадвал-31

Шамол тезлиги V_w ва аспираторнинг иш қобилиятига i га боғлиқ диафрагма тешигининг талаб қилинаётган диаметри d.

Vb (м.сек)	Lқ 50 лFмин	L қ 100 лFмин	L қ 150 лFмин
	d (мм)	d (мм)	d (мм)
1	31	46	55
2	22	33	40
4	15	23	29
6	12,5	18	23
8	11,5	17	21
10	10	15	18

5. Фильтрли патронни штативга маҳкамлаш, чарм шланг билан ҳаво сўрувчи мосламасига улаш ва унинг ифлослантирувчи маънба томонга йўналтириш.

6. Ҳаво сўрувчи асбобни ёкиб, ҳаво сарфини 50, 100, ёки 150 л.дақиқага тўғрилаш, синама олиш вақтини белгилаб қўйиш. Фильтр орқали 3000 л. ҳаво ўтказилади, яъни 50 л.дақиқа ҳаво сўрилиш бўлганда 60 дақиқа давомида ҳаво тортилади. Харитага синама олиш ва тортиш вақти, ҳамда ҳаво сарфи белгиланади. Синама олиш жараёни тугатилгандан сўнг патрон буралади, фильтр олинади, олд томони билан тўртга буқланади ва махсус қофоз халтага солинади. Текшириш аниқ бўлиши учун бир вақтнинг ўзида 2 тадан кам бўлмаган синама олинади.

7. Ҳаводан синамани олиш билан бир вақтда психрометр, термометр натижалари ҳам харитага тушурилади.

8. Синма олиш харитасининг бошқа қолган бандларини тўлдириш ва санани қўйиш.

Олинган синамаларни тажхил қилиш йўллари ва концентрацияни ҳисоблаш.

Олинган синамалар лабораторияга олиб келингандан сўнг чангни аниқлаш учун олинган синама 60 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида сакланиши мумкин, сўнгра аналитик торозида 0,1,0,2 мг аниқликда ўлчанади.

Фильтр орқали ўтказилган ҳавонинг ҳажми ўртacha меъёрга қуидаги тенглама бўйича келтирилади

$$Vt \times 273 \times P$$

Vo к -----;

$$(273 к t) \times 760$$

буерда: Vt - синама олиш дасўри болинган ҳаво ҳажми (л)

P - синама олиш вақтидаги атмосфера босими (мм.сим.уст.)

t - синама олиш жойидаги ҳаво ҳарорати (градус)

Vo -t қ О° ва Р к 760 мм.сим.уст келтирилган ҳаво ҳажми (л) Чанг концентрацияси қуидаги тенглама бүйича ҳисобланади.

(б - а) x 1000

С к -----

Vo

Бу ерда: С - чанг концентрацияси (мг.м.куб)
а - синама олишдан аввалги фильтрнинг вазни (мг)
б - синама олингандан сўнги фильтрнинг вазни (мг)
1000 - л.дан м.кубга ўтиш коэффиценти.

Ҳавонинг қурум билан ифлосланиш даражасини аниқлаш.

Ҳавони қофоз фильтрдан ўтганда қурум таъсирида қорайишига асосланган. қорайиш даражаси фильтр қофозга тоза қурумни таъсир этиш йўли билан қилинган қатор билан солиштириш орқали аниқланилади.

Синама олиш йўли: қурумнинг бир маротабалик концентрациясини аниқлаш учун текширилаётган ҳаво патронга жойлаштирилган фильтр қофоз орқали 1 л.дақиқа тезликда 20 - 30 дақиқа давомида тортиб олинади. Сўнг патрон буралиб, фильтр олинади ва маҳсус қофоз халтага жойлаштирилади.

Олинган синамани тахлил қилиш йўли ва концентрацияни ҳисоблаш.

Лабораторияга келтирилган фильтр олдиндан тайёрланган патрон ёки аник фотонусча билан ранг интенсивлиги солиштириллади. Бунда қаторнинг ранг бўйича энг яқин даражаси, маълум (мг) қурум миқдорига тўғри келиши аниқланилади. Сўриб олинган ҳаво ҳажми, юқорида кўрсатилган тенглама асосида меъёрий шароитларга келтирилади.

Ҳаводаги қурумнинг концентрацияси қуидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

A x 1000

С к -----;

Vo

Бу ерда: А - синамани стандарт қатор билан солиштирилганда аниқланган қурум миқдори (мг)
Vo -Нормал шароитга олиб келтириб ўзгартириб олинган ҳаво ҳажми (л)
1000 - л. дан м.кубга ўтказиш коэффициенти.

Ҳаво мухитини азот (2) оксиди билан ифлосланишини аниқлаш

Азот (2) оксидининг калий йод (KI) эритмасида ютулишига, нитрит иони эса Грисс-Илосвая реактиви орқали аниқланишга асосланган.

Бунда азот кислотаси, сульфанил кислота билан бирикиб, диазот бирикма ҳосил қилиб, у Грисса-Илосвая реактиви тиркибиға киравчи нафтиламин билан бирикиб, қизил рангли азобўёқ ҳосил қиласи. Эритманинг бўялиш интенсивлигига қараб стандарт қатор билан визуал ёки фотоэлектрокаллориметр орқали солиштириб, азот (2) оксидининг миқдори аниқланилади.

Синама олиш усули; Бир маротабалик концентрацияни аниқлаш учун текширилаётган ҳаво 0,25 л. дақиқа тезликда 30 дақиқа давомида №1 пластинкали иккита кетма - кет уланган ҳар - бирига 0,5 НКІ эритмасидан 6 мл. олиб ютувчи эритма солинган ютувчи мослама ёрдамида аниқланилади.

Олинган синамани таҳлил қилиш ва концентрациясини ҳисоблаб аниқлаш йўли.

Стандарт ишчи эритма тайёрланади. А-эритма, 0,01 мг.л. №2 бошланғич стандарт эритма, ютувчи эритма билан 100 маротабага суюлтирилади ва Б-эритма).001 мг.л №2 сакловчи - А-эритма 10 маротаба суюлтирилади. Улар асосида 32-жадвалга биноан стандарт қатор тузулади.

Каллориметрик пробиркаларда таҳлил қилиш учун ҳар - бир ютувчи мосламадан 5 мл.дан текширилаётган эритма солинади. Сўнгра барча стандарт қатор пробиркалари ва синамаларга 0,5 мл Грисса-Илосвая реактиви солинади ва яхшилаб аралаштирилади. 10 дақиқа вақт ўтгандан сўнг бевосита аниқлашдан аввал барча пробиркаларга 5 томчидан 0,01 N сульфит натрий эритмасидан қўшилади, яна аралаштирилади ва синамаларни қатор стандарт пробиркалар билан ранг интенсивлиги визуал солиштириш орқали каллориметрия қилинади. Аниқлаш биринчи ва иккинчи ютувчи моддаларга алоҳида-алоҳида аниқланилади.

32 - жадвал.

Азот (2) оксидини аниқлашнинг стандарт қатори.

Реактивлар	Пробиркалар раками										
	0 назора т	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Б-стандарт	0	0,	0,	0,	0,	0,	1,	-	-	-	-

эритма (мл)		1	2	4	6	8	0				
А- стандарт эртма (мл)	-	-	-	-	-	-	-	0, 2	0, 4	0, 6	1,0
Ютувчи эртма (мл) 0,5 НКІ	5	4, 9	4, 8	4, 6	4, 4	4, 2	4, 0	4, 8	4, 6	4, 4	4,0
NO ₂ миқдор и (мкг)	0	0, 1	0, 2	0, 4	0, 6	0, 8	1, 0	2, 0	4, 0	6, 0	10, 0

Шунингдек текширишни фотоэлектроаллориметрда ҳам ўтказиши мумкин. Бунда ишчи узунлиги 10 мл бўлган кювета ва тўлқин узунлиги 500 нм бўлган фильтрлардан фойдаланилади. Фотоэлектроколлориметрда кўрсатилган сульфит натрий эритмаси қўшилгандан сўнг дархол назорат эритмаси билан солиштириб кўрилади.

Азот (2) оксидининг миқдори келтрилган стандарт қатор асосида тузилган белгилаб қўйилган жадвал бўйича аниқланилади.

Текширилаётган эритманинг оптик зичлиги ўлчаниб, махсус жадвалдан NO₂ миқдори мкг да аниқланилади.

Ҳаводаги азот (2) оксидининг концентрацияси қўйидаги умумий тенглама бўйича хисобланилади:

$$(a_1 + a_2) \times b$$

$$C = \frac{(a_1 + a_2) \times b \times V_0}{1000}$$

бу ерда: a₁ ва a₂ - биринчи ва иккинчи ютувчи эритмадаги аниқланилаётган модданинг миқдори, мкг;

b - таҳлил учун олинган ҳавонинг ҳажми, мл (ушбу ҳолатда 5 мл)

v - таҳлил учун олинган ҳавонинг умумий ҳажми, мл (ушбу ҳолатда 6 мл)

V₀ - нормал шароитта келтирилган сўриб олинган ҳаво ҳажми л.

C - ҳавода аниқланилаётган модданинг концентрацияси (мг.м.куб)

*Ҳаво мухитини олтингугурт гази билан
ифлосланганлигини аниқлаш.*

Олтингугурт газини хлорат калий KClO₃ билан сульфат кислотагача оксидланишига асосланган, яъни барий хлорид билан таъсир этилганда эримайдиган чўкма суъфат барийни ҳосил қилишга асосланган. Хираланишнинг интенсивлиги

олтингугурт газининг концентрациясига тўғри пропорционалдир.

Ҳаводан синама олиш: Бир маротабалик концентрацияни аниқлаш учун текширилаётган ҳаво 2 л., дақиқа тезликда 30 дақиқа давомида 6 мл сўрувчи эритма билан тўлдирилган №1 пластинкали сўриб оловчи мослама орқали сўриб олинади.

Олингандан синамани тахлил қилиш ва концентрациясини хисоблаш йўллари.

Ютувчи модда солинган мосламадан 5 мл текширилаётган суюқлик коллориметрик пробиркага олинади. 1 мл 0,1 мг олтингугурт газини тутувчи стандартли ишчи эритма тайёрланади, бунинг учун бошланғич стандарт эртма 100 маротаба ютувчи эритма билан суюлтирилади:

100 мл ўлчовли колбага 1 мл калий сульфатнинг бошланғич стандарт эритмаси солинади ва колбани 100 мл ўлчамигача калий хлоратнинг ютувчи эритмаси солинади. Стандарт ишчи ва ютувчи эритмаларга асосан, 33-жадвалда кўрсатилган қатор тузилади.

Жадвал-33

Реактивлар	Пробиркалар рақами						
	0	1	2	3	4	5	6
Калий сульфатнинг стандарт ишчи эритмаси 1 мл-0,1 мг	0	0,1	0,2	0,4	0,6	0,8	1,0
Хлорат калийнинг ютувчи эритмаси, мл	5	4,9	4,8	4,6	4,4	4,2	4,0
SO ₂ нинг миқдори, мг	0	0,01	0,02	0,04	0,06	0,08	0,1

қаторнинг барча пробиркаларига ва синамага 1 мл 0,1 N хлорид килслота эритмаси ва 1 мл 70 % барий хлорит эритмаси солинади. Тиқинлар билан ёпилган пробиркалар эҳтиётлик билан аралаштирилади ва 10 дақиқадан сўнг, қора фонда люминицент чироқ олдида текширилаётган синама ва қатордаги эритмалар солиштирилади. Ушбу мақсадда нефелометри ҳам ишлатиш мумкин.

Ҳаводаги олтингугурт газининг концентрацияси қўйидаги тенглама бўйича хисобланади.

а х в х 1000

С к -----

б х Vo

Бу ерда: а - таҳлил учун олинган синама ҳажмидаги олтингугурт газининг миқдори (мг);
б -таҳлил учун олинган синама ҳажми ушбу ҳолатда 5 мл.
в - барча синамалар ҳажми (мл) ушбу ҳолатда 6 мл;
Vo - нормал шароитларга келтирилиб, сўриб олинган ҳавонинг ҳажми (л);
С - ҳаводаги олтингугурт газининг концентрацияси (мг.м.куб)
1000 - л . дан м.кубга ўтказиш коэффициенти;

Ҳаво муҳитини углерод оксиди билан ифлосланиш даражасини

Экпресс усулда аниқлаш.

УГ-2 асбобида аниқлаш. Углерод оксиди билан ифлосланган маълум ҳажмидаги ҳавонинг "индикатор кукун" билан тўлдирилган шиша найча орқали ўтганда, унинг ранг ўзгаришига асосланган.

Индикаторнинг бўялган баландлигининг узунлиги газ концентрациясига тўғри пропорционал бўлиб, махсус шкала бўйича мг.м.кубда ўлчанади.

Бу усул ҳавода углерод оксиди концентрацияси юқори бўлганда (15,20 мг.м.кубдан юқори) ҳавонинг ифлосланишига баҳо беришда фойдаланиш мумкин, масалан, транспорт қатнови юқори интенсивлигидаги шаҳар автомагистралларида.

УГ-2 асбоби (Универсал газоанализатор) ҳаво тортиб оловчи мосламадан, турли хил ҳажмидаги ҳавони сўриш мосламаси, ўлчов шкалалари (турли хил газлар учун, шу жумладан углерод оксиди учун) индикатор трубкалар, филтрли патронлар, синамани олиш ва таҳлил қилиш учун тайёрловчи мосламалар тўпламидан иборат.

Улар зарур индикатор кукунлари билан тўлдирилган.

Асбоб билан ишлаганда махсус қўрсатмага асосан индикатор трубкалар ва фильтрли патронлар мос реагентлар билан тўлдирилади. Ҳаво сўриб олиш мосламаси ёрдамида маълум ҳажмидаги ҳаво индикатор трубкасидан ўтказилади ва шкалалар ёрдамида бўялган кукун баландлигининг узунлиги ўлчанади.

Углерод оксидининг концентрацияси шкалаларда ҳисобланади. Синама олиш ва таҳлил қилиш 10 дақиқадан кўп бўлган вақт олинмайди.

Тестлар:

1. Атмосфера ҳавоси холатини баҳолашда қўлланиладиган синама олиш усулларини кўрсатинг?

- +седиметацион
- +аспирацион
- сепарация усули
- профилактик усул

2. Атмосфера ҳавосидан синама олиш усулларини кўрсатинг?

- +аспиратцион
- +седиметацион
- +ҳаводан идишларга эвакуатсия усулида синама олиш
- Данилюк усули
- Зайцев ютувчи муҳитидан фойдаланиш
- Полежаев ютувчи муҳитидан фойдаланиш

3.

4.

5.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи маънбаларни-ишлаб чиқариш объектларини санитария назоратидан ўтказиш.

Машғулотнинг мақсади-талабаларга ахоли турар жойлари ҳаво муҳитини ифлослантирувчи ишлаб чиқариш объектини санитария назоратидан ўтказиш услубларини ўргатиш.

Дарс ўтиш жойи-Ўқув хонаси, текширув объекти.

Назорат саволлари:

1. Ишлаб чиқаришнинг атмосферага ташкиллаштирилган чиқиндиларни ташлашига қарши курашиш тадбирий – чоралари.
2. Атмосфера ҳавосига ташкиллаштирилмаган чиқиндиларни ташлашга қарши курашиш йўллари.
3. Атмосфера ҳавосини ифлосланишида корхоналарнинг ички транспортини аҳамияти ва уларни ички ташибни ташкиллаштирилишига қўйиладиган санитария талаблар.
4. Асосий чанг ва газдан тозаловчи иншоотларнинг иш принциплари.
5. Чанг ва газдан тозалаш иншоотларини қўлланилишини ташкиллаштирилишига қўйиладиган асосий талаблар.
6. Ишлаб чиқаришда чанг ва газдан тозаловчи иншоотларнинг иш самарадорлигини назорат килишни ташкиллаштирилиши.

7. Чанг ва газдан тозалаш иншоотларини ишга тушурилишида қабул хайати таркибида санитария врачининг иштироки.
8. Газдан тозалаш хизмати ва унинг вазифалари.

Машғулотнинг мазмуни: Машғулот маҳаллий Давлат санитария назорати маркази томонидан назорат қилинадиган обьектда олиб борилади. Санитария эпидемиология марказида талабалар атмосфера ҳавосининг тозалик даражасини санитария муҳофазалаш тадбирлари, атмосфера ҳавосининг ифлослантирувчи кўрсаткичларини лаборатория назоратини ташкил қилиниши, ҳаво мұхитини санитария муҳофазалаш чора - тадбирлари ва уларнинг самарадорлигини, ҳавони ифлосланишини аҳоли саломатлигига ва аҳолини турмуш шароитларига таъсири билан танишадилар. Бунда талабалар учун мүлжалланган ишлаб чиқариш обьектнини атмосфера ҳавосини ифлослантириши ҳисобга олинади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи маънба текширилаётганда обьектнинг номи, унинг манзили, қаерга тегишли эканлиги (вазирлик, муассаса ва бошқалар), ишлаб чиқариш тури, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, шамолнинг қайталанишини ҳисобга олган ҳолда яшаш минтақасига нисбатан шаҳар режисида жойлашиши, Санитария ҳимоя минтақаларининг ташкиллаштирилганлиги, унинг ўлчами, ободонлаштрилганлиги, Сан қ ва М 0006-93 талабларига жавоб берни белгилаб қўйилади.

Сўнгра обьект ҳудудини санитария таснифномаси аниқланади: яъни унинг катталиги, ободонлаштрилганлиги (кўкаламзорлаштирилганлиги, қаттиқ қопламалар билан қопланганлиги), атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи цехларни жойлашиши, ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндиларни йиғиш жойи, чиқиндиларни ҳажми, унинг таснифи, йиғиш ва зарарсизлантириш усуслари, чиқинди сувларнинг таснифи ва ҳажми, тозалаш ва бартараф қилиш усуслари, уларнинг атмосфера ҳавосига таъсири аниқланилади.

Қўлланилаётган хом аъшёнинг таснифи, ҳажми, келтириш йўли, саклаш жойи, шароитлари, ҳавонинг ифлослантириши мумкинлиги аниқланилади.

Фойдаланилаётган ёқилғи тури, миқдори, келтириш йўли ва саклаш усулига, ёқилғини аввалдан тайёрлаш (курутиш, тўйинтириш ва бошқ.), ёқилғи таркибидаги қурум, ва олтингугуртнинг миқдори ушбу ёқилғидан

фойдаланишда атмосферанинг ифлосланишига эътибор бериш керак.

Шунингдек ёқилғини ёкиш миқдори ва ёниш усуллари (қаватли, чангсимон), кулларни йиғиш жойи, миқдори, уларни йиғиш ва зарарсизлантириш усуллари, жойлашиши, мўриконларнинг баландлиги ва диаметри, қўлланилаётган қурум ва газ ушловчи иншоотлар, уларнинг турлари, тозалаш коэффициенти, атмосферага чиқарилаётган қолдик чиқинди қурм ва олtingугурт газининг миқдори.

Атмосфера ҳавосининг ифлослантирувчи маънба сифатида алоҳида цехларни таснифомасида қуидагилар аниқланилади: а) технологик жараёндан ҳосил бўладиган, ҳавога ажратилаётган чиқиндиларни захарлилиги.

б) атмосферага ташкиллаштирилмаган чиқиндиларни чиқариш ва уларнинг сабаблари.

в) ташкиллаштирилган чиқиндилар-ташлаш жойи, миқдори, мўриконларнинг баландлиги, диаметри, чиқинди чиқаришнинг давомийлиги, атмосферага чиқарилаётган чиқиндининг миқдори ва таркиби.

г) фойдаланилаётган чанг ва газдан тозалаш тизими-бир поғонали, икки поғанали, кўп поғанали,

д) фойдаланилаётган чанг ушловчи, газдан тозаловчи иншоотларнинг турлари, уларнинг техник ҳолати, лойижавий ва аниқ самарадорлиги, хизмат кўрсатиш ва ишлатилишини ташкиллаштриш

Объектни санитария таснифи учун назарда тутилган ўзгаришлар (ишлаб чиқариши кенгайтирилиши, йўналишини ўзгартириш, бекитиш, бошқа ерга ўтказиш) ва ҳаво мұхитини санитария муҳофазалаш соҳасида кутилаётган самарадорлик ҳақида маълумотлар зарур.

Текшириш натижалари далолатнома кўринишида расмийлаштирилади, сўнгра санитария хуносаси ва текширилаётган объектни ҳавони ифлослантиришига қархи курашишнинг аниқ тадбирларни тавсия этиш билан яқунланади.

Тестлар:

1. Ишлаб чиқариш корхоналарини таснифлашда нималар асос қилиб олинган?

+ташланадиган чиқиндиларнинг заарлилиги

+корхона қуввати

-чиқинди чиқариш баландлиги

Ахоли саломатлиги холатини ўрганишининг услугий тамоиллари

Ахолини касалланиши, ўлими, ногиронлик холати ва жисмоний ривожланиши тўғрисидаги маълумотларни ахборот берувчи турли манъбалардан олиниши мумкин, буларнинг энг асосий гурухлари қуидагилардир: 1) даволаш-профилактика муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари, ижтимоий таъминот (ЗАГС) фуқоролик холатини хисобга олиш бўлими, давлат статистика ташкилотлари расмий хисботлари; 2) танлаб олинган кузатув минтақасида даволаш-профилактика муассасаларида касалланиш ва ўлимлар холатини кўрсатувчи маҳсус ташкиллаштирилган хисоби – “проспектив” кенг қўламда текшириш деб номланган; 3) ўтган даврлар юзасидан ретроспектив маълумотлар; 4) ахолини тиббий қўриқдан ўтказилганлиги маълумотлари; 5) клиник текширувлар, лаборатория ва текширув асбоблари ёрдамида олинган маълумотлар; 6) ахолини тиббий-ижтимоий текширувлари (сўраб-суруштириш, анкета-сўрови); 7) математик моделлаштириш ва олдиндан айтиб бериш натижалари.

Гигиена амалиётида кундалик масалаларни тезкор ечиш учун кўпинча биринчи учта гурух манъбаларидан фойдаланиш билан чегараланади, қолган кўрсатгичлар саломатлик тўғрисида сезиларли катта аниқликдаги маълумотларни берса хам, улар анча катта хажимлилик ва қиммат туриши туфайли кам қўлланилади. Масалан, атроф мухитнинг кўпроқ таъсир этувчи омилларини максимал сонини хисобга олиш учун ва уларнинг ахоли саломатлигига алохида ва бирлашиб таъсир этишини қонуниятини аниқлаш мақсадида тузилган ва назорат текширувлари ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган маҳсус статистик сўровномадаги жуда кўп саволларга ахолининг, экологларнинг ва тиббиёт ходимларининг жавоблари керак бўлади. Бундай сўровномалар хар кайси текширувчига 10-тадан ортиқ тўғри келиши ва саволларнинг хаммаси жамланса, бундан ташкари шунга мос равишда атроф мухитнинг холати тўғрисидаги маълумотларни тахлил қилиш кераклигини хисобга олмаган такдирда хам уларнинг сони мингдан ошиб кетиши мумкин.

Ахоли саломатлиги холати тўғрисида (жисмоний ривожланишдан то ўлимигача) хар томонлама тавсилот берувчи кўрсатгичлар тўғрисида маълумот олинганидан сўнг, ҳамма кўрсатгичлар умумлаштирилиб саломатлик даражасини интеграл баҳоси берилиши керак. Бунинг учун концептуал (сифат) ва математик-статистик (микдорий) тахлиллар қилинади. Концептуал тахлил якуни асосида шу гурух одамларининг умумлаштирилган саломатлик индексини хисоблаб чиқариш мумкин.

Кейинги даврда математик моделлаштириш ёрдамида атроф мухит омиллари ва саломатлик гурухлари ёки индекслари орасидаги микдорий тоъбеликни аниқлаш мумкин (34 жадвал).

Аҳоли популяцияси саломатлик холати кўрсатгичлари

САЛОМАТЛИК ГУРУХЛАРИ. Аҳолини саломатлиги даражаси асосида гурухларга бўлиниши фикри янгилик эмас. Мисол тариқасида С.Сворупа (1960) классификацияси келтирилиши мумкин, бунга асосан аҳоли–соғломларга ва касалланганларга бўлинади. Соғ одамлар қўйидаги гурухларга ажратилган:

Ҳеч кандай жисмоний ёки руҳий нуқсонсиз;

Билинарли нуксонлик, лекин аниқ билинувчи касаллик холатини келтириб чиқармайдиган ва даволаш талаб қилмайдиган;

Бўлиб ўтган касалликлар ва жароҳатларнинг деформация қолдиқлари бор, лекин билинмайдиган касалланиш холатини келтириб чиқармайдиган ва даволаниш талаб қилмайдиган;

Касалланишни латент ёки бошланғич белгилари билан, касаллик холатини келтириб чиқармайдиган ёки қоблиятсизлигини чегараланганилиги гурухлари.

Саломатлик гурухлари бўлиниши–бу аҳоли саломатлигини холатини концептуал–сифат тахлилидир.

Лекин, атроф мухит–саломатлик туркумларини ўзоро алоқаларини моделлаштириш учун математик–статистик тахлилни қўллаш, хусусан “умумлаштирилган саломатлик индекси”ни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Кўрсатилган индекслар аҳоли саломатлигини даражасини бир–мунча кўрсатгичларни умумлаштириб тавсилотлайди.

Чунки бу индекслар саломатлик даражасини баҳолашда мухум рол уйнайди. Бу индексларга ВОЗ (БДССТ) томонидан 1971 йилда уюштирилган ва ватандош олимларимиз томонидан тўлдирилган, жуда юқори талаблар қўйилган, жумладан: 1) индексни ҳисоблаш учун маълумотларни тушунарли

бўлиши; 2) аҳолини ҳаммасини ҳисобга олганлиги; 3) маълумотларни ишончлилиги (вакт ва маконда индексларга айтарлик ўзгаришлар кўрсатилмаслиги учун маълумотлар ўзгармаслиги керак); 4) ҳисоб-китобнинг осонлилиги (оддий ва ҳисобларнинг унча баланд бўлмаган қийматдалиги); 5) ҳисоб-китобнинг ва баҳолашнинг усувларини мувофиқлиги; 6) ҳар-хил мутахассисликлар томонидан ишлата олишлари; 7) маҳсуслилиги (қайси индекс ифодаланса, фақат маълум кўриниш-ходисалардаги ўзгаришларни акс эттиради); 8) мос келадиган ходисалардаги ўзгаришларга сезирлилиги; 9) хаққонийлиги (омилларни акс эттирувчи хақиқий ўлчам); 10) репрезентативлилиги (алоҳида гурӯҳдаги аҳоли саломатлигига ўзгаришларнинг намоён бўлиши-ёки, жинси ва бошқалар); 11) иерархиклиги (хамма иерархик даража учун маълум бир тамоил); 12) мақсадга мувофиқлиги (аҳволи, саломатлигини яхшилаш мақсадининг мутаносиблиги).

Умуман Санитария Эпидемиология хизмати фаолиятида атроф-мухит омиллари ва аҳоли саломатлиги орасидаги боғлиқликни аниқлаш ва баҳолашни жадвал кўринишида келтирилиши мумкин (35 жадвал).

Ташқи муҳит омилларини аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганишда, олдига қўйган мақсадини, вазифасини ва текшириш дастурини аниқлашдан бошланади. Бу услугуб томонидан текширишнинг энг муҳум босқичи ҳисобланади. Аниқ шакиллантирилган ишнинг мақсади, бир қатор вазифаларни ечилишини аниқлаб беради (масалан, қишлоқ хўжалигига қўлланилаётган пестицидларни одамларга салбий таъсирини камайтириш мақсадида комплекс профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбик қилиш). Бу текширишни ўтказиш жараёнида, аникрофи, бу текширишни масалаларини ечиш жараёнида олинган маълум маълумотларга таянган холда мақсадга эришиш мумкин. Масалан, одам организмига пестицидларни зарарли таъсирини олдини олишга қаратилган комплекс профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш учун қўйидаги саволларга олдиндан жавоб олиш керак: ажратилган майдонда (белгилаб олинган майдонда) кўпинча қайси гурӯх пестицидлари, қайси вақтда ишлатилади; Одамлар организмига кўпинча қайси йўл билан киради; Одамлар саломатлигига қанақа ўзгаришлар содир бўлади, касби бўйича бу одамлар кимлар, ёши, жинси, тураг жойи ва б. Бу ва бошқа саволларга жавоб топиб, яъни олдига қўйилган мақсадни ечиб, аниқ мақсадга тўғри келадиган профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

Кузатув минтақаси деб, аниқ чегараланган майдон (вилоят, ноҳия, шаҳар, микроноҳия, аҳоли яшаш пункти, бир гурӯх қишлоқлар), бу ерда яшайдиган аҳолиси билан у ерда текширилаётган ташқи муҳит омилларини тарқалиш даражасини меъёрдан ошганлигини ҳисобга олинмайдиган (назорат минтақаси), ҳисобга олинадиган (текширув минтақаси)га айтилади.

35 жадвал

Атроф муҳит омиллари ва аҳоли саломатлиги орасидаги боғлиқликни аниқлаш ва баҳолаш

Баъзи холларда кузатув минтақаси сифатида ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар (мактаблар, болалар муассасалари) деб каралади, ва уларда маълум атроф мухит омиллари, кўпинча, ишлаб чиқариш омилларининг таъсири ўрганилади. Махсус қоидага асосан танлаб олинган кўзатув минтақаларида Санитария-гигиена вазияти чуқур ўрганилади, хамма асосий омилларнинг таъсири даражаларини лаборатория асбоблари ёрдамида текширилиб аниқланади ва уларга гигиеник баҳо берилиди.

Шундан сўнг кузатув минтақаларида хамма яшовчиларнинг, алоҳида аҳоли гурухларининг саломатлиги ўрганилади (масалан, болаларни ёки маълум касбдаги одамларни). Кўп холларда текшириш учун ўрганилаётган омилларни таъсирига сезгирлиги юқори аҳоли гурухлари текширилади.

Аҳоли саломатлигини ўрганиш, танлаб олинган минтақаларда текшириш учун мўлжалланган одамларда эпидемиологик усул ёрдамида ўтказилади, бу усулда асосан санитар-статистик текширувлар, тиббий кўрик, клиник кўзатуввлар, табиий эпидемиологик тажрибалар қўлланилади.

Аҳоли саломатлигини ўрганиши.

Шифокор аҳоли саломатлигини ўрганиш ва унга баҳо беришдан аввал соғлом ва хасталик тушунчаси нима, у нималарга боғлиқ деган саволга аниқ жавоб бера олиши керак.

Соғлом ва хасталик–бу ижтимоий шарт-шароитлар ва омиллар таъсирида вужудга келган ижтимоий муҳитнинг маҳсулидир. Соғлом–бу туғма, ортирилган ва ижтимоий омиллар таъсирининг маҳсули бўлмиш биологик ва ижтимоий сифатларнинг гармоник бирлиги, мутаносиблигидир, бу бирликни, мутаносибликнинг бузилиши хасталикдир.

Соғлом ва хасталик–инсон ҳаётий фаолиятининг маҳсули бўлиб улар орасидаги фарқ шу ҳаёт фаолиятини таъминловчи шарт-шароитлардан иборатdir. Агар бўндай шароит инсон учун, унинг ҳаёт фаолияти, ўзини ҳис қилиши учун қулай бўлса бу саломатлик, у чегаралangan, сиқилган, бузилган тақдирда эса касаллик пайдо бўлади ва хасталикка олиб келади.

Демак, инсон саломатлигига ва хасталигига фақат биологик нуқтаи назардан қараш нотўғридир, балки унга биология фанига асосланган ҳолда, инсон саломатлигини ва хасталигини жамият муносабатларининг, ижтимоий муҳитнинг маҳсули сифатида қараш керак.

Демак, инсон саломатлигига у яшаб турган конкрет муҳитдан ва унинг конкрет фаолиятидан, ҳаёт фаолиятининг ҳар томонлама кўринишидан, инсоннинг мақсадидан, яشاшидан ижтимоийлигидан ажralган ҳолда қараш мумкин эмас. Конкрет шахс, инсон саломатлигини баҳолаш ва тавсифлаш қанча қийин бўлса, жамият, аҳоли саломатлигига баҳо бериш уни тавсифлаш ундан ҳам қийин.

Жамият саломатлиги–фақат тиббий тушунча бўлиб қолмай, балки у, кўп жиҳатдан–жаъмият, ижтимоий сиёсий ва иқтисодий тоифалардан бири бўлиб, ижтимоий сиёсатнинг обьекти ҳисобланади, шунинг учун ҳам уни тиббий моҳиятидан кўра, кўпроқ ижтимоий моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда баҳолаш зарур.

Шундай қилиб, аҳоли саломатлигини, уни тавсифловчи тиббий статистик ва демографик кўрсаткичларни, уларга таъсир этувчи табиий, ижтимоий ва биологик омиллар билан боғлаб ўрганиш керак.

Аҳоли саломатлигини уч гурух тиббий-статистик ва демографик кўрсаткичлар характерлайди:

Демографик кўрсаткичлар

Аҳоли жисмоний ривожланишининг кўрсаткичлари

Аҳоли касалланишининг ва ногиронлигининг кўрсаткичлари.

Демографик статистика аҳолининг сони, таркиби, туғилиши, ўлими, кўпайиши, ҳаракати ҳақидаги асосий қонуниятларни ўрганади. Демографик маълумотлар аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш учун,

уни режалаштиришда катта аҳамиятга эга (муқим шифохонадаги ўринлар сони, поликлиникадаги лавозимлар, штатлар, ясли, санаториялардаги ўринлар сони, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг, дорихоналарнинг сони ва бошқалар). Аҳоли, соғлиқни сағлаш муассасалари учун бевосита соғломлаштириш ишлари олиб-бориладиган объект ҳисобланади.

Аҳолини статистик ўрганиш асосан икки хил йўналишда олиб борилади:

Аҳоли статикаси, бошқача қилиб айтганда аҳолининг маълум бир вақтда олинган сони, таркиби (жинси, ёши, касби, машғулоти, оиласий аҳволи, миллати, тили, маълумоти), турар жойи, географик жойланиши, зичлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Аҳоли динамикаси (ҳаракати)–аҳоли сонининг ўзгариши. У ўз навбатида икки хил бўлади:

- а) механик ҳаракат
- б) табиий ҳаракат (туғилиш ва ўлим натижасида).

Аҳоли статикаси ҳақидаги маълумотларни олиш учун асосий манба бўлиб давлат томонидан даврий равишда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш ҳисобланади.

Аҳоли рўйхати лаҳзалик принципига асосланган бўлиб у аниқ бир кун ва соатда, аҳоли энг кам ҳаракат қиласдан туриб, улар орасида туғилиш, ўлим, касалланиш кўрсаткичларига тўғри баҳо бўриб бўлмайди. Аҳолини рўйхатдан ўтказиш жуда катта меҳнат, куч, маблағни талаб қилганлиги учун ҳам одатда 10 йилда бир марта ўтказилади.

Аҳолининг ёши бўйича тақсимланиши янада катта аҳамиятга эга. Аҳолининг ёши бўйича таркибини билмасдан туриб, улар орасида туғилиш, ўлим, касалланиш кўрсаткичларига тўғри баҳо бўриб бўлмайди.

Санитария статистикасида 1 ёш оралиғидаги интервал билан аҳоли ўртасида рўй берадиган ҳодиса ва воқеалар жуда кам ўрганилади. Аҳолига унинг ёшига қараб мувофиқлаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун 20 ёшгача бўлган аҳолини қўйидаги гурухга бўлинади:

ёш–гўдаклар (эмизикли ёшдаги болалар)

- 1-2 ёш–ясли ёшидаги болалар
- 3-6 ёш–мактабгача ёшдагилар
- 7-10 ёш–кичик мактаб ёшдагилар
- 11-13 ёш–ўрта мактаб ёшдагилар
- 14-17 ёш ўсмирлар
- 18-19 ёш–ҳарбийга чақирув ёшдагилар.

Аҳали орасидаги демографик ўзгаришларни баҳолаш учун бола туғиши даврига тегишли гурухни (15-49 ёш) алоҳида ажратиб, ўрганиш катта аҳамиятга эга. Кўпинча 15-49 ёшли аҳоли, аҳолини умумий сонини 50% ташкил этади. Ана шунга асосланган ҳолда аҳолининг ёш бўйича 3 турли таркиби фарқланади.

Аҳоли динамикаси (ҳаракати). Аҳолининг ичидаги табиий ва механик (миграция жараёнлари) ҳаракат фарқланади. Аҳолининг табиий ҳаракати

деганда, асосий демографик жараён туғилиш ва ўлимнинг натижасида маълум бир худудда яҳоли сонинг ўзгариши тушунилади.

Миграция деганда эса аҳолининг бир давлат ичида ёки бир давлатдан иккинчи давлатга механик равишдаги ҳаракати тушунилади. Миграциянинг ҳар хил формалари бўлиб биринчи навбатда ташқи миграция – давлатлароро ва ички миграция – бир давлатнинг ичидаги ҳаракат тушунилади. Ички миграция ҳам икки хил бўлади. *Масалан:* доимий яшаш жойини ўзгартириш натижасидаги ҳаракат ва мавсумий миграция – аҳолининг маълум бир вақтдаги (мавсумдаги) ҳаракати ва бошқалар. Миграция жараёнлари катта ижтимоий-гигиеник ва эпидемиологик аҳамиятга эга:

а) ахолининг механик ҳаракати маълум бир худудда ахолининг сон жиҳатдан кўпайишига, бошқа бир худудда эса камайишига, ахолининг ёши, жинси, касби бўйича таркибини ўзгаришига олиб келади. Бу эса ўз навбатида соғликни сақлаш муассасаларининг фаолиятини кўриб чиқишни талаб этади;

б) ахолининг механик ҳаракати, айниқса давлатларо миграцияси натижасида у ёки бу давлатда юқумли касалликларни келиб чиқишига олиб келади.

Аҳолининг табиий ҳаракати. Аҳоли—одамлардан ташкил топган, демографик ҳодисалар эса аҳолида одамларга тегишли бўлган белгилардан ташкил топган. Демак, жамият орасида учрайдиган бошқа ҳодисалар каби, кузатилаётган вақеалар сони аҳолининг умумий сонига боғлик. Шунинг учун ҳам, кузатилаётган ҳодисанинг катталиги, интенсивлиги ҳақида суз юритар эканмиз, унинг мутлоқ сонлардаги катталигини билиш етарли эмас. Аҳоли орасида бўлаётган жараёнлар ҳақида аникроқ маълумотлар олиш учун шу ҳодисаларни улар келиб чиққан муҳитга, яъни аҳоли сонига таққослашимиз керак. Бу эса демографик кўрсаткичлар деган қийматлардан фойдаланишини талаб этади. Аммо бу ерда муҳим бир ҳолни эсдан чиқариш керак эмас. Гап шундаки, демографик жараёнларнинг сони, катталиги, маълум вақт оралиғига тўғри келади. Масалан: тўғилишлар сонига: бир йилдаги ёки бир ойдаги туғилишлар кириши мумкин.

Аҳоли сони эса йилнинг охирига ёки бошига олинган бўлади. Шунинг учун ҳам демографик кўрсаткичларни таққослаш имконичтига эга бўлиш учун биринчи навбатда ўртача аҳоли сонини келтириб чиқариш керак.

Түғилиш күрсаткичлари

- а) Умумий туғилиш күрсаткичи қ тирик туғилғанлар сони x 1000
ахолининг йиллик ўртача сони

б) умумий серпуштлик қ тирик туғилғанлар сони x 1000
күрсаткичи 15-49 ёшли аёллар сони

в) никоҳдаги аёллардан тирик
никоҳдаги аёлларнинг қ туғилған болалар сони x 1000
серпуштлик күрсаткичи 15-39 ёшли никоҳдаги
аёллар сони

г) Аёллар ёшлари бўйича туғилиш кўрсаткичи–бу кўрсаткич 15-39 ёшли аёлларда бир ёки беш йиллик интервалларда ўрганилади. Масалан: 20 дан 24 ёшгача бўлган аёллар орасидаги туғилиш кўрсаткичи қуидагича ҳисобланади:

20-24 ёшли аёллардан тирик туғилган болалар сони x 1000

20-24 ёшли аёллар сони

Ўлим кўрсаткичлари

а) умумий ўлим қ ўлимлар сони x 1000
кўрсаткичи аҳолининг йиллик ўртача сони

б) айрим ёшлар маълум, масалан 20-24 ёшда
бўйича ўлим қ ўлганлар сони x 1000
кўрсаткичи шу ёшдаги (20-24 ёш)
аҳолининг йиллик ўртача сони

в) алоҳида касалликлар бўйича ўлим кўрсаткичик
алоҳида олинган касаллиқдан ўлганлар сони x 1000
аҳолининг йиллик ўртача сони

алоҳида олинган касаллиқдан

г) ўлим сабабларининг қ ўлганлар сони x 1000
тизими жаъми ўлганлар сони

Аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичи қ умумий туғилиш кўрсаткичи
– умумий ўлим кўрсаткичи

Туғилиш ва ўлим ҳақидаги маълумотлар қишлоқ, туман, шаҳар советларининг аҳолини ҳолатини қайд этиш бўлимларида рўйхатга олинади. Чақалоқлар бир ой ичидаги доимий яшаш жойларида, туғриқхоналарда чақалоқлар туғилгандан сўнг бериладиган Туғруқ ҳақидаги тиббий гувоҳномага асосан қайд этилиши керак.

Вилоят статистика бошқармалари туғилгандарнинг сони ҳақида ва уларни онасининг ёши, миллати, туғилишларнинг тартиб сони бўйича ойлик, йиллик ҳисботлар тайёрлайдилар.

Аҳоли ўлими ҳақидаги асосий маълумот поликлиника, муҳим шифохона шифокорлари томонидан аҳоли орасида ўлим юз берган ҳолларда тўлдириладиган “Ўлим ҳақидаги ёки перинатал ўлим ҳақидаги” врач гувоҳномаларига, “Ўлим ҳақидаги” шаҳар ва қишлоқ врачлик амбулаторияси гувоҳномасига асосланган. Вилоят статистика бошқармалари аҳоли ўлими ҳақида ойлик, йиллик ҳисботлар тайёрлайдилар. Кўпинча вилоят статистика бошқармаларида тиббий маълумотга эга бўлмаган мутахассислар томонидан ўлим сабаблари шифрланиши туфайли, ўлимнинг асосий сабаблари ҳақидаги маълумотларни олишда айрим ноаниқликларга йўл қўйилмоқда.

Бизнингча Республикализ шаҳар ва қишлоқларидағи аҳоли ўлимининг сабабларини тўғри қайд этиш, ўлим ҳақидаги ойлик ва йиллик ҳисботларни аниқлигини янада ошириш вилоят статистика ва соғлиқни сақлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадда, вилоят статистика

башкортостанын тиббиёт ходими лавозимини киритиш маңсада мувофиқ бўлар эди.

Бир ёшгача бўлган болалар ўлимини кўрсаткичларини ҳисоблаш усуслари. Бир ёшгача бўлган болалар ўлимини ҳисоблаш учун алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланилади. Уларни ҳисоблаш усуслари қўйидагича:

Бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи қ

Жорий йилда бир ёшгача ўлган болалар сони x 1000

Жорий йилда тирик түғилган болалар сони

Бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи қ

Жорий йилда 1 ёшгача ўлган болалар сони x 1000

Жорий йилда тирик туғилған болаларнинг 2F3 қисми құтған йилда тирик туғилған болаларнинг 1F3 қисми

Бир ёшгача булган болалар ўлимини таҳлил қилишнинг асосий қисмларидан бири улар ҳаётининг айрим даврларга бўлиб ўлим кўрсаткичларини аниқлашдир. Бу ўз навбатида болаларнинг (1 ёшгача) ўлимини аниқ сабабларини очиб, уларни камайтиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бошқа давлатларда қабул қилингани каби 1 ёшгача бўлган болалар ўлимини қуидаги даврларга бўлиб ўрганиш тавсия қилинади.

1. Неонатал ўлим – 1 ойгача бўлган болалар ўлими, аниқроғи биринчи 28 кунлик ҳаётидаги ўлим (0-27 кун 11 соат).

Күрсаткич қуидагида ҳисобланади:

Неонатал ўлим к 0-27 кунлик даврда ўлган чақалоқлар х 1000
күрсаткичи тирик туғилған болалар сони

У биринчи ойда ўлган болалар ташки муҳитга кам мослашганлиги ва улардан айримлари туғруқ пайтида шикастланишларга учараганликлари туфайли ҳаётининг биринчи ойдаги ўлим ҳам ҳар хил даврларда ҳар хил катталикларда бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам биринчи ойдаги болалар ўлимини икки даврга бўлиб ўрганилади:

а) Барвақт неонтал ўлим күрсаткичи қ

0-7 кунлик (168 соат) даврда ўлган чақалоқлар x 1000

тирик туғилғанлар сони

б) Кеч неонатал ўлим кўрсаткичи қ

2-4 ҳаftалик даврда ўлган болалар x 1000

тирик туғилған болалар сони

2. Постнеонатал ўлимга бир ойликдан бир ёшгача бўлган болалар ўлими киради.

Кўрсаткич қуидагида ҳисобланади:

Постнеонатал ўлим кўрсаткичи қ

1-12 ойликда ўлган болалар сони x 1000

тирик туғилган болалар – бир ойлик бўлгунча (0-27 кун)

ўлган болалар сони

Агар бизда бир ёшгача ўлган болалар кўрсаткичи билан бир ойлик бўлгунча ўлган болалар кўрсаткичи аниқ бўлса, постнеонатал ўлим кўрсаткичини яна ҳам қулайроқ ҳисоблаш мумкин.

Постнео натал ўлим кўрсаткичи қ

1 ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи

- неонатал ўлим кўрсаткичи x 1000

1000 – неонатал ўлим кўрсаткичи

3. Перинатал ўлим кўрсаткичи – ўлик туғилганлик кўрсаткичи ва барвақт ўлим кўрсаткичларининг оддий йиғиндисидан иборат эмас, чунки бу кўрсаткичларни ҳисоблаш учун бир-биридан фарқ қиласиган асослар олинади.

1) Ўлик туғилганлик кўрсаткичи:

ўлик туғилганлар сони x 1000 _____

тирик ва ўлик туғилганлар сони

2) Барвақт неонатал ўлим кўрсаткичи:

биринчи хафтада ўлганлар сони x 1000

тирик туғилганлар сони

3) Перинатал ўлим кўрсаткичи:

ўлик туғилганлар билан, бир ҳафта ичida ўлганлар

сонининг йиғиндиси x 1000 .

тирик ва ўлик туғилганлар сони

Перинатал ўлим кўрсаткичини ҳисоблаш, айрим мамлакатлардаги тирик туғилганлик ва ўлик туғилганлик орасидаги фарқ йўқотилганлиги учун ҳам маълум даражада шу ёшдаги болалар ўлимининг кўрсаткичларини халқаро миқиёсда таққослаш имконини беради.

Бир ёшгача бўлган болалар ўлимни таҳлил қилишда чала ва расо туғилган болалар ўлими катталикларига аҳолида аҳамият берилади. Бу ҳолда чала туғилганлик кўрсаткичини ҳисоблаш талаб этилади.

Чала туғилганлик қчала туғилганлар сони x 1000

жами туғилганлар сони

Чала ва расо туғилган болалар ўлими кўрсаткичларини алоҳида ҳисоблаш керак. Расо туғилганлар ўлим кўрсаткичи:

расо туғилиб ўлганлар сони x 1000

расо туғилганлар сони

Чала туғилганлар ўлим кўрсаткичи қ

Чала туғилиб ўлганлар сони x 1000

Чала туғилганлар сони

Перинатал ўлим кўрсаткичи чала ва расо туғилган чақалоқлар учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Бир ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичларини оператив кузатиш усууларидан бири жорий йилнинг ойлик кўрсаткичларини ҳисоблашдир. Йил фасллари давомида болалар ўлими бир хилда тақсимланмаганлиги учун ҳам, бир ёшгача болалар ўлимини ойлик катталикларини ўрганиш катта амалий ва ташкилий аҳамиятга эга.

Бир ёшгача болалар ўлимининг ойлик катталикларини ҳисоблаш ва жорий ойда ўлган болалар (1 ёшгача) ичида шу ойда туғилиб ўлган болалар билан бир қаторда ўтган ойларда тўғилган болалар борлигини ҳам инобатга олиш керак. Бундай ўтган ойларга 132 олдинги ойлар кириши мумкин. Шунинг учун ҳам бир ёшгача болалар ўлимининг ойлик кўрсаткичини жорий ойда ўлган болаларни шу ойда туғилган болаларга нисбатида сифатида қараш ва шу йўл билан ҳисоблаш нотўғри натижалар беради.

жорий ойда ўлган болалар (1 ёшгача)

Бир ёшгача болалар сони x 1000.

Ўлимининг ойлик к шу ой ва ўтган 12 ойда туғилган
кўрсаткичи болаларнинг ўртacha ойлик сони

Аҳолини умумий касалланишлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда қуйидаги статистик кўрсаткичлар келтириб чиқарилади:

1. Бирламчи касалланишлар.

Жорий йилда биринчи марта рўйхатга олинган
касалликлар сони x 1000.
аҳолининг йиллик ўртacha сони

2. Умумий касалланишлар

жорий йилда рўйхатга олинган жаъми
касалликлар x 1000.
аҳолининг йиллик ўртacha сони

3. Юқоридаги кўрсаткичларни алоҳида-касалликлар, жинс ва ёш бўйича ҳисоблаш мумкин.

4. Касалликларнинг таркиби (жаъми касалликлар ичида айримларнинг улушлари, синфлар, нозологик формалар бўйича)

маълум касалликлар сони x 1000
умумий касалликлар сони

5. Аҳолининг айрим гурухлари ичидаги касалликлар таркиби (ёши, жинси бўйича) худди 4-кўрсаткич каби ҳисобланади.

Тиббий кўриқда аниқланган касалликлар кўрсаткичи

Тиббий кўриқда аниқланган касалликлар сони x 1000

Тиббий кўриқдан ўтказилган шахсларнинг умумий сони
Юқумли касалликлар статистикаси. Юқумли касалликлар аҳоли учун хавф туғдиради, чунки юқумли касалликларни ўз вақтида олди олинмаса

улар тез тарқалиб эпидемиологикга айланиб кетиши мумкин. Шу муносабат билан уларни назорат қилиш учун ҳар бир юқумли касалликни ўз вақтида қайд этиб туман, шаҳар санитария-эпидемиологик станцияларига шошилинч хабар бериш зарур.

Юқумли касалликлар аниқлагандан ёки улар тўғрисида гумон қилинганда шошилинч хабар бериш мажбурий бўлган касалликлар рўйхати соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади ва бу рўйхат барча туман, шаҳарлар учун мажбурий ҳисобланади.

Юқоридаги касалликлар гуруҳлари бўйича мавжуд қонунга асосан юқумли касалликни биринчи бўлиб топган ёки гумон қилган ҳар бир враҷ, ўрта тиббиёт ходими санитария-эпидемиология станциясига шошилинч хабар юбориши зарур (058-у формага мувофиқ). Бундай хабар шаҳар, туман санитария-эпидемиология станцияларига даволаш-профилактика муассасаларининг ходимлари томонидан берилади.

Юқумли касалликларни таҳлил қилишда юқоридаги ҳисоб шакллари билан бир қаторда юқумли касалликларнинг ўчоғида текширув олиб бориш натижасида эпидемиологик томонидан тўлдириладиган “Юқумли касаллик ўчогини эпидемиологик текширув” (ф.357-у) картасидан ҳам фойдаланилади.

Натижада ҳар бир туман ва шаҳар санитария-эпидемиология станциялари томонидан юқумли касалликлар ҳақида хафталиқ, 10 қунлик, ойлик, квартал, ярим йиллик ва йиллик кўрсаткичлар ҳисобланиб таҳлил қилинади.

Муҳим ноэпидемик касалликлар. Ўтиши жиҳатидан оғир, атрофдаги одамлар ва келажак авлод учун хавф-хатар туғдириши жиҳатдан муҳим бўлган ноэпидемик касалликлар алоҳида ҳисобга олиб борилади. Бундай касалликлар жумласига сил, юқумли таносил касалликлари, замбуруғли касалликлар, трахома ва хавфли ўスマлар киради. Ҳар қандай даволаш-профилактика муассасасининг врачлари шундай касалликларни аниқлагандা маҳсус ихтисослаштирилган диспансерларга тегишли хўжжатни тўлдириш орқали ахборот беради (ф.089-у, ф.090-у).

Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишга олиб борадиган касалликлар тўғрисида учта асосий кўрсаткичга қараб фикр юритилади:

1. Ишчиларнинг 100-тасига тўғри келадиган меҳнатга яроқсизлик ҳолларининг сони

меҳнатга яроқсизлик ҳоллари сони x 100
ишчилар сони

2. Ишчиларнинг 100-тасига тўғри келадиган меҳнатга яроқсизлик кунларнинг сони

меҳнатга яроқсизлик кунлар сони x 100
ишчилар сони

3. Битта меҳнатга яроқсизлик ҳолининг ўртача муддати

меҳнатга яроқсизлик кунлар сони
меҳнатга яроқсизлик ҳоллар сони

Беморлар контингенти бўйича касалланишни ўрганишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қуйидагилардир:

1. Саломатлик индекси-мазкур коллективда йил бўйи касал бўлмаган ишчиларнинг улуши:

мазкур коллективда йил бўйи касал бўлмаган

ишчилар сони x 100

ишчиларнинг ўртacha сони

2. Бемор шахслар кўрсаткичи

жорий йилда меҳнат қобилиятини йўқотган

ишчилар сони x 100

ишчиларнинг ўртacha сони

Соғлиқни сақлаш муассасалари ўз фаолиятларида ногиронлик кўрсаткичларидан кўп фойдаланадилар.

Ногиронлик кўрсаткичлари:

1. Бирламчи ногиронлик кўрсаткичи

жорий йилда биринчи марта ногиронлик берилган

ишчилар (колхозчилар) сони x 1000 ёки 10.000

ишчиларнинг (колхозчиларнинг) умумий сони

2. Бирламчи ногиронлик таркиби (касалликлар, ёш, ижтимоий келиб чиқиши бўйича)

жорий йилда нафас йўллари касалликларидан биринчи марта

ногиронлик берилган ишчилар (колхозчилар) сони x 100

бир йилда биринчи марта ногиронлик берилган жаъми

ишчилар (колхозчилар) сони

3. Бирламчи ногиронликнинг гурухлар бўйича катталиклари

йил мобайнида 1-гурух ногиронлиги берилган

шахслар сони x 1000 (10.000)

ишчиларнинг (колхозчиларнинг) умумий сони

4. Бирламчи ногиронликни, ногиронлик гурухлари орасида тақсимланиши

1 гурух ногиронлигини олган шахслар сони x 100

ВМЭК томонидан бир йилда бирламчи ногиронлик

берилган ногиронлар сони

5. Умумий ногиронлик кўрсаткичи

1, 2, 3, 4 пунктларда кўрсатилган кўрсаткичлар каби ҳисобланади.

6. Гурухлар бўйича ногиронликлар динамикаси

жорий йилдаги ногиронлик кўрсаткичи

(бирламчи ёки умумий) x 1000

утган йилдаги ногиронлик кўрсаткичи

(бирламчи ёки умумий)

7. Барча ногиронликлар ичida бирламчи ногиронликларнинг улушлари

жорий йилда берилган бирламчи

ногиронлар сони x 100

умумий ногиронлар сони

8. Умумий ногиронлар орасида, болаликдан ногиронларнинг улушлари

жорий йилдаги болаликдан ногиронлар сони x 100

умумий ногиронлар сони

Тестлар:

1. Касалланиш бўйича материаллар йиғишни ташкил этишда қандай омиллар ҳисобга олинади?

- +иклиний- географик шароитлар
- +демографик кўрсаткичлар
- картографик кўрсаткичлар
- эпидемиологик кўрсаткичлар

2. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларни таъсири натижасида юзага келадиган ўткир заҳарланиш қандай шароитларда юзага келади?

- +ифлослантирувчиларнинг юёри концентратсияси
- +штил
- курумнинг паст концентрацияси
- атмосферанинг шамол эсадиган пайти

3. Касалланишни ўрганиш усулларини кўрсатинг?

- +тиббий ёрдамга мурижатлар бўйича
- +тиббий кўрик натижалари бўйича
- +ўлим сабаблари бўйича
- юқумли касаллик маълумотлари бўйича
- юқумсиз касаллик маълумотлари бўйича
- гельминтологик касалликлар бўйича

4. Ахоли касалланишини ўрганиш бўйича ДПМлардан олинадиган зарур материаллар гуруҳига нималар киради?

- +1 тиббий ёрдамга мурожатлар бўйича
- +тиббий кўрик
- +диспансер ҳисбот
- биохимик кўрсаткичлар
- бактериологик кўрсаткичлар
- микробиологик кўрсаткичлар

5. ДСЭНМда қандай касалликлар ҳисобга олинади ва доимий таҳлил қилиб борилади ?

- +юқумли касалликлар
- +касб касалликлари
- +болалар саломатлик холати

- катталарнинг саломатлик ҳолати
- мактаб ўқувчиларининг саломатлик ҳолати
- нафақаҳўрлар саломатлик ҳолати

6. Инсон организмини функционал силжишларини баҳолашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?

- +физиологик
- +биохимик
- +иммунологик
- паразотологик
- вирусологик
- комбинатсиялашган

7. Ахолининг саломатлик ҳолатига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни кўрсатинг?

- +биологик
- +ижтимои-иктисодий
- +иклиний географик
- физик
- химик
- биохимик

8. Саломатликка таъсир кўрсатувчи атроф мухит ифлослантирувчиларини таъсир типларини кўрсатинг?

- +ўткир
- +сурункали
- +узоқ таъсир
- бир текис таъсир
- жуда тез таъсир
- огоҳлантирувчи

9. Атроф мухит омилларини текшириш усулларини кўрсатинг?

- +лаборатор
- +инструментал
- +сўраб суриштириш
- химиявий ифлослантирувчилар
- микробиологик текширишлар
- токсик текширишлар

V-БЎЛИМ. Туарар-жой ва жамоат бинолари гигиенаси

Аҳоли саломатлини сақлаш ва турли касалликларни олдини олишда аҳолининг туарар-жойлари, шунингдек аҳолига маданий ва майший хизмат кўрсатиш муассасаларининг аҳамияти каттадир. Бунинг учун уларни гигиена-санитария талабларига мос равища лойиҳалаштирилади, қурилади ва фойдаланишга топширилади. Мазкур эҳтиёжларни лойиҳалаштириш муассасаларининг санитария-эпидемиология назорати марказлари билан ҳамкорликда туарар жой ва жамоат биноларни лойиҳалаштиришда амалга оширилади.

Аҳолига майший хизмат кўрсатиш муассасаларини ва тажриба хилидаги туарар-жойларини лойиҳалаштиришда ва қуришда санитария-эпидемиология назорати марказининг ўрни бекиёсдир.

Унда гигиена фанининг янги ютуқлари, санитария ва қурилиш амалиёти меҳнаткашларнинг майший хизмат эҳтиёжини қондириш ва маданий дам олишига қаратилган эҳтиёжларини таъминлаш назарда тутилган. Огохлантирувчи санитария назорати, экспериментал қурилиш шароитларидаги талабларини ўрганишда санитария врачларининг уй-жойларни лойиҳалашнинг сифатини кўтаришда таъсири каттадир. Туарар-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш, қуриш жараёнида ва фойдаланишда санитария меъёр ва қоидаларини бажаришдаги, санитария врачларининг муваффакқиятли иштироки уларнинг тайёргарлик маҳоратлари билан белгиланада. Мутахассисларнинг малакаси даражаси юқори бўлган институтда ўқитиш жараёнида яратилади.

Туарар-жой ва жамоат биноларининг гигиенасига оид амалий гурух машғулотлари талabalарга туарар-жой бинолари режа лойиҳаларини ва коммунал ва маданий майший бинолари қуриш ва уларни иситиш, шамоллатиш табиий ва сунъий иклим шароитларини яратиш каби санитария-техник қурилмаларини баҳолаш ҳақидаги асосий амалий кўнимкамларни ҳосил қилишни таъминлайди.

Амалий машғулотларда орттирилган амалий кўнимкамларга лойиҳани ўрганиб, унга хulosса чиқариш ҳам киради. Бўлажак санитария врачининг огохлантирувчи санитария назорати соҳасидаги амалий тайергарлик даражаси биноларни қуриш ва фойдаланиш жараёнида мазкур санитария меъёр ва қоидаларининг амалга оширишдаги асосий шартидир. Бу бўлимда

талабалар санитария кузатувидаги объектларни ўрганиб, санитария врачларининг фаолияти ҳақидаги асосий профессионал кўникмаларни ҳосил қиласдилар.

Хонадон намунасидағи турар-жой бинолари

лойиҳасини санитария баҳолаи усуллари.

Дарс мақсади – талабаларни Республикаиз шароитида қурилиши режалаштирилган турар жой биноларининг қурулиш лойиҳаларини қўриб чиқиб, уларни санитария баҳолашда амалий кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат. Дарсга турар-жой биноларининг табиий ёритилиш даражасини баҳолашга оид масалаларни ҳам қўшимча равишда ўрганиш тавсия этилади.

Дарс ўтиши жойи – ўқув хонаси.

Назорат саволлари

Турар-жой биноларига қўйиладиган асосий гигиена талаблари;

Турар-жой шароитларини аҳоли саломатлигига таъсири

Турар-жой бинолари хонадонларини режалаштириш асослари

Турар-жой биноларининг табиий ёритилганлик даражаси қўрсаткичлари ва унинг аҳамияти

Хонадонларнинг асосий ва ёрдамчи хоналарининг ўлчами ва уларнинг гигиеник аҳамияти

Турар-жой биноларининг табиий инсолиция меъёрлари

Ўзбекистон шароитида турар-жой биноларини жойлаштириш қоидалари

Турар-жой бинолари хонадонларида табиий ҳаво алмашинувини яхшилаш усуллари

Хонадонларнинг кичик иқлим шароитига бўлган гигиеник талаблар

Турар-жой биноларининг “намунавий лойиҳаси” ҳақида тушунча

Дарсни жиҳозлаш: Талабанинг иш ўрни: а) шахар ва қишлоқ аҳолиси турар-жой бинолари лойиҳалари;

б) Ўзб.Р КМК “Турар жой бинолари”;

в) масштабли ва логарифмли чизғичлар

г) ТЁК баҳолаш учун (Данилюқ чизмаси).

д) Ўзб. Р. қМқ “Шахар ва қишлоқ аҳолиси турар жойларини режалаштириш”

Жадваллар: а) шартли белгилар; б) қурилиш лойиҳаси бўйича хулоса (303.х); в) турар-жой биноларининг ориентацияси; г) хонадонларнинг кичик иқлими бўйича гигиеник тавсиялар.

Дарснинг мазмуни

Биринчи навбатда лойиха таркибидаги тушунтириш хатини ўрганиш давомида талабалар аввало қуидаги маълумотлар билан танишадилар:

кўп қаватли биноларнинг секция хилида қурилиш-техник маълумотлари (курилиш ашёлари, томнинг тури, ертўланинг конструкцияси, бинонинг қаватлилиги, секциялар ва хонадонлар сони, санитария-техник қурилмалар);

ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг асоси (хонадондаги фойдаланиш майдони, асосий ва қўшимча хоналарлар) билан танишадилар.

Сўнгра меридионал ва экваториал жойлаштирилган турар жой биноларидан фронтал ёнбош секцияларнинг режаси маълум кетма - кетлика жойлашиши кўриб чиқилади. Чизма материалидан фойдаланиб, талабалар турар жой биносининг турини, неча секциядан иборатлигини, қаватлилигини, хонадонларнинг тўлиқ таркибини аниқлаши лозим.

Сўнгра хонадонларнинг тўлиқ таркиби ва унинг санитария-техник қурилмаларининг таҳлил қилиниши лозим. Бунда иссиқ ва совуқ сув таъминоти, иситиш тизими, канализация тармоғи, шамоллатиш йўллари ва ёритилганлигига алоҳида эътибор бериши лозим.

Хонадонларнинг лойиҳаси ўрганилаётганда, талаба режадаги масшатли чизгич ёки рақамлар ёрдамида асосий ва қўшимча хоналарнинг ўлчамини (чуқурлиги, кенглиги, кубатураси) аниқлайдилар.

Бинонинг кўндаланг кесмаси бўйича хоналарнинг баландлиги аниқланади, полдан деразагача ва дераза юқори қисмигача, деразанинг умумий майдони, ёруғлик коэффициенти ҳисобланади. Сўнг хонадоннинг режаси кўриб чиқилади, Бунда асосий ва қўшимча хоналарнинг (ошхона, ванна, хожатхона) ўзаро жойлашиши баҳоланади, лойиҳалаштирилган бино ва санитария – техник қурилмаларнинг кўрсатилган меъёрларгаларга мос эканлиги аниқланади.

Хонадонларнинг қурулиш режасини баҳолашда шамоллатишга мўлжалланган қурилмалар сони, тўғридан–тўғри ва бурчак остидаги шамоллатишга эътибор берилади.

Шунингдек бинонинг деворларини қурулиш аъшёларини, шовқиндан ҳимоя қилиш, зинапояларнинг жойлашиши (кенглиги, зинапояларининг юришга қулайлиги, зинанинг сони, оғиш бурчаклари), айвонлар сонига, лоджиялар, ертўла ва ундан фойдаланишга, уларни шамоллатиш имкониятига эътибор берилиши лозим.

Лойиҳаларни санитария баҳолаш дастуридан фойдаланиб талабалар бир ёки 2 оила учун мўлжалланган қишлоқ аҳолиси турар жой бинолари лойиҳасини мустақил равишда баҳолайдилар. Лойиҳа бўйича хулосани талаба уйда мустақил бажариб келади ва синов олиш учун оралиқ назоратга тавсия этади.

Талабалар уйи ва меҳмонхона лойиҳаларини санитария баҳолаши

Дарснинг мақсади-талабалар уйи ва меҳмонхона
ложиҳаларни баҳолаш усуллари билан таништириш
Дарс ўтиш жойи-ўқув хонаси

Назорат учун саволлар:

Талабалар уйининг турлари

Талабалар уйи ва меҳмонхона биноларининг таркиби

Талабалар уйидаги хоналарнинг гигиеник жиҳатдан таснифи

Кундузги хоналарга бўлган санитария талаблари

Ўқув хоналарига бўлган гигиеник талаблар

Бино режасидаги зарурий қўшимча хоналар сони ва уларни жойлашуви

Изоляторлар сони ва уларнинг режалаштирилиши

Юваниш қурилмаларига бўлган санитария талаблар

Талабалар уйларидаги кичик иқлимга бўлган гигиеник талаблар

Талабалар уйи ва меҳмонхоналарнинг санитар-техник қурилмасига бўлган гигиеник талаблар

Дарснинг жиҳозланиши

Талабаларнинг иш жойи: а) талабалар уйи ва меҳмонхоналар лойиҳаси (тушунтириш хати, қаватлар режаси, кесмалари ва фасад);

б) Сан қ ва М

в) қурилиш лойиҳаси бўйича хулоса (303.х шакл).

Дарснинг мазмуни

Талабалар, талабалар уйи (меҳмонхоналар) лойиҳаси таркибидаги чизмалар билан танишадилар, уларнинг характерини (ложиҳаларнинг номи, техник лойиҳа, бош режа, қаватлар режаси, чизма қисмларининг ва фасаднинг режаси, ҳамда уларнинг тушунтириш хатлари, лойиҳага илова қилинган хужжатларни) аниқлайдилар. Талабалар уйи лойиҳасини тахлили натижасида қўйидаги маълумотлар олинади:

ётоқхоналар қанча талаба учун ложиҳалаштирилмоқда;

ундан аҳолининг қандай контингенти фойдаланади (талабалар, ишчи хизматчилар, касб хунар колледжи ўқувчилари

ётоқхона майдонининг бир киши учун ажратилган майдон ўлчами;

зарурий хоналарнинг борлиги ва уларнинг ўлчами;

Алоҳида ложиҳаларни экспертиза қилиш бино лойиҳасининг кириш қисмидан бошланади ва кета-кетликда бошқа қаватлар қўриб чиқилади. Бунда ҳар бир хонанинг нимага мўлжалланганлиги, унинг ўлчами, ориентацияси, ЁК, жиҳозланиши баҳоланади.

қаватлар режасини ўрганишда қўйидагилар аниқланади:

Секциялар сони;

Хоналар сони ва ўлчамлари;

қаттиқ жихозлар ва уларнинг жойлашишини амалдаги меёрларга мос келиши.

Бунда ётоқхонанинг ошхонаси, кир ювиш хонаси, санитария тармоқлари, устки кийимларни ечиш жойи, душхоналар, аёллар гигиеник хонаси, омборхона, изолятор, ўкув хоналари, кутубхона, ва бошқа маданий–майший хоналарнинг борлиги ва уларнинг контингентлар учун етарлилиги кўриб чиқилади.

Мехмонхона лойихаларини санитария экспертизасида қуидагилар баҳоланади:

Мехмонхонанинг шаҳар бош режаси бўйича жойлашган ўрни;

Хўжалик минтақасининг ажратилганлиги;

Селитеб минтақадан кўкаламзорлаштириш майдони ёрдамида ажратилганлиги;

қаватлар режасини баҳоланаётганда қуидагиларга аҳамият бериш керак:

хоналарнинг жойлашиши;

хизмат кўрсатиш хоналарининг ҳолати (маъмурият, буфет, сартарошхона, майший хизмат кўрсатиш хоналари, юк сақлаш хоналари);

кўшимча хоналар (навбатчилдар хонаси, чойшабларни марказий тозалаш хонаси, умумий санитария тармоқлари, қаттиқ ва юмшоқ жихозларни сақлаш хоналари, вентиляция камералари);

Мехмонхоналарнинг алоҳида хоналарида ҳар бир мижоз учун ажратилган майдони ва уларнинг санитария техник қурулмалари (ювиниш, душ, ванна) нинг меёрларга мос келишини баҳоланади.

Ётоқхона ва меҳмонхона лойихаларини кўриб чиқиб оралиқ назоратдан синов олиш учун асос бўладиган санитария хулосаси расмийлаштирилади (303. X шакл).

Ҳаммом ва кирхоналарнинг войиҳаларини санитария экспертизаси

Дарснинг мақсади–талабаларга ҳаммом ва механик кирхоналар лойиҳасини санитария баҳолаш услубини ўргатиш.

Дарс ўтиш жойи–ўкув хонаси.

Назорат саволлари

Ҳаммом ва кирхоналарнинг санитария-гигиеник аҳамияти

Ҳаммом ва кирхоналарнинг юқумли касалликларни тарқалишида омил сифатидаги аҳамияти.

Ҳаммомларни ўтказувчанлик қобилияти қандай ҳисобланади.

Ҳаммом ва кирхоналарнинг классификация

Ҳаммомнинг физиологик ва терапевтик аҳамияти

Ҳаммом ва кирхоналарни шаҳар режасида жойлаштириш тамойиллари.

Кирхона ва ҳаммомлар биноларининг таркиби ва майдони

Ҳаммом ва кирхоналарнинг жихозланиши ва қурилмасига қўйиладиган гигиеник талаблар

Ҳаммом ва кирхонада ҳосил бўладиган чиқинди сувларни тозалаш йўллари

Ҳаммом ва кирхоналарнинг санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши қоидаларни сақлашга қўйиладиган гигиеник талаблар;

Дарсning жиҳозланиши

1. Талабалар иш жойи: а) ҳаммом ва кирхоналарнинг лойиҳалари;
- б) масштабли чизгичлар; в) қМқ лар:
- г) кирхона ва ҳаммомларда ҳаво алмашинуви
- д) ҳаммомларда юваниш хоналарида ўриндиқларни жойлаштириш ва жиҳозлаш
- е) қурилиш лойиҳаси бўйича хулоса бериш шакли

Дарс мазмуни

Ҳаммом ва корхоналарнинг лойиҳаларини олган талаба лойиҳа таркибидаги хужжатларнинг тўлиқлиги билан танишиб, уларнинг характеристини (loyiҳa топшириғи, техник лойиҳa) ва тўлалигини (бош режа, қаватлар режаси, бўлаклар, фасад, тушинтириш хати) аниқлаши керак.

Лойиҳани ўрганиш қўйидаги тартибда бўлиши лозим:

Дастлаб талабалар лойиҳанинг тушунтириш хати билан танишадилар ва ундан ҳаммом ёки кирхонанинг қандай намунадиги қурилиш лойиҳаси, қурулиш манзили, ўтказувчанлик хусусияти, қурулиш учун ажратилган майдон тавсифномаси билан танишадилар.

Сўнгра лойиҳанинг бош режаси ўрганилади, унинг майдони, ободонлаштирилганлиги, кўкаламзорлаштирилиши, бинони жойлашиши, бинога ёруғлик тушишини аниқлайдилар. Талабалар қурулиш учун ажратилган майдоннинг қурилиш фоизини ҳисоблайдилар. Сўнг талабалар қаватлараро режанинг 1-қаватидан баҳолашни бошлайдилар. Лойиҳани ўрганишда ҳар бир бинога кириш қисмидан чиқиш қисмигача ўрганилади. Уларнинг катталиги эшик ва деразаларни жойлашиши, иситиш қурулмаларини шунингдек, хоналарни ўзаро алоқаси ва мижозлар характеристининг кетма-кетлиги, ички режалаштиришга мослиги аниқланади. қаватлараро режани ўрганиш асосида талаба лойиҳани бинолар таркиби, катталиги уларни режалаштирилиши, қаттиқ жиҳозларнинг жойлаштириш бўйича меъёрга жавоб бера олишини аниқлайди.

Ҳаммомларнинг ўтказувчанлик қобилияти, улардаги жойлар сони, ечиниш хонаси ва юваниш хонасидаги ўриндиқлар ва жойлар сони, уларнинг жойлаштирилиши, чўмилиш хонасидаги сув таъминотига эътибор бериш лозим; ҳаммомлар туридаги ишлаш қобилияти аниқланади.

Ҳаммомнинг санитария-техник қурилмалар чизмасини кўриб чиқаётib талабалар лойиҳада режалаштирилган иситиш, шамоллатиш (механик, сўрувчи, табиий ҳаво ўтказгичларни жойлашиши ва ҳаммомда ҳосил бўлаётган чиқинди сувларни тозалаш, заарсизлантириш усуллари ва уларни

шаҳар канализация тармоғига ёки очиқ сув ҳавзалариға ташлаш шартларини баҳолайдилар.

Кирхона лойиҳасини баҳолашда талаба бино режасини, кирхонани ювиш технологик жараёнидан ўтказувчанликни, ходимлар учун майший хоналарни қандай жойлашганлиги, сунъий шамоллатиш назарда тутилганлигини, кир кийимларни қабул қилиш, ювиш хоналарида иситиш тизими, зарур кичик иқлим билан таъминлай олиши, шунингдек кирхонадаги ҳосил бўладиган чиқинди сувларни тозалаш тўғри йўлга қўйилганлиги ва уларни заарсизлантириш шартлари, агар кирхона канализацияси бўлмаган аҳоли турар жойларида жойлашган бўлса тозаланишини таъминлай олишини текширадилар.

Талабалар лойиҳани ўрганиб бўлгач, лойиҳани меъёрларга мос келишини текширадилар ва кўрсатилган шакл бўйича хулоса ёзадилар.

*Даволаши-профилактика муассасаларининг
лоийиҳаларини санитар гигиеник баҳолаши.*

Дарс мақсади-талабани поликлиника ва шифохонанинг бўлимлари ҳамда бош режа лойиҳаларини санитар баҳолаш усуласини билан таништириш.

Дарс ўтиш жойи-ўқув хонаси

Назорат учун саволлар:

Шифохоналарни аҳоли яшаш жойлар режасида жойлашиши

Шифохонани қурулиши учун ажратилган ер майдонларига бўлган гигиеник талаблар.

Шифохона майдонини функционал минтақалаштириш

Шифохона секциялари ва уларнинг аҳамияти

Палаталар тури, уларнинг жихозланишига бўлган гигиеник талаблар

Юқумли касалликлар шифохоналарини лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Бокслар, ярим бокслар, қабул қилувчи – ташхис қўйиш учун бокслар

Туғрухоналар лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Болалар поликлиникасини лойиҳалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Поликлиникаларни лойиҳалашга бўлган гигиеник талаблар

Дарснинг жиҳози: Талабанинг иш ўрни: а) таркибида соматик, юқумли кассаликлар, туғруқхона ва поликлиника бўлган шифохона бош режаси;

б) масшатбли чизгич

в) меъёрий хужжатлар

г) қурилиш лойиҳаси бўйича хулоса (303 .х шакл)

д) шифохоналар бош режаси

е) бокслар, ярим бокслар, алоҳида ажратилган палаталар чизмаси

ж) палаталарнинг тури ва уларни жихозланиш чизмаси

з) макетлар (касалхона қабул бўлими, бокс ва қабул қилиш-кўриш бокси)

Дарснинг мазмуни

Ҳар бир талаба тушунтириш хати ва чизмадан иборат бўлган шифохона лойихасини олади. Тушунтириш хати билан танишиб, ундан:

шифохонанинг жойлашиш тартиби;
табиий омиллар;
рельефи;
шифохонадаги ўринлар сони;
шаҳар режасида жойлаштирилишини аниқлайди.

Сўнгра ажратилган ер майдонини функционал минтақалаштирилиши ва етарлилиги, қурулиш фоизлари, ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилиши баҳоланади.

Айниқса шифохонанинг санитария-техник қурилмалариига эътибор бериш лозим (сув билан таъминланиши, канализация, чиқиндиларни чиқариш ва уларни заарсизлаш. Жойнинг рельефи, қиялик даражаси аниқланади).

Талабалар бош режани кўриш давомида кўкаламзорлаштириш фоизини, шифохона худудига кириш йўллари ва ўтиш жойлари, бинолар орасидаги масофа, қўп қаватли бўлимлар билан қабулхоналарнинг ўзаро жойлашиши, ички касалликлар, юқумли касалликлар, доялик-гинекология, болалар касаллиги бўлимлари билан танишади.

Бош режа билан танишиб чиққач, талабалар даволаш бўлимлари режаларини кўриб чиқадилар.

Ички касалликлар бўлими лойихасини ўрганишда бино режасини даволаш жараёнига мослиги, палаталар билан муолажа хонаси оралиғи, ошхона, санитария тармоғи хоналари, ванна, даволаш майдонларининг етарлиги, секциялар ва ўринлар сони, секциялар таркиби, беморларни қабул қилиш ва чиқариш хоналарини, ташхис қўйиш ва даволаш хоналарнинг етарлилигига эътибор қилиш керак.

Санитария тавсифномасидан шифохона худудидаги алоҳида биноларда жойлашган палаталар, ташхис қўйиш ва муолажа хоналарини аниқлаш керак бўлади. Лойиханинг тик ва кўндаланг кесмаларидан фойдаланиб, кўрсатилган биноларнинг ёруғлик коэффициентини аниқлаш лозим.

Юқумли касалликлар шифохонасини (бўлимларини) лойихасини кўздан кечираётганда талабалар аввалом бор лойиҳа бўйича бўлимларни бошқа бўлимлардан қатъий ажратилиши, алоҳида беморларни боксларда ва ярим боксларда қабул қилиш, ташхис қўйиш, саклаш тартибига риоя этилиши, озиқ-овқат келтириш шифохона ички инфекцияларини тарқалишини олдини олишни таъминлашга қаратилган тадбирий чораларни аниқлайдилар.

Болалар бўлимида палаталар ўрни, уларнинг жойланиши, ўкув ва ўйин хоналари мавжудлиги, шунингдек палаталарни иссиқ ва совуқ сув билан таъминлашини текшириш зарур.

Доя-гинекология (туғруқхона) бўлимларининг лойиҳаси билан танишишда туғувчи аёлларни саралаш хонасидан, ташхисдан ўтказиш хонаси, физиологик ва шубҳали бўлган хомиладор аёллар бўлимларидан бошланади, сўнг овқат тайёрлаш блоки режаси ва бўлимларда овқатланиш хоналари баҳоланади. Туғруқхонанинг физиологик бўлимини гинекология бўлимидан алоҳида жойлашганлигига эътибор берилади, яъни қатъий изоляция қилиш режаларига қаратилади.

Туғруқхона бўлимларида бир-биридан алоҳида бўлиши зарур бўлган чақолоқлар ва туғрукдан сўнгги палаталарининг ўзаро жойлашишини, чақолоқлар палаталарида зарур кичик иқлим яратилганлиги кўриб чиқилади.

Поликлиникалар лойиҳасини таҳлилида bemорларнинг кутиши учун ажратилган майдон, қабулхоналарнинг жойлашиши, бўлимларнинг қаватларда тўғри кетма-кетликда жойлашиши,(тез тиббий ёрдам ва травматология бўлиmlари).

Болалар поликлиникасида алоҳида эътиборни фильтрларни борлигига ва bemор болаларни қабул қилувчи боксларга қаратиш керак.

Шифохоналар лойиҳасини кўриб чиқиш оралиқ назорат учун асос бўладиган санитария хulosаси расмийлаштирилади (303.х шакл).

Шифохоналарни санитария ҳолатини текшириши дастури

Дарснинг мақсади—талабаларни шифохоналарни санитария ҳолатини текшириш усулига ўргатиш. Бунжа даволлаш профилактика муассасалари лойиҳаларини кўриб чиққанларидан сўнг амалий фаолияти давомида шифохоналардан фойдаланиш даврида санитария қоидаларга риоя қилиниши баҳоланади.

Дарс ўтиши жойи-ўкув хонаси, назорат обьекти.

Назорат саволлари:

Шифохоналарни аҳоли яшаш жойлари режасида жойлаштириш

Шифохоналардаги ўринлар сонини ҳисоблаш усувлари

Шифохона майдонини режалаштириш ва қурилишига бўлган санитария талаблари.

қандай шифохоналар аҳоли турар жойларидан четга қурулиши лозим

Шифохоналарнинг қурилиш тизимлари

қабул қилиш бўлиmlарини қурулишига бўлган талаблар

Шифохонанинг овқат тайёрлаш блоки, уларнинг жойлашиши, бўлиmlарга овқат ташиш.

Шифохоналарнинг санитария тозалаш тизимини алоҳида хусусиятларини ўрганиш

Шифохонанинг кирхоналарини жойлаштириш хусусиятлари

Дарснинг жиҳозланиши:

Шароитга кўра (вилоят, шаҳар, туман лойиҳасига кўра қурилган) шифохоналар текшириш учун танланади. Санитария текшируvida талабалар даволаш-профилактик муассасалари санитария қоида ва меъорларидан фойдаланадилар:

Даволаш профилактик муасссаларида ҳосил бўлаётган чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва четлаштириш устидан санитария қоида ва меёрлари. № 0149-2004.

Тиббиёт муассасаларида чойшабларни қайта ишлаш бўйича услугий қўлланма.

Даволаш муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва ишлатилиш устидан санитария қоида ва меёрлари Сан қ ва М 0054 – 96;

Дарснинг мазмуни

Шифохоналарни текширишга киришишдан аввал шаҳар ёки қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишнинг умумий аҳволи, шаҳар шифохоналар тармоғи, аҳолини шифохоналар билан таъминланганлик даражаси (1000 аҳолига ажратилган ўринлар сони, умумий ва бошқа мутахассислар) билан таъминланиши ўрганилади. Текширилаётган шифохонага оид маълумот олиш лозим: маълумотларда кўрсатилган амалдаги ўринлар сони, умумий ва мутахассис шифокорлар сони, шифохонанинг иш юклamasи, шифохона қоида поликлиника (шаҳар ёки қишлоқ врачлик амбулаторияси) мавжудлиги; 1 bemorga-kunlar сони, ўлим кўрсаткичлари ва бошқа маълумотларни олдиндан олиб, сўнгра шифохонани текширишга киришилади. Зарурый маълумотлар қуидаги тарзда аниқланади. Шифохоналар жойлашган жойи, кўчалар ва шифохона худудига яқин жойлашган обьектлар ва улардан чиқадиган таъсир омиллари (тутун, чанг, газ, шовқни ва ҳ.к.), санитария химоя минтақаларини мавжудлиги аниқланади.

Шифохона худудининг рельефи (текис, қиялик даражаси, пастқам жойлар сони, чукурлик, ботқоқлик, сув йиғилиш ҳолати).

Ёмғир ва қор эриш натижасида ҳосил бўладиган оқова сувларни оқиб кетиши учун ирригация ариқчаларини ҳолати. Шифохона худудини минтақаларга бўлиниши (абсолют сонларда ва фоизларда); қурилиш, кўкаламзорлаштириш, хўжалик майдони, йўлакчалар. 1 bemor учун умумий майдонни етарлилиги.

қурилиш фоизи. Шифохонага кириш эшикларининг сони, уларнинг жойлашиши, мақсади ва амалда фойдаланиш. Шифохона худуди атрофидаги кўкаламзорлаштириш химоя чизиги бор ё йўқлиги, уларнинг кенглиги, шифохона худудини даволаш, даволаш-ташхис, поликлиника, ўликхона, бофроғ, хўжалик минтақаларига бўлиниши. Умумий майдони ва қурулиш фоизи. Кўкаламзорлаштириш тури: ажриқлар, ўсимлик дарахтлари ва гулзорлар.

Кўкаламзорлаштириш. Аҳволи ва таркиби? Кўкаламзорлаштириш минтақасини bemorлар учун дам олиш ва сайр қилиш учун фойдаланилиши,

бунинг учун аниқ вақт ажратилиб, унга маъсул ходимларни ажратилганлиги, ўриндиқлар бор йўқлиги.

Чиқиндиларни тозалаш учун аҳлатларни йиғилиш тури ва жойлашиши, уларнинг самарадорлиги. Чиқиндилар қаерга ва қандай транспорт воситаси билан қай тезлиқда олиб чиқиб ташланади. Фойдаланилган боғлов материаллари, гипс, операциянинг сўнгги чиқиндилар қандай заарсизлантирилади. қўйдириш ишлари қўлланиладими, қандай усулда.

Шифохона худудини тозалик ҳолати, ёз вақтида суғориш ишларини олиб борилиши; қоровуллар сони ва тозалаш.

Шифохонани сув билан таъминланиши шаҳардан ёки ўша жойни ўзиданми? сувнинг сифати, 1 ўрин учун сув сарфи. Сув тармоқларининг ҳолати. Иссиқ сув таъминоти, канализация: ертўлаларда сув тошиши бўладими ва унинг сабаби.

Ўликхона жойлашган жойи; қурилиши, тузулиши, таркиби; даволаш биносигача масофаси.

Иситиш қозонлари жойлашган жой: энг яқин даволаш биносигача орасидаги масофа, қўмур ва шлакларни сақлаш шарт-шароити. Мўриконларнинг баландлиги, шифохона худудида ва даволаш биноларида тутун хиди сезиладими?

Даволаш бинолари: уларнинг сони, қурулиш тизими, қаватлилиги, қўлланиши, ўринлар сони. Бинолар жойлашиши, ориентация, бинолар орасидаги масофа.

Шифохона бўлимларининг тузилиши–секциялар, палаталар сони, қўшимча хоналар. Палаталар баландлиги, ёруғлиги, 1 ўринга мўлжалланган майдони. Махсус палаталар сони (бокслар, ярим бокслар) верандалар, балконлар, уларнинг жойлашиши, қурилиши ва фойдаланилиши.

Даволаш биноларининг иситиш ва шамоллатиш тизимлари: уларнинг жойлашиши, режалаштирилиши, ҳолати,

Жарроҳлик бўлими, рентген хонаси, физиотерапия хоналари, лаборатория, дорихоналарнинг жойлашиши ва тартиби. Беморларни қабул қилиш ва чиқариш хоналарининг жойлашиши. Беморларни санитария тозалаш тартиби ва санитария ўтказгичларнинг тузилиши. Изолятор сони ва тузилиши, обсервацион бўлимлари.

Озиқ-овқат блоки: жойлашиши, таркиби биноларни режалаштирилиши. Озиқ-овқат махсулотлари чиқиндиларни йиғиш шароитлари.

Кирхона ва дезкамера: жойлашган бинолар, таркиби, уларни жойлаштириш ва жиҳозланиши. Малакали мутахассислар сони, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишларини ташқил этилиши. Беморларнинг кийим кечагини сақлаш учун хоналарнинг жойлашиши ва жиҳозланиши.

Шифохоналардаги асосий санитария ҳолатлар бўйича камчиликларни ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини қайд текширув далолатномасига тушуриласди (315.х. шакл) ва у дарс бўйича синов олишга асос бўлади.

Сартарошхоналарни санитария

текширув дастури

Дарс мақсади-талабаларни сартарошхоналарни санитария текширувидан ўтказиш усууллари билан таништириш.

Дарс ўтиш жойи-ўқув хонаси, объект

Назорат учун саволлар:

Сартарошхоналарни турли мақсадларга мүлжалланган биноларда жойлаштириш шартлари

Сартарошхоналарнинг таркиби, уларнинг майдони ва жойлашиши
Хоналарни ёритилишига бўлган талаблар

Сартарашибонани санитария-техник жиҳозланиши.

Сартарошхонада усталарнинг иш ўринларини жиҳозланиши

Усталарнинг иш қуролларини дезинфекциялаш

Бармоқларни дезинфекциялаш ва уларни санитария-эпидемиологик аҳамияти

Усталарни шахсий гигиенасини лабораторияда текшириш.

Дезинфекцияловчи эритмаларнинг сифатини лаборатория текшируви

Сартарошхонадаги хизматчиларни жорий тиббий кўриги ва уларнинг мақсади.

Дарсни жиҳозлаш

Ўқув ишлаб чиқариш базасида талабга жавоб берувчи сартарошхона текширув учун танлаб олинади. Санитария текшируvida талабалар сартарошхонани қурулиши, жиҳозланиши ва таркибини санитария текшириш қоидалари, психрометр, люксметр, стерил пипетка ва тампонлардан фойдаланадилар.

Дарснинг мазмуни

Сартарошхоналарни санитария текшируви сартарошхона маъмурияти ходими иштироқида ўтказилади. Бунда сартарошхонани қайси муассасага қарашли эканлигини, унинг манзили, иш ўрнининг сони, турар-жой, ҳаммом, майший хизмат кўрсатиш корхонаси ва ҳ.к. биноларда жойлашиши, кириш эшиги, зарур хоналарнинг жамланмаси (кутиш ва ечиниш хоналари, иш зали, қўшимча хоналар) га эътибор бериш лозим. Уларнинг майдони, умумий майдонни иш ўринлари сонига мос келиши, иш ўринларининг ўзаро жойлаштирилиши текширилади.

Сўнгра талабалар сартарошхонанинг жойлашиш ориентацияси, ёруғлик коэффициенти, умумий ва маҳаллий ёритгичлар сони, уларнинг тури, жойлашишини кўрадилар. Люксметр ёрдамида табиий ёруғлик коэффициентини ва сунъий ёритилганлик даражасини текширадилар.

Канализация ва сув билан таъминлашни баҳолашда, алоҳида эътибор иссиқ сув билан таъминлаш қурилмасига (сув иситгич қозонлари, сув иситич), иш жойларига иссиқ ва совуқ сув бериш қурилмасига қаратилиши лозим.

Иситиш қурилмасини ва ундан фойдаланишни текшираётганда хонанинг ҳарорат тартибини аспирацион психрометр ёрдамида текшириш ва улардан олинган натижаларни амалдаги меёrlарга қиёслаш лозим. Бинони ҳаво олмашинувини текширишда вентиляция қурилмаси ва ундан фойдаланиш аниқланади. Иш ўринларининг жихозланишини баҳолашда; ўриндиқлар сони, курсилар, тумбочкалар, шкафчалар, уларни кулай жойлашиши, хона деворларининг пардози, намли тозалаш ишлари олиб борилишига эътибор берилади. Усталарнинг чойшаблар билан таъминланиши (сочиқ, тоза ва кир чойшабларни сақлаш жойи, чойшаблардан қайта фойдаланиш шароитлари, иш кийимлари ва уларнинг санитария ҳолати). Иш жойидаги иш куролларининг дезинфекцияловчи эритмалар ёрдамида тозалашга алоҳида эътибор бериш лозим (спиртлар микдори, дезинфекцияловчи эритмалар), таъқиқланган иш куроллари ва парфюмериялардан фойдаланилмаётганлиги, заҳирадаги тоза иш куролларининг мавжудлиги текширилади.

Сартарошхонани санитария текширишда усталарнинг шахсий гигиенага амал қилиши ва санитария минимуми тушунчасини аниқлаш алоҳида ўрин тутади. Шу мақсадда талабаларга усталарнинг қўлидан суртма олиш усулини намойиш этилади ва шу орқали усталарнинг қўлидан олинган суртма натижалари бўйича қанчалик тозалиги ҳақида ҳам аниқ маълумотга эга бўлади. Сартарошхонанинг барча хизматчиларини ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туриши, уларни шахсий тиббий дафтарчаси орқали текширилади.

Текшириш натижасида тозалаш жихозларининг аҳволи ва сони, хоналарни тозалаш вақти, соchlарни йиғиш, сақлаш ва йўқотиш йўллари аниқланади. Сартарошхонани текширув натижасида дарсдан синов олиш учун асос бўладиган далолатнома расмийлаштирилади.

*Тураг-жой ва жамоат биноларини
марказлаштирилган иситиши тизимларинигигиеник
баҳолашда ҳисоб-китоб усуллари.*

Дарс мақсади-талабаларни тураг-жой биноларида иситиш тармоқларини ҳисоб усули, иситиш тизимлари лойиҳасидаги иссиқлик маънбалари ва ҳисоб-китоби усуллари билан баҳолашни ўргатиш.

Дарсни ўтиши жойи-ўкув хонаси.

Назорат учун саволлари

Организмдаги терморегуляция нима ва унинг кўринишларни.

Тураг-жой биноларидаги кичик иқлимга гигиеник талаблар
Иситиш тизимиға бўлган гигиеник талаблар
Тураг-жой биноларининг иситиш тизимлари

Нима учун “девор-ҳаво” ҳарорати меёrlаштирилади?
 Буғли ва сувли иситиш тизимларини қиёсий баҳолаш
 Нур билан иситиш, унинг гигиеник тавсифномаси
 Умумий иссиқлик узатгичлар коэффициенти нима дегани?
 Маҳаллий иситиш тизимига гигиеник тавсифнома

Дарснинг жиҳозланиши:

Талабаларнинг иш жойи: а) турар-жойини иситиш тармоқлари лойиҳаси

б) чизгич

жадвал: а)турар-жойларини иситиш тизими; б) сув билан иситиш қурилмалари тизими; в) нур билан иситиш йўллари; г) Амалдаги меёрий хужжатлар д) Слайдлар.

Дарснинг мазмуни

Ёпиқ хоналарнинг кичик иқлими деганда муҳитнинг иссиқликни ушлаш ҳолати тушунилиб у инсон сезги оаъзолари орқали қабул қилинади ва бир нечча омиллар ҳарорат, нисбий намлик, ҳаво ҳаракат тезлиги, инсоннинг ўраб турган сирт ҳароратига боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Жадвал 36

Кичик иқлимининг гигиеник баҳолаш мезонлари

Йил фасллари	Ҳарорат С°	Нисбий намлик, кўп эмас (%)	Ҳаво ҳаракат тезлиги м.с.
Иссиқ ойлар	Ташки ҳаво ҳароратидан 3 градус ошмаслиги керак	65	0,5
Совуқ ва ўтиш ойлари	18 - 22	65	0,2

Турар жой ва жамоат биноларида ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракат тезлиги меёrlлари

Йил фасллари	Ҳарорат С°	Нисбий намлик (%)	Ҳаво ҳаракат тезлиги м.с.
Иссиқ ойларда	20 - 22 23 - 25	60 - 30 60 - 30	0,2 0,3
Совуқ ва ўтиш	20 - 22	45 - 30	0,2

Тураг жой ва жамоат биноларини санитария назоратидан ўтказишида иситиш тизимларини түғри танлаб олинганлиги, иситиш мосламаларининг юзасини етарлилиги, иситиш тизими қурулмалари ва уларнинг алоҳида элементлари баҳоланади.

Бунинг учун лойиханинг тушунтириш хатидан объектнинг тури, унинг асосий ва қўшимча хоналар, вазифалари аниқланилади. Юқоридагиларни аниқлаш бинонинг иситиш тизимини түғри танлаш учун катта аҳамиятга эга.

Биноларни қурулишида фойданилган қурулиш моллари ва чегара қурилмаларини аниқлагач, бутун бино ёки унинг маълум қисмидан иссиқлик йўқотиш ҳолатларини текширишга ўтилади. Бунда лойихачилар томонидан гигиеник аҳамиятга эга бўлган омиллардан түғри фойдаланилганлиги назорат остига олинади.

Амалий топшириқларни бажарилишида талабалар томонидан аниқ йўналишда амалга оширилиши керак. Аввал иситиш лойиҳаси билан танишиш зарур. Бунда тушунтириш хатидан объектнинг тури унинг асосий ва ёрдамчи хоналаридан фойдаланиш мақсади аниқланади. Бу иситиш системасининг түғри танланганлигини баҳолашда аҳамиятга эга.

Топшириқ 1. Ишчилар шаҳарчасида ошҳонаси билан 3 хонали тунука томли ёғоч уй қуриш бошланди. Дереза ромларига 2 қаватли ойна қўйилади.

Лойиҳа бўйича уйнинг ўлчамлари: узунлиги 9,0 м, кенглиги 8,0 м, баландлиги – 3 м.

Уйга 7 та дераза қўйиш мўлжалланмоқда: 3 та хонага ҳар бири 1,0 x 1,5 м бўлган 4 дераза, ҳар бири 0,5 x 0,6 м бўлган 2 та дераза санитария тармоғи хонасига, 0,7 x 1,3 м бўлган 1 та дераза ошхонага. Ташқи эшикнинг баландлиги 2 м, кенглиги 1 м.

Бинодаги иссиқлик йўқотишини ва иситгич асбоблари (темир - ғиштли печ) юзасини ва уларни жойлашишини аниқлаш талаб этилади.

Девор, шифт, пол, дераза ва эшикларга бериладиган иссиқлик коэффициенти – 0,8, 0,4, 0,64, 2,3 ва 5 ккал-м²с даражаси, дан иборат бўлиб, t_b ички тенг 20^0 , печкада иситиладиган ташқи ҳарорат ҳисоби ($t_{p.h. \text{ ташки}}$) – $5,4^0$ таңг. Иссиқлик берувчи коэффициент (К) юзаси 1 м² бўлган неч 525 ккал-сни ташқил этади. Бинодаги умумий иссиқлик йўқотилишиши қуйидаги тенглама орқали ҳисобланади:

иссиқлик берувчи печнинг юзаси қуйидаги тенгламада аниқланади

Туар жойни иситиш лойиҳасини кўриб чиқиш санитария хulosаси расмийлаштирилади ва у топшириқни бажарилиши билан оралиқ назорати учун тавсия этилади.

Туар жой ва жамоат биноларида шамоллатишни санитария баҳолаш усуллари

Дарснинг мақсади. Талабаларни туар жой ва жамоат биноларида шамоллатишни ташкил этиш, шунингдек улар устидан огохлантирувчи ва жорий санитария назоратини олиб бориш усулларига ўргатиш.

Дарс ўтиши жойи-ўқув хонаси

Назорат учун саволлари.

- 24) Шамоллатиш нима ва биноларда ҳаво алмашинувини амалга ошириш йўллари.
- 25) Шамоллатишнинг гигиеник аҳамияти ва таъсирини баҳолаш мезонлари.
Шамоллатишга бўлган асосий талаблар.
- 26) Шамоллатиш тизимидағи ҳаво ишлатилиши ва уни ҳисоблаш тушунчаси. Ҳаво алмашинуви муддати ва уни шамоллатишни санитария баҳосида қўлланилиши.
- 27) Хонадаги ҳавони тозалик даражасини кўрсатувчи карбонат ангидриднинг аҳамияти: Ҳаво куби ҳақида тушунча.
- 28) Газсифат нарсалар (карбонат ангидрит), чанг, иссиқлик ва намлик қолдиқлари билан ифлосланган бинода талаб этиладиган ҳаво алмашинувини ҳисоблаш принциплари.
- 29) Табиий шамоллатиш, уни туар-жой ва жамоат биноларида қўллаш.
- 30) Механик шамоллатиш, ундан туар-жой ва жамоат биноларида фойдаланиш, шамоллатиш қурилмасининг тортувчи ва чиқарувчи асосий элементлари
- 31) Ҳавони кондиционерлаш, уни ўрнатиш ва қўллаш принциплари
- 32) Туар-жой хоналарида, томоша залларида, ўқув-юрти аудиторияларида, сартарошхона, ҳаммом, кирхона ва шифохоналарда ҳаво алмашинувини йўлга қўйиш.
- 33) Кўп қаватли уйларда ҳаво алмашинувини ташкил этиш ва уни хусусиятлари

Дарсни жиҳозланиши: Талабанинг иш ўрни: а) қмқ лар; б) амалдаги меёрий хужжатлар; в) электроанемометрлар; г) секундомерлар; д) ўлчов чизғичлари, рулетлар, логарифмик чизғичлар.

Жадваллар: иссиқлик ва шамол таъсиридаги ҳавонинг бинодаги ҳарақат тизими.

Дарснинг мазмуни.

Шамоллатиш тизимларини санитария назоратида санитария врачларининг олдида турган асосий вазифалар:

Шамоллатиш тизимларини тўғри танлаб олингандигини баҳолаш
Ҳаво алмасиниш даражасини етарлилигини аниқлаш
Хоналарга юборилаётган ҳаво сифатини санитария талабларга мос келишини башолаш
Шамоллатиш тизимларининг алоҳида қурулмаларини тўғри қурулганлигини баҳалаш
Шамоллатиш қурулмаларидан фойдаланиш тартиби таклиф этилган талабъларга мос келишини аниқлаш.

Шамоллатиш тизимини танлаб олиши қоидалари:

Бинони нима мақсадда қурулганлиги ва унинг ҳажми;
Ҳосил бўладиган заарли моддаларни характеристи;
Шамоллатиш тизими тадбик этиладиган талабларга қатий равишда боғлиқ бўлади.

Шунинг учун текширишни обьектнинг санитария жиҳатидан ўзига хослиги ва келажакда ажралиб чиқиши мумкин бўлган заарли моддаларни аниқлашдан бошланади.

Шамоллатиш тизимини танлаб олишда ва уни баҳолашда қуйидаги ҳолатларга аҳамият берилади:

Агарда ҳаво алмасиниш даражаси 0,5 бўлса, хонада табиий шамоллатиш усулини қўллаш мумкин.

Агарда ҳаво алмасиниши 1 дан катта бўлмаса, у ҳолда бундай хоналар учун ҳаво сўрувчи табиий ва сунъий вентиляциялар ўрнатиш мумкин.

Агарда ҳаво алмасиниши даражаси 1 дан юқори бўлса, ва бундай ҳавони тозалаш шарт бўлса аралаш вентиляция тизимидан фойдаланиш мумкин.

Бунда тозалаш қурулмалари ва усуллари қатъий текширувдан ўтказилади: панжаралар, чанг чўқтирувчи камералар, филтрлар, иситиш ва сувлаш камералари.

Шамоллатиш қурулмалари ва уларнинг натижасидан ҳосил бўлган шовқинга қарши курашда алоҳида эътибор берилади.

Шамоллатиш тизимларини самарадорлигини баҳолаш қуйидагилар асосида олиб борилади:

Шамоллатиш тизимини санимтария текшириш ва ундан фойдаланиш тартиби

Вентиляциянинг аниқ ҳажми ва ҳаво алмасиниш даражасига кўра олингандигини ҳисоблаш.

Хоналар кичик иқлимини ва ҳаво муҳитини лаборатория текширув натижалари.

Хоналарни шамоллатишда керакли ҳажм—яъни хонадаги бир киши учун 1 соат давомида хона ҳавосидаги корбанат ангириднинг меёрдан ортиб кетмаслигини (0,07 ёки 0,1 %) таъминланиши учун юбориладиган тоза ҳаво миқдори.

Шамолатиш даражаси-1 киши учун 1 соат давомида хона ҳавосидаги корбанат ангидрит микдорини меёрдан ошмаслиги учун хона ҳавосини ташқи ҳаво билан неча маротаба алмашиниш даражаси тушунилади.

Керакли ҳаво ҳажмининг меёри 1 одам учун 1 соатда 36 ва 72 м.куб деб ҳисоблаш мумкин.

Табиий ёритилганликни гигиеник баҳолаш усуллари.

Дарснинг мақсади: Огоҳлантирувчи санитария назорати босқичида турар жой ва жамоат биноларининг ТЁК ни ҳисоблаш усулларини талабаларга ўргатиш.

Дарс ўтиши жойи -ўқув хонаси.

Назорат саволлари:

ТЁ ва инсолиция тушунчалари орасидаги фарқ.

Хона ичидаги ва ташқаридаги ТЁ аниқлдаш, унинг омиллари.

Тарап жой ва жамоат биноларидаги ТЁ меёрлаштиришнинг гигиеник аҳамияти.

Лойиха таркибидаги хужжатлар асосида хоналар ТЁК ни аниқлаш усуллари.

Турап жой ва жамоат бинолари учун ЁК меёрлари.

ТЁК деганда нима тушунилади. Унинг аниқлаш усуллари

Дарснинг жиҳозланиши:

Талабаларнинг иш ўринлари:

а) турап жой бинолари лойихаларининг тик ва қўндаланг кесмаси;

б) Данилюк жадвали №1 ва №2

в) қМқ “Табиий ёритилганлик. Лойихалаштириш меёрлари”

г) қМқ 2.01.05 – 98 “Табиий ва сунъий ёритилганлик”

д) ТЁК аниқлаш учун Данилюк №1 ва №2 жадвали.

е) Тошкент шахри учун ёруғлик иқлимини аниқлаш чизма кўриниши.

Дарснинг мазмуни

ТЁ кўрсаткичи бир қатор омилларга боғлиқдир: улар:

жойнинг географик кенглиги.

бинолар деразасининг ориентацияси;

йил фасли ва куннинг вақтига;

биноларга қарама - қарши бинолар ва дараҳтлар орқали ёруғликнинг тушушини тўсиб қолиниши;

Ёруғликнинг етарли бўлиши учун асосий ўринлардан бирини деразаларнинг ойнабанд юзаси, дераза ойналарининг тозалиги, конструкцияси, деворлар ва шипларнинг бўёклари ва хоналарнинг тўғри лойихалаштирилиши эгаллайди. Табиий ёруғликни баҳолаш иккита катта гурухга бўлинади:

светотехник;

геометрик;

Светотехник усулга ТЁК ни аниқлаш кирса, геометрик усулга эса ёруғликнинг тушуш бурчаги ва тирқиши бурчаги аниқланилади ва хоналарнинг чуқурлигини аниқлаш киради.

ТЁК-хона ичи кўндаланг юзаларини ташқи ёритилганликка нисбатан % лардаги нисбатига айтилади.

ТЁК нинг меёrlаштирилган ўлчами аниқ ўлчамлар билан фарқ қиласди.

ТЁ ни геометрик коэффициентини Данилюк усули билан аниқланади. У осмон гумбази қисмлари проекцияларининг ёритилган юзага ёруғлик дарчалари орқали ёруғликнинг тушушини жадвал орқали топишга асосланган.

Бу қисмларни топиш учун Данилюк №1 ва №2 жадваллари тавсия этилган.

Данилюк орқали ТЁ геометрик коэффициентни аниқлашда масштабни аҳамияти йўқ, фақатгина бино кесмаси ва режа бир хил масштабда чизилган бўлса бас. Геометрик усул асосан Огоҳлантирувчи санитария назорати босқичида аниқланади. Чунки бу усулда аниқ маълумот олиш қийин. Жорий санитария назоратида эса аниқ маълумотларга эга бўлиш учун фотометрик усулдан фойдаланилади (Люксметр ёрдамида).

Тураг жой биноларининг ЁК меёри 1 : 5,5 дан 1 : 8 гача қилиб белгиланган.

Тураг жой ва жамоат бинолари бўлимида

огоҳлантирувчи санитария назорати

Огоҳлантирувчи санитария назоратида санитария врачларининг вазифалари:

1. Тураг жой ва жамоат биноларини қурилиши учун ажратилган ер майдонларини танлаб олишда қатнашиш;

Тураг жой ва жамоат биноларини қурилиш лойихаларини санитария экспертизасидан ўтказиш ва хулоса бериш

қурилиш обьектларини қурилиши даврида обьектларни лойиха материалларига мос равишда қурилишини санитария назоратидан ўтказиш ва қуриб битказилган обьектларни ишга тушурилишида қабул қилиш хайати таркибида қатнашиш.

Янги қурилиш материалларини санитария экспертизасидан ўтказиш ва рухсат бериш.

Тураг жой ва жамоат биноларини қурилиши учун ажратилган ер майдонлари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Объектларни қурилиши учун ажратилган майдон етарли бўлиши;

Ёмғир ва қор эриш натижасида ҳосил бўладиган сувларни оқиб кетиши учун қулай табиий қиялик даражасига (10 – 30 градус) эга бўлиши керак;

Ажратилган ер майдонининг тупроғини сув ўтказиш хусусияти қониқарли бўлиши, тоза тупроқ бўлиши ва ер ости грунт сувлари

чукурроқ қатламда жойлашиши керак (ернинг юза қатламидан 1,5 м ва бинонинг пойдеворининг сатхидан 1 м чукурликда);

Лойихалаштирилаётган объект аҳоли турар жойлари бош режаси таркибида бўлиши керак;

Турар жой биноси билан ифлослантирувчи маънбалар орасида етарли санитария ҳимоя минтақаси бўлиши керак;

қурилаётган бинони аҳоли турар жойлари минтақасининг бошқа ҳудудлари билан боғланиши учун йўл тармоқларини бўлиши;

қурилаётган бинога қуёш нурининг тушуши етарлилиги ва шамоллатиш учун етарли шароитлар бўлиши керак;

Турар жой ва жамоат биноларининг қурилиш лойиҳаларини санитария экспертизадан ўтказиш бир неча босқичлардан иборат бўлади;

1. Лойиҳанинг паспорт қисми билан танишиш: (лойиха номи, лойиҳа ташкилот, лойиҳа муаллифи, лойиҳа тури ва серияси, санаси)

2. Экспертизага қўйилган лойиҳа материалларни тўлиқлигини текшириш (курилиш учун ер майдонини ажратилганлиги тўғрисида Ҳокимият қарори, лойихалаштириш учун буюртмачининг режа-топшириғи, Ҳокимият қурилиш меъморий бўлими томонидан берилган меъморий қурилиш топшириғи, қурилаётган бинога боғлаш учун “Сувсоз” бошқармаси, иссиқ сув ва истиш тармоқлари бошқармаси, газ таъминоти ва электр таъминоти бошқармалари-нинг маълумотлари, тушунтириш хатлари билан бинонинг барча элементлари акс эттирилган чизма қисмлари,);

3. Лойиҳани санитария экспертиза қилиш учун амалдаги қонуний ва маёрий хужжатларни йигишиш ва улар билан танишиб чиқиши.

Турар жой ва жамоат биноларининг лойиҳаларини санитария экспертиза қилиш учун амалдаги қМқ, Сан қ ва М, Санитария қоидалар, Низомлар ва бошқа хужжатлар йиғиб чиқилади ва ўрганиб чиқилади.

4. қурилиш лойиҳасини санитария экспертизасидан ўтказиш.

қурилиш лойиҳасининг боғловчи лойиҳа шартларини ўрганиш Бунда: санитария врачи лойиҳалаштирилаётган объектни кичик туманинг бир элменти ҳисобланадими? Ёки алоҳида жойлашадими аниқлайди. Агар бино алоҳида жойлашса, уни электр тармоғи, канализация, газ тармоғи, ичимлик сув таъминоти ва бошқаларни боғланиш лойиҳаларини алоҳида кўриб чиқади. Турар жойнинг вазиятли режаси бўйича объектни ифлослантирувчи маънбаларга нисбатан жойлашиши ва улар орасидаги масофаларнинг етарлилиги баҳоланади. Вазиятли режа асосида бино қурилиши режалаштирилган майдоннинг қиялик даражаси ҳам кўриб чиқилади.

қурилиш лойиҳасининг бош режасини баҳолашда қуйидагилар аниқланади: (курилаётган объектга ажратилган ер майдонининг етарлилиги, минтақаларга бўлиниши, санитария техник қурилмаларига нисбатан жойлашиши, қурилиш фоизи, қўкаламзорлаштириш фоизлари аниқланади);

яшаш биноларининг лойиҳаларини санитария экспертизаси.

Ўзбекистонда қурилаётган қатор турар жой бинолари намунали лойиҳалар асосида қурилмоқда. Аммо ҳар доим ҳам бу мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Шунинг учун ҳозирги кунда турар жой ва жамоат

биноларининг қурилишини янги тажрибали ва индивидуал лойиҳалар асосида қуриш устида изланиш ишлари олиб борилмоқда. Туар жой биносининг лойиҳасини санитария экспертизасига тушган лойиҳалари таркибида чизма қисмлари ва тушунтириш хатлари бўлиши керак.

Бинонинг қурилиш конструкциясини санитария экспертизасида бинонинг пойдеворидан то томигача бўлган материалларни ўрганишдан иборатdir. Аввало бинонинг пойдеворидан қуий қисми ва грунт сувлари орасидаги масофа аниқланиши зарур. Агар бинонинг ертўла қаватида майший хизмат муассасалари, сартарошхоналар, дорихоналарни жойлаштириш режалаштирилган бўлса, уни кўндаланг ва тик гидроизоляция қилингандигига ишонч ҳосил қилиниши зарур.

Хонадонлараро ва хоналар аро деворларни санитария экспертизасида санитария врачлари деворларни совуқ ва иссиқ ўтказмаслиги, ҳамда шовқиндан ҳимоя қилиш хусусиятларини ўрганиладилар. Меёрга қўра: шовқин хонадонлараро ва хоналарнинг зина майдончасида 48 дБ; яшаш хоналари орасида 40 дБ, ётоқхоналарда 44 дБ ошмаслиги керак. Хоналарнинг полини жихозлаш учун сунъий плиталар (кумаринли, полихлорвинил) гигиеник нуқтаи назаридан мумкин эмас. Чунки уларнинг салбий томонлари юқори.

қМқ бўйича 3 ва 5 қаватли туар жой биноларида томларида ички ва ташқи сув оқиб тушувчи тарновлар бўлиши керак. Агар бино 5 қаваатдан юқори бўлса ички тарнов ўрнатилиши ва у мустаҳкам гидроизоляция қилиниши шарт.

Чордоқнинг конструкцияси санитария экспериза қилинишида унинг қопламасини буғдан изоляция қилувчи қисмiga эътибор берилиши керак. Бу ҳимоя қопламаси хонадонлар томонидан ҳосил бўлаётган буғ таъсирида чордоқ қопламасининг ивиб қолмаслигини таъминлайди.

Зиналарнинг конструкциясини баҳолашда кўтарилишлар ва улардаги зиналарнинг сони, зиналарнинг ўлчами аниқланади, гигиеник нуқтаи назаридан кўтарилишлар 2 ва 3 та бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Булардан зиналарнинг баландлиги 14 – 16 см, кенглиги 28 см. оғиш бурчаги 28 – 30 градус бўлиши кераклиги баҳоланади.

5.Хонадонлар режасини баҳолаш.

Хонадонларни режасини баҳолашда қуидагилар текширилади:

- хоналар сони ва таркиби;
- хоналарнинг ўлчами ва таркиби;
- алоҳида хоналарнинг бир – бири билан боғланиши;
- яшаш хоналарининг ориентацияси;
- шамоллатиш шароитлари;

Хонадонларнинг лойиҳасини экспертизасида биринчи навбатда лойиҳанинг кўндаланг кесмасидан хона чукурлигини баҳолашдан бошланади. У 6 м дан ошмаслиги керак. Агар хонанинг чукурлиги 6 м дан ошса хонада “ўлик бурчак” ҳосил бўлади. Бу эса бактерияларнинг кўпайиши учун шароит туғдиради. Бундан ташқари чукурлиги 6 м дан ортиқ хоналарда қуёш нурининг тушуши ва шамоллатиш даражаси етарли бўлмайди. Туар

жой хоналарининг майдони 1 киши учун 9 – 10 м.кв. 1 хонали хонадонларда 12 м.кв.дан кам бўлмаслиги, 2 ва ундан ортиқ хонали хонадонларда хоналарнинг биттасини ўлчами албатта 16 м.кв дан кам бўлмаслиги керак.

Хонадонларнинг ётоқхоналари учун энг яхши хона ажратилади. Ётоқхона бошқа хоналардан тўлиқ ажратилган бўлиши ва ориентацияси ЖШқ томон бўлиши таъминланади. Уларнинг ўлчами 2 киши учун 12 м.кв, бир киши учун 10 м.кв. ажратилади. Хонадонларнинг умумий майдонининг 60 – 70 фоизини асосий хоналар ташкил қилиши керак.

Хонадонларнинг ошхона майдони 8 м.кв, дан кам бўлмаслиги керак, бир хонали уйларда 5 м.кв гача камайтиришга рухсат этилади. Кириш йўлагининг кенглиги 1,4 м.дан кам бўлмаслиги керак.

6. Бинонинг санитария техник қурулмаларини баҳолаш.

Турар-жой биноларининг санитария техник қурулмаларига:

- сув таъминоти;
- канализация тармоғи;
- иссиқ сув таъминоти;
- исчитиш тармоқлари;
- вентиляция;
- электр энергияси билан таъминлаш;
- газлаштириш тармоқлари киради.

Биноларнинг санитария техник жихозланиши, уларнинг қаватлилиги билан аниқланилади. 5 ва ундан юқори бўлган кўп қаватли уйларда лифт ва ахлат ўтказгич йўллари ўрнатилиши керак.

7. Лойиха бўйича хулоса.

Санитария врачлари қурилиш лойихаларини кўриб бўлганларидан сўнг соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 303.х шаклдаги “Лойиха бўйича хулоса” хужжатини расмийлаштирадилар. Бу хужжат қонуний кучга эга.

Лойиха бўйича хулоса 2 бўлимдан иборат:

А – бўлим (Лойиханинг барча бўлимлари ёритилади);

Б – бўлим – лойиха бўйича аниқланган камчиликлар келтирилади.

Келтирилган камчиликларнинг характеристига кўра лойихаларга қуидагича хулоса берилади:

лойиха қурилиш учун рухсат этилади;

лойиханинг камчилики кўрсатилиб қайта ишлаш учун юборилади;

лойихадан аниқланган қўпол хато ва камчиликлар ҳисобига лойиха яроқсиз деб топилади.

*Аҳоли турар жойлари ҳудудларини ва яшаш
биноларининг инсолициясини санитария баҳолаш.*

Машгулотнинг мақсади – Талабаларни ҳисоблаш усулидан фойдаланиб аҳоли турар жойлари ҳудудлари ва яшаш биноларидағи инсолициясини баҳолаш билан таништириш.

Дарс ўтиши жойи-ўқув хонаси.

Назорат учун саволлар:

Инсоляция–німа?

Инсоляциянинг инсон организмга таъсири.

Аҳоли турар жой худудлари ва яшаш биноларининг инсоляциясини гигиеник аҳамияти.

Яшаш биноларидаги инсоляциянинг давомийлиги қандай омилларга боғлиқ?

Ташқи мұхиттің қандай ҳароратида салқын жой ва қүёшли жойда терморегуляциянинг зўриқиши бошланади?

Ташқи мұхиттің қандай ҳароратида бинолар қизиб кетиши мумкин?

Инсоляциянинг етарли бўлмаслиги яшаш жойларининг кичик иқлимига қандай таъсир кўрсатади?

Ортиқча инсоляция яшаш жойлари микроиқлимига қандай таъсир кўрсатади?

Атрофдаги ва бинолардаги ортиқча инсоляция ҳақида огоҳ қилиш усуллари.

Аҳоли турар жойларининг мамлакатимиз шимолий ва ўрта кенгликлардаги ва жанубидаги ориентацияси.

Машғулоттинг жиҳозланиши.

Талабаларнинг иш ўринлари: а) Талабаларга жорий машғулот юзасидан топшириқлар бериш;

б) шахарларда ва бошқа аҳоли турар жойларида инсоляцияни санитария меъёрлари.

в) инсоляцияни давомийлигини аниқлаш учун қўлланиладиган лаборатория ўлчов асбоблари ва уларни ишлатиш бўйича кўрсатмалар.

г) мавзе (микротуман) режаси;

д) 2 – 3 та тиник қоғоз, чизгич, циркул ва қалам;

е) инсоляция давомийлигини аниқлаш учун қўлланиладиган ҳисоблаш – жадвал усулининг асосини аниқлаштирувчи чизмалар;

Машғулоттинг мазмуни.

Аҳоли турар жой худудлари ва яшаш биноларининг инсоляция давомийлиги жойнинг географик кенглиги, рельефи, об – ҳаво ҳолати, биноларнинг ориентацияси ва шакли, ҳамда яшаш биноларининг орасидаги масофага боғлиқ.

Аҳоли турар жой худудлари ва яшаш биноларидаги инсоляцияни аниқлаш учун икки хил усул қўлланилади: Ҳисоблаш – жадвал ва ўлчов асбоблари.

Ҳисоблаш–жадвал усули бош лойиҳада келтирилган биноларнинг жойлаши ва маълум соатларда қуёшнинг кўтарилиши орқали бинодан соя тушушини ўз ичига олади.

Лойиҳа чизмаларини соддароқ қилиш учун ва уни объект сифатида яҳши тушуниш мақсадида объектдан соя тушуш принципи олинган. ЖШқ ва ШқҒ йўналишидаги ўқларни кесишган ерида жойлашган.

Объектдан тушаётган сояни тузиш принципи.

- 1-қуёш нурининг йўналиши (рақамлар куннинг вақтини кўрсатади).
- 2-сојанинг йўналиши;
- 3-чизик, сојанинг охирги нуқтасини боғлади.

Объектдан тушадиган соя тушаётган қуёш нурларининг бевосита давоми ҳисобланади.

Соянинг узунлигини тригонометрик усул билан ҳисобланади. Бинолардан тушадиган сояни чизмаларда ифодалашда бинонинг ҳар–бир аҳамиятга молик бўлган жойларидан қуёш нурининг йўналишига мос равища, яъни параллел ҳолда йўналтирилган чизиклар тортилади. Уларнинг ҳар–бири учун сојанинг узунлиги юқорида кўрсатилган тенглама бўйича ҳисоблаб топилади. Сојанинг тугалланиш нуқталари бинонинг тузулишига мос равища туташтирилади. Натижада тегишли шакл ва катталикдаги кузатилаётган вақтдаги сојанинг расми олинади.

кўйилган масалага кўра соялар ёки қуёш тушушининг ҳар – бир соати учун қурилади ёки бир, бир неча соат учун қурулади. Соялар соат 15, 16 ва 17 ларга мўлжаллаб қурилган. Бундай жадвал тарзда ифодалашда аҳоли турар жой ҳудудлари ва яшаш биноларнинг қуёш тушуб турган ва сояли жойлари аниқ кўринади.

Хонанинг инсоляцияси дераза юзасига ва бино деворининг қалинлигига боғлиқ.

Соя тушуш бурчаги девор қалинлигига тўғри пропорционал, дераза кенглигига тескари пропорционал. қуёш нури хонага бурчак остида тушади.

Инсоляцияни ҳисоблаш—жадвал усул билан аниқлаш учун Обеленскнинг И-60 инсоляметри инсоляция—назорат чизғичи, ДМ-55 ёруғлик ўлчагич ва бошқа асбоблар қўлланилади.

Санитария врачи амалиётида кўпроқ инсоляция назорат чизғичидан фойдаланилади.

Аниқ маълумотни инсоляметр ёрдамида олинади.

Инсоляметр И-60 билан ишлаш бўйича кўрсатма.

Инсоляметр (И-60) дисклар тўпламидан иборат бўлиб, Диск асосидан ўтувчи ўқ жойлаштирилган. Ўқ учига тиник, эркин айланадиган диск—проректор ўрнатилган.

Диск шкала билан 50 гадус шимолий кенгликда жойлаштирилган. Диск шкалалари турли хил масофада 5 градус бурчак остида жойлаштирилган. Тўпламда 18 та шкала мавжуд.

Ҳар – бир диск шкаласида йил вақтларига мос ҳолдаги қуёш ҳолати ифодаланган: чизиқли чегара ёз (22-июн), баҳор—куз (22-март—22-сентябр) ва қишки (22-декабр). Узлуксиз чизиқлар 19—августга тўғри келади—бу кун бинонинг иссиқдан ҳимоя қилиш масаласини ҳал қилиш учун қулай кун ҳиссоланади.

Троекториядаги нуқталар билан ажратилган позициялар қуёшнинг аниқ азимутлари билан мос келади.

Диск асосидан ўтувчи ўқ куннинг қуёшли вақтларини ҳар – бир соат оралиғи ҳисобида берилади.

Диск марказидан ўтувчи ўқ тушаётган қуёш нурининг йўналишини билдиради. (ўлчанаётган вақтдаги)

Штир—ўқдан юқоридаги концентрик ёйлар 10 градус оралиқда қуёшнинг баландлигини англатади. Ундан кейин маҳсус тенглама билан ҳисобланган соя узунлиги кўрсатилади.

а

В қ -----

Tg h o

Бунда обьектнинг баландлиги 1 деб қобул қилинган. Бу рақамлар яъни олинган сонлар соя узунлигини обьект баландлигидан неча маротаба катта ёки кичик эканлигини билдиради.

Биринчи ҳалқа шкаласида ёз ойидаги (22-июн) соя узунлиги коэффициентини, 2 ҳалқа куз ва баҳорги (22 март ва 22 сентябр) соя узунлигини; 3 ҳалқа қищдаги (22 декабр); 4 ҳалқа эса 18—августдаги соя узунлиги коэффициентини ўзида акс эттиради.

Протрактор соя йўналишини ва обьект ориентациясини кўрсатувчи чизиқ орқали фиксациялаш учун ишлатилади. Унга перпендикуляр равишда фасад чизиқ ўтказилади. Бу бинони зарурий ориентациясида ушлаб туриш учун ишлатилади.

Фасад чизиқни ён томонларида чизиқ билан дераза сатхини бурчаклари кўрсатилади.

Бу кўрсаткич бино девори ва дераза кенгликлари нисбатлари (1:3; 1:6) дан келиб чиқсан.

қуёш троекториясини кесими, ёруғлик бурчаклари тушувчи сектор, бинони инсолиациясини давомийлигини билдиради.

Инсолиаметр И–60 ни ишга тайёрлаш учун дисклар жойлаштирилган комплект ичидан текшириши керак бўлган жойнинг географик катталилигига мос келадиган дискни танлаб олинади.

Танлаб олинган диск шкала ялтироқ диск протрактор тагига жойлаштирилади.

Протракторни керакли тарафга буруш орқали унинг кўрсаткич чизиги қуёш троекториясига мос равишда кузатилаётган йил мавсуми ва вақти соатга тўғрилаб олинади.

Агарда сояning тугалланиш нуқталаридан бирлаштирувчи чизик тортсак, у ҳолда 22–сентябрдан 22 мартгача бўлган вақт оралиғида у параболик кўринишга эга бўлади, дўнглиги кўпроқ жануб тарафга йўналган бўлади. 22–мартдан 22 сентябргача оралиғида эса дўнглиги шимолга йўналган бўлади. Шарқ–Гарб ўқидан ўтказилган тўғри чизик соат 12 да объектдан ҳосил бўлган сояning узунлигига тенг бўлади.

Агар “О” нуқтадан жанубга томон, шарқ–гарб йўналишида параллел чизик ўтказилса, соатларга ажратилган бўлакларни кесади ва кун ва тун тенглиги пайдо бўлади.

Шу чизикдаги обьект сояси “О” нуқтадан баландда бўлса нуқтани соя беркитиб қўяди.

Бу ҳолат назорат–инсолиация чизғичи учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Бу чизғич ёрдамида соя расмини тушурмасдан чизмада аниқ нуқтани бедгилаб олиш мумкин.

Бу чизғич кун ва тун тенг бўлган кунда сояланишини аниқлаш мумкин.

Чизғич масштабли мослама ҳисобланиб таҳлил қилинаётган чизма масштабига мос ҳолда тузулади. (A 1 : 500 ёки 1 : 2000). Айрим ҳолларда чизғич бошқа масштабда ҳам тузулиши мумкин.

Назорат инсолиация чизғичи тиник фототехник плёнка ёки калькада бажарилади. Буни фотография йўли билан кўпайтириш мумкин, бироқ бунда масштабга аниқ риоя қилиш керак. Чизмадан олинган нусха 1:1 нисбатда бўлиши керак.

Юқори кўндаланг чизикнинг ўртасида “С” нуқта белгиланган (“О” нуқтага мос келади). Бу шимол томонни кўрсатиб туради. (Ориентация нуқтаси).

Бунга радиал йўналишда чизиклар ўтказилган бўлиб, бу сояни соат 6 дан 18 гача “С” нуқтага нисбатан йўналишини кўрсатади.

Чизғич қуидагича тузулади: Ж–Ж ва Ш–Ғ ўқлари ўтказилади. Булар кесишигандан жойда “С” нуқта белгилаб олинади. (стрелка шимолни кўрсатиб туради). “С” нуқтадан соат 6 дан 18 гача бўлган ҳар–бир соат учун қуёш азимутлари ўтказилади. Сўнгра ёндан ва пастдан чизик ўтказилади. Ҳосил бўлган рамкадан тик чизик масштабни шартли шкаласи ўтказилади.

Чизғич масштабидан 22 март ва 22 сентябрдаги соат 12 га мос келадиган соя узунлиги кесиб ташланади.

Соат 12 дан соя узунлигини юқорида келтирилгпан тенглама билан ёки Обленск инсоляметри ёрдамида аниқлаш мумкин.

10 сони устидан кесиб ўтувчи құндаланг чизик 10 м баландликка эга бўлган объектдан тушадиган соң узунлигига тенг.

Кун ва тун тенг бўлган куни объектни соясининг узунлиги ғарбдан шарққа томон қатиян равишда ўзгаради. Назорат инсолация чизғичи шундай қўйиладики “С” нуқта бинонинг ўрганилаётган нуқтага қўйилади. Шимолни кўрсатувчи белги орқали чизғич шимол–жануб томонга қараб ориентация қилиш мумкин.

Инсолацияни давомийлигини ҳисоблашда қуёш чиққандан кейинги 1,5 ва қуёшни паст кўтарилган кунлари ҳисобланмайди.

А бинодаги текширилаётган нуқтада инсолация соат 7 дан 8 гача тўла бўлади.

Соат 13 дан 14 гача бўлган инсолацияни тўла қийматли деб бўлмайди. Чунки бу вақтда қуёш нури тушуш бурчаги ҳосил қиласди.

Шундай қилиб инсоляметрдан фарқли равишда назорат инсолация чизғичи ёрдамида инсолация давомийлигини фасадда ёки бинода соялар чизмасини тузмай аниқлаш мумкин.

Фасадда ёки бинода инсолация давомийлигини аниқлаш учун фасад яинига “С” нуқта қўйилади ва назорат–инсолация чизғичини чизмага мос келиши текшириб турулади. Шу билан бир вақтда қарама-қаршидаги фасадда инсолация шароитлари аниқлаб олинади.

Назорат инсолация чизғичи ёрдамида объект соялари ковертини тузиш мумкин.

Бунинг учун “С” нұқта сояда қолувчи объектнинг бир бурчагига қўйилади. Назорат инсолация чизғичи бўлса худди ойнадаги акси холида жойлаштирилади. Бунда “С” нуқта жанубга томон силжитилса ҳар соат оралиғидаги чизиқлар шу бинодаги соя йўналишини билдиради. Соя йўналишилари ҳар–бир соат учун чизиқлар билан белгилаб олинади. Соя конверти соат 8 дан 16 гача бўлган оралиқдаги ҳар–бир соат учун тузулган.

Ҳар–бир соатдаги соя узунлиги чизиқ–чизиқ билан белгиланган бўлиб масштабни шартли рақамларини бирлаштириб туради. Ва сояда қолган объект баландлигини билдиради. Бу ерда у 35 м деб қабул қилинган.

Талабаларни ҳисоблаш–жадвал усули принциплари билан ўргатиш учун қуйидаги масала ечилади: Инсоляметр ёрдамида фасад ва бинода 22 март соат 10 дан 16 гача вақтда 60 градус шимолий кенгликда инсолация давомийлиги аниқланади. Оралиқ 2 та баландликка тенг (Н). Уйларнинг баландлиги 30 м (9 қават), узунлиги 50 м, эни 10 м чизма масштаби 1 : 500.

Ечиш тартиби: Кўрсатилган соатлар учун соя конверти тузулади. Соат 16 да соя қўшни бинони тўсиб қўйса, у ҳолда фасадда сояланиш нуқтасини аниқлаб олиш керак.

Охирида бинони инсолацияси аниқланади. Талабаларни жадвал усули принциплари ва ўлчов асбоблари билан ишлашни ўргатилгандан сўнг ўқитувчи назорат остидаги аниқ масалаларни ечишлари мумкин.

Машғулот охирида, инсоляцияга баҳо бериш учун хар бир талаба текширилаётган худудда ва бинода инсоляция шароитларини таҳлил қилиш ва натижаларни инсоляция тизими тарзида кўрсатиб бериши керак.

Ҳисоблаш натижасидан шу нарса маълум бўлдики-фасад шимолга жойлашган бинолар инсоляцияда маҳрум этилган. Буни қўшни бинони сояси тушиб қолганлиги билан тушунтириш мумкин.

Фасади шарқда жойлашган биноларда инсоляция давомийлиги 3 соатдан кам.

Зарурий инсоляцияга икки томонлама ориентациялаш йўли орқали эришиш мумкин.

Болалар боғчаси ўйин майдони берилган соатларда текширилганда унинг кўп қисми сояда қолиши аниқланилади.

Фақат 2 та майдончада ҳар доим инсоляция бўлиши кузатилади.

Баҳо бериш учун талабалар вазифани бажарганликлари тўғрисида баённома топширадилар.

*Тураг-жой ва жамоат биноларининг табиий
ёритилганлик даражасини баҳолаши усули*

Дарснинг мақсади—Талабаларни тураг-жой ва жамоат биноларини огоҳлантириш санитария назоратида ҳисоб-китоб усули билан табиий ёритилганлик даражасини баҳолашга ўргатиш.

Дарс ўтиши жойи- ўқув хонаси

Назорат учун саволлар:

Ёруғлик, таббий ёритиш ва инсоляция (қуёш пур) тушунчалар ўртасидаги фарқ;

Ёруғлик иқлими. Уни аниқловчи омиллар

Ташқарида ва бино ичидаги табиий ёритишни аниқловчи омиллар

Тураг-жой ва жамоат биноларидаги табиий ёритишнинг асосланган гигиеник меъёри

Лойиҳаси кўрилаётган бинонинг табиий ёритилишини аниқлаш усуслари

Ёруғлик коэффициенти (ЁК), уни тураг-жой ва жамоат бинолари учун меъёри

Табиий ёритиш коэффициенти деганда нима тушунилади. Уни аниқлаш усули

ТЁК аниқлаш учун қайси маълумотлардан (далиллардан) фойдаланиш керак

Бир томонлама ёки икки томонлама ёритиладиган бинолардаги ТЁК меъёри қандай ҳисобланади

ТЁК бўйича бино ичидаги ёруғлик қандай ҳисобланади

Дарснинг жиҳозлаши

Талаба иш жойи: а) ёруғлиги аниқланаётган бинонинг лойихаси ва тик чизмаси (2-3 вариантда)

- б) бинонинг жойлашиш режаси
- в) Данилук № 1 ва № 2 чизмаси
- г) қМқ “Таббий ёритиш”. Лойихалаш меъёрлари.
- д) Транспортир, чизғич
- е) ТЁК аниқлаш учун Данилук чизмасидан фойдаланиш схемаси
- ж) Тошкент учун ёруғлик иқлими

Дарснинг мазмуни

Табиий ёритиш қайсиdir маънода иқлимининг ёруғлигига боғлиқ. Ундан ташқари табиий ёритиш атрофдаги бинолар сони, уларнинг катталиги, дераза конструкцияси, уни жойланиши, бинога тушувчи қуёш нури миқдорини аниқловчи омилларга боғлиқ.

Бинони табиий ёритилиш лойихасини баҳолашни ўрганилаётганда ҳисоб-китоб усули қўлланилади. У ЁК-геометрик катталиги ва ёритиш техник катталиги ТЁК аниқлашга олиб келади.

ЁК бинонинг ойнаванд деразалар майдонининг бино поли майдонига нисбатан аниқланади.

Дераза ва пол майдонини ҳисоб-китоб қилиш учун ўрганилаётган бинонинг тик бўллаги ва кундаланг режасидан фойдаланилади.

Деразалар майдони одатда умумий майдонинг 20-25% ташкил этувчи майдон ҳисобидан олинади.

Лекин ЁК бино ичининг ёритилишига таъсир этувчи қатор омилларни ҳисобга олмайди. Бино қурилган жойнинг чуқурлиги, деворларнинг кенглиги, ёруғлик тушиши, деразалар атрофдаги бинолар билан тўсиб қўйилиши, бинони жойлашиши ва ҳ.к.

Бу етишмовчилик бурчак остида тушиши ва бурчак ёриғини ўлчаш билан қисман тўлдирилади. Бурчак остида тушиши 2 йўналишда бўлиб, улардан бири кундаланг бўлади. У иш жойидан дераза токчасигача бўлади, иккинчиси эса-худди, уша нунктадан деразанинг юқори қисминининг охиригача бўлади. Бурчак катталиги дераза баландлиги, ҳамда ишчи юза жойлашган жойга боғлиқ.

Деразадан олдинга қараб, бурчак тушиши кичиклашади ва ёритиш ёмонлашади. Мана шу кўрсаткичлар бино чуқурлиги чегарасини аниқлашга асос бўлади. Бурчак остида тушиши яхши ишлаши учун 27 дан кам бўлмаслиги керак. Бурчак уни деразаларни тўсиб турувчи объектлар миқдорини ҳисоблайди. У икки йўналишда ҳосил бўлади. Улардан бири иш жойидан ойнанинг юқори қисмигача,

бошқаси эса иш жойига қарама-қарши турган бинонинг энг баланд нуктасигача боради.

Бурчак остида тушиши ва чизиғи ишлаш даражасига қараб хонанинг бир қанча нукталарида аниқланади (деразадан 1 м узоқликда, хона ўртасида ички девордан 1 м оралиқ масофада).

ТЁК-бир вақтнинг ўзида бино ичидағи [$\ddot{E}_{\text{ички}}$] табий ёритилишига ташқи күндаланг [$\ddot{E}_{\text{ташки}}$] ёритилишига фоизда ифодаланган нисбати:

У бинонинг бир неча нуктадаги ишловчи юзаси даражасида ҳисобланади.

Лойиҳани қўриб чиқилаётганда қМк “Таббий ёритилганлик”га биноан ТЁК ва ТЁК ҳисобни аниқлашдаги ҳисоб-китобдаги фойдаланилади.

ТЁК [ёк] обьектни ёруғлик иқлимининг қайси томонида жойлашишига ва унинг ишлош турини) қандай мақсадга мўлжалланганлигини ҳисобга олган ҳолда меёрлаштирилади. Уни қуидаги тенглама бўйича аниқланади:

Бу ерда $\ddot{E}_{\text{таб}} - \text{қМк}$ бўйича кўрилган иш турини ҳисобга олишган.

m — ёруғлик иқлими коэффициенти

c - қуёшли иқлим коэффициенти

Ён томондан ёруғлик тушишидаги ТЁК [$e_{\text{расч}}$] қуидаги тенглама бўйича ифодаланади:

Бу ерда: Е-минимал табий ёритилишнинг геометрик коэффициенти, у Данилюқ чизмасини (1-2) қўллаш орқали аниқланади: $E_k = 0,01 \cdot n_1 \cdot n_2$
 n_1 —ёруғлик оралигидаги вертикал чизикдан керакли нуктага ўтаётган “нур” сони

n_2 —бино режасидаги ҳисоблагаетган нуктага ўтаётган “нур” миқдори
 q —Осмондаги ёруғлик текис эмаслигини ҳисобга олувчи коэффициент, ёруғлик ўтиши ва ҳисоб юзаси ўртасида ҳосил бўлувчи бурчак ўртасини аниқлган.

$R = R_k = 0,01 \cdot n_1 \cdot n_2$; га нисбатан аниқланувчи қарама-гарши бинолардаги ёруғлик ҳисобини олиш коэффициенти

n'_1 —тик чизмада кўрсатилган бинолардан чиқаётган нур миқдори

n'_2 —режада акс эттирилган ёруғлик чизиғи орғали ўтаётган нурлар миқдори

K —атрофдаги биноларга нисбатан ёруғликни ҳисобга олиш коэффициенти

t -фойдаланилган тенглама: $t = t_1 + t_2 + t_3$; аниқланадиган ёруғлик ўтишининг умумий коэффициенти

R_1 -деворнинг ички томони ва бошқлардан. Акс этган ички ёруғликни хисоблаш коэффициенти.

“Нур” (ёруғликни) хисоблашда Данилюк усулидан фойдаланилади. Унга кўра осмоннинг кўриниши ярим сфера сифатида олиниб, у шартли равишда 10000 бўлакка баробар бўлинади.

Тахминга кўра ҳар бир бўлакда биттадан нур чиқади. Агар ўша 10000 нурнинг ҳаммаси бино ичига тушганда эди, унда бинонинг ички ТЁК 100% га teng бўлар эди. Битта нурнинг тушиши ТЁК 0,01%ни таҳкил этади. Мана шундан келиб чиқиб ТЁК геометрик аниқланиши ёруғлик чизиги орқали кўринаётган осмон шуъласи нурлар сонига таққосланади. Бунинг учун Данилюк № 1 ва № 2 махсус чизмасидан, режа ва бино қисмларидан фойдаланилади. Чизма № 1 бинонинг тик чизигига шундай жойлаштириладики, унинг маркази бино ичидаги текширилаётган нуқтага тушсин. Асос эса пол ёки иш юзаси даражасида бўлсин.

Бунда ёруғлик чизиги ўртасидаги “С” нуқтасидан ўтадиган ярим айлана номери билан бир вақтда ёруғлик чизигидан ўтадиган (n_1) нур сони хисобланади. Бизнинг бу мисолда $n_1=7$, нуқта “С” эса ярим айлана атрофида 30 да жойлашган.

Чизма № 2 шу бинонинг режасига шундай жойлаштириладики, топилган ярим айлама (30) га унинг горизонтал чизиги мос (тўғри) келсин 9 расмда кўрсатилганидек ойна қўйилган дераза йўналишига мос келсин. Чизмани жилдирмай (n_2) ойнадан ўтаётган нурлар миқдори хисобланади. Бизнинг мисолда $n_2=14$. Чизмадан фойдаланилаётганда масштабининг аҳамияти йўқ. Лекин вертикал бўлак ва режа бир масштабда бўлиши керак. Топилган n_1 ва n_2 нинг аҳамияти å ни аниқлаш учун тенгламада фойдаланилади.

Кўрсатилган чизмадан фойдаланиб, R ҳисоби учун зарур n_1 ва n_2 махсус аҳамияти аниқланади. Шундан қилиб топилган E , q , R , t ва ρ катталикларидан фойдаланиб ТЁК (e_{capf}) хисобланади. Олинган e_{capf} мейрлаштирилган e_n билан қиёсланади ва шу асосда табий ёритилишнинг етарлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

$$e_t \pm 10\% \text{ дан } e_{capf}$$

Амалиётда ёруғлик люкларда ифодаланади. Ёруғлик иқлими тўғрисидаги маълумотларга таяниб, люкларда ташқи горизонтал ёритишни шу жойнинг йил ойларида, кун соатларида ифодаланади. У ёки бу бинонинг e_{capf} ни аниқлаб, ажратилган кун вақти учун люклардаги ёритишни қўйидаги тенгламада хисоблаш мумкин:

Бу ерда e_{ichki} – бино ичидаги ёритилиш нуқтаси
 e_p – ёруғлик иқлимини ён томондан аниқланган очик майдондан ёруғлиги;

М-н: февраль ойидаги кун ярмидаги ёруғлик тушиши, ташқи ёритиш 4000 лк teng, e-1% яъни ташқи ёритиш-0,01 teng ташкил этади. Бино ичидаги ёритилганлик нуқталари эса: $4000 \cdot 0,01 = 40$ лк teng.

Ёруғликни аниқлашда геометрик ва светотехник усули ва принципларини қўйидаги топшириқни бажариш орқали мустаҳкамланади.

ТОПШИРИҚ: Операция хонаси ишчи сиртига бурчак остида нур тушиши ва чизгич ёрдамида аниқлаш. “Хисоблаш усули билан ТЁК аниқлаш, уни ТЁК меёри билан таққослаш.

ТЁК меёrlаридан фойдаланиб, кун бўйи тушадиган ёруғликни хисоблаш.

Операция хонаси 1 қаватда жойлашган Унинг чуқурлиги 6 м, кенглиги 6 м, баландлиги 3,2 м, деворлар пардози: шифт оқ рангда, девор-оч-яшил, пол оқ сопол платидан иборат. Операция хонасида 2 та дереза: ҳар бирининг кенглиги 1,6 ва баландлиги 2 м, деразалар орасидаги девор кенглиги 1,2 м. Полдан деразагача бўлган масофа 0,8 м teng. Дераза 2 қаватли, алоҳида ажратилган, ойнаси 1 м.

Лойихалаштирилаётган жарроҳлик биноси бошқа бинолар ўртасида жойлашган бўлиб. Унинг узун ўқи шарқдан-ғарбга қараган. Операция хонаси шимолга жойлашган. қарама-қарши 4 қаватли бинодан жарроҳлик биносидан жанубий фасад 28 м узиқликда турибди, шимолда эса 17 м. Узоклиқда турган бинолар кул ранг ғиштдан курилган.

Ечиш: Операция хонасини атрофидаги бинолар билан бирга режаси ва бир масштабдаги (1:100 еки 1:200) тик бўлагини чизиб олиш керак операция хонасига ҳисоблаб ёруғлик коэффициенти 1:7, унда 32^0 та teng бурчак тушиши (а) бурчак чизиги (a_1)- 4^0 .

ТЁК аниқлаш учун $[T\ddot{E}K_{xis}]$ ҳисоблаб чиқилади:

А) табиий ёритишнинг геометрик коэффициенти (Е) тенглама бўйича $E = 0,01 \cdot n_1 \cdot n_2$

n_1 ва n_2 Данилюк чизмаси ёрдамида топилади. Биз келтираётган мисолда операция хонасига юқоридан ёруғлик чизиги орқали 2 “нур” тушади ($n_1 = 2$) ва 7 “нурлар” атрофдаги бинолардан акс этади ($n_2 = 7$). № 1 чизмада ёруғлик чизигининг ўртасидан ўтувчи яримдоира номерини топиш мумкин. У ташкил этади n_2 ва n_2^1 катталиги Данилюк № 2 чизмаси ердамида операция хонаси режасида аниқланади. Бу мисолда n_2 ва $n_2^1 = 42$. n_1 ва n_2 ни аҳамиятини тенгламага қўйиб топилади. $E = 0,01 \cdot 2 \cdot 42 = 0,84$;

Б) атрофдаги бинодан акс этувчи ёруғликни ҳисоблаш коэффициенти. $R = 0,01 \cdot 7 \cdot 42 = 2,94$.

В) q коэффициентини 4 р. бўйича (qMq) аниқланади. Бунинг учун 16^0 ни, q эса $0,68$ ни ташкил этувчи иш юзаси ёруғлик чизигининг ўрта бурчак баландлиги топилади.

Г) қархисида жойлашган бинонинг нисбий ёруғлик ҳисоби коэффициент 6 жадвал бўйича олинади ($K = 0,12$);

Д) 7 жадвал (t_1, t_2, t_3)да келтирилган маълумотларга асосланиб ёруғлик ётказишнинг (t_0) умумий коэффициенти хисобланади:

$$t_0 = 0,9 \cdot 0,6 \cdot 0,8 = 0,43$$

Е) коэффициенти Γ_1 8 жадвал бўйича аниқланиб унинг учун олдиндан ҳисобланади

ва шунингдек операция хонасининг ($P_{\text{урт}}$) ўртacha ҳисобланган коэффициенти:

Бу ерда P_1, P_2, P_3 – пол, девор ва шифтининг акс эттиувчи коэффициенти (бўёқнинг рангидаги 0,6 тўқ рангда эса 0,4 га тенг);
 S_1, S_2, S_3 – шифт, девор ва пол майдони $\Gamma = 1.45$

тенглама орқали операция хонасининг
ТЁК олинади $(0.84 \cdot 0.68 \cdot 2.94 \cdot 0.12) \cdot 0.43 \cdot 1.45 \cdot 0.57\% = 0.57\%$

Топилган ТЁК қуйидаги тенглама орқали аниқланадиган ёруғлик меёри (e_n) билан солиштириш зарур

$$e_n = 2.5 \cdot 1.1 \cdot 2.5\% = 6.25\%$$

Шундай қилиб, операция хонаси учун ҳисоб қилинган ТЁК (0.57%) меёрда кўрсатилганидан (2.5%) анча паст.

Синов олиш учун талабалар амалий машғулотни бажарилгани ҳақидаги баённи тавсия этадилар.

VI-бўлим. Аҳоли турар жойларини режалаштириш ва қурилиш гигиенаси.

Аҳоли турар жойлари-бу аҳолининг биологик, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлган жойлар ҳисобланади, бошқача айтганда қулай экологик талабларга эга бўлган тизимлар мажмуаси мавжуд бўлган жойлар тушунилади. Бундай тизимларни шунингдек, шаҳар ва қишлоқларнинг барпо этилиши ва ривожланишида давлат санитария ва эпидемиология ҳизматининг огохлантирувчи санитария назорати босқичини холисона олиб борилиши муҳим рол ўйнайди. Турар жойларни лойихаштириш, қуриш ва қайта қуриш, янги экологик тизимни бунёд этишда давлат санитария эпидемиология назорати маркази ҳизмати ўзининг катта ҳиссасини қўшади.

Аҳоли турар жойларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларида самарали иштирок этиш санитария шифокоридан зарур амалий кўнилмаларни билишни тақозо этади. Булардан маълум бир қисмини талабалар олий ўқув юртларида санитария шифокорини тайёрлаш босқичлари жараёнида эгаллашлари лозим.

Бу масалаларни хал қилиш аҳоли турар жойларини лойиҳалаштириш ва қуриш гигиенаси бўлимини ўрганиш орқали кенг амалга оширилади. Бир қатор амалий топшириқларни бажариш жараёнида талабалар санитария шифокорининг аҳоли яшаш жойлари учун ер майдонларини танлаш, шаҳар ва қишлоқларни лойиҳалаштириш, танланган жойлардаги табиий шароитлардан (сув ҳавзалари, ернинг рельефи ва ҳ.к.) тўғри фойдаланиш, шаҳарлардаги шовқинларнинг инсон саломатлигига таъсирини камайтириш ва олдини олиш мақсадида лойиҳалаштириш масаласи ва қурилиш усусларини тўғри йўлга қўлиш, аҳолини коммунал ҳамда майший ҳизмат қўрсатиш воситалари билан таъминлаш каби муҳим ишлардаги иштирокини тўлиқроқ тушиниб етадилар.

*Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини режалаштириши ва
қурилиши лойиҳаларини баҳолаш*

Машғулотнинг мақсади—Талабаларга аҳоли турар жойларининг лойиҳаларини баҳолай олиш ҳамда улар асосида санитария ҳulosаси беришни ўргатиш.

Машғулот талабалар томонидан учта кетма-кет бажарилиб борувчи топшириқлардан иборат.

Дарс ўтиши жойи-ўқув хонаси

Назорат учун саволлар:

Шаҳарлар ҳосил қилувчи омиллар ҳақида
тушунча.

Лойиҳалаштирилаётган аҳоли турар жойларининг аҳолиси сонини хисоблаш учун дастлабки маълумотлар.

Аҳоли турар жойлари майдонларини функционал минтақаларга бўлиш

Яшаш жойлари минтақаларини жойлаштиришга қўйиладиган санитария талаблар.

Ишлаб чиқариш минтақалари ва транспорт–омборхона зоналаридан ҳосил бўлувчи заарли моддалар.

Транспорт магистраллари қурилишининг теварак-атрофидаги яшаш жойларига таъсири.

Кўкаلامзорлаштириш таснифи.

қишлоқ аҳоли турар жойларини функционал минтақалаштиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари.

Лойиҳалаштириш босқичлари ва уларнинг мазмуни.

Аҳоли турар жойларини лойиҳалаштиришда санитария эпидемиология ҳизматининг иштироки.

Санитария врачига ҳулоса бериш учун бериладиган аҳоли турар жойлари лойиҳасининг таркиби.

Машғулотнинг жиҳозланиши

Талабанинг иш жойи:

- а) аҳоли яшаш жойларини режалаштириш лойиҳаси;
- б) қМқ 2.07.01-94 “Шахар қурилиши”;
- в) О’з Dav St 950:2000 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш”;
- г) қМқ 2.04.03-97 “Канализация. Ташқи тармоқлар”;
- д) СанПиН № 0056-96 “Санитарнёе правила и нормў охранў поверхностинг вод от загрязнения”
- е) аҳоли яшаш жойларини режалаштириш чизмаси;
- ж) қурилиш лойиҳаси бўйича ҳулоса

Машғулотнинг мазмуни

Талабаларни лойиҳалаштириш босқичлари билан таниширилади.

Лойиҳалаш—лойиҳалаштириш ташкилотларининг ҳодимлари —меъмор, топограф, геодезист, гидролог, сантехник ва бошқа ҳодимларнинг энг қийин яратувчилик иш жараёнларидан ҳисобланади.

Лойиҳа тузиш учун “буортмачи” лойиҳалаштириш ташкилотларига буортма беради ва лойиҳага режа-топшириқ тузилади.

Режа-топшириқда буортмачи лойиҳалаштирилаётган обьектга қисқача тавсиф беради. Буларга қуидагилар киради:

- қурилиш ҳажми;
- санитар-техник жиҳозланиши ва бошқалар.

Шу даврдан бошлаб лойиҳа юзасидан лойиҳани яратиш ишлари бошланади.

Лойиҳалаштириш—режалаштириш ишлари қуйидаги босқичлардан иборат: эскиз лойиҳа, лойиҳа-топшириқ, техник лойиҳа, ишчи чизмалари.

Эскиз лойиҳа. Эскиз лойиҳада қуриладиган обьектларнинг жойлашиш чизмаси акс эттирилади ва умумий қоидалар келтирилади, масалан, худудни минтақаларга ажратиш, сув билан таъминланиш ва канализация чизмалари ва бошқалар учун.

Эскиз лойиҳа тасдиқланганидан сўнг кейинги босқичлар учун асос бўлиб ҳисобланади.

2. Лойиҳа-топшириқ босқичи. Бу босқичда қуидагилар кўрилади:

- а) вазиятли ва бош лойиҳа;

б) мұхандислик жиҳозланиши схемаси (сув билан таъминланиши, канализация, исситиш тармоғи), худудни мұхандислик ишларига тайёргарлиги

Лойиха топшириқда чизма қисмларидан ташқари тушунтириш хати бўлиши керак. Тушунтириш хатида қўйидагилар берилиши лозим:

табиий шароитлар

аҳоли турар жойларини иқтисодий техник асослари

чизмаларга ва бошқа матнларга тушунчалар

3. Техник лойиха тузиш босқичи. Бу босқичда биринчи босқич матларига қўшимча равишда режалаштирилган деталлар бўйича лойихаси ҳам қўрсатилади. Деталли кўриниши ва лойихалашда қўйидаги чизмалар берилиши лозим:

а) лойихалаш ва қурилиш

б) кўчаларнинг узунасига ва қўндалангига кесишмалари

в) ичимлик суви ва канализация тармоқлари

4. Ишчи чизмалар. Техник лойихани деталларга ажратишнинг давоми ҳисобланади ва маълум бир мутахассислар томонидан қурилиш ишларини бажаришда керак бўлади.

Катта бўлмаган аҳоли турар жойлари лойихаси битта босқичда бажарилиши мумкин (колхоз, совхоз, ишчи поселкалари).

Ҳар бир лойиха таркибида қўйидагилар келтирилган бўлиши лозим:

чизма қисмлар

тутуштириш хати

иловалар (ер танлаш ва ажратиш далолатномалари, маҳаллий кенгаш қарори, санитария-эпидемиология назорат марказларининг хулосаси, сув ва бошқа материалларнинг санитар текшириш натижалари).

Лойихалаш ишларининг ҳар бир турлари учун керак бўладиган чизмалар, матнли материаллар ва хужжатлар ҳақидаги маълумотлар тўплами тегишли қўлланмаларда келтириллади.

Лойихани санитар текширишда қўйидаги чизмалар муҳим ҳисобланади:

а) бош лойиха (бош режа)

б) ситуациян режаси (вазиятли режа)

в) лойиханинг тик ва қўндаланг кесмаси

г) мұхандислик жиҳозлари (сув билан таъминланганлик, канализация ва бошқалар).

Аҳоли яшаш жойлари лойихасига санитария баҳо беришнинг минимал қўниқмалари бўлсада, талабаларда ҳосил қилиш учун учта лойихани қўриб чиқиш тавсия этилади.

Топшириқни мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда биринчи лойиха ўқитувчи ёрдамида (шаҳар типидаги аҳоли пункти лойихаси) ўрганилади. Иккинчи лойиха ҳам биринчисига боғлиқ ҳолда ўрганилади. Учинчи

лойиҳани эса (қишлоқ типидаги аҳоли пункти) талабалар мустақил ўрганадилар.

Биринчи машғулотда аҳоли турар жойлари лойиҳаси бутун гуруҳ билан таҳлил қилинади. Намуна учун лойиҳани муқокама қилишда, маълум кетма-кетликдан фойдаланилади ва бу талабаларнинг мустақил равишда лойиҳага баҳо беришларида қўл келади.

Лойиҳани таҳлил қилишни аҳоли турар жойларида шаҳар ҳосил қилувчи омиллар ва уларнинг ривожланишини тушунтиришдан бошлаш керак. Сўнгра қурилиш ва ҳисоблаш давридаги аҳоли сони аниқланади. Туман режасида белгиланган аҳоли пункти лойиҳасининг ўрни ҳамда унга таъсир қиласиган қўшни худудлар ва обьектлар, транспорт, сув манбалари ва бошқаларнинг таъсири аниқлаб олинади. Иқлими, гидрогеологик шароитлар, топографик хусусиятлари ўрганилади.

Бош лойиҳада аҳоли турар жойининг худудини минтақаларга ажратилганлиги, шу минтақаларни турар-жой минтақасига нисбатан жойлаштирилганлигига баҳо берилади.

Турар жой минтақаси ўлчамлари текширилади. Аҳолини майший-коммунал ҳизмат обьектлари билан таъминланганлиги, сув манбасини тўғри танланганлиги, сув сифатини яхшилаш ва уни аҳолига тарқатиш, чиқинди сувларни тозалаш тармоқларининг мавжудлиги, чиқинди сувларни заарсизлантириш услублари, чиқиндиларни тозалаш усуллари ҳақидаги маълумотлар аниқлаб олинади.

Лойиҳани ҳамма қисмлари ўқитувчи назорати остида талабалар томонидан муҳокама қилинади. Аниқланган камчиликларни талабалар қМқ ва Давлат стандартлари, қўлланмалар, қоидаларга ёндошган ҳолда асослаб беришлари керак.

Лойиҳани ўрганиш тегишли шаклдаги кенгайтирилган ҳулоса ёзиш билан якунланади. Талабаларнинг лойиҳа устида мустақил ишлай олишларини текшириш учун, биринчи машғулотда ўзлаштирган кўникмалари сўралади.

Талабалар мустақил ҳолда лойиҳани текшираётганларида тегишли материаллар, қўлланмалар ва маълумотлардан фойдаланишлари мумкин. Мураккаб саволларга жавоб беришда ўқитувчидан маслаҳат сўраш мумкин.

Мустақил ҳолда лойиҳани ўрганиш якунланганда тегишли шаклда ҳулоса тўлдириб, расмийлаштирилади.

Ҳар бир талаба бутун гуруҳ олдида ўз ҳулосасини асослаб бериши мақсадга мувофиқ.

Талабаларнинг учинчи машғулотга тайёргарлигини текширишнинг ўзига ҳослиги шундан иборатки, бунда авалло уларнинг қишлоқ типидаги аҳоли пунктини режалаштириш борас

идаги билимлари тегишли саволлар орқали аниқлаб олинади. Буларга қўйидагилар киради:

- худудни минтақаларга ажратилганлиги;
- йирик чорвачилик комплексларини жойлаштириш;
- сув таъминоти ва санитар тозалашнинг ташкил этилганлиги;

СХМ (санитария ҳимоя майдонлари) чегаралари;
Маиший ва коммунал ҳизматларни ташкил этилганлиги.

Иккинчи ва учинчи лойиҳани талабалар мустақил текширадилар текширишлар тўғагач лойиҳа бўйича ҳулоса ёзадилар ва ҳулосаларини ҳимоя қиладилар.

*Тураг жой кичик туманлари ва мавзелари (квартал)
войиҳаларини санитар баҳолаши*

Машғулотнинг мақсади—талабаларни тураг жой қичик туманларини режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини кўриб чиқиш усуллари ва санитария ҳулосасини тўлдириш усуллари билан таништириш.

Дарс ўтиши жойи-ўқув хонаси.

Назорат учун саволлар.

“Тураг жой кварталлари” (мавзе), “қичик туман” тушунчаларига таъриф беринг.

қичик туман қурилишларининг афзалликлари
қичик туманларнинг (мавзелар) қурилишининг тизими
қичик туман (мавзе) санитария баҳосини беришда қурилишлар фойизи ва аҳоли зичлиги асосий кўрсатгич сифатида.
қичик туманларнинг тураг жой шароитларига улар атрофида жойлашган худуд, обьектларнинг таъсири.

Тураг жой бинолари ва яшиш жойлари қурилиши олиб берилаётган майдонларда инсолициянинг гигиеник аҳамияти.

Замонавий шахарлар кўчаларидаги шовқин даражалари, тураг жой бинолари қурилаётган жойларда шовқиннинг даражасини камайтириш юзасидан режалаштирилаётган чора-тадбирлар.

қичик туман (мавзе)ларни кўкаламзорлаштиришнинг аҳамияти, аҳолининг кундалик дам олиш жойларини барпо этиш.

қичик туман (мавзе)лардаги маиший-ҳизмат кўрсатиши муассасаларининг турлари.

қичик туман (мавзе)ларнинг санитария-техник қулайлик-лари.

Машғулотнинг жиҳозланиши:

Талабаларнинг иш ўринлари:

а) вазиятли режа (ситуацион план);

б) 1:500, 1:1000, 1:2000 масштабда берилган кичик туман (мавзе) режасини, уларда назарда тутилган кўчаларнинг тоифалари ва кутилаётган транспорт оқимлари;

в) яшаш туманлари ёки аҳоли яшаш жойларининг ўрганилаётган қичик туманинг жойлашган ўрни кўрсатилган ҳолатдаги тасвири;

г) инсолияциянинг давомийлигини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб ва уни ишлатиш бўйича йўриқномаси;

д) аҳолининг яшаш жойлари, жамоат бинолари ҳамда турар-жой қурилиш майдонларида шовқиннинг йўл қўйиладиган санитар меъёрлари.

е) хисоблаш йўли билан кўчадаги шовқин даражасини аниқлаш жадвали, транспортлардан ҳосил бўладиган шовқинни режаси ва шаҳарлар қўрилиши воситалари (кўшимча воситалар кўкаламзорлаштириш, химоя бинолари, шовқиндан химояловчи яшаш бинолари) орқали камайтириш;

ж) микронохияни инсолия тасвири.

Машғулотнинг мазмуни

Дастлаб талаба берилган чизмаларни тушуна олиши (тахлил қилиши) ва лойиҳадаги материаллар мазмuni ва ҳажмини аниқлай билиши лозим.

Лойиҳани таҳлил қилишни аҳоли пункти режасидаги қичик туманинг жойлашган ўрнини аниқлашдан бошлаш тавсия этилади. Бу эса ўз навбатида унга яқин жойлашган жойларнинг салбий таъсирлари ва гигиеник жиҳатдан зарарли бўлган обьектларнинг (атмосфера ҳавоси, тупроқ, сувларни ифлослантирувчи ҳамда юқори шовқин ҳосил қилувчи) таъсирларини, шунингдек микронохиянинг шаҳарни бошқа худудлар билан алоқасини, иш жойлари ва дам олиш жойлари билан ҳам алоқасини ўрганишга имокният яратади. Таҳлил қилинаётган микротуманинг аҳоли яшаш жойлари учун аҳамиятини кўрсатиш муҳим (мазкур худудда туман ва шахар миқёсидаги майший-хизмат муассасаларининг мавжудлиги).

Агар маълумотлар берилган бўлса қуйидагилар аниқланади: тупроқни тавсилоти, ер ости сувларининг туриш даражаси ва ёмғир ҳамда оқава сувларни шу қичик туман худудидан оқиб ўтиши.

Тик режалаштириш ва ҳудуддаги мухандислик ишларига тайёргарликларни ўрганиш орқали гигиеник баҳо берилади.

Кейин қичик туманинг ўлчамлари, аҳоли сони ва 1 гектар майдонга тўғри келадиган зичлиги, биноларнинг қаватлари аниқланади. қурилиш тизими, бинолар ориентацияси ва шовқинларни ютувчи маҳсус бинолар конструкциялари аниқланади.

қичик тумани санитария баҳолаш учун унинг атрофини ўраб турган кўчалар ҳамда теварагидаги қурилишлардан ҳосил бўладиган шовқиннинг даражасини хисоблаш, лойиҳада транспортлардан ҳосил

бўладиган шовқинларни санитария меъёрлари даражасида камайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўзда тутилганлигини аниqlаш лозим.

Кичик туманни ўраб турган кўчалардаги кутилаётган шовқин даражасини жадвал ва графиклар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш орқали аниqlанади. Бунда кўчада ҳаракатланадиган транспорт воситаларининг оқими ва тавсилоти ҳисобга олинади.

куришишлар бўлаётган худуддаги шовқин даражасини ҳисобланаётганда кўчалардаги шовқин даражасини пасайтирувчи маҳсус тадбирларни ҳисобга олиш керак, яъни булар қуйидагилардир: уй-жойларни магистрал йўллардан узоқроқ жойлаштириш, магистралларнинг серқатнов қисмлари ва қурилиш линияларида яшаш учун мўлжалланмаган ҳимояловчи бинолар мавжудлиги ёки шовқиндан ҳимояловчи дарахтзорлар, шовқин ўтказмайдиган турар жой биноларининг қўлланилганлиги.

Худудда ва бинолардаги инсолиция шароитларини таҳлил қилиш ҳисоб-китоб ва график усуллари орқали бажарилади. Бунда асосий эътиборни болалар муассасаларидаги сайр қилиш майдончалари ва аҳоли яшаш жойларидаги дам олиш майдонларига қаратиш керак.

Кичик туман аҳолисини майший ҳизмат муассасалари билан таъминланганлиги, транспорт бекатларига ва турли ҳизмат кўрсатиши объектларига олиб борувчи пиёдалар йўлакларининг мавжудлиги ҳамда яқинлигига эътибор бериш керак. Шунингдек кўкаламзорлаштириш тавсилоти, қичик туман кўкаламзор майдонини аҳоли пунктининг йирик кўкаламзор мавзелари билан алоқасига баҳо бериш лозим; кичик туман худудида аҳолининг кундалик дам олишлари учун жой ташкил этилганлиги ва мавжудлигини аниqlаш керак.

Ҳулосалашда сув билан таъминланганлик, канализация ва санитар тозалаш ишларининг ташкиллаштирилганлигига баҳо берилади.

Дарс юзасидан баҳолаш (синов) учун шу лойиха бўйича талаба томонидан ёзилган ҳулоса асос бўлиб ҳизмат ҳилади.

Кичик туман лойиҳасини ва қурилишини санитария баҳолаш усуллари

Машғулотнинг мақсади–войиҳани таҳлил қилиш орқали талабалар билимини мустаҳкамлаш ва уларни кичик туман қурилишини гигиеник баҳолаш мезонлари билан таништириш.

Машғулотнинг жиҳозланиши

а) Кичик туман лойиҳаси (масштаб 1:500 ва 1:2000) асосий ҳолатлари билан;

- б) магистрал йўлларда транспорт шовқинларини ҳисоблаш жадвали;
- в) шовқин ўлчагич (шумомер);
- г) секундомер.

Кичик туманни 1:2000 масштабли лойиҳасини ва жадвални, улардан фойдаланиш қулай бўлиши учун қалин картонга ёпиштириб қўйиш тавсия этилади.

Mашғулотнинг мазмуни

Машғулотни лойиҳаси ўрганилган кичик туманда олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Агар машғулот бошқа жойда ўтилса, бу жойнинг асосий хусусиятлари билан таништириб ўтилади (1:500 масштабли лойиҳадан фойдаланиш орқали).

Бунинг учун шу қичик туманни текшириш йўналиши, асосий саволлар, аниқланиши зарур бўлган маълумотлар, текшириладиган объект белгилаб олинади.

Бундан ташқари шовқин даражасини ўлчов-асбоблари ва ҳисобкитоб усули билан аниқлаш учун алоҳида кўча намума сифатида танлаб олинади.

Кичик туман ҳудудида 1:2000 масштабда бош лойиҳада келтирилган маълумотлар аниқлаб олиниши лозим. Кичик тумандаги қурилишларни санитар текшириш дастлаб белгилаб олинган йўналиш бўйлаб олиб борилади. Бу ишда даставвал қўшни қурилиш майдончасидаги объектларнинг текширилаётган майдонгача салбий таъсир қилувчи хусусиятлари аниқлаб олинади.

Шу қичик туманга туташган магистралларда уларнинг шовқин тавсилоти (ўтадиган транспорт тури ва миқдори), магистралга туташ бинолар, магистралдан қанча масофада аҳоли яшаш бинолари, болалар муассасалари борлиги хамда аҳолини шовқиндан ва чиқинди газлардан ҳимоя қилиш учун маҳсус, режали равишда тадбирлар қўлланилганлиги аниқланади.

Талабалар қўйидагилар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак:

- ложиҳани хаётга қандай тадбиқ қилинганлиги;
- қурилишни санитария меъёrlарига мос ҳолда олиб борилаётганлиги;
- худудни шамоллатиш қандай ташкил этилганлиги;
- елvizak ва ҳавони заарарли газлар билан ифлосланган ҳаво бассейнлари ҳосил бўлиши ҳақида огоҳлантиришлар.

Кичик туман худудидаги болалар муассасаларига, маданий-маиший ва коммунал объектларга, кўкаламзорлаштириш хусусиятларига, катталар ва болаларнинг кундалиқ дам олишлари учун жойлар ташкил этилганлигига, жисмоний тарбия ва спорт майдонларига саниатр-гигиеник баҳо берилади.

Кичик туманни текширишни магистраллар ва қурилиш чегараларида шовқин даражасини инструментал ва ҳисоб-китоб йўли билан аниқлаш орқали якунлаш мақсадга мувофиқ. Талабалар қурилишнинг биринчи кенглигидан 7 м узоқликда шовқин ўлчов асбоби (шумомер) ёрдамида шовқин даражасини ўлчашади. Бундан ташқари 30 ёки 15 минут давомида икки йўналишдаги машиналар сони аниқланади. Бунда дизель машиналари, юк машиналари, жамоа транспортлари ва енгил машиналар алоҳида ҳисобланади.

Транспортларнинг ўртача тезлиги ҳақидаги маълумотлар ЙПХ ходимларидан олинади ёки автомобильни 50 метр масофани босиб ўтган вақтини аниқлаб, унинг тезлигини соатга айлантириб ҳисобланади. Натижалардан шовқин даражасини ҳисоб-китоб йўли билан аниқлаш учун фойдаланилади.

Ҳисоб-китоб натижалари шовқин ўлчагич асбобнинг кўрсатгичлари билан таққосланади.

Текширилган кичик туман ҳақида талабалар қисқача санитар ҳулосасини ёзма равишда баён этадилар ва шунга кўра баҳоланадилар.

Янги қурилаётган объектларни санитария

текширувидан ўтказиши усуллари

Машғулотнинг мақсади–талабаларни янги қурилишларнинг бошланғич даврларидаги жараёнларда қурилиш майдончасини мухандислик ишларига тайёрлаш, тураг жой бинолари ва майший-хизмат кўрсатиш муассасаларини қурилиши ва бу қурилишларнинг яқин атрофда яшовчи қўшни аҳолига ножӯя таъсири, қурувчилар учун яратилган санитария-маиший шароитлар ва қурилишларда орттириладиган жароҳатланиш ҳолатларини олдини олишда огоҳлантирувчи санитария назоратини ўтказиш усуллари билан таништириш.

Дарс ўташ жойи-машғулот бевосита қурилиш майдончасида олиб борилади.

Назорат учун саволлар:

Огоҳлантирувчи санитария назорати босқичлари

Бинолар ва иншоотларни қурилиши жараёнида ОСНнинг вазифалари

ОСН биринчи босқичи

Бино ва иншоотлар қурилишининг кейинги босқичларида ОСН қурилиш майдонларини мувофиқлаштириш чоралари ва уларнинг санитария жиҳатдан аҳамияти

қурилиш майдонида санитар-маиший биноларнинг таркиби, тузилиши ва жиҳозланганлиги

қурилиш майдонини сифатли ичимлик суви билан тамиллашга бўлган санитар гигиеник талаблар.

Машғулотнинг жиҳозланиши:

Бош лойиҳа 1:1000 ёки 1:2000 масштабли, асосий маълумотлари билан; ер ости қатламлараро жойлашган сувларни кўтарилиш даражаси ва уни пасайтириш чоралари ҳақида маълумотлар, мухандислик-коммунациялари ва тармоқлари (ичимлик сув, иситиш ва иссиқ сув таъминоти тармоқлари, канализация) нинг тизимлари; тураг-жой ва жамоа биноларининг алоҳида қурилиш ва қисмларини чизмалари. Ҳамма чизмаларни қалин картонга ёпишириб, ишлатиш қулай бўлиши учун папкага солиб қўйилади.

Машғулот мазмуни

қурилиш майдонига чиқишдан олдин янги қурилишнинг асосий ҳолати ва текшириш йўналишлари белгилаб олинади. қурилиш майдонини текширишда грунтларнинг санитария тавсилотномасига, геологик тузилишига, дренаж тизимларини жойлашганлиги, мухандислик коммуникация ва тармоқлари (сув тармоғи, канализация, иссиқлик билан таъминлиш) билан таъминланиши. Иссиқдан ва сувдан қандай ҳимояланганлик ва бунга қандай эришилганлиги, тўла ёпиқлиги, сув тармоғи ва канализация тармоқларини коррозиядан ҳимоялаш усуллари ва уларга бўлган санитар-гигиеник талаблар ойдинлаштириб олинади. Ташқи инженерлик тармоқларидаги гидроизоляция сифатига ишонч ҳосил қилиш керак. Гидроизоляция сифатсиз бажарилганда қудуқлар грунт сувлари ва ёғингарчилик сувлари манбаига айланиб қолиши мумкин. Канализация қудуқлари гидроизоляциялари сифатсиз бўлса тупроқни ва грунт сувларни ифлословчи маънба бўлиб қолади.

ОСН нинг биринчи босқичи давомида талабаларга фундамент, ертўладаги хоналарни гидроизоляциялаш усуллари, цокол қаватининг тузилиши ва нима мақсадда ишлатилишини тушунтириб бериш керак.

Бинонинг бу қисмларида гидроизоляция айниқса грунт сувларининг ҳархил жойлашишларида айниқса катта аҳамият касб этади.

Янги қурилиш жойларида тикланаётган биноларни санитар текширувдан ўтказиш чоғида (бинонинг ғиштдан ёки катта панеллардан қурилаётганини қараб) талабларнинг эътиборини ғиштларнинг терилиш сифатига, панеллар орасига қўйилаётган чокларнинг маҳкамлигига, деворлар ва ёғоч конструкцияларни гидроизоляциясига (сув тушишидан ҳимояланганлигига), ошхоналар, ҳожатхоналар, жамоатчилик бинолари майший ҳизмат кўрсатиш муассасаларида ҳаво алмашинувини кучайтирувчи мосламалар ўрнатилганлиги ва бошқаларга жалб қилиш лозим. Санитар-техник асбоб-ускуналарнинг хоналарда тўғри жойлаштирилганлигини кўрсатиш, полларнинг тўғри қоқилганлигига аҳамият бериш керак.

Аҳолини шовқиндан ҳимоя қилувчи чора-тадбирларни бажарилганлигини текширишда асосий эътиборни магистрал йўлга яқин турар жой биноларининг товушдан ҳимоялаш тузилмаларига қаратилади. Шифт ва деворларни ҳам эътибордан қолдирмаслик керак. Чунки девор ва шифтлар нафақат эстетик, балки психологияк аҳамиятга ҳам эга.

Талабалар “яширин” ишлар ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлишлари керак. Чунки бу ишларни бино қурилиши тугагач сифатини текшириш жуда қийин бўлади (гидро-, товуш- ва пароизоляциялаш, панеллар монтажи, вентиляцион тармоқлар, полларнинг қопламалари). Булар устидан техник назорат ўтказилиши керак “Яширин” иш натижалари далолатномага қайд қилинади. Буларни сифатини баҳолаш учун шубҳа тугдирувчи бирон бир жойини очиб кўриши мумкин.

Янги қурилишни кўздан кечириш вақтида қурувчиларни шахсий гигиенаси ва майший эҳтиёжлари учун мўлжалланган санитар-майший биноларни таркиби, тузилмалари ва жиҳозланишига эътибор берилади.

Талабаларни диққат эътиборини қурувчилар меҳнатини ҳимоя қилиш ва қурилишни аҳолига салбий таъсирини олдини олиш тадбирларига қаратиш лозим. Асосий эътиборни чанг чиқарувчи қурилиш материаллари (кум, оҳак, цемент)ни ташилиши ва шу ерда тайёрланадиган материаллар (сакич, асфальт, бетон) тайёрлаш жараёнини назорат қилишга қаратиш керак.

Бу текширишлардан сўнг талабалар санитар врачнинг янги қурилишда шу қурилиш обьекти битгунича бир неча марта текшириш ўтказиши лозим эканлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Янги қурилишни санитар текшириш натижасида далолатнома тузилиб, унда мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилади ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилади.

Бу баҳо (синов) олиш учун ҳизмат қиласди.

Транспорт воситаларидан ҳосил бўладиган шовқиннинг санитария тавсилоти

Машғулотнинг маҳсади–огохлантирувчи ва жорий санитария назорати босқичларида талабаларга транспортлардан ҳосил бўлувчи шовқинларни аниқлашни ўргатиш.

Дарс ўтиши жойи-ўқув хонаси.

Назорат учун саволлар:

- 34) Физик ва физиологик нүктаи назаридан шовқин ҳақида тушунча.
- 35) Шовкин товишни характерловчи асосий кўрсатгичлари, уларнинг физик ва физиологик аҳамияти
- 36) Товушнинг кучи ёки товуш босими ҳақида тушунча
- 37) Товуш баландлиги даражаси ҳақида тушунча
- 38) Очиқ майдонларда ва ёпиқ хоналарда товушнинг тарқалиши хусусиятлари
- 39) Товуш сояси ҳақида тушунча
- 40) Шахардаги шовқиннинг асосий манбалари.
- 41) Шахар шовқинининг аҳолига таъсири
- 42) Яшаш жойлари курилиши майдонларида ва яшаш хоналарида шовқинни санитар меъёрлаш тамоиллари
- 43) Тураг жойларда ва яшаш хоналарида ва транспорт шовқинини камайтириш бўйича қилинадиган асосий чора-тадбирлар

Дарснинг жиҳозланиши

Шовқин ўлчагич асбоблар (шумомер), рулеткалар, соатлар, қалин-қаттиқ қофоз, фанердан қилинган планшетлар, қаламлар, чизғичлар шовқин ўлчагич асбоблардан фойдаланиш учун қўлланмалар, йўл қўйиладиган шовқиннинг санитария меъёрлари.

Жадваллар:

- а) товуш тўлқинлари ҳосил бўлишининг чизмаси
- б) товуш сояси ҳосил бўлиши чизмаси
- в) товуш ёки товуш босими (интенсивлиги) кучининг даражаси логарифмик жадвали
- г) товуш даражаси эквивалентини ҳисоблаш учун номограмма
- д) магистраллардаги шовқин даражасини ҳисоблаш орқали аниқлаш
- е) режаланган шовқиннинг тарқалиш шароитларига тузатишлар

Машғулотнинг мазмуни

Овоз бу бирор қаттиқ мухитни қайталаниб олға интилевчи тебраниши ва эшлишини сездирадиган ҳоссасидир.

Шовқин деганда бирор қаттиқ тананинг тебранма ҳаракати оқибатида овозли тўлқинларни келтириб чиқариши тушунилади.

Шовқин деганда шуни тушиниш керакки, қар қандай ёқимсиз овоз еки овозлар аралашмаси бўлиб, организмга ноҳуш таъсир кўрсатади.

Одамларнинг қай ҳолатда овозларни қабул қилишига қараб, шовқинга ҳар қандай товушни, ҳаттоқи мусиқани ҳам, мисол қилиб кўрсатишмиз мумкин агарки шу вақтда улар кишиларнинг ухлаши, дам олиши ёки ишлашларига ҳалал бергудек бўлса.

Физик жиҳатдан қаралганда шовқин ўзининг тебранувчи қисми ва овоз босимининг ҳажми ёки овоз кучи (интенсивлиги) билан, физиологик жиҳатдан қаралганда эса шовқин-овознинг баландлиги ва қаттиқлиги билан характерланади.

Товушнинг тебраниш тўлқинлари Герцларда (Γ) ўлчанади, яъни бу 1 сек вақт ичидаги бўладиган тебранишлар сонидир.

Одамларнинг эшитиш органи овоз кучи ёки овоз босимининг абсолют кўрсатгичларининг хар хал эканлигини эмас, балки уларнинг ўзгариш тартибини ажратади. Шунинг учун товуш (шовқин)ни ҳосил қилинаётган товуш босимининг абсолют кўрсатгичларида эмас, балки шартли нояга тенг деб қабул қилинган унинг даражасига нисбатан баҳолаш қабул қилинган. Бу миқдорнинг катталиги сифатида, яъни эшитиш бўсағаси (P_0) деб товуш босими частотаси 1000 Гц тенг ёки $2 \cdot 10^{-5}$ н·м² (Ньютон метр квадратига) га тенг катталик қабул қилинган.

Товуш кучи даражаси логарифмик шкала бўйича баҳоланади. Бунда инсоннинг эшита оладиган товуш кучи даражасидан то оғриқ ҳосил қиласидан бўсағасига етгунича 13,14 босқичга бўлинади, булардан ҳар бири олдингисига солиштирилганида товуш кучининг 10 марта ортиб борганини кўрсатади. Товуш кучининг бундай 10 марта ўзгаришини бел деб аташ қабул қилинган.

Амалиётида товуш кучи (шовқин)ни ёки товуш босими баҳолашда децибел (dB) деб аталувчи катталикдан фойдаланилади. Бу катталик бел га нисбатан 10 марта кам ва физиологик жиҳатлан олинганда товуш қаттиқлигининг ўзгаришларини ҳам ҳарактерлайди.

Буларга жавобан барча товуш кучи даражалари ёки товуш босимининг логарифмик шкаласи Одан (эшитиш бўсағасидан) 130,140 dB (оғриқ ҳосил қилувчи бўсаға)ни ташкил этади.

Товуш босими даражаси (L) қуйидаги тенгламада ифодаланади:

Бунда, P – яратилаётган товуш босими, н·м²

P_0 – эшитиш бўсағасидаги товуш босими, $2 \cdot 10^{-5}$ н·м²

Шовқинни шартли равишда паст, ўрта ва юқори частотали холларга бўладилар. Бир хилдаги товуш босимида организмга заарли таъсир кўрсатувчи шовқинлар кўпроқ юқори частоталилари бўлади, яъни энг юқорилари.

Бошқа шундай бир хил шароитларда бундай товушлар жуда қаттиқ овозлар сифатида қабул қилинади.

Қабул қилиниш даражасига кўра шовқин товушнинг қаттиқлик даражаси билан ифолаланади ва фон деб баҳоланади. Бунда ҳар қандай шовқиннинг қаттиқлик даражаси (фонларда) деганда тоза овоз кучи

даражасининг (тонн) частотаси 1000 Гц (децибелларда) бўлганда чакирадиган ҳисслари тушунилади.

Овоз (товуш) босимининг вақтлар оралиғида ўзгариш характерига қараб шовқинлар доимий ва доимий бўлмаган ҳилларга бўлинади. Доимий шовқинларга вақтлар оралиғида товуш босимининг 5 дБ дан кам ўзгарган ҳиллари киради.

Доимий бўлмаган ҳилларига эса 5 дБдан қупроқ ўзгарадиган шовқинлар киради. Транспорт шовқинлари доимий бўлмаган ҳилларига киради.

Шаҳар магистралларида транспортлардан ҳосил бўладиган шовқиннинг даражасини аниқлаш учун ўлчов асбоблари ва ҳисоб-китоб усуllibаридан фойдаланилади. Тегишли топшириқларни бажара бориб, талабалар ўзларида бу усуllibардан фойдаланишининг маълум бир кўникмаларини ҳосил қиласди.

Биринчи машғулотда талабалар шовқиннинг йўл қўйиладиган санитар меъёри, шовқин ўлчагич асбобларнинг тузилиши ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари, транспорт шовқинларини инструментал ўлчаш ва унинг даражасини ҳисоб-китоб усулида аниқлаш кабилар билан танишадилар.

Иккинчи машғулотда талабалар транспортлардан ҳосил бўладиган шовқинларни табиий шароитда турар жой бинолари атрофидаги йўлкалардан 7,5; 15; 30 метр оралиқда мустақил равишда ўлчайдилар, шунинг билан бир қаторда бу шовқинларни ҳисоб-китоб йўли билан аниқлаш учун керакли маълумотлар тўплайдилар.

Учинчи машғулот ўлчов асбоблари ёрдамида ўлчашларда аниқланган шовқин ва унинг ҳисоб-китоблардаги даражасини таҳлил қилиш учун ажратилади. Машғулот якунида утказилган текширишлар натижасида аниқланган ва ҳисоб-китоб қилинган шовқин ҳақида санитар ҳulosаси тузилади ва унда соғломлаштирувчи чора-тадбирлар юзасидан тавсиялар берилади.

Шовқин даражаси шовқин ўлчагич асбоб (шумомер)ларда ўлчанади. Унинг частотаси характерлари шумоанализаторлар воситасида аниқланади. Яшаш жойлари қурилиш худуди, жамоат биноларида шовқинга гигиеник баҳо беришда шумоанализаторларсиз асбоблардан фойдаланишга руҳсат этилади. Бундай вазиятларда шовқиннинг кучи даражасини ёки унинг босимини ўлчаш (шумомер) шовқин ўлчагич асбобнинг частота харакети “А” га асосан (ДБА) ўлчанади, яъни инсоннинг шовқинни қабул қила оладиган физиологик хусусиятларига яқинлаштирилган холда ўлчанади.

Шумомерларнинг ишлаш тартиби қўйидагича:

қабул қилувчи (микрофон) орқали қабул қилинган товуш тўлқинлари, электр кучланишига айлантирилади ва у кучайтирувчи қурилма орқали кучайтирилади, тўғриланади кейин эса ўлчагич асбоб (голванометр) орқали кўрсатилади.

Анча йиллар олдин ишлаб чиқарилганлигига қарамай ҳозирда ҳам кенг тарқалган шовқин ўлчагич асбоб Ш-ЗМ деб аталадиган хилидир. У

шовқин кучининг 25 дБ дан 130 дБ гача бўлган даражасини ўлчай олади. Бу асбоб электр токига уланмасдан ҳам мустақил ишлай олади.

Бунда унинг қувват манбайи вазифасини анодли қуруқ батареялар (98 В) ёки накалли батареялар (1,5 В) ўтайди. Улар шумомернинг остки қисмига жойлаширилади. Микрофон ўзининг сими (кабели) билан шумомернинг қопқоқ қисмидаги қолдирилган махсус жойга ўрнаштирилади. Шумомер билан шовқинни ўлчаш вақтида микрофон шумомер панелига ўрнаштириб қўйилади ёки қўлда тутиб турилади.

Устки напелда қуйидагилар жойлашган: микрофонни (2) ишга тушириш учун махсус ўйик мосламаси (1) (разем), сезирлик дарражасини ўзгартирувчи (3), характеристика ўзгартирувчи (4), қувват манбаи ўчиргичи (5), кучланишни бошқариб турувчи маслама, “тез-секин” тарзида доимий вақтни ўзнатириб турувчи переключател (7), стрелкали қўрсатгич (8), -5, +10 дБ шкаласи билан; клеммалар (9) – шовқин анализаторларини ишга тушириш учун.

Ш-3 шовқин ўлчагич асбобни ишга тайёрлаш.

1. Батареяларни ўрнатиш: устки қопқоқни олмаган ҳолда асбобни тўнкариб, столга қўйилади, остки қопқоқ винти ечилади, ҳамда батареяларни ўрнатиш учун қўйиладиган махсус мослама олинади ва унга батареялар ўрнаштирилади. Шундан сўнг мослама яна ўз жойига қўйилиб, ечиб олинган винт ҳам ўз ўрнига қайта маҳкамланади.

2. Батареяларнинг созлигини текшириш: токни улаб, ўчиргич мосламани “Ёник” ҳолатига ўтказилади, характеристика ўзгартирувчи эса анодли кучланиш бор-йўқлигини билиш мақсадида “Ан” ҳолатига қўйилади, кейин эса уни “Чўғланма” (“Нак”) ҳолатига чўғланма кучланиш бор-йўқлигини текшириш учун ўтказилади. Иккала ҳолатда ҳам батареялар соз ҳолатда бўлса, қўрсатиш стрелкаси қизил секторли шкала тарафга ёки ундан сал ўнгроқقا қараб оғади. Агарда стрелка қўрсатгичи қизил секторгача етмаса, демак батареялар носоз ҳолатда (хизматини ўтаб бўлган), уларни алмаштириш лозим бўлади. Батареялар текширилгач асбобни ўчириб қўйиш лозим.

3. Асбобнинг калиброкасини текшириш:

Характерини ўзгартирувчи “С” ҳолатига қўйиш асбобларни ишга тушириш ва шовқин даражасини ўзгартирувчи “Калиброка” ҳолатига ўтқазиш. Кўрсатгич стрелкаси бунда яшил секторли шкала тарафга ўрнатилади. Агарда стрелка бу ҳолатдан оғса, яъни яшил тарафда турмаса, унда кучланишни созлигига қалпоқчасини ечиб олинади ва уни ўқи атрофида айлантириб стрелкани яшил секторга қўйилади. Ечилган қалпоқча ўз ўрнига ўрнатилади, асбоб ўчириб қўйилади.

4. Микрофон асбоб қопқофининг ички тарафидаги жойидан чиқариб олинади, микрофон тутгичи винт орқали қопқоқ ўстидаги жойга маҳкамланади, микрофон сими (кабели) эса махсус ўйикка уланади.

Шовқинни ўлчаш (Ш-3М асбобида). Асбобни микрофони ёқилған ҳолатда шовқинни ўлчаш лозим бўлган жойга олиб бориш. Доимий вақт

ўзгартиравчи “Тез” ишлаш ҳолатига, характеристика (переключателини) ёқгичини эса “А” ҳолатига ўтқазиш. Асбобни ишга тушириш микрофонни шовқин келаётган манбаси тарифга йўналтириш ва стрелка қўрсатгичини кузатиб тўриш. Агарда стрелка шкаладаги нол қўрсатгичдан чапроққа оғса унда сезирлик даражаси переключателини пастроқ қўрсатгич томонга, агар ўнг тарафга шкаладаги белгиланган белгидан ҳам ўтиб кетса-унда переключатель юқорироқ қўрсатгич томонга ўтказилади.

Шумомер қўрсатгичларини ҳисоблашда стрелка қўрсатган қўрсатгичлари ва сезирлик даражаси индекслари қўшилади ёки стрелка қўрсатгичлари нолдан чап тарафда жойлашган бўлса уларни айриш орқали ҳисобланади.

Масалан: Сезирлик даражаси переключателини 60 дБ га мослаб қўйилган дейлик, стрелка қўрсатгичи шкалада 4 да турибди, бу ҳолатда ўлчанганди шовқинкинг даражаси $60 \times 4 = 240$ дБ ни ташқил қиласди.

Сезирлик даражаси переключатели шундай қўйиш керакки, бунда стрелка қўрсатгичи нолдан ўнгроқда турсин.

Стрелканинг нолдан чап тарафдаги қўрсатгичларидан шовқин даражаси 30 дБ дан пастроқ бўлганда фойдаланиш тавсия этилади.

Шовқинни доимий бўлган ҳолларда ҳисоблаш ишлари стрелка қўрсатгичининг ўртачасини олган ҳолда бажарилади, бунинг сабаби стрелка қўрсатличларининг турли томонга оғиб ўзгариб туришидадир. Ҳар бир ўлчаш З мартадан кам қайтаришмайди.

Транспортлардан ҳосил бўладиган (доимий бўлмаган) шовқинни ўлчаш транспорт қатновининг энг кўп бўладиган (соатига 500 та машина) вақтда 30 дақиқа ичидаги олиб борилади.

Агарда транспорт қатнови 500 дан 1000 тагача ортадиган бўлса, ўлчаш вақтини 20 дақиқагача қисқартириш мумкин, 1000 тадан ҳам ортиб кетган ҳолларда эса-ўлчаш вақтини 10 дақлҶагача қисқартириш мумкин.

Шумомер қўрсатгичини ҳар секундда ёки ҳар икки секундда олиб турилади. Бу эса ўз навбатида 30-дақиқатик ўлчашда 1800 ёки 900 та қўрсатгич деганидир. Кўрсатгичлар асбоб стрелкасининг 0 (нол) белчидан энг юқори оғиши бўйича олиб ҳисобланади.

Шовқинни ўлчаш ер юзасидан 1,2 метр баландликда олиб борилади. Шумомер микрофони шовқин келаётган манбаа томонга йўналтирилган бўлиши ва ўлчаш ишларини олиб бораётган одамдан 0,5 метр узоқликда тутиб турилиши лозим.

Шунинг учун ҳам микрофонни шумомерга улашда, унинг учун ажратилган сими (кабели) дан фойдаланиб улаш мақсадга мувофиқдир. Ўлчаш ишларини уч кишилашиб бажарган мақул: биринчи киши микрофони тутиб туради, иккинчиси-асбобни ушлаб туради ва стрелка қўрсатгичларини санаб туради, учинчи киши эса-қўрсатгичларни ёзиб боради.

Шамолнинг тезлиги 1 м.сек дан ортиқ бўлган ҳолатларда шовқинни ўлчашда маҳсус шамолга қарши масламалардан фойдаланиш лозим.

Санитария меъёrlарига асосан транспорт шовқинини баҳолашда товуш даражасининг ДБАларда ўлчанганди эквивалент қийматлари ҳисобга олинади.

Товушнинг эквивалент даражаси ($L_{экв}$) қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

Бунда: $L_i - I$ синфига мансуб бўлган ва ДБА ларда ифодаланган товушнинг ўртача даражаси

f_i –умумий ўлчаш вақтининг % ларда ифодаланган ва i синфига мансуб шовқиннинг таъсир қилиш вақти

i –нинг мос келувчи синфлари ўлчангандан шовқин даражасини қисмларга (участкаларга) бўлиш орқали аниқланади ва ҳар бири орасидаги фарқ 5 ДБА ни ташкил этади, ҳамда қуйидаги чегараларда бўлади: 28-32, 33-37, 38-42, 43-47, 48-52, 53-57, 58-62, 63-67, 68-72, 73-77, 78-82 ДБА ва х.к.

Товушнинг эквивалент даражасини соддалаштириш усулида ҳисоблаш шовқин даражаси энг юқори бўлган вақтдаги ДБА ифодаланган 30 дақиқалик ўлчаш ишларидан олинган натижаларга асосланиб олиб борилади.

Шумомер шкаласидаги кўрсатгичларни қайд қилиб бориш 1 ёки 2 секундлик оралиқда ўтказилади. Протоколга ёзиш хам одатдаги холлардагидек олиб борилади. Олинган натижаларни тахлил қилишда товушнинг ўлчангандан даражалари юқорида кўрсатиб ўтилган чегараларда синфларга бўлинади ва қуйидаги шаклда 37-жадвалга тўлдирилади.

Жадвал 37

Транспортлардан ҳосил бўладиган шовқинни ўлчаш натижалари

Ўлчаш ўтказилган жойлар _____

Сана “___” 200___ й.

Вақти: бошланди ____ соат ____ мин.

Тугади ____ соат ____ мин.

Ўлчаш учун умумий вақт 30 дақиқа

Синф №	Синф чегаралади, ДБА	Синфдаги товуш даражасининг саналган миқдори	Товуш даражасининг таъсир этиш вақти, %	Частота индекси
1			
2				
3				
Жами:			100	

Ҳисоблаш тартиби: 1. Ҳар бир синфдан олинган товуш даражасининг саналган миқдори ҳамда уларни олиш учун кетган вақт

оралиғини эътиборга олган ҳолда 22 жадвал бўйича тегишли синфга мансуб бўлган ва % ларда ифодаланган шовқиннинг таъсир қилиш вақти аниқланади ва 37-жадвалга натижалари ёзилади.

Жадвал 38

Товуш даражасини (уларнинг тегишлича синфларига мос равища (%) ларда) таъсир қилиш вақтини содделаштириш усулида аниқлаш жадвали

Товуш даражасини оралиқлардаги саналган миқдори		Товуш даражасининг таъсир вақти синфларда, %
1 сек	2 сек	
0	0	0
2	1	0,1
4	2	0,2

2. Кузатилаётган товушнинг таъсир қилиш вақтича ва синф рақамига кўра 39-жадвалдан хусусий (тегишли) индекслар аниқланади, сўнгра улар ҳам тегишли равища 39 жадвалга олинади.

39 жадвал

Тегишли индексларни топиш жадвали

Товуш даражасининг таъсир қилиш вақти, %	Синфлар номери				
	2	3	4	...	11
	Тегишли индекслар				
0	0	0			0

Бунда товуш даражасининг минимал кўрсаткичли синфлари № 2 синф деб қабул қилинади. Тегишли индексларнинг олинган қийматлари кўшилади.

3. Тегишли (хусусий) индексларнинг натижаларини эътиборга олган ҳолда номограммадан Ўнинг ДБА даги қийматлари аниқланади.

4. Товушнинг эквивалент даражаси қуйидаги тенглама бўйича аниқланади

бунда L_0 – товуш даражасининг № 2 синфга мансуб пастки чегараси, дБА

Соддалаштирилган ҳисоблашга мисол:

Яшаш жойлари қурилаётган қурилишларга ҳам кириб келаётган (эшитиладиган) транспорт шовкинига санитария баҳоси беринг. Ўлчаш ишлари кум-тошли қоплама билан қилинган транспорт магистралларидан 50 метр масофада жойлашган турар жой биносининг хоналарида (деразалар очиқ ҳолда) ўтказилди.

Овозларни қайд қилиб бориш А шкала бўйича қуннинг энг сершовқин бўлган вақтидаги 30 дақиқаси ичида (соат 16.00 дан 16.30 гача) бажарилди, оралиқ вақти эса 1 сек. га тенг бўлди.

Товушнинг минимал даражаси 34 дБА ни, максимал даражаси эса 76 дБА ташкил этди.

Хаммаси бўлиб 1800 марта саналди.

Ҳисоблаш:

1. Товушнинг ўлчангандаралари диапазони синфларга бўлинади № 2 синф деб ўлчангандаруш даражасининг энг кичик, яъни минимал даражаси (34 дБА), қабул қилинади. Бу ҳолда ушбу синфнинг чегаралари бўлиб товуш даражасининг 33 ва 37 дБА ларга тенг қийматлари ҳизмат қиласи. Товуш даражасининг максимал қиймати, яъни 76 дБА № 10 синфга тўғри келади. Унинг чегараларини эса 73-77 дБА ташкил этади.

2. 21 жадвалнинг паспорт қисми тўлдирилади ва топилган қийматлар тегишли графаларига ёзилади:

3. Ҳар бир синфга тегишли бўлган товуш даражасининг саналган миқдорлари ҳам жадвалнинг тегишли устунига ёзилади.

4. Ҳар бир синфлардаги (№ 2 дан № 10 гача) товуш даражаларининг саналган қийматлари ҳамда улар орасидаги интервални (бу ерда вақт 1 сек) ҳисобга олиб, 22-жадвалдан тегишли синфларга мансуб бўлган товуш даражасининг таъсир қилиш вақти (%ларда) аниқланади ва улар ҳам 21 жадвалнинг тегишли устунига тўлдирилади.

Эслатма: Агарда товуш даражасининг саналган миқдори 22 жадвалдаги миқдорлардан фарқ қилгудек бўлса, бунда энг яқин турган жадвалдаги қийматга асосланилади, янада аниқлаштириш учун эса ҳисоб-китобга мурожат қилиш лозим бўлади.

Масалан: 300 та саноқ бажарилган, жадвалдаги энг яқин қиймат эса-288 ни ташкил этади ҳамда бу 16% га тўғри келади.

300 та саноқ қиймати учун эса % қиймати

ташкил қиласи.

5. Тегишли синфларнинг (%) ларда) топилган товушларнинг таъсир вақти ва синф номерларини эътиборга олиб хусусий индекслар аниқланади ва улар ҳам жадвалнинг охирги устунига кўчарилади.

6. Тегишли (хусусий) индекслар йиғиндиси топилади. Бизнинг мисолимизда бўйимат 4303 ни ташкил этади.

7. 4303 га тенг бўлган хусусий индекслар йиғиндиси учун номограммада L нинг қиймати аниқланади ва L=28,5 дБА га тенг бўлади.

8. Товшунинг қидирилаётган эквивалент даражаси аниқланади (ЛАЭКВ.) Буни топишда № 2 синфга мансуб товушнинг энг кичик чегараси (бу вазиятда у 33 дБАга тенг) ва L ларни қўшиб, уларнинг йиқғиндисини чиқарамиз:

ЛАЭКВ.к33к28,5к61,5 дБА

9. Топилган эквивалент даражаси, “Санитария меъёрлари”даги йўл қўйиладиган даража (дБА) билан солиширилади. Бу меъёрларга асосан кундуз кунлари тураг жой бинолари хоналарида шовқиннинг йўл қўйиладиган даражаси, тегишли тўғриланишлар билан биргаликда 45 дБА дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Шунга кўра, келтирилган мисолиниздаги шовқин даражасига эътибор берадиган бўлсақ, унинг 16,3 дБА га ортиб кетганлигини кўрамиз. Демак бу ерда транспортлардан ҳосил бўладиган шовқинларни камайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриб чиқиш ва қўллаш лозим бўлади.

Масалан, магистралдаги тошлиқ қопламаларни асфальто-бетонли қоришмалар билан алмаштириш, икки тарафлама 30 метр кенгликда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш.

Транспорт шовқинини ҳисоб-китоб йўли билан топиш тегишли қийматларни жадвалдан топиш орқали бажарилади. Бу жадваллар асосига қуйидаги маълумотлар киритилган: кўчалардаги кўп марталаб ўлчанган транспорт шовқини даражаси ва шу вақтнинг ўзида кўчадан ўтган транспортлар сони, транспортлар таркиби ва уларнинг тезлиги.

Бу усулнинг аҳамиятга молик томони шундаки, инструментал усулдан фарқли ўлароқ, унда шовқин даражасининг кутилаётган қийматини аниқлаш мумкин бўлади.

Яшаш жойлари майдонларини шовқиндан ҳимоя қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиша, санитария врачи фаолиятида эса-аҳоли яшаш жойларини қўриш ва қайта куриш ишларида огоҳлантирувчи санитария назоратини амалга оширишда бу усул катта аҳамият касб этади.

Ҳисоб-китоб усулидан жорий санитария назорати босқичида ҳам шумомерлар йўқ вақтларида фойдаланиш мумкин, шунингдек, катта микдордаги транспортлар ҳаракатланадиган магистраллардаги шовқин режими ҳақида тасаввурга эга булиш учун тезкор усул ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб усули орқали олинган маълумотлар, аҳоли яшаш жойларидағи транспорт шовқияни ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун, тахминий маълумотлар ҳисобланади. Хар бир аниқ ҳолатлар учун бу маълумотлар инструментал йўллар билан ўлчаш орқали асосланиш лозим.

Туар жой қурилиши майдонларидағи транспорт шовқини даражасини ҳисоблаш иккита босқичда амалга оширилади ва дБА ларда белгиланади:

а) кутилаётган шовқин даражасини транспорт магистралининг ўзида ҳисоблаш;

б) кутилаётган шовқин даражасини туар жой майдонларининг магистрал яқин қисмларидағи белгиланган нуқталарида ҳисоблаш.

Биринчи босқичда олинган ҳисоблаш натижалари ҳақидаги маълумотлар, иккинчи босқич учун бошлангич маълумотлар ҳисобланади.

Магистраллардаги кутилаётган транспорт шовқинини ҳисоблаш (L_{A7}) учун, биринчи даражадаги харакатланиш жойидан 7 метр оралиқдаги масофада ўлчаш ишларини ўтказиш лозим.

Бу ҳисоблашларга киришиш учун, қуйндаги маълумотларга эга булиш зарур:

1. Ҳисоблаш ишлари олиб борилаётган жойдаги магистралдан 2 тарафлама йўналишда харакат қилаётган ва 1 соат ичида ўтадиган автомобилларнинг умумий сони.

2. Юк автомобиллари ва жамоатчилик транспортлари шунингдек дизел двигатели автомобилларнинг алоҳида ҳолдаги миқдори (Ўтган транспортларнинг умумий миқдорига нисбатан ҳар бир тур автомобилларининг % миқдори).

3. Транспорт оқимининг ўртача тезлига (км-соат)

4. Харакатлаги транспорт оқими ичида трамвай ва уларга ўхшаш турларнинг мавжудлиги

5. Кўчанинг ўтиш қисмидаги йўлларнинг қопламалари тuri ҳақида маълумот.

6. Кўчанинг ўтиш қисмida уни иккига ажратиб турувчи чизиқларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг кенглиги (м)

7. Магистраллардаги қиямиклар давомийлиги (О га нисбатан % ларда).

Лойиҳалаштирилаётган кўчалардаги шовқиннинг даражасини олдиндан билиш учун огоҳлантирувчи санитария назорати босқичида кўрсатиб ўтилган барча маълумотлар ва бошқа керакли маълумотлар лойиҳа материалларидан олинади (тушунтириш хати ва чизмалар).

Курилаётган худуд кўчаларида юқорида кўрсатилган маълумотлар табиий шароитларда олинади. Ўтаётган автомобиллар оқини сони бир

соат мобайнида саналади, агарда транспортлар оқими катта миқдорда бўлса бу вақтни 30 дақиқага ёки 15 дақиқагача қисқартириш мумикн, фақат бунда олинган маълумотларни 2 ёки 4 га кўпайтириш лозим бўлади. Магистраллардаги транспорт шовқинини даражасини ҳисоблаб топишда (L_{A7}) жадвалдан фойдаланилади.

Жадвалдан фойдаланилганда баъзи ҳолларда унга ўзгартериш ёки қўшимчалар киритишга тўғри келиб қолиши мумкин, чунки у маълум бир хил шароитлардаги автомобиллар оқими таркиби ва уларнинг тезлигини эътиборга олган ҳолда тузиб чиқилган. Бундан ташқари, ўзгартеришлар маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқилган ҳолда ҳам киритилиши мумкин.

Транспорт шовқини даражасининг улчалган қийматини аниқлашда (магистрал ёки кўчада) қуидаги тенгламадан фойдаланилади:

$L_{A7} = L_{A7\text{ жадв.}} + A_1 + A_2 + A_3 + \dots + A_n$ дБА

Бунда, $L_{A7\text{ жадв.}}$ – L_{A7} нинг жадвал қиймати (дБА)

A_1 – транспорт оқимидағи автомобиллар таркибига қўшимча (дБА)

A_2 – транспортларнинг ҳаракат тезлигига доир тузатишлар;

$A_3 \dots A_n$ – маҳаллий шароитга доир бошқа қўшимчалар, дБА

Транспорт магистраллари билан аралашиб кетган худудлардаги транспорт шовқинини ҳисоблашда (L_{AN}). Дастребки маълумот бўлиб магистралнинг ўзидағи транспорт шовқини (L_{A7}) ҳисобланади.

Шовқининг ушбу даражаларини ҳисоблашда қуидаги тенгламадан фойдаланилади:

$L_{AN} = L_{A7} + (a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_n)$ дБА

Бунда:

a_1, a_2, a_3, a_n –

шовқинни камайтириш юзасидан кўзда тутилган ёки мавжуд режалашт ирилган, кўрилган ва бошқа шовқиндан ҳимоя қилиш чораларига бўлган тузатишлар (қўшимчалар), дБА.

Тез-тез ишлатилиб туриладиган қўшимчалар иловада келтирилади.

Ҳисоблашга мисол: Транспорт шовқинининг туар жойларга яқин ердаги кутилаётган даражасини аниқланг. Туар жойлар магистраллардан 50 метр масофада жойлашган.

Жадвал 40

Магистраллар ва аҳоли пункти кўчаларидаги шовқиннинг кутилаётган ҳисобланган даражалари. Темир излорда ҳаракат қиласидаги транспорт турларидан ташқари транспортлар оқимининг ўртача тезлиги 40 км/секунда ва таркибининг 60% ини юк ва жамоат транспортлари ташкил этса. (Дизел двигателли автомобиллардан ташқари)

Икки томонлама йўналишдаги ҳарақат интенсивлиги (экипажлар-соат)	40	50	5000
Товушнинг ҳисобланган даражаси (дБА)	68	68,5	80

Кўча нишабликларсиз, кум-тош қоплама билан қопланган. Магистрал ва уйларнинг ўтиш қисмида 2 қаторли кенглиги 20 метрни ташкил қиласидиган қўкарамзор майдон, яъни ҳимоя қатламини ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Магистралдаги кутилаётган транспортлар ҳаракати интенсивлиги эрталабки “қизғин” вақтларда (иккала тарафга йўналган) соатига 1400 та автомобиллар тўпланини ташкил қиласиди, уларнинг ўртача тезлиги 35 км-соатни ташкил этади. Транспортлар оқимини таркиби: 30% юк ва жамоатчилик транспортлари, 17%-дизель двигателли автомобиллар.

Кўрсатилган масалани ечишда авалло магистралдаги шовқин даражаси аниқлаб олинади. Бунинг учун эса қуйидаги амаллар бажарилади:

1. Жадвалдан ҳаракат интенсивлиги 1400 экип-соат бўлгандаги шовқин даражаси (L_{A7} жадв) топилади, бу тахминан 77 дБА ни ташкил қиласиди.

2. Иловадан тузатишлар топилади.

A_1 – транспорт қисмига: юк ва умумий – транспорт - -2 дБА;
Дизель двигателли автомобилларнинг мавжудлиги $\kappa 1$ дБА.

A_2 – транспорт оқимининг тезлиги - -1 дБА

A_3 - қопланган магистраллар - $\kappa 5$ дБА

A_4 – кўчанинг киялиги – 0

A_5 – ажратиб турувчи йўлканинг кенглиги – 0

3. Келтирилган маълумотларни умумлаштириб (ҳисоблаш тенгламасига асосан), магистраллардаги шовқиннинг кутилаётган даражаси ҳисоблаб топилади

$L_{A7} \kappa 77 \kappa (-2 \kappa 1 - 1 \kappa 5) \kappa 80$ дБА

Кейин берилган уйдаги транспортлардан ҳосил бўладигн шовқиннинг кутилаётган даражаси аниқланади:

Иловадан тегишли тузатишлар топилади:

a_1 – худудулий оралиқ-12 дБА, a_2 – қўкарамзорлаштирилган ҳимоя кенглигига -8 дБА.

2. Бу тузатишларни умумлаштириб хамда юқорида ҳисобланган магистраллардаги шовқиннинг даражасини кўшган ҳолда, топширилган уйдаги шовқиннинг кутилаётган даражаси ҳисоблаб топилади

$L_{AN} \kappa 80 \kappa (-12) \kappa (-8) \kappa 60$ дБА

Олинган қийматни транспорт шовқинининг турар жой биноларидаги йўл қўйиладиган қиймати билан солишириб кўрамиз йўл қўйиладиган қиймат 45 дБА ташкил қиласди ва ундан ортаслиги лозим.

Бироқ “Санитария меъёрлари”да кўзда тутилган тузатишларни ҳисобга олиб:

1. Транспорт шовқини характеристи учун (кенг кўламли шовқин) – 0 дБА

2. Объектларнинг жойлашган ўринларига (лойиҳаланаётган яшаш жойи) – 0 дБА

3. Кун вақтига-қ10 дБА

унинг интенсивлиги 55 дБА гача бориши мумкин:

45≤0≤10≤55 дБА

Шундай қилиб, кузатилаётган уйнинг кутилаётган шовқин даражаси 60 дБА бўлиб, 5 дБА га санитария меъёрларидан ортиқ.

Бундан келиб чиқадики, лойиҳада шовқинни камайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўзда тутилишини талаб қиласди, яъни қопламаларни асфальтобетонли қопламаларга алмаштириш лозим.

Бу транспорт шовқини даражасини 5 дБА га пасайтиришга олиб келади.